

**УҖАÅÊÈÑØÍ ÐÅÑÍÓÁËÈÀÑÈ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

*Э. Гулметов, Т. Кобилжонова,
Ш. Эрназаров, А. Маврулов*

МАДАНИЯТШУНОСЛИК

Маърузалар матни

*Укув дастурлари, дарслеклар ва укув кулланмаларини кайта куриб чикиш ва ян-
гиларини яратиш буйича Республика мувофикаштириши комиссияси тавсия
этган.*

Тошкент - 2000

Такризчи: А. Болиев

МУКАДДИМА

Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги тизимида укитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар таркибида Маданиятшунослик (Маданият тарихи)- энг ёш фан. Бу фан барча укув юртларида Мустакиллик йилларидан эътиборан укитила бошланди. Бу жамият хаётини маънавий согломлаштириш йулидаги дастлабки кадамлардан бири булди. Аслида элимизда маданий-маънавий ислохатлар юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуси билан 1989 йилнинг 21 октябрида узбек тилига давлат макоми берилишидан бошланди. Мустакилликнинг туртинчи тонгида шеърият сохибкорони Мир Алишер Навоий бобомизга ёдгорликнинг очишлиши, 1991 йилнинг 5 сентябр куни Тошкентнинг бош майдонини «Мустакиллик майдони» деб номланиши калбларга шуур бахшида этди.

«Мустакиллик, – деган эди И.А. Каримов, – бизни мустабид ва мафкуралашган кишанлардан озод килди. Узбек халкига уз юртида бошини баланд кутариб юриш, уз маданияти ва анъаналарини, қадр кимматини, дини ва эътиқодини, она-тили ва маънавиятини тиклаш имконини берди».

Маданиятшунослик фанини укитилиши куйидаги зарурият ва омиллар билан белгиланади;

Биринчидан, Мустакиллик жамиятнинг барча жабхаларида-ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-маърифий соҳаларда жаҳон тажрибаси ва миллий узлиқ асосида чукур ислохатларни амалга оширишни табиий равишда кун тартибига кўйди. Бу эски ижтимоий тизимдан янгисига утиш демак. У эса енгил кечмайди. Ёшлар бу жараённинг моҳиятини тугри англамоги, ижтимоий фаол булмоги учун умуман тарихимизни хусусан маданият тарихини урганмоги, билмоги лозим.

Иккинчидан, Мустакиллик биз учун жаҳонга юз очди. Узбекистон жаҳонни таний бошлаганидек, жаҳон Узбекистонни таний бошлади. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий алоказалар кенгайди. Ёшларимиз хорижий мамлакатларда тахсил олмокда, узга халклар маданияти, удуми, анъаналари билан танишмокда. Бундай шароитда уз маданий-маърифий меросини яхши билмаслик кечирилмас хол. Улар жаҳонни хайратга солган аждодлар меросини нафакат билиши, унга муносиб ворис булмоклари лозим;

Учинчидан, Миллий гоя ва миллий мафкурани шакллантириш, гоявий бушликка йул куймаслик, ёшларни миллат ва истиклол манфаатларига зид гоялар, карашлар таъсирига тушиб колишини олдини олиш вазифаси миллий озодлик гояларини, буюк мутафаккирларимизнинг мероси ва асарларини атрофлича билишни талаб этади. «Миллат дардига дармон булмок» учун (Амир Темур) «фояга карши факат гоя, жаҳолатга карши факат маърифат билан бахсга киришиш, олишиш мумкин».¹

Туртинчидан, Маданиятшунослик фанини укитиш - талаба ёшларда жаҳон ва Ватан маданияти тарихи билан бөглиқ бой материалларни мустакил тахлил этиш тафаккур мустакиллиги, тарихий онг, асл зиёлиликни шаклланиши, мил-

¹ И.А. Каримов., Жамиятимиз мафкураси хал³ни - хал³, миллатни-миллат³илишга хизмат этсин, Т., 1998 й. 10-бет.

латимиз менталитетининг юксалишига йуналтирилган, шунга хизмат килмоги лозим.

Маданиятшунослик фани таркибига кура «Одабнома», Маънавият асослари курсларидан бирмунча мураккаблиги, тарихий материалларга бойлиги билан фарқланади. Кулланманинг биринчи бобида - ижтимоий ходиса сифатида Маданият тараккиётининг асосий конунлари, турли халқ ва даврларда амал килган маданиятларнинг умумий ва узига хос жихатлари ёритилади. Иккинчи бобдакадимдан хозирга кадар Шарқ ва ғарб мамлакатларида маданият тараккиётининг асосий боскичлари, Шарқ ва ғарб маданиятининг узаро алокаси, бирбирига таъсири хакида гап боради. Учинчи бобда- Марказий Осиё минтакаси маданияти тарихи, хусусан, Узбекистон худудида маданий тараккиётнинг тарихан теранлиги, кадимийлиги, уни жаҳон маданияти тарихида тутган урни мавзулари ёритилади.

Тақдим этилаётган китоб- Маданиятшунослик фани буйича тайёрланган дастлабки қулланма. Унинг таркиби, масалаларни куйилиши ва ёритилиш услуги юзасидан таклиф муроҳазалар булиши шубҳасиз. Муаллифлар билдирилган тавсия, таклифларни миннатдорчилик билан кабул киладилар.

МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ

1-МАВЗУ

МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. «МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ ТАЛКИНИ

Маъруза режаси:

Маданиятшуносликнинг предмети. Маданиятшунослик булимлари типологияси.

«Маданият» тушунчаси талкинида тарихийлик ва илмийлик.

Маданиятни инсон ва жамият хаётидаги урни хамда ахамияти.

Маданиятшунослик-маданият ривожланишининг энг умумий конуниятларини урганади. Унинг манбай инсоният яратган барча маданий кадриятлардир. Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргалиқдаги фаолиятини хамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқик килиш киради. Унинг тадқикот манбай булиб:

инсон яратган санъат соҳаси;

кишиларнинг муомала воситаси булган тил;

жамият бойлиги ва мезони булмиш билим;

ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;

жамиятда содир буловчи демографик ва этник жараёнлар хизмат килади.

Маданиятшунослик умумназарий фан хисобланиб, унга хос булган хусусият - инсоннинг маданий хаёти ходисасини тартибли тизимга солиб ёндашиш хисобланади. Шунингдек, маданият гуманитар билимларни узида мужассам килган холда намоён булиши билан бирга билишнинг ута мураккаб обьекти хамдир.

Маданият- бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина булиб колмай, айни пайтда у жамият тараккиётининг даражасини хам ифодалайди, яъни, жамиятдаги билим, мезон ва кадриятларнинг йигиндиси маданиятда гавдаланади. Маданиятни урганишда обьектив конуниятлар, ходисалардаги сабабий bogлиқлик хақидаги анъанавий тасаввурлардан фойдаланмаслик хам мумкин. Умумий бир соҳа сифатида маданиятга системали ёндашув бир-бирига таъсир этувчи турли маданият соҳаларининг узига хос хусусиятларини кисмларга булиб эмас, балки уларни яхлит тасаввур килиш имкониятини беради. Системали ёндашув тадқикотнинг жуда куп услубларидан фойдаланишга имкон яратади. Яъни, айрим бир услублар билан олинган натижаларни бошкаларига карама-карши куймасдан ва мутлаколаштирмасдан холоса чиқаришга асос булади.

Айнан, системали ёндашув маданиятга узига хос шаклда муносабат билдиранг холда кишилар хаёт фаолияти соҳаларини хам тушуниш имконини беради. Булардан маданият соҳалари, маданият институтлари ташкил топиб, улар аник тузилмага ва аник вазифаларга эга булган холда ижтимоий муносабатлар тамойили, коммуникация, маданий намуналарни ташкил килиб маданият тизимини белгилайди.

Маданиятшунослик фанининг куйидаги булимлари мавжуд:

1. Маданият фалсафаси- маданиятдаги мураккаб ва купмаксадли жараёнларни тахлил килишда ёндашувнинг энг умумий тамойилларини намоён килиб, киёсий тахлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, фалсафий асослаш билан боглик материалистик, позитивистик, объектив идеалистик ва бошка куплаб карашлар мавжуд. Уларнинг хар бирида инсоннинг табиат ва ижтимоий гурух (социум) оламида жисмоний, маънавий ва руҳий хаёт фаолияти-нинг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари ва узига хос тахлилий услублари ишлаб чикилган.

2. Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси)- инсонга боглик булмаган ва жамиятда мустакил мавжуд булган маданиятнинг узига хос шакли унинг тадқикот предмети хисобланади. Маданият ривожи жамиятнинг ички конуниятла-рига узаро боглиқдир, деб хисобловчи маданият морфологияси таккослаш, тахлил ва бошка услублар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилла-рини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо булишидан то инкиrozигачадир.

3. Маданият социологияси- бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аник жараёнларини урганиш билан шугулланади; бу хар хил социологик ахборотларни туплаш, кайта ишлаш ва тахлил килиш билан боглик булган маданият жа-раёнини эмприк (тажриба) тадқик килишда маълум маданият шароитида киши-ларнинг узаро муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён булади.

4. Маданият тарихи – хар бир маданиятни ноёб ва асл ходиса сифатида урга-нади; шунингдек, турли маданиятларни узаро таккослайди, уларнинг узаро му-носабати ва узаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фаркларини маданий тараккиётидаги узига хос ва умумий томонларни тадқик этади.

5. Маданият экологияси – замонавий инсон хаёт фаолиятининг барча сохала-рини: инсоннинг индивидуал хаётини, жамият хаёти, табиат билан узаро муно-сабатларини камраб олади. Бу маданиятшунослик тадқикотидаги энг янги фаол ривожланаётган сохалардан бири.

Маданиятшунослик фанининг асосий муаммоси инсон хисобланади, зеро мада-ният – бу инсон яратган нарсалардир. Маданиятшунослик инсоннинг олам би-лан фаол муносабатини ва бу муносабатлар унинг хаёт тарзида намоён булиши-ни, шахснинг ижтимоий ва маданий ролини, маданиятлар типологиясини урга-нади.

Маданиятшунослик фани маданиятни илмий изохлаб, унинг умумтарихий маз-муни ва маъносини белгилайди, ижтимоий-тарихий билимлар тизимидағи урни ва мавкеини асослайди.

«Маданият» атамаси хозирги замон илмий адабиётларда ранг-баранг маъноларда ифодаланган. «Маданият» ва «Культур» атамалари мутахассислар фикрига кура айни маънони англатиб, лотинча «ишлов бериш», «парвариш килиш» маъносини англатган. Кейинчалик «маърифатли булиш», «тарбияли», «билимли булиш» мазмунида ишлатилган. Узбек тилида кенг ишлатиладиган «Маданият» атамаси арабча «маданий»-»шахарлик» деган маънони билдиради. Агар амери-калик маданиятшунос олимлар А. Кребер ва К. Клакхонларнинг 1952 йилдаги

маълумотларига кура маданият ходисасига берилган таъриф 164 та булса, сунгги адабиётларда бу ракам 400 дан ортикни¹ ташкил этади.

Маданият ходисаси тавсифида жуда куп изохлар мавжуд «инсониятни яшаш усули; ижтимоий инсоннинг тулаконли фаолияти», «инсон томонидан яратилган мухит», «яхлит социал организм», инсоният яратган моддий ва маънавий кадриятлар мажмуи; сунъий-иккинчи табиат; инсонижодий фаолияти маҳсули; умуман жамият; жамиятнинг маънавий холати; жамият сифати; шартли белгилар тизими йигиндиси; меъёр ва андозалар ва хоказо.

Фарбий Европада маданият тушунчаси XVIII асрнинг охиридан эътиборан хозирги мазмунини касб этган булса-да, факат XX асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимидан мустахкам урин олди. Кишилик жамиятини бекиёс куламга эга булган ва доимий равишда узгариб борувчи маълумотларни муайян тартибга солишга ёрдам берувчи, умумлаштирувчи тушунчаларга булган эҳтиёжи маданият тушунчасини кенг таркалишига сабаб булди. Кадимги Римда «Маданият»- тушунчаси «ҳаётни маънавий жихатдан янада яхшилашга ва тозалашга каратилган гамхурлик» деган маънода хам фойдаланилган.

Маълумотларга кура, машхур Рим файласуфи-нотик Цицерон хам «рухият маданияти» атамасини ишлатган. Европа халкларида XVIII асрнинг охирларигача «Маданият» атамаси аклий-ахлокий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Куриниб турибдики, «Маданият» тушунчаси хилма-хил талкинига карамай кадимдан хозирги кунгача узмохиятини узгартирган².

Хозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавият, рухиятнинг узига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният «Табиий» турмуш тарзи асосида яшаган даврда: яъни териб истеъмол килиш, ов килиш, балик тутиш, чорвачилик ва дехкончилик билан шугулланган вактларида маданият тугрисидаги фикрнинг туғилиши мунозаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон уз маданияти билан «кушилиб» яшаган. Урф одатлар, эътиқодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ килмаган. Маданиятнинг автономияси намоён булиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият аста-секинлик билан инсониятдан тобора купрок мустакил булиб боради. Инсоннинг эса маданиятига тобеълиги ортади. Хозирги постиндустриал жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлокий соҳалардаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун маданиятни феномен сифатида идрок этиш, унинг ривожланиш конунларини тушуниш ва шу тушунчалар асосида маданиятни бошкаришга урганиш зарурият булиб колади.

Инсоният жамияти доимий ривожда булиб, у узгариб такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни узгача англайдилар ва кабул киладилар, узларига хос равишда тасаввурлари ва билимларини хосил киладилар. Биз хозирги даврдаги мавжуд муаммоларга ухшаш булган тусикларни утмишда одамлар кандай килиб енгигб утганларини ургана бориб утмишга

¹ Л.Ч. Керман, История культуры стран Европы Америки, М. 1987 й. 14-бет.

² Ҳаранг: ғазбек тилининг изошли лу²ати, М. 1981 й., 1-том, Энциклопедик лу²ат, Т., 1990, 1-том.

саволлар билан мурожаат киламиз, утмиш бизга жавоб кайтаради ва шу билан утмиш, хозирги замон ва келажак уртасида доимий мулоқот булиб туради.

Маданият – жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабхаларидан биридир. Маданиятсиз жамият булмаганидек, маданият хам жамиятдан ташкарида мавжуд булмайди. Мураккаб ижтимоий вокелик сифатида маданиятнинг узига хос хусусияти шундаки, у инсоният авлодларининг меҳнати ва билимларини узига сингдириб олади, саклайди ва доимий бойитиб боради. Маданият ижтимоий ҳаётнинг ворислиги, кадриятларини туплаши ва уларни келгуси авлодларга етказиб бериш билан бөглик булган соҳаларни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётнинг таркибий кисми сифатида маданиятни жамиятда тутган урни, жамиятнинг мазмунига ва таҳлил килинаётган ижтимоий борликнинг хусусиятларга бөгликдир. Ижтимоий жараён, кишиларнинг хатти-харакати, яъни социал фаолияти маданий идеалларни, кадриятларни, нормаларни карор топтирилиши ёки барҳам берилишида восита вазифасини, шунингдек кишиларнинг ижтимоий ва шахсий муносабатларининг шахслараро ва гурухлараро алокалари шакли вазифасини хам бажаради.

Маданият ижтимоий ҳаётнинг таркибий ва функционал жабхаларида ифодаланади. Шу жихатдан жамият маданиятни вужудга келтиради. Жамиятда вужудга келган маданият канчалик мураккаблашиб бойиб борса, унинг инсонга ва жамиятга таъсири мукаммаллашиб ва нисбий мустакиллиги кучайиб боради. Масалан, Антик жамият аллакачон утмиш, тарихга айланган булса-да, унинг маданияти хозирги кунда уз ахамиятини саклаб келмокда ёки биз бу давр маданиятини уша вактдагига нисбатан купрок биламиз. Шунинг учун маданиятга жамиятнинг маҳсули, фаолият услуги сифатида карабса-да, хар бир жамиятни у ёки бу конкрет маданиятнинг шаклланиш манбаи тарзида хам караш мумкин.

Ижтимоий тараккиёт фаолият билан маданиятнинг узаро муносабатларида узгаришларга олиб келади. Анъанавий ва индустрiali жамиятларда информацион фаолият мустакил соҳани ташкил этган булса, «компьютер инкилоби» шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация кимматбахо товарга айланди. Информацион фаолиятдаги билимлар синтези тизимидағи мураккаб узгаришлар муҳим карор топган гоялар ва кадриятларга таъсир этмокда. Маънавий маданият информациялари захиралари тупланиши оқибатида цивилизация тараккиётида ташкилотчи ва харакатга келтирувчи факторга айланди. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг узаро муносабатларида узгаришлар бошланди. Агарда дастлаб маданият фаолиятнинг мазмунига тулик бөглик булган булса, цивилизация жараёнлари оқибатида фаолият маданиятни тобора купрок иштирокида шаклланиши кузатилмокда.

Жамият тараккиётида тарихий инерциянинг катта таъсирини хам хисобга олиш керак. Инерциянинг таъсирида инсоният бажарилиши лозим булган вазифалардан тамоман бошка нарсалар билан машгул булади. Чунки жамоа тафаккури кийинчиликлар билан кайта курилади. Моддий бойликларни киска вакт ичида йўқ килиш ва ёки бузуб ташлаш мумкин, лекин маънавий кадриятлардан тезда воз кечиб унинг янгисини кабул килиб булмайди. Россия ва советлар империяларининг миллий маънавий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъана-

ларимизни «замонавийлаштириш» сохасида олиб борган сиёсати окибати нима билан тугаганлиги купчиликка маълум.

Биз маданият ва ижтимоий фаолият бир-биридан мустакил мавжуд булмаслиги, маданиятнинг тараккиёти масалаларини кискача куриб чикдик, энди маданиятнинг шахс фаолиятидаги урни ва ахамияти масаласига тухтасак.

Маданият ва шахс нафакат мазмунан бир-бирига якин булган, балки ички ва ташки томонлари жихатидан узаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий мухитда яшайди ва фаолият курсатади.

Комусий олам Абу Наср Фаробий «Бахт саодатга эришув хакида» рисоласида инсон камолатида жамоанинг роли катта эканлигини таъкидлаб шундай дейди: «Камолатга бир кишининг узи ёлгиз (бировнинг ёки купчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Хар бир инсоннинг тугма табиатида ва унга лозим булган хар кандай иш ва харакат жараёнида бошка бир инсон ёки купчилик билан муносабатда булиш, узаро алока килиш хиссиёти бор, одамзод жинсидан булган хар кандай инсоннинг ахволи шу: у хар кандай камолатга эришувида бошкаларнинг кумаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтоҷ ёки мажбурдир».

Унинг фикрича, инсон уз-узидан баҳтли хам булолмайди, камолатга хам эришомлайди. «Бу нарса унинг харакатларига, меҳнатига, касб-хунар эгаллашига, билимига ва фозил жамиятда яшашга boglik», дейди. «Давлатнинг вазифаси инсонларнинг баҳт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлок ёрдамида кулга киритилади». Фаробий давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга булган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини кайд этади. Фаробий жамият уз ривожида етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва нихоят фозил жамият, фозил шахар даражасига кутарилиши хакида фикр юритади.¹

Индивид ижтимоий турмуш ва маданиятга кай тарзда жалб килинганилигига, унинг табиий имкониятлари, харакати, хиссиёти, тафаккури социал-ахамиятли мазмун билан тулдирилганлигига ва маданий шакл касб этганлигига караб шахс сифатида карор топади. Маданият индивидуал ва ижтимоий хаёт билан узлуксиз бирликни ташкил топган вактгача мавжуд булади.

Маданият кишиларга тана аъзолари, инстинктлар ёки тугма истеъодод каби табиатдан берилмайди, хар бир индивид узининг шахсий тажрибаси асосида, мустакил равишда бевосита теварак атрофдаги кишиларнинг, жамиятнинг ва утган авлодларнинг туплаган тажрибаларини узлаштиради.

Индивидиум ижтимоий амалиёт махсули булган маданиятни узлаштириш билан бирга унга акс таъсир этади. Шахснинг шаклланиши жараёнида маданиятнинг моддий дунёсини хам бойитади. Шунингдек инсон маданият нормаларига амал килган холда нафакат табиатни ва жамиятни, балки, шахсий «табиати»ни хам узгартиради. Маданият шахснинг ички дунёси мазмунига, «иккинчи табиати»га айланади.

Шахснинг маданият билан узаро муносабати хеч качон тулик ва уйгун була олмайди. Ижтимоий ва индивидуал хаёт, шунингдек маданият стихияси бир-бири билан мос келмаслиги мумкин. Маданият доимо инсон билан чамбарчас boglik

¹ Маънавият юлдузлари. Т., 1999й., 68 бет.

булади ва усиз яшай олмайди. Лекин вокеликнинг мураккаб, яхлит бирлиги сифатида у уз ривожланиши конунларида ва борликка нисбатан мустакилдир. У маданий меросни узида мужассамлаштирган конкрет социал гурухларнинг маънавий хаётига нисбатан бойрок ва чукурроқдир. Маданият доимо кадриятларнинг энг йирик захираси, тажрибалар хазинаси булиб колади. Инсоният авлодлари ундан фойдаланадилар ва унга уз хиссаларини кушадилар.

Юкорида айтиб утганимиздек, индивид билан маданият уртасидаги муносабат мураккаб жараён хисобланади. Индивидни ижтимоий хаётда фаол иштирок этишига имкон берувчи психо-социал ва маданий дунёкараши ижобий ва салбий каратшларнинг йигиндисидан ташкил топади. Инсонга ишчанлик, фидоийлик, матонат, уткир зехн билан бирга калтафаҳмлик, ялковлик, шафкатсизлик, уз манфатларини тугри тушуна олмаслик, хакикий кадриятларни соҳтасидан ажратса билмаслик иллатлари хам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафакат кадрлаш ва саклаш, балки танкидий урганиш талаб этилади.

Кайд этилган сабаблар таъсирида муйян ишлаб чикириш усули хукмронлиги шароитидаги тарихан таркиб топган ижтимоий ва маданий мухитда жамият билан индивид уртасида нисбатан узгарувчан мувозанат булади. Бу мувозанатни хосил булишида маданиятнинг иштироки салмоклидир. Маданият шахсга таъсир этади ва унинг психологик холатини шакллантиради, шахснинг характеристика ва дунёни билишида муким урнашиб колади.

Шахс маданият билан қўйидаги соҳаларда муносабатда булади:

биринчидан, маданият таъсир этиш обьекти сифатида уни узлаштиради;

иккинчидан, маданий кадриятларни ташувчи ва ифодаловчиси сифатида конкрет маданий мухитда фаолият курсатади;

учинчидан, маданий ижодиёт субъекти сифатида маданиятни ривожлантиради. Маданият ва шахснинг узаро муносабатлари, унинг шахс хаётида тутган урни тугрисидаги мулоҳазаларимизга хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, табиат стихияли конуниятлар асосида ривожланиб борса, инсоннинг ички дунёси, ички «табиати» ни шакллантириш максадли, йуналтирилган асосда ташкил этилиши мумкин, бунда маданият инсониятга шундай имкониятни яратувчи мухим воситалардан бири булади.

Маданиятшунослик курси тарих, фалсафа, социология, этнография, социал психология каби бир катор фанларнинг кесишувида вужудга келган, янги социал гуманитар фан хисобланади. Унинг изланиш обьекти ижтимоий вокелик булган маданият ва инсон хаёти услуби хисобланади. Унда маданиятнинг вужудга келиши, ривожланиши, жамиятда амал килиниши билан багли масалалар тугрисида, маданият коидалари институтларнинг, кадриятларнинг жамият хаёти ва ривожланишидаги урни, узаро алоказлари жараёнлари урганилади.

Форобий «Акл маънолари хакида» рисоласида, акл, бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташки таъсир – таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Форобий фикрича, акл факат инсонгагина хос булган тутма кувват-руҳий куч билан баглик.

Форобийнинг акл, умуман билиш хакидаги таълимотида мантлик (логика) илми мухим урин тутади. «Мантлик санъати кишига шундай конунлар хакида маълумот берадики, бу конунлар воситасида акл чиникади, инсон соглом фикр юри-

тишга урганади», - деб ёзган эди у. Форобий мантиқ илми билан грамматика уртасидаги муштаракликни кайд этади: мантиқнинг аклга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нуткини тарбиялагани каби, мантиқ илми хам тафаккурни хакикий йулдан олиб бориш учун аклни түгирлаб туради.

Форобий логикаси мусулмон Шаркидаги сунгги мантиқка оид фикрларнинг ривожига катта туртки берди. Унинг билиш, мантиқ, акл хакидағи фикрлари инсон хакидағи таълимоти учун хизмат килади. Аклга эга булиш, билимли, мантикли булиш билан чегараланмай, у маълум ахлокий принципларга, ахлокий маданиятга эгалик билан якунланиши керак. Негаки хар бир даврда жамият ахлоки жамият маданияти деган мезон билан баҳоланаар экан, маданиятли инсонни ахлоксиз, эътиқодсиз, имонсиз ва аклсиз тасаввур килиш кийин.

Форобий: «Аклли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, утқир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зур истеъдодга эга, ёмон ишлардан узини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни окил дейдилар. Ёмон ишларни уйлаб топиш учун зехн-идрокка эга булганларни аклли деб булмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамок лозим»¹.

Форобий урта асрлар шароитида биринчи булиб жамиятнинг келиб чикиши, максад ва вазифалари хакида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда маданиятли жамиятнинг қуп масалалари- давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлок, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар камраб олинган. Курснинг асосий масаласи бу инсон тугрисидаги, унинг табиати ва имкониятлари тугрисидаги масаладир. Табиатнинг мавжудлик конуни хилма-хил булганидек, инсоннинг ички табиати, яъни маданияти хам табиий мухит, ижтимоий борлик ва тарихий даврлар таъсирида доимий равишда узгариб туради. Бу узгариш факт илгарилаб бориш, янги кадриятларнинг вужудга келишидангина иборат эмас, Бу бирон-бир соҳадаги бузилишлар, инкиrozий аломатларнинг кучайиши билан хам характерланиши мумкин. Хозирги замон илмий техника тараккиётининг табиий мухитга, маънавий хаётга ва бошка соҳаларга салбий таъсири фикримизнинг далилидир.

Маданиятшунослик курси маданий тарихий даврларни таҳлил килишда билишнинг уч боскичини табиий бирликда олиб карашга ҳаракат килади.

А) Конкрет даврнинг яхлит киёфасини, яъни унинг бадиий образини яратишига интилади;

Б) Инсоният борлигининг умумий динамикасида даврнинг маънавий урнини аниклайди (ижтимоий онг тарихида, фанда, санъат ва фалсафада урганилувчи даврга берилган баҳонинг эволюциясини хам уз ичига олади).

В) Конкрет даврнинг «мазмуни»ни таҳлил килади, яъни унинг хозирги давр тафаккурида кандай уринга эга эканлигини, унинг муаммоларини бизга кандай таъсир этишини, бизга кайси томонлари билан якинлигини, хозирги вазиятнинг кайси социал ва индивидуал камчиликлари унда актуаллашганлигини курсатади.

¹ Маънавият юлдузлари. Т., 1999 й., 67 бет.

Маданият типлари тарихий даврларга караб узгариб туради. Даврларнинг алмашиниши билан маданиятда хам сифат узгаришлари юз беради. Конкрет тарихий даврда яшаган кишиларнинг дунё тугрисидаги тасаввурлари, билими, маънавий кадриятлари тугрисида атрофлича маълумотга эга булишимиз учун биз шу даврнинг маданиятига мурожаат килишимиз лозим. Шунинг учун маданиятшунослик фани турли халкларнинг маданий ривожланиш тарихини жаҳон маданий тараккиётининг таркибий кисми сифатида урганиш билан бирга конкрет тарихий даврнинг ижтимоий тараккиётда тутган маънавий ривожланиши боскичлари, умумий конуниятлари, узига хос хусусиятларини хам урганади. Маданиятшунослик тингловчиларни турли тарихий даврлар маданиятлари ва социал гурухларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи тугрисидаги билимлар билан бойитади. Тарихий ва гуманитар билимларни тартибга келтиради, ижтимоий турмуш вокеликларини ягона мазмун асосида англашга ёрдам беради. Куплаб бетакрор ва мустакил маданиятлардан ташкил топган жаҳон цивилизациясининг бирлиги ва хилма-хиллигини қурсатади. Кишиларнинг фукаролик ва маънавий етукликка эришишларида, фикрлар ва кадриятлар плюрализмини кура билишда фан тараккиётини тугри баҳолаш кобилиятини хосил килишда муҳимдир.

«Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотdir. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассам» (Н. Бердяев). Негаки, хар кандай даврнинг хусусият ва даражаси маданият ривожи билан улчанади.

Маданиятшунослик фани муҳим тарбиявий вазифани хам бажаради. Инсонда зиёлилик хиссини тарбиялаш курснинг диккат марказида туради. Киши канчалик зиёли булса- деган эди Д.С. Лихачев- у шунча куп тушунади ва узлаштиради, унинг дунёкараши ва кабул килиш доираси шунчалик кенгаяди. Кишининг маданий савияси канчалик тор булса, у хамма янгиликларга ва «жуда эски»ликка нисбатан шунчалик бефарқ булади. узининг эски одатлари билан яшайди. Дунёкараши тор булиб, хамма нарсага шубха билан карайди. Утмишнинг маданий кадриятларини ва узга миллатлар маданиятларини билиш, уни саклаш, купайтириш, эстетик кимматларини кабул кила билишнинг ривожланиб бориши маданий тараккиётнинг энг муҳим воситалардан бири булиб хисобланади. Инсоният маданияти ривожланиши тарихи бу нафакат янги, балки эски маданий кимматларни излаб топиш тарихидир. Шунингдек, узга маданиятларни билиш, маълум маънода гуманизм тарихи билан кушилиб кетади. Бу бошка халкларга нисбатан хурмат, тугри маънодаги бардошлилик, тинчлик тилаш демакдир¹.

Зиёлилик тушунчаси илмий ва оддий онг даражасида таърифланиши жихатидан фарқ килади. Оддий онг даражасида интелегентлилик деганда олий маълумотга эга булган, асосан, аклий меҳнат билан шугулланувчи, билимли кишилар тушунилади. Илмий тушунишда зиёлилик бу маълумот даражасига, билимга, эрудицияга боғлик эмас деб талкин килинади. Инсон хотирасидан маҳрум булса, маълумоти булмаса хам агар у узга маданият кишиларини, санъат асарларининг кенг ва хилма-хил соҳаларини ва узгалар гояларини тушуниш лаёкатини саклаб колса,

¹ Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. М.Наука. 1979. стр.159.

интелектуал хаётга мослашиб кетса-бу интелегентлилик хисобланади. Демак, зиёлилик бу рухий холат булиб, айрим кишиларга табиатдан берилса-да, лекин инсон унга тинимсиз меҳнат ва изланишлар оркали эришади.

Маданиятшунослик фанининг яна муҳим вазифаларидан бири бу кишида ижодий кобилиятни ривожлантиришдир. Маданият факатгина моддий ва маънавий кимматлар йигиндисидан иборат эмас, балки ижодий фаолиятдир. Маданиятшунослик янги маълумотлар бериш билан бирга ёшларда маданият вокеликлари билан муносабатда булиш малакасини хосил килади. Хилма-хил маълумотлар бериш билан бирга тингловчиларда илмий тафаккур килиш услублари узликсизлиги, мантикийликни шакллантиради.

Курснинг тарбиявий функциясини тадбик этилиши, уни билиш функцияси билан кушиб урганилишини талаб этади. Тарихий даврлар маданиятини урганиш маданиятларни карама-карши кўйиш, уларга баҳо бериш, фарқ килиш максадларига эмас, балки янгиликни урганиш, бошка маданиятлар кимматларидан баҳраманд булишига хизмат килади. Бу вазифаларни бажаришда маданиятшунослик курси тарихий антропология-маданиятга яхлит феномен, дунё ва хаётни идрок этиш усули сифатида муносабатда булади.

Тарихий антропологиянинг энг муҳим тушунчаларидан бири бу менталитетдир. «Менталитет» - бу маданиятга тааллукли булган кишиларда у ёки бошка муҳитнинг муайян «аклий воситалар йигиндиси», «психологик мослама»ларнинг мавжудлигини билдиради. Улар инсонга узгаришнинг табиий ва социал борлигини мустакил кабул килиши ва идрок этишига шарт-шароитлар яратади. Бетартиб узук-юлук тушунчалар ва таъсирлар тафаккур оркали кайта ишланади, нисбатан тартибли дунё манзарасига айланади. Бу манзара инсон хатти-харакатида учмас из колдиради. Бир социал ва маданий умумийликнинг тегишли булган, тарихий жараёнининг субъектив томони хисобланувчи идрок ва хис килиш услублари тарихнинг объектив жараёнига кушилади.

Хозирги замон маданиятшунослик фани «маданият» тушунчасини кулланишига караб куйидагича урганади: а) Индивидуал-шахс маданияти; б) гурӯхий маданият-миллий, синфий, табакавий, касбий, оиласвий; в) макон ва замонда чекланган муайян типдаги жамият маданияти; г) инсоният маданияти.

Маданиятни кулланиш жихатидан турларга булиш мунозарали булса-да, биз уларнинг мавжудлигини инкор кила олмаймиз. Ижтимоий тараккиётларнинг тафовутларини йукотмайди, балки, аксинча, унинг хилма-хиллигини янада кенгайтиради. Шунинг учун уларни тобора чукуррок урганиш маданият тугрисидаги тасаввуримизни кенгайиб боришига хизмат килади.

Маданият тушунчаси кулланиш жихатидан хилма-хил булгани каби, кундалик хаётда (оддий онг) ва фанда хам турли мазмун касб этади. Биз «муомала маданияти», «меҳнат маданияти», «хатти-харакат маданияти» каби иборалардан фойдаланамиз ва уларга қунишиб колганмиз. Кундалик хаётда маданиятдан вокеликни баҳолаш тушунчаси сифатида ва шахснинг маълумотлилиги, хушмуомалалиги, озодалилиги, вазминлиги каби хусусиятлари билан бояглаб, тушунтиришга одатга айланган. Маданиятли киши тушунчасига кушиб ишлатилувчи сифатлар жуда кенг булиб, уни куллаш жамиятнинг умумий маданий даражаси ва шахснинг социал статусига бояликдир. Хозирги даврда «ишлиб чи-

кариш маданияти», «хизмат курсатиш маданияти», «дам олиш маданияти» ва бошкалар тугрисида куп гапирилмокда. Бу иборалар оркали маданият деганда ижтимоий институтларнинг самарали фаолият курсатишлари тушунилади. Баъзан маданият тугрисидаги тасаввурлар шахарлар турмуш тарзи, кинотеатрлар, театрлар ва кутубхоналарга тез-тез бориб туриш «маданий» кишилар билан дустлашиш ва чиройли нарсалар билан боялик деб фикр килинади. Рузномаларда, статистик маълумотларда «иктисод ва маданият», «фан ва маданият», «сиёсат ва маданият» иборалари куп ишлатилади, бунда маданият маънавий усткурма ёки ахлок ва санъат соҳалари билан чекланган. Илмий нуктаи назардан иктисадни, сиёсатни ва фанни маданиятдан ташкари турувчи соҳа деб хисоблаш хакикатдан йирокдир. Шунингдек, классик кадриятлар ва санъатнинг буюк намуналари, идеал ва юксак интилишлар маданиятга тааллукли соҳалар булиб, оддий, кундалик нарсалар унга ётдир деган фикрлар асоссиздир. Кундалик хаётда маданиятга факат кадриятлар йигиндиси сифатида каралиши хам тугри эмас, чунки маданиятда инсониятга зарарли булган, эскилил колдиклари, тулик текшириб курилмаган «янгиликлар» каби салбий нарсалар хам узлаштирилиши мумкин. Кундалик хаётда ва фанда маданият атамасидан фойдаланиш тугрисидаги мулоҳазаларни хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, маданият энг кенг маънода инсонни ураб турган табиатдан, ижтимоий муносабатларда ва бевосита узида стихияли равишда вужудга келган тайёр маълумотлардан фойдаланиши, онгли равишда ажратиб олишни такозо этади. Маданият табиатдан фарқ килади, анъаналар, рамзлар, тил, бевосита таклид килиш ва амалий урганиш оркали авлоддан-авлодга сингдирилади. Маданият шахс томонидан, унинг социал жиҳатдан шаклланиши жараёнида узлаштирилади ва асосан кенг таркалган ва купчилик кабул килган ахлок, тафаккур ва хис килишнинг парчаларидан ташкил топиб, индивидуал харакатлар хиссаси бунда жуда камдир.

Маданиятни илмий тушуниш оддий онгдан куйидагиларга кура фарқ киласди. Биринчидан, у жуда кенг булиб кишилар фаолиятининг барча услубларини, ижтимоий хаётнинг барча шаклларини уз ичига олади.

Иккинчидан, кундалик хаётда хиссий безаб курсатилган ва киммат жиҳатларга ургу берилган тасаввурлардан фарқ килиб, фанда тавсифий таъриф бериш билан чекланади.

Оддий онгда маданиятни тушунишнинг хусусияти бевосита унда амалий иштирок этилишига бояликлигидадир. Маданий вокеликларга инсон бефарқ муносабатда була олмайди. Унинг кадриятларга муносабати ва хиссий эмоционал тасаввурлари болалик даврида туплаган тажрибасидан бошланади ва кишининг жамиятда тутган урнига, ёшига, мавкеига хам бояликдир. Шу нуктаи назардан узига бегона булган урф-одатлар ва хатти-харакатларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда булади.

Фан эса бевосита умумий ахамиятга эга булган, объектив хакикатга мос тушунчалардан фойдаланиши керак.

Кадрият (аксиологик) улчови асосидаги таъриф. Бунда маданият инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий кимматларнинг йигиндисидан иборт деб талкин этилади. Маданият инсон фаолиятидан ташкарида мавжуд эмас. Бахолаш кадрият нуктаи назаридан вокеликни таҳлил килиш фаолияти-

нинг табиий ва зарур булган шартидир. Маданият нимада намоён булишидан катъи назар муайян кадрий улчовга эга булади. Маданият тушунчаси тараккиёт, тарих, инсон инсонпарварлик каби категориялар билан бир каторда туради. Инсоннинг фаолият натижаси, муайян кадриятларга эга булган вокелик предметли аксиологик таърифнинг негизини ташкил этади. У кишиларнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва аклий фаолиятни камраб олади. Бу таъриф камчиликлардан хам холи эмас. У вокеликни яхлит идрок этишга, натижаларни механик хисобга олишга асосланган. Бундай ёндошув вокеликка субъектив баҳо беришга имконият яратади. Аксиологик ёндошув доирасида маданият фаолият натижаси-утмишга айланиб колиб, утмиш ва хозирги замон билан табиий алоказалар бузилиши мумкин. Кадрий ёндошувнинг заиф томонларини курсатиш бошка даврга хос булган кимматлар тизимидан воз кечишини англатмайди.

Маданиятни «фаолият» тушунчаси асосида таърифлаш. Маданиятнинг умумий табиатини идрок этишга килинган харакат туфайли маданиятни кишиларнинг ижодий фаолияти жараёни сифатида тушуниш вужудга келди. Фаолият категорииси урганиш обьекти инсон булган фанлар харакатини интеграция килиш учун кулай имконият яратади. Маданиятни ижодий фаолият ва инсон фаолиятининг узига хос услуги сифатида таърифлаш концепцияси бир катор мухим масалаларда бир-бирини тулдиради. Жамият нафакат кайта куришга, балки анъ-аналарни, маданий ёдгорликларни саклаб колишга хам мухтождир. Жамиятнинг амалий ва назарий, моддий ва маънавий каби хар кандай фаолияти ижодий соҳа билан бирга узида фаолият курсатиш ва маданиятнинг узлаштириш аспектларини мужассамлаштиради. Ижодиёт фаолият кулами канча катта булса, маданиятнинг ишлаб туриши функцияси ва келгуси авлодларга етказиб бериш учун зарур булган фаолият кулами шунча кенг булади. Фаолият максадли йуналтирилган активликдир. Инсон канчалик фаол харакат килса, шунчалик маданиятнинг «чегаралари» йуқолиб боради. Бу чегаралар вакт, макон ва киммат улчовларига эга. Факатгина белгиланган вакт интервалида инсон фаолияти натижаларини тугри тасаввур килиш ва уларни режалаштириш мумкин. Фаолият натижаси, бошланишидан канчалик йирок булса, шунчалик уни маданиятга муносабати ноаниклашиб боради. Маконда ва киймат чегараларида хам худди шундай хусусиятлар мавжуд. Интенсив фаолият чегараларни кенгайтиради, лекин бунда вужудга келувчи вокеликлар мавжуд маданият учун бегона ва хатарли булиши хам мумкин. Шунингдек, ушбу ёндошувга хос булган маданиятнинг тирик асосидан фалсафий абстракциялар дунёсига утишга интилиши, хозирги даврга хос булган технократик тафаккур таъсирини кучайишига олиб келади. Ушбу таърифнинг кучли томонлари мавжудлигига карамасдан, амалда у тарихий-маданий излашишлардан йирок булиб колмоқда.

Информацион таъриф маданиятни «барча ирсий булмаган информациилар йигиндиси», уни ташкил этиш ва саклаш услублари сифатида таърифлаб, маданият информациялар омбори эмас», у нихоятда мураккаб ташкил этилган механизм булиб, у информациини доимий равишда энг фойдали ва кулай услубларни ишлаб чиккан холда саклайди, янги информацияларни кабул килади, уларни кайта маълумотларга айлантиради, уларни белгиларини бир тизимдан бошкасига утказади, деб изохлайди.

«Барча ирсий булмаган информациялар йигиндиси» деганда биз мисол учун хотираны тушунишимиз мумкин. Чунки хотира механик мазмунга эга эмас, балки ижодий жараён хисобланади. Хотиранинг энг муҳим маънавий ахамияти шундаки, у вакт турагини енгади ва улимга карши туради. Умумий хусусиятларга мувофик биз маданиятни хотира билан киёслашимиз мумкин. Бунда биз алоҳида олинган шахснинг хотирасини эмас, балки жамият хотирасини назарда тутамиз.

Ю.М. Лотманнинг фикрича бир катор коидалар, чеклашлар сифатида намоён булувчи ташкилий вазият маданиятни белгиловчи хусусияти хисобланади. К. Леви-Строснинг фикрига кура, «каерда коида булса, шу ерда маданият бошланади. Инсон табиатидаги барча умумийлик табиатга тегишли булади ва стихияли автоматизм билан характерланади, мажбурлаш нормалари билан белгиланувчи сифатлар маданият соҳасига тегишли булиб узида нисбийлик ва хусусийликни мужассамлаштиради»¹.

Ю.М. Лотман таъқидлайдики, «маданият энтропияси» информацияга айлантиришнинг энг мукаммал механизмидир. Бу механизм информациини саклаши ва узатиши билан бирга унинг куламларини кенгайтиради. Уз-узини доимий равишда мукаммаллаштириши ва ривожлантириб бориши унинг конунидир. Шунинг учун маданият бир вактда хам стабиллик хам динамизм хусусиятларини намойиш килиши керак. Шу маънода маданият тирик организм ва санъат асарларига хос булган хусусиятларига эга. Маданиятни инсоният томонидан яратилган яхлит бадиий асар сифатида кабул килишимиз лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Маданиятшунослик курси гуманитар фанлар каторида олий укув юртларида урганилиши хозирги давр талабига мос келади. Жамият хаётидаги мавжуд муаммоларни факат иктисадий, сиёсий тадбирлар ва хукук-тартиботни мустахкамлаш билангина тула хал килиб булмайди. Бунинг учун жамиятнинг маънавий хаётини хам кайта куриш талаб этилади. «Маънавият йук жойда- деган эди Президент И.А. Каримов- хеч качон баҳтсаодат булмайди».

Маданиятшунослик талабаларга жаҳон маданияти ва унинг таркибий кисми булган Узбекистон маданиятини ривожланиш тарихи, хусусиятлари, узаро алоқадорлиги муаммолари ва истикболлари тугрисида билим, куникма ва малакаларни бериш билан айни пайтда, миллий маданиятга ва узга миллатлар маданиятларига, кадриятларига уларни хурмат руҳида тарбиялашда, маданият ёдгорликларига ижодий муносабатда булишларида, маънавий жиҳатдан ривожлашишларида кумаклашади.

¹ Лотман Ю.М, Статьи по типологии культуры. Тарту. 1970. 7.6.

Таянч тушунчалар

Маданият, маънавият, индивидиум, социум, конуният, зиёлилик, интеллект, функция, менталитет.

Мавзу буйича тақоролаш учун саволлар

Маданиятшунослик фанининг предмети, у нимани урганади?

Маданиятшунослик илмининг асосий йуналишларини сананг?

«Маданият» атамаси фанда качон пайдо булган?

«Маданият» деганда кандай маъно ва ходисани тушунасиз?

«Маданият» тушунчасининг кандай асосий таъриф, таснифларини билан сиз?

Табиат билан маданият (иккинчи табиат) ни кандай фарқли томонлари мавжуд?

Инсон ва жамият хаётида маданиятни тутган урнини тушунтириңг?

Маданиятнинг ахамияти хусусидаги буюк мутафаккирларнинг фикрларини эсланг.

Маданиятнинг кандай типлари мавжуд?

Хозирги замон маданиятшунослик фани билан бөллигик билимларнинг ахамияти нимада?

АДАБИЁТЛАР

И.А. Каримов Истиклол ва маънавият. Т., «Узбекистон». 1994 й.

И.А. Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., «Узбекистон». 1998й.

Э.В. Соколов. Понятие, сущность и основные функции культуры. Л., 1989 г.

Н.Ю. Самойленко. Методические рекомендации по изучению курса. История и теория культуры. Т., 1990 г.

2-МАВЗУ МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ КОНУНИЯТЛАРИ

Маъруза режаси:

Моддий ва маънавий маданият ва уларнинг узаро алокадорлиги.

Маданиятнинг шахс ва жамият хаётидаги урни.

Маданият бойликлари (маданий кадрияллар).

Маданий жараённинг узига хослиги шундаки, маданият ходисаси хар доим шакл ва мазмун, борлик ва муносабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг рамзий мазмуни уйгунлигига эга булади. Моддий маданият ва маънавий маданият-маданиятнинг асосий икки сохаси булиб, бир-бири билан узаро алокада, узаро таъсирда ва бир-бирини таказо килган холда ривожланади. Моддий маданият хар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли хисобланади, уз навбатда маънавий маданият хам кайсиdir нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйгунликда мужассам булади.

Моддий маданиятнинг маънавиятдан тарихан айрилиги факат инсоният тараккиётининг бошлангич даврларигагина хосдир. Жамиядада маънавий фаолият маҳсус соҳага айлангач ахлокий мезонлар, дин, санъат, хукуқ, сиёsat, фан шаклланиб, маълум доирадаги кишилар бу соҳа билан шугуллана бошлади.

Узок вактлар фанда маданият деганда факат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки, борликни хакикат, яхшилик, гузаллик белгилайди деб хисоблашган. Шунинг учун, биринчи уринда илмий тадқикотларнинг асоси фан ахлок, нафосат булиб келди. Натижада, жамиятнинг моддий хаётини, унинг иктисадиётини урганишга эътибор берилмади. Моддий маданият тадқикот учун кизикарсиз, хисобланган.

Индустрисал жамиятининг вужудга келиши, унинг техникавий тараккиёти ва технологияларини тезда алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини урганишга мажбур килди.

Кишиларнинг амалий қайта узгартирувчилик фаолияти, уларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақорорий ишлаб чиқариш билан боғликлиги моддий маданиятнинг узига хос соҳаларга булиниши маданиятшуносликда муайян тадқикотларга зарурият тутдирди.

Моддий маданиятнинг **биринчи катта сохаси** бу меҳнат куроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника курилмалари. Хуллас, сунъий шароитда яратилган нарсаларнинг барчаси, шунингдек моддий маданиятнинг бу кисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият хаётининг моддий техника асоси деб аталади. Ишлаб чиқарувчи техника маданиятининг маҳсус кисмини ишлаб чиқариш технологиялари, меҳнат фаолиятида иштирок этувчи-ларнинг ижодий кулами, уларнинг техник билими, ишлаб чиқариш маданияти, жисмоний ва рухий имкониятлари ташкил килади.

Моддий маданиятнинг **иккинчи сохаси** ижтимоий хаёт ва унинг барча тармокларининг меъёрий харакатини таъминловчи куплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлик. Бу турли хокимият тузилма-

лари ва унга муносиб бошкарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, согликни саклаш ва дам олиш, буш вакт ва кунгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини саклайди, узгартиради ва кайта шакллантиради.

Моддий маданиятининг учинчи соҳаси (ишлаб чикарувчи ва кайта ишлаб чикарувчи) инсоннинг узи хисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси нафакат инсониятни шунчаки биомавжудотлик муаммоларини тадқик килмасдан, балки авлодларнинг узаро муносабатлари муаммоларини хам тахлил килади.

Инсон улгайиши ва жамоага мансублиги мезонидан бошка жамият маданияти аъзоси сифатида шаклланиши мумкин. Икки хил, баъзан инсонни икки турдан хам купрок маданиятга мансублиги уни куп томонлама, турли маданий оламга мансуб килади. Аммо, бунда маълум хавф хам яширин булади. Яъни, улгаювчи авлод жамиятга аралашуви жараёнида бегона маданиятларнинг аралашуви ёшларни узининг маданият манбаидан айрилишига, уз этник анъаналарини тушиунмаслигига олиб келади. Уз миллий маданиятидан маҳрум киши манкуртга айланади ва хар кандай маданиятга хам бефарқ муносабатда булади. Шунинг учун мерос, маданиятнинг узлуксиз анъанавий янгиланиш жараёнини таъминлаш ута мухим.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси доирасига инсон хаёт фаолиятининг генетик (ирсий), жисмоний (соматик), тиббий-биологик хусусиятлари хакидаги, жамиятда юзага келадиган ва тарихий тараккиётнинг узига хос хусусиятлари акс этувчи маданий анъаналар ва соглом одатларга тугри келадиган инсоннинг тартибли овкатланиш ва турмуш тарзи хакидаги билимлар мажмуи булган инсон экологияси муаммолари хам мансуб.

Умуман, моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чикариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради. Ишлаб чикариш воситалари моддий маданиятнинг муҳим кисмидир. Замонавий техника ютуклари жамият моддий маданиятнинг асосини белгиловчи жихатдир. Маиший турмушдаги истеъмол буюмлари хам хар бир халкнинг моддий хаёт даражасини белгилайди.

Шу уринда моддий маданият ишлаб чикариш ва истеъмол буюмларининг оддий мажмуудангина иборат булмай, уларни ижодий узлаштириш, янгидан яратиш, улардан мукаммал фойдаланиш усуслари хамдир. Бунда ижодий салоҳият, малака ва гоя янгидан моддийлашиб, шахс, жамият, миллат, халқ, давлат умуминсоний мазмун хам касб этади.

Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд булган буюмларни моддий ишлаб чикариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларини узичига олади.

Тарихий даврларда маданиятнинг кенг куламли ривожи цивилизация тушунчасида хам ифодаланади. Цивилизация ижтимоий ва моддий маданият тараккиёти боскичини билдириб, моддий маданиятнинг турдош номидир. Хозирги даврда цивилизация инсониятга бегона булган объектларни кайта узгартиришни билдиради, маданият эса инсоннинг фазилати ва холати, ташки дунёга бодликлиги ёки эркинлигининг мезонидир. Немис олими О. Шпенглер, цивилизация тафаккурни бир колипга солиб куяди, умум кабул килган хакикатларни мутлокатлаштиради, деб хисоблайди. Бундан ташкари, цивилизацияни урбанизацияга, хатто

оламни ноинсонлаштиришга олиб келади, Цивилизация ва фан узлигича маънавий тараккиётни таъминлай олмайди, бу ерда аклий, ахлокий ва эстетик ютукларни мужассам килган маънавий тузилма зарур деган фикрлар мавжуд.

Маънавий маданият анча илгаритдан урганила бошланган. Инсоният тарихи-нинг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аникланишга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари кандай сифатларга эга булишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёни-ни тушунтиришга уринганлар. Илгари мавжуд булмаган маданият ходисасини вужудга келтиришга хизмат килувчи ижодий кучлар хаёлат, фантастик тадки-котларга эътиборларини каратади. Инсондаги барча кобилият табиатан мавжуд булиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо булиш давридан бошланган. Ин-сондаги аждодлардан колган ёввойлик хусусиятлари табиат билан доимий узаро хамкорликда, уни узлаштириши давомида йуколиб, билими ривожланди. Ун-даги жисмоний ва руҳий жихатлар такомиллашиб, интелектуал ва хиссий имко-ниятлар кучайиб борди. Инсон жисмоний, фикрий ва хис килувчи мавжудод сифатидаги дастлабки давриданок узига хос дунёсини яратади: Моддий ва идеал дунёси тараккиётининг ҳар бир даврида фикрлаш ва хис килиш тарзи-нинг маҳсус аклий тасаввур тизими тупланди. Бунда барча умуминсоний мада-ният сингари турли ҳалклар томонидан яратилган мустакил маданиятлар ман-бай ҳам мавжуд. Инсоннинг идеал дунёси- бу узлуксиз харакат шаклининг бе-нихоя ранг-баранглиги, мураккаб меъёр, муносабатлар даражасига эга булган образлар ривожи ва вазифаси, типларнинг вокелик билан алокасидир.

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд, бирок, уларнинг барча-си илк бутунлик элементлари булиб колади. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлок, ҳукуқ, сиёsat, мафкура, миллий узлик маънавий маданиятнинг аник шакллари хисобланади. Алоҳида шаклдаги маънавиятнинг хусусияти маҳсус тузилиш ва маълум вазифалар мажмуидан иборат, ҳар бирининг узига хослигига ифодала-нади. Маънавий маданиятнинг айrim шакллари (фан, санъат) «чегараланган-ликда» фарқланади, яъни маънавий маданиятнинг аник соҳасига айланади, бошка шаклларида (ахлокий, эстетик) фаолиятнинг барча турлари коришиб ке-тади. Маданиятдаги хайратланарли функционал ҳакконийлик шуки, унда хеч бир ортиқча, шунчаки нарса йук, барча маданият ходисаси узаро фойдали уму-мий алокадорликда кечади. Тадқиқчилар маданиятнинг турли функцияларини курсатадилар. Жумладан:

Оlamни узлаштириш ва кайта узгартириш; бунда у мавжуд нарса-ларнинг жисмоний талабларини, шунингдек ижоддаги хаётий талабларни кон-дириш зарурати билан боғлик.

Химоя-мослашув вазифаси; жамият ва атроф-муҳит уртасидаги муво-фикаликни саклаш. Ушбу функция узок вакт кийин табиий шароитларда барча янги химоя воситаларини ишлаб чикишда ва қунитиришда (олов, тураг жой, кийим, дехкончилик ва хок.) одамнинг омон колишини таъминлайди. Кейинги вактларда ута жиддий булиб турган муаммо табиатни химоя килувчи восита-ларни яратиш, бунда экологик мезон, экологик тафаккурнинг кенг куламда ёйи-лишини амалга ошириш зарур.

Сигнификатив функция (белгилаш, руйхатга олиш мазмунида):- мазмун, маъно, ном, белгилар куламини ишлаб чикиш воситасида дунёнинг киёфа-сида, вокеликни белги тизимининг яратилиши. Сезгилар хам, ташки идрок хам, на шуурнинг бевосита кечинмалар холидаги йигиндиси хам йуналишни аниклаш тизимини инсонга таъминлаб бермайди. Бу вазифани маълумотларни узида сакламасдан, назарий моделлар ва ахборотлар билимини туплашни вужудга келтириш учун фактат материал булиб хизмат килувчи мазмун бажаради. **Ахборотларни узлаштириш ва йигиш функцияси** хабарларни йигиш ва саклаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (кулёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, охонрабо ёки ракамли ёзувлар) булиши мумкин. Хар кандай холатда ахборотларни ташкил килиш, унинг кадри ва мазмуни буйича тартибга солишининг маълум усули ва белгилар тизими зарур. хозирги даврда тил белгилар тизимининг кенг куллами ва ута ахамиятлиси булиб колмоқда.

Коммуникатив функция (алока алмашув)- моҳиятни аниклашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий хаёт доимий равишда энергия, ахборот, узаро амалий хамкорликни такозо килади, негаки, фактат турли типлпрнинг муносабати (анъанавий, функционал-ахамиятли, шахслараро, ишлаб чиқарувчи, маърифий-маданий) жамиятнинг тузум сифатида мавжудлигини ва унинг кейинги тараккиётини таъминлашга кодир.

Нормативийлик функция (мезон-меъёрий)- кишилар хулкини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва жамиятни бир бутунликда саклаш максадида мувофиклаштириш. Меъёр-коида кандайдир харакат ёки кандайдир предметлар, нарсаларни яратиш соҳасида аник курсатмадир. Онгли равишда урнатилган ёки куп асрлик анъаналарга таянувчи мажбурий, такиковчи меъёрлар мавжуд (хукукий, ахлокий меъёрлар), бирок уларнинг мазмуни бор жамиятни барбод килмаслик учун кишилар фаолиятини тартибга солиш, аник чегаралар билан белгилаш.

Рухий ёки «лойихавий» муътадиллик- байрамлар, диний маросимлар, уйин, томоша жараёнларида рухий зурикишларни бартараф килиш. Коникарсиз истаклар, руёбга чикмайдиган ниятлар, амалда такикланувчи жанжаллар мавжудлиги рухий зурикишлар пайдо булишига олиб келиб, нафакат маълум бир шахс саломатлигига зарар етказади, балки, оммавийлик касб этиб, жамият харакатини издан чиқариши мумкин. Шунинг учун маданиятда кераксиз хиссиётдан халос булиш механизми ишлаб чиқилган.

Хуллас, кишилар яратган моддий ва маънавий кадриятлар, бойликлар уларнинг кобилиятлари, муносабатлари ва моҳиятли кучлари намоён булишидан иборат. Инсон маданият соҳасида бу маънавий кадриятларга уз муносабатини билдирар экан, айни вактда, узи ривожланадиган, узи узгариб турадиган моҳият сифатида хам намоён булади. Демак, маданият нарсалар шаклида, инсон фаолиятининг тайёр маҳсулотлари шаклида ва инсоннинг жонли кобилиятлари, билимлари шаклида яшаб туради.

Кишилар ижтимоий тажриба жараёнида зарурый моддий шарт-шароит ва хаёт воситаларини яратиш билангина кифояланмай, айни чогда уз онгини хам такомиллаштиради. Ижтимоий онг шаклларини (дунёкараш, ахлок, хукук, эстетик

онг) вужудга келтирадилар ёки маънавий ишлаб чикариш фаолиятни амалга оширадилар. Буларнинг мажмуи маънавий маданият соҳасини ташкил этади. Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари-тасавурлар, гоялар, илмий билимлар, диний карашлар, санъат соҳалари, ахлокий ва хукукий меъёрларни ишлаб чикаришдан хосил булади. Бундай маънавий кадриятлар узича пайдо булмайди, балки муайян тараккиёт боскичидаги узаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилади. Маънавий маданият – маънавий ижоднинг шунчаки маҳсулоти булмай, балки ижодий фаолиятни амалга оширадиган кишилар уртасидаги муносабатни хам билдиради. Шунингдек, маънавий маданият таълим ва фан соҳаси билан бөлгандан илмий фаолият ва билим олиш жараёни билан узвий булган билиш маданиятини, ахлокий ва эстетик маданиятни уз ичига олади. Натижада, маънавий маданият узаро узвий бөлгикда инсон маънавий фазилати ва фаолиятининг нарсаларда моддийлашган шаклида, инсон томонидан яратилган маънавий кадриятлар шаклида (илм, санъат, хукуқ, ахлок коидаларида) мавжуд булади.

Маданиятнинг куйидаги функциялари бевосита шахс билан бөлгик:

- **«Гоминизация»** - уругдошлик хусусиятларини урганиш. Маданият «аклли одам» учун хос булган-нутқ, нарсаларни рамзий ифодалаш (ёки мавхум тафаккур) хусусиятларини хар бир одам урганишга имкон яратади. **-Социализация-** (умумлаштириш)- жамият хаёти учун унинг хакикий аъзоси сифатида зарур хисобланган маълум микдордаги шартларни узлаштириш. Бу функция идрок, тафаккур, нутқ, сузларни кулланилиши, охангি, имо-ишора ва шама, типик ходисаларга муносабат тарзи, шунингдек, талаб ва кадрият йуналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усусларнинг мустаҳкамланиши билан бөлгик.

- **Инкультурация** - аввало уз халкининг, кейин эса умуминсоний маданий меросга (аралашиш) муносабатда булиш (Бу жараённи мухокама килишга алоҳида мавзуу багишланади).

- **Индивидуализация** - маданият маълум шахслар кобилияти, иктидори, хусусиятини ута ривожлантиришга мулжалланган. Шахс маданияти колган барча маданиятлар доирасида- (жамият, инсоният) энг асосий бугин булиб, бу хар бир аник шахс маданиятининг баркамоллик даражасига жамият ёки бутун инсоният маданияти бөлгик булишини билдиради.

Хар кандай жамият маънавий маданиятнинг таркибий кисми, бой билим олами булиб, у инсонни каерда яшаши ва харакат килишини, умуман, дунёдаги ва жамиятдаги урнини белгилашга ёрдам беради. Маданий кадриятлар инсон учун ута шахсий моҳият ва мазмун касб этиб, инсон у оркали бошка кишилар билан, бутун жамият билан муносабат урнатади. Кадриятлар жамиятга манзур булавчи ахлок шаклларини яратишда ва англашда инсонга ёрдам беради. Таксинга лойик жойи шундаки, инсонда бошкаларга нисбатан мунозарали эмас, балки мулойим муносабат шаклланади. Мунозаралар тугилган холларда жамиятни мустаҳкамлашга муносиб булган бартараф килишнинг кулагай усуслари то-пилади.

Жамият, аввало тарихнинг муайян бир тараккиёти боскичидаги табиатдан ажралиб чиккан моддий дунёнинг таркибий кисми булиб, ривожланувчи кишилар хаётий фаолиятларининг мажмуидир. Шунингдек, жамият кишилик тари-

хининг муайян боскичи ёки ижтимоий тизимнинг аник типи. Ишлаб чикариш муносабатларининг мажмуи ижтимоий муносабатлар дейилувчи жамиятни, яъни тарихий тараккиётнинг муайян боскичидаги жамиятни вужудга келтиради.

Шахс билан жамиятнинг узаро муносабатлари турли тарихий даврларда турлича булиб, шахс маданияти жамият маданиятини белгилайди ва шахс маданияти хам уз навбатида муайян бир жамият маданиятида шаклланади. Хар бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда узининг меъёрий кадриятларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди.

Жамият билан шахснинг узаро муносабати, шахснинг эркинлиги, унинг хукук ва бурчлари, инсоний кадриятлар хакидаги муаммо барча тарихий даврлардаги муҳим масала хисобланган.

Инсон табиатнинг олий маҳсули булиб, унинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йигиндиси билан белгиланади. Инсон айни пайтда хам тарихий тараккиётнинг маҳсули, хам унинг субъектидир. Ижтимоий муносабатлар инсонни ижтимоий вужудга айлантиради, дунёкарашини шакллантиради. Инсон ишлаб чикариш жараёнида факат нарсалар яратиб колмай, узини, уз шахсиятини хам кайта яратади. Бу жараёнда инсон узини такрор ижод килади ва шу жиҳатдан у ижтимоий мавжудотдир.

Одамларнинг ижтимоий моҳияти шахсда мужассамлашган холда уз ифодасини топади. Шахс одамнинг ижтимоий моҳияти ва ижтимоий фаолиятининг ифодаланишидир. Одам ижтимоий тажрибаларни узлаштириш натижасида шахсга айланади.

Инсон ижтимоий муносабатлар йигиндиси сифатида муайян хукук ва бурчларга эгадир. Бу унинг шахс эканлигини ифодалайди. Индивид шахсга айланниши учун бир канча хукук ва эркинликларга эга булиши лозим. Шахс дейилганди, умуман инсонни эмас, балки типик ва эркинликларга эга булган одам тушунилади. У ижтимоий шарт-шароитларга boglik bулган одамдир.

Индивид алоҳида бир киши булиб, бошкалардан фарқланувчи хусусиятларга эга. Индивид хам ижтимоий мавжудотдир. У ижтимоий тараккиёт жараёнида ижтимоий тажрибаларни узлаштириш асосида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг шахс тарикасида вояга ета бориши у мансуб булган тарихий шароитлардан, яшаб, таълим-тарбия олиб турган жамиятдан ажралмасдир.

Шахсни жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан ажратиб булмаганидек, жамият тараккиёти хам инсоннинг амалий фаолияти билан узвий boglikdir. Жамият билан шахс уртасидаги муносабат бир-бирига boglik, бир-бирини такозо киладиган муносабатлардир. Ижтимоий муносабатлар таъсирида шахс турмушининг турли-туман куринишлари, хусусиятлари шаклланади. Шахснинг шаклланнишида жамиятдаги ижтимоий муносабатлар хал килувчи рол уйнайди. хар бир шахсда у мансуб булган жамоага, миллатга, элатга, жамиятга хос жами хусусиятлар ва белгилар булади. Шахс уз хаётининг бутун мазмунини жамиятдан, кишилар жамоасидан олади. хар кандай шахс объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг узвий бирлиги таъсири остида шаклланади. Шахс камолатида объектив шарт-шароитлар хал килувчи рол уйнайди. Оила, укув даргоҳлар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, матбуот, махалла, куча сингари омиллар хам шахсни

тарбиялашда мухимдир. Объектив шарт-шароитларнинг шахсга таъсири субъектив омиллар оркали утади.

Шахс ижтимоий мавжудот сифатида муайян эркинликка хам эгадир. Унинг эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузилишига, мулкий муносабатларга хам боғлик. Эркинлик хар бир шахснинг табиий хукукидир. Шахсларнинг инсоний хукуклари ва эркинликларни чегаралаб куйиш, паймол килиш; миллий, диний камситишлар; иркчилик; халкларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий кадриятларига беписанд караш, уларнинг хукук ва манфаатларини камситишдир.

Шахснинг хукук ва эркинликларидан ташкари унинг жамият ва умуминсоният олдидағи бурчи ва маъсулияти хам бор. Инсон узи яшаб турган жамиятнинг конун-коидалари, тартиблари, ахлокий, хукукий нормаларига амал килмаслик, унинг муаммолари, кийинчиликларига бефарқ караш асло мумкин эмас. Хар бир мамлакатнинг конституциясида белгилаб куйилган конунларга амал килиш, бошка фукароларнинг миллий кадр-кимматини хурматлаш, жамият манфаатларига, турмуш тарзига, одоб-ахлок ва маданиятга зид ва ножуя харатларга муросасиз булиш, Ватанни химоя килиш ва бошка шу кабилар шахснинг бурчи ва маъсулиятидан иборат.

Хар бир шахснинг умумхалк манфаатларига тула тааллукли булган бурчлар ва маъсулиятлари хам булади. Булар табиатни муҳофаза килиш, унинг бойликларини қуриклиш, маданий-тарихий ёдгорликларни саклаш хакида гамхурлик килиш, бошка халклар ва мамлакатлар билан дустлик, тинчликни саклаш сингарилардир.

Барча цивилизацияли жамиятларда шахснинг эркини бугиб куйиш, унинг хукукларига йул бермаслик, унга хиёнат килиш ёки унинг жамият олдидағи бурч ва маъсулиятини бажармаслиги конун йули билан таъкиланади.

Барча маданиятли жамиятнинг хусусиятини, унинг мезон ва мазмунини зиёлилар белгилайди. Зиёлилик бу нафакат кенг билимга эга булишни, балки ташаббускорликни, жавобгарликни, ахлокий-эстетик журъатни ва тугма истеъдодни билдиради.

Зиёлилар-аклий меҳнатнинг хилма-хил мураккаб турлари билан шугулланувчи катламдир (фан ва маданият ходимлари, уқитувчилар, мухандислар, техниклар, шифокорлар).

Маданиятлилик деганда камтарлик, халоллик, ростгуйлик, саховатпешалик, инсонпарварлик, яхшилик, сахийлик каби инсоний фазилатларга эга булиш, ахлокий коидаларга тула амал килиш, уз миллати хамда бошка халкларни хам хурмат килиш хислатлари англашилади.

Зиёлилик аклий камолат эгаси булиш, назарий масалаларни англашга, илмий билимларни узлаштиришга тайёр булишдир. «Зиёлилик» юксак даражада камол топган интеллигентни, кенг билимли, юксак маданиятлиликни англатса, «Зиёли» кишиларни табакалари орасидаги ижтимоий катламни англатадики, бу катлам юкори малакали аклий меҳнат билан машгулдир.

Етарли билимга эга булмаган холда дунёдаги барча нарсалар тугрисида фикр билдирувчи киши дилетантдир. Дилетантлик маданият камлигининг белгиси булиб, чинакам маданият ва зиёлиликка алокаси йукдир.

Тарбиялилик зиёлиликтининг асосий белгиси булиб, унинг умумий маданий савияси купинча нутк маданиятида акс этади. Маданий нутк аввало тугри нутк демакдир. Маданиятли киши образли, ифодали ва чиройли нутк оркали уз фикрини баён килади.

Зиёлининг эстетик диidi баланд булади, яъни санъат асарларининг гузаллиги тугрисидагина эмас, балки кишиларнинг, табиатнинг ва жамиятнинг гузаллиги хакида фикр юритишга, куполлик ва адолатсизликка каршилик курсатиб уни бартараф килишга кодир булади. Хамма нарсада меъёр ва уйгунлик туйгуси зиёлиликтин юксак хусусиятидир.

Зиёлилик билим, илм ва тарбия билан камол топади. Зиёлилик тушунчасига умумий маданиятдан ташкари калб нозиклиги, умуман, хаётга муносабатда юксак онг, ижтимоий фаоллик хам киради. Демак, «зиёлилик» тушунчаси факат аклий мехнат кишисига тааллукли эмас. Зиёли деб чукур интелегентга, интуитив олийжанобликка эга булган, маънавий эхтиёжлари кенг хар бир кишини аташ мумкин. Маданиятшуносликни урганишдан максад зиёлиликтин тарбиялашдир. Зиёли- интелектуал шахс, унинг маданиятли кишидан фарки, жамият ва миллат такдирига маънавий жавобгар булган шахслигидадир. Интелектуал шахс индивидуал холатларда уз фикридан каноатланмайдиган, узига-узи карши борувчи, узини-узи инкор килувчи ички хусусиятларга эга булган зиёлидир. Зиёлининг шу хусусиятларида комиллик белгилари намоён булади.

Шахснинг комилликка эришувини таъминлашда жамиятдаги мехнат маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг сиёсий онглилигини ошириш, ахлокий ва эстетик нафосатини тарбиялашда маданиятнинг таркибий кисмлари, соҳалари катта вазифани бажаради. Шахсни социал жихатдан фаркланишига кура инсоннинг мехнат маданияти, муносабат маданияти, ахлок маданияти, бадиий-тафаккур маданияти, дунёкараши рухни олами хакида гапириш мумкин. Маданият ижтимоий тузилма сифатида илмий билимларни, тафаккурни, ахлокий-эстетик кадриятларни, ахлокий-хукукий низомларни, урф-одат ва анъаналарни камраб олади.

Шахс маданиятининг шаклланишида жамият маданиятининг куйидаги тизимлари ахамиятлидир:

Сиёсий маданият- кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, максадларини ифодаловчи сиёсий- хукукий гоялар мажмуи булиб, маънавий кадриятларнинг маҳсус тизимини ташкил килади. Бу маданият тарихий тараккиёт боскичларида жамиятнинг ижтимоий табакалари манфаатлари билан бодлик холда вужудга келиб, жамият сиёсий фаолиятига узвий бодлик. Сиёсий маданият, сиёсий фаолият сифатида, яъни инсонлар фаолиятидаги табиатни кайта яратиш ва узларини тарбиялаш жараёнларини камраб олиб, «сиёсий ишлаб чиқаришни» акс эттиради. Бунда сиёсий фаолият амалий жихатдан ижтимоий гурӯхлар (социум) нинг сиёсий хокимият учун булган харакатларини ифодалайди, маънавий-назарий жихатдан эса ижтимоий муносабаталарни табакавий дунёкараш руҳида англаш, муайян сиёсий гоялар, дастурлар ишлаб чикиш ва тарғиб килишни назарда тутади. Умуман, сиёсий маданият кишилар фаолиятининг манфаатли ва табакавий жихатдан узига хос шакли булиб, сиёсий муносабатларни табакалар, шахслар томонидан фаол узлаштириш жараёнини билдиради.

Сиёсий маданият таркибига: мафкура, сиёсий тажриба ва анъаналар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий фаолият усуллари киради.

Сиёсий маданиятнинг мавжудлик усули: жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги; амалий сиёсий маданиятдан иборатдир. Жамиятнинг сиёсий-маданий бойлиги- давлат бошкарувининг тарихий тажрибаси, сиёсий фаолият воситалари, усуллари, сиёсий билимлар мажмуидир. Амалий сиёсий маданият эса- жамият, гурух, шахс сиёсий хаётидаги мавжуд маданиятдир.

Сиёсий- маданият социал намоён булиш шакли жихатидан жамият сиёсий маданиятини социал гурухлар ва шахс сиёсий маданиятига ажратиш мумкин. Жамият сиёсий маданияти тараккиётнинг маълум бир боскичидаги сиёсий-ижтимоий кадриятлар, сиёсий тузилмалар, сиёсий фаолият усулларининг мажмуидир. Шахс сиёсий маданияти эса, индивид томонидан жамиятнинг сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий-рухий кадриятларини ва усулларини узлаштирилиши хамда амалга ошириши тизимиdir. Шахс сиёсий фаолиятида сиёсий маданиятни билиш ва амалий фаолиятда қуллаш даражасининг узаро богликлиги, яхлит бирлигидан сиёсий маданият таркиб топади.

Сиёсий маданият тараккиёти хукукий маданият билан боглик булиб, бу факат конунларни билиш, хукукий савиядангина иборат булмай, конунларга амал килиш ва уларга буйсуниш маданияти демакдир. Умуман, хукукий маданият- хукукий онг, хукукий муносабатлар, хукукий фаолликнинг бирликда намоён булавчи маънавий кадриятлар тизимиdir.

Иктисодий маданият тушунчасида иктисодий билимлар ва фикрлар услуби билан фаол ишлаб чикириш, иктисодий фаолият уртасидаги узаро алокадорлик омиллари намоён булади. Иктисодий маданият мазмунуда маданият ва иктисоднинг узаро таъсир хусусиятлари мавжуд булиб, таркибига иктисодий онг, иктисодий фаолият, иктисодий муносабатлар киради.

Иктисодий онг аввало, кишиларнинг ижтимоий ишлаб чикиришда уз урнини англашини билдириб, рационал билимларни, эмоционал туйгуларни узида ифодалайди. Иктисодий фаолият таркибига моддий ва номоддий ишлаб чикириш, меҳнат ва меҳнат маҳсулини узгартириш хам киради. Иктисодий фаолият субъекти инсондир. Муқаммал фикр ва юксак онг фаолиятда моддийлашсагина иктисодий маданият ходисасига айланади. Иктисодий тафаккур билан иктисодий онг иктисодий одобнинг мезони булиб, иктисодий онг фаолиятнинг фикрий образидир.

Ижтимоий муносабатлар иктисодий маданиятнинг асосини ташкил килиб, ижтимоий-иктисодий онгни белгилайди, уларда уз ифодасини топади. Шунингдек, ижтимоий муносабатлар ишлаб чикириш даражасини эмас, балки мулқ, таксимот, истеъмол билан боглик муносабатларни акс эттиради. Иктисодий муносабатлар номоддий соҳаларнинг хам кисми сифатида фаолият жараёнида вужудга келади, ривожланади, жамият иктисодий маданиятини ифодалайди. Иктисодий маданиятнинг мазмунини кишиларнинг турли соҳаларда максадга мувофик ижодий фаолияти, янги сифат натижаларини ташкил этади.

Жамият иктисодий маданиятида шахснинг иктисодий маданияти унинг узини камол топтиришини англатиб, нафакат маданият кадриятларини яратиши,

бойитиши ва истемол килиш даражасини, балки уз эркинлигини янги боскичга кутаришини таъминлайди.

Иктисодий маданият куйидаги функцияларни бажаради:

Билиш функцияси – иктисад фанларининг холати, фан асосларининг тажрибага тадбик этиш усули ва йулларини билиб олишга даъват этади.

Дунёкараш функцияси – асосан, маънавий-рухий мохиятдаги иктисодий дунёкараш булиб, иктисодий гоялар, карашлар, тасавурлар тизимидан иборат.

Тарбиявий функция – иктисодий маданиятни эгаллаш, билимлар йигиндисини эътиодга айлантиришдаги бош манба эҳтиёжлар ва манфаатлардир. Билимлар акл-идрок ва юракдан узлаштирилганда эътиодга айланади.

Амалий функция ёки ишлаб чиқариш функцияси- бунда иктиодий маданият маънавий ва амалий таъсир курсатиш хусусиятига эга булади.

Ахлокий маданият – жамият, социум, индивидлар томонидан ахлокий камолат меъёрларига эришиш даражасидир. Кундалик турмушда, кишилар фаолиятида амал киладиган ва узлаштириладиган ахлокий кадриятлар ахлокий камолат меъёрлари билан багликдир. Ахлокий маданият таркиби ахлокий онг, ахлокий муносабат ва ахлокий фаолият киради.

Ахлокий онг тарихан узгарувчи ахлокий муносабатларни англатиб, ахлокийликнинг субъектив жиҳатидир. Вокеликка ва инсон фаолиятига кадрият тарафидан муносабатда булиш ахлокий онгнинг мухим хусусиятидир.

Ахлокий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида куриниши булиб, ахлокий фаолиятга баглик холда кишилар уртасида таркиб топадиган узаро багликлик ва алокалар йигиндисидир.

Ахлокий фаолиятда инсон ёки жамиятнинг ахлокий онги, ахлокий муносабатлари яхлит намоён булиб, ахлокий талаблар, фазилатлар инсонпарварлик мохиятини касб этади. Ахлокий фаолият: ахлокий билимларни эгаллаш; ахлокий туйгуларни шакллантириш; узини тарбиялаш; меҳнатга меҳр; ахлокий тарбияланганлик ва ҳакозолардан ташкил топади.

Ахлокий меъёрлар ва коидалар узида аник тарихий мазмун, муайян жамиятнинг ижтимоий холатини акс эттиради. Ахлокий маданият инсон хулкининг аник куринишига эга булмасдан мавжуд була олмайди. Ахлокий маданият ахлокий онгдан ташкари кишиларнинг хулки оркали реаллашади.

Жамиятнинг ахлокий маданияти мазмунан индивид ахлокий маданиятидан фарқ килади. Жамият ахлокий маданияти ахлокий кадриятлар тизимини ифодалайди, шахс ахлокий маданиятида эса ана шу тизимнинг жиҳатлари индивидуалликда акс этади. Бу икки жиҳат бир-бирини такозо килади, бир-бирини бойитади.

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-хиссий фаолияти билан багланган муносабат ва кадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳасибу, инсоннинг теварак атрофини ураб олган вокеликка нисбатан буладиган муносабатида узини эркин намоён этишдир. Бу эркинликнинг мохияти шундаки, инсон предметга, унинг жинси ва турига мос меъёрни топиб гавдалантиради, уни кайта ишлайди.

Эстетик маданият жамият маданиятининг ихтисослаштирилган кисми булиб, унинг холатини санъат ва эстетик муносабатлар ривожланиши билан боғлаб тушунтириш мумкин.

Эстетик муносабатлар ва унга мувофик келадиган эстетик кадриятлар тизими эстетик маданиятнинг унсурлари хисобланади. Эстетик маданиятнинг хусусиятлари эса унинг негизини ташкил этувчи фаолиятнинг узига хослиги билан шартлангандир. Фаолият амал килмоги учун: фаолият субъекти, фаолият объекти, фаолиятнинг узи булиши керак.

Маданият тизимида фан- моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий кисми булиб, фан маънавий ишлаб чикиршининг маҳсули сифатида узида инсоннинг моҳиятли кучларини ифода этиб, маданият ходисаси сифатида намоён булади.

Фан маданият ходисаси сифатида билимларни ишлаб чикирш хусусиятлари назарда тутилади. Хар кандай тасаввур ва билимлар сингари фан хам ижтимоий практика, ижтимоий эҳтиёж туфайли юзага келади.¹

Маданият тизимида дин- инсоннинг эътиқод рамзи, охират ва хаёт тасаввурларининг маънавий ва моддий маданият сифатида намоён булишидир. Шунингдек, дин барча жамиятларда ахлокни шакллантирувчи соҳа булиб келди ва гоявий-сиёсий йуналишларга эга булди. Ибтидоий даврлардан бошлаб маданиятнинг таркибий кисми сифатида шаклланиб, жаҳондаги йирик маданиятлар: будда, христианлик, ислом цивилизацияларини яратди.

Кадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидандир.

Айрим тадқиқотчилар уни даврнинг эҳтиёжини белгилайди, яъни, тарихий хусусият касб этади деб хисобласа, бошка бир тадқиқотчи Рикерт аксинча, кадрият доимий, универсал хусусиятга эга дейди. Т. Парсонс кадриятни- меъёрий андоза деб айтади. Мазкур турли хил, хатто қарама-карши фикрлардан кадриятнинг маъноси куп киррали эканлиги англаради.

Кадрият - кишилар хаётида ута ахамиятли ходисадир. Уни маданият соҳалари руёбга чикарган ходиса сифатида боғликларда англаш мумкин. Шунда хужалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадиий, илмий, ахлокий кадриятлар ажralади. Расмий нуктаи назардан кадриятни ижобий ва салбий, узига хос ва доимий, мустакил ва шартли тарзда фарқлаш мумкин. Моддий нуктаи назардан кадрият хиссий (яъни оддий хис килиш органи)- бу хаётий, майший, техник, ко-никиш кадрияти ва бошка; ва маънавий-илмий, ахлокий, эстетик, диний ва бошкаларга булинади. Айрим кадриятлар (хужалик, техник, сиёсий) тарихий хусусият касб этиб, яъни маданият, давр узгариши билан улар хам узгариб туришини батафсилрок урганиш чогида аниглаш кийин эмас; бошка кадриятлар эса доимий, универсал хусусиятга эга (ахлокий, бадиий).

Юкорида таъкидланганидек кадрият ижтимоий фаолиятни тартибга солиб, индивидлар, гурухлар ва жамиятнинг муҳим ютукларига эришувини белгилайди. Ижтимоий куламдаги мазмун даражаси буйича кадрият узвийликга эга. Кадриятнинг дастлабки даражаси оддийлари орасидан ажралган аник нарсалар, холатлар, харакатларнинг афзаллари билан боғлик. Иккинчи даражаси эса, маълум

¹ М.Абдуллаев. Маданиятшунослик асослари. Фарӯона, 1998 й., 40-бет.

индивидга якин булган ижтимоий гурухлар кизикишга мос келувчи образлар харакати ёки фаолиятнинг танланиши билан бодлик. Учинчи даражаси- бу энг юксак умуминсоний максадлардаги танланиш булиб, бунда эзгулик, хакикат, гузаллик, адолат, тартиб, бойликка карама-карши ёвузлик, ёлгон, хунуклик, бетартиблик, кашшоклик мужассамликда намоён булади ёки бу такдир билан бодлик ута юксак танлаш хисобланади (буддизмда нирван, суфийликда фано сингари).

Кадриятларнинг иерархияга асосланган мураккаб тизимида индивиддаги сингари турли тоифадаги умумнинг хам узига хослиги асосий ва такрорий, марказий ва четдаги, устунлик ва холатдаги тарзларга ажратиш мумкин. Кадриятлар руйхати хар бир жамиятнинг миллий ва узига хос цивилизацияси билан бодлик холда кескин фарқланади. хамма даврларда, барча халкларда энг юксак кариатлар эзгулик, хаёт, меҳнат, севги, хакикат, баҳт сингари мезонларда ифодаланган. Кадриятларнинг муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятнинг хакикий ёки идеал неъматлари булган табиат ва жамият ходисаларнинг мохиятидир. Бу неъматларнинг кадриятлар дейилишга сабаб кишилар уларни кадрлайдилар, чунки бу кадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади.

Кадриятлар ичida энг асосийси ва умумийси хаётдир. Хаётдан маҳрум булиш колган барча кадриятлардан фойдаланишни йукка чикаради, колган кадриятлар аслида, хаёт неъматларининг мохиятидир, маданий кадриятлардир.

Кадриятнинг хаётдаги урни ва ахамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, максадлари, кизикишларидан келиб чикади. Айрим холларда эҳтиёж ва манфаатлар бир-бирига зид келиши мумкин. Муайян ижтимоий гурух, миллат, синфлар учун олий кадрият хисобланган ходисалар бошкалар учун кадрият булмаслиги мумкин. Табиат ва жамият ходисаларини кадрият туркумiga киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, максадлари билан белгиланади.

Кадрият дейилганда инсон ва инсоният учун ахамиятли булган, миллат, элат ва ижтимоий гурухларнинг манфаатлари ва максадларига хизмат киладиган табиат ва жамият ходисалари мажмуи тушунилмоги лозим.

Кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга булиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Улар мохиятига кура турларга булиниди. Аввало, инсон ва унинг хаёти энг олий кадрият хисобланади. Инсон эҳтиёжларини кондиришда табиий кадриятлар: ер ва ер ости бойликлари, бошка табиат неъматлари катта ахамият касб этади.

Инсон меҳнати, акли билан яратилган моддий бойликлар моддий кадриятлар хисобланади. Маданий-маънавий кадриятларга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек, жамият тараккиётида, инсон хаётида ижтимоий-сиёсий кадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар хам урин тутади. Ижтимоий-сиёсий кадриятлар ичida истиклол туфайли кулга киритилган баркарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида ахамиятга эга.

Кадриятлар амал килиш доирасига кура миллий, минтакавий ва умуминсоний турларга булиниди. Миллий кадриятлар мураккаб ижтимоий-рухий ходиса булиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жа-

мики моддий ва маънавий бойликларини, иктиносидий, ижтимоий-сиёсий хаёти-нинг барча томонларини камраб олади. Минтакавий кадриятлар иктиносидиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак булган халклар манфаатларига хизмат киладиган табиий ва ижтимоий ходисалар мажмуасини ташкил этади.

Умуминсоний кадриятлар мазмуни жихатдан чукур ва кенг булиб, умумбашарий ахамият касб этади. Умуминсоний кадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халкларнинг максад ва интилишига мувофик келади.

Миллий кадриятлар умуминсоний кадриятлар билан канча куп уйгуналашган булса, уларнинг тараккий этишига шу кадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний кадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараккиёти билан боғлиқ булган умумбашарий муаммолар киради. Булар: Ер юзида илм-фанни тараккий эттириш, тинчликни саклаш, киргин куролларини тухтатиш, табиатни муҳофаза килиш ва хоказолардир¹.

Таянч тушунчалар

Моддий ва маънавий маданият, сиёсий ва хукукий маданият, иктиносидий маданият, ахлокий-эстетик маданият, ижодий салоҳият, кадрият, цивилизация, коммуникатив функция, ижтимоий моҳият, дилетант.

Мавзу буйича такрорлаш учун саволлар

Маданият кандай соҳаларга булинади?

Моддий маданиятнинг асосий белгилари?

Маънавий маданиятнинг белгиларини сананг?

Маънавий маданиятнинг ахамияти нимада?

Маданиятнинг жамият хаётидаги функцияси;

Шахс фаолиятида маданиятни тутган урни;

Маданий кадриятлар деганда нимани тушунасиз?

Моддий ва маънавий маданиятларнинг узаро нисбати?

Маданият ривожида зиёли шахснинг роли.

Маданият кадриятларининг шахс баркамоллиги ва жамият равнакидаги ахамияти.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т., 1994.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998.

Ерасов В.С. Культура, религия и цивилизация на Востоке. Москва, 1990 г.

Иконникова С.Н. Диологи о культуре. Ленинград, 1989 г.

Культурология. Москва, 1996 г.

Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. Т. 1998 й.

¹ Ж.Т’ланов. Ҳадриятлар фалсафаси. Т., 1998 й. 10-20 бетлар.

З-МАВЗУ МАДАНИЙ ВА МАЊНАВИЙ МЕРОС

Маъруза режаси:

«Маданий мерос» тушунчасининг мазмуни.

Маданий мероснинг механизми.

Узбекистонда жамиятни мањнавий янгиланиши жараёнида маданий меросга муносабат.

Узбекистон уз мустакиллигини мустахкамлаш, жаҳон хамжамиятида узининг муносиб уринни эгаллаш жараёнида сиёсий, хукукий, ижтимоий-иктисодий, мањнавий-маърифий соҳаларда кишилар тафаккурида тубга узгариш,- миллий гоя— миллий- мағкурани шаклланиш жараёни кечмоқда. Бу жараён учинчи минг йиллик арафасида амалга ошмокда. Шу муносабат билан Президент И. Каримовнинг қуйидаги сузлари ута ибратлидир: «Биз келгуси асрга узимиз билан нимани олиб утишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечишимиз даркор?». Янги минг йилликда кандай муаммоалрнинг ечими бизнинг диккат эътиборимиз марказида турмоги лозим?¹ «Бу фикр маданий ва мањнавий меросимиз муаммоларини хал килишда асосий дастурӣ амалдир.

Маданий мерос- бу утмишдан колган кадриятлар, гоялар, тажриба, билимлар уларни узлаштириш йуллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил килиш хамда унинг натижалардир. Узлаштириш ёки аникроги, маданий мерос жараёни ута мухим булиб, маданиятнинг харакатдаги асосий ко-нунларидан бири хисобланади. Бу жараён инсониятнинг утмиши, бугуни ва келажагини бир бутун холда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютукларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, килинган кашфиётни кашф этиш керак булмаганидек, утмиш аждодлар килган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуклардан келиб чикиб жамият уз максадларини амалга оширишнинг киска йулларини танлайди. Бундан ташкари мањнавий мерос кишиларнинг савиясини бехад кенгайтиради, улар хаётини аклий ва хиссий жихатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи булиб хизмат килади.

Утмиш билан батамом узилиш мумкин эмас. Инсоният тарихида мутлако янги маданият яратишга уринишлар булган, бирок бундай уринишлар хунук натижаларга олиб келган. Бунга 1920 йилларда Совет Россиясида «Пролетар маданиятини» яратишга уринишни ёки «Маданий инкилоб»ни мисол тарикасида келтириш мумкин. Бу «Инкилоблар» жараёнида янги маданият яралмади, аксинча бори хам килинди: қулёзмалар, китоблар, суратлар ёкилди; меъморий ёдгорликлар бузилди, энг ачинарлиси маданий кадрият эгалари маҳв килинди. Окибатда утмиш билан боглик бузилиб жамият мањнан оркага кетди.

Маданиятнинг меъёрий ривожланиши уни асраб келгуси авлодларга мерос килиб колдиришни билдиради. Бирок, бу жараён оддий ва бир хилда кечмайди. Мањнавий кадриятларнинг мундарижаси, уларни кайта куриб чикиш ва кайта баҳолаш, уларнинг узаро богликлек усуллари, муносабат типлари, билимларни

¹ И.А.Каримов. Ӯзбекистон XXI аср б’са²асида. 1999 й. 3-б.

асраш ва узатиш, хаёт меъёрлари, вокеликни эстетик идрок килиш хусусияти узгармасдан колмайди, улар узлуксиз харакатда булади. Мерос серкирра ва куп киёфалидир. Унинг аник намоён булиши типларнинг қуплиги, тенденциялар хилма-хиллиги билан фаркланди. Хар бир янги авлоднинг ворислик механизми утмишдошларнинг тажрибасидан маданиятнинг турли соҳаларида фаркланди: санъатдаги улчам фандагидан бошқача; табиий фанлар гуманитар фанлардан фаркли. Ворислик (мерос) хар кандай соҳада инсоннинг ҳакикий узлаштиришида намоён булади, ва айни пайтда маҳаллий ёки дунё микиёсидаги жараёнлар шаклида хам ифодаланиши мумкин. Ворисликнинг маҳаллий (чекланган) шакли маданиятнинг қасбий (профессионал), миллий, этник ва бошка куринишларига эга. Бу фаолият маданий боскичларда бир меъёрда, теккис йуналиш шаклларида булмай, унинг бир боскичдан иккинчи боскичга сакраб утиши нотекис бухронлар хусусиятига эга. Инсониятнинг маънавий ютукларини мерос килиб колдиришда ворислик кенг микёсли (умумий) шаклда жараёнлар муффасал йуналишда амалга ошади. Масалан, Кадимги Миср заковати «Инжил», «1001 кече эртаклари» каби маданият ёдгорликларига ижобий таъсир килди. Яна, ер юзидаги барча ҳалкларнинг замонавий билим соҳаларига замин булган Бобил астрономияси, хинд математикаси, антик фалсафа, рим хукуки ҳакида хам шундай гапириш мумкин.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар булса, маълум ҳалкнинг маданият тарихи доирасида мерос колдириш жараёни яхширок кечади. Бошка соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир ҳалкка тегишли мерос бошка ҳалкларга хам тегишли мулкка айланди.

Кейинги авлодларга мерос колдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари кадимдан амал килади, бу – намойиш килиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошка усувлар кейинрок пайдо булди, бу – кино тасвири, охонрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятларда хам ҳакакатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини узгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий-иктисодий, сиёсий, гоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига bogлиq. Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик гоя хукмронлиги даврида ҳалклар, хусусан Узбекистонда хам узининг ҳакикий тарихий, миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман, маданий меросдан мутла-ко маҳрум булган ёки фойдаланмаган жамият ёки ҳалклар тарихда булиши мумкин эмас.

Маданий мероснинг механизми куйидаги хусусиятларга эга

Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жаъмики бойликка янги авлод меросхур булади, тарихий ахамиятини йукотган маданият урнида яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан куп нарсалар узлаштирилади. Утмиш тажрибаси бугун ва келажак учун хар доим аскотикиши мумкин, шунингдек, бугун унитилган нарсалар бутунлай йуколиб кетмайди. Масалан, В. Шекспир

юз йилча унитилиб, кейинги авлодлар учун жахон адабиёти ва драмматургия-сининг классиги сифатида танилди.

Утмишдан келажакка утиш жараёнида мероснинг узгариши. Маданий мероснинг утиш даврида хусусияти узгариши мумкин. Яъни, миллий гоя мавжуд нуктai назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талкиндаги мазмун касб этади. Мана шундай куринишда у келажакка мерос булиб утади. Бизнинг кунимизгача Сукрот ва Демократ асарларининг асл нусхаси сакланиб колмаган, бирок хар бир авлод уларнинг гоясини узи учун янгитдан кашф килади ва уларнинг фалсафасини талкин килувчи минглаб китоблар яратилади.

Утмишдан колган барча нарсалар бутунлай узлаштирилмайди, балки янги давр ва талабига, рухига жавоб берувчи, мохиятан зарур нарсаларгина олинади. Хозирда эскирган ва керакмас деб хисобланган нарсалар, келажакда балки янги мохият ва муҳим аҳамият касб этар. Аллакайси даврда колиб кетган кийиниш усули кутилмагандага одатга айланиши мумкин. Янги хаёт кадим донишмандчилигидан гоя олади.

Хар бир этнос, халк узининг мустакил, бетакрор, бехад ноёб маданиятига эга. Халклар хаётининг минтакавий, тарихий узига хослиги хар бир халк маданиятиниң ривожланиши учун шароит яратиб беради, у ёки бу этнос хаётининг сакланиб колиши ва бархаётлигига имкон тутдиради. Шу тарзда миллатлар олами-умумий коинот шаклланади, унда инсон ва уни тарихан ураб турувчи табиат уйгунлашиб этносларнинг ижтимоий рухиятига таъсир курсатади, миллий хусусият шаклланади ва унинг амалий фаолияти йуналишини аниклайди.

Мана шу бошлангич маданият оламида инсон туради, бу ерда унинг муҳим урни максади шаклланади, унинг диidi, хаётий орзуси пайдо булади. Инсон, маданиятларга меросхур сифатида миллий мулкини узлаштиради. Намунавий хулк кадриятларини асрарда ва келажакка колдиришда, жамиятда одамлар уртасидағи муносабатларни тартибга солувчи, аник баркарорлик булиши зарур. Маданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиш анъанасида, маданиятларни асрар усулида хам бу баркарорлик бор.

Анъана маданиятда янги одатлар билан уйгунлашиб кетади. Инсонга нафакат билим, шунингдек, хаёт фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши узлаштирилган маҳорат ва куникима хам зарур. Бирок, ижодкорликнинг бошланиши фикрлаш жихатдан дастлабки эслаб тасвиrlашдан кура сермаҳсулликни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиши жараёни билан бирга кечадиган ходисадир, яъни, инсонни нафакат жамиятда мавжуд булган маданий меъёрлар, анъана ва ибратлар, балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши хам куллади.

Юкорида таъкидланганидек миллий маънавий мерос муаммоси мамлакатимизда жамият учун ута муҳимлилик касб этмоқда. Чоризм мустамлакачилиги даврида Туркистон халкларининг маданиятига улар «колок» маданият деб паст назар билан карашган. Кейин советлар даврида Узбекистон халкининг маданий меросига бир ёклама муносабат хукмронлик килди. Тарихий хакикат, адабиёт ва санъат асарлари «синфий кураш», «халқчилик» каби гарид назария оркали баҳо берилди. Факат коммунистик гояга мос келувчи нарсаларга ютуқ сифатида каратди, колган барчасига хато деб ёки мутлако кишилар хотирасидан учириб

ташлашга уринилди. И.А. Каримов «Узбекистон XXI аср бусагасида» китобида таъкидланганидек, «Узок давом этган каттик мафкурунинг тазикиига карамай, Узбекистон халки авлоддан-авлодга утиб келган уз тарихий ва маданий кадриятларини хамда узига хос анъаналарини саклаб колишга муваффак булди. «Мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аждодларимиз томонидан куп асрлар мобайнида яратиб келинган гоя улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кутарилган нюхоятда муҳим вазифа булиб колди¹.

Жамиятимиз жадал туб узгаришлар холатини бошдан кечирмокда. Бундай даврда ҳар бир кишига мустахкам таянч зарур. Факат миллий гоя шундай таянч булиши мумкин. Факат миллий гоя ислоҳатлар йулидан муваффакиятли бориши учун миллатни бирлаштириши ва жисплаштириши мумкин. Узбекистоннинг келажаги тугрисида И.А. Каримов узининг мулоҳазаларида биринчи даражали килиб миллий гояни шакллантиришни куяди. Унинг асосида халкнинг ҳакикий тарихини кайтариш, миллий анъаналарни тиклаш, маданий ва маънавий меросни урганиш ётади. Худди шу гоя – XXI асрда Узбекистоннинг озод фуқороларининг маънавияти шаклланишида катта аҳамият қасб этиб, уларнинг уз Ватанини гуллаб- яшнаши учун фидоий булиши, уз халкининг буюк утмишидан фахрла- нувчи миллат фарзандлари булиб шаклланиши учун хизмат килади.

Узбек халкининг маданий мероси минг йиллар давомида яратилган. Унда турли даврларда Узбекистон худудида эътиқод килинган зардуштийлик, буддизм, ислом ва бошка динлар яратган маънавий-ахлоқий кадриятлар мужассамлашган; Унда-бутун дунёга машҳур имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Накшбандий, Яссавий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, А. Навоий каби куплаб буюк мутафаккирларнинг билими ва салоҳияти гавдаланган, бу меросда Амир

Темур ва Бобурларнинг давлатчилик ва сиёсий курилиш тажрибалари; буюк меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий санъат, музика, амалий санъат асарлари:

халк урф-одатлари ва анъаналари, миллий спорт турлари уйгуналашган.

Мустакиллик йилларида халкка унинг маънавий ва маданий бойликларини кайтариш борасида куплаб ишлар килинмоқда. Дастрлабки, энг муҳим кадам «Узбек тили ҳакидаги» конуннинг кабул килиниши булди. Бу билан узбек тилидаги халкнинг бебаҳо маданий ва миллий бойлиги макоми тикланди. Бухоро ва Хива шаҳарларидаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш борасида фаол ишлар олиб борилиб, ёдгорликлар шу даврда жаҳон аҳамиятидаги макомга эга булди. Бу шаҳарларнинг 2500 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллиги каби саналар катта тантана билан нишонланди. Ижтимоий-иктисодий муаммоларга карамасдан миллий маданиятни асровчи янги музейлар барпо этилди: Темурийлар даври тарихи музейи. Олимпия шон-шарафи музейи ва Узбекистон тарихи музейи янги мазмунда бойитилди. Макомчилар музейи ва бошқалар дунёга машҳур булди.

Халкка уз тарихи ва хотираси кайтарилмоқда. Миллий ва жаҳон маданияти ривожига улкан хисса кушган ватандошларимизнинг хизматлари ҳакида юбилей тантаналари утказилди. Утган йилларда Навоий, Бобур, Кодирий, Бехзод, А. Фарғоний юбилейлари нишонланди. Алоҳида тантаналар билан халкаро ми-

¹ И.А.Каримов, ӯзбекистон XXI аср б'са²асида., Т.1997 й., 137-бет.

киёсда Улугбекнинг 600- йиллиги, Амир Темурнинг 660- йиллиги, Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги утказилди. Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги ва «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Айникиса катогон курбонларининг бегунох хотираси тикланиши катта ахамиятга эга булди. Улар орасида куплаб маданият арбобларининг номлари бор: жадидчилик харакатининг йулбошчилари, шоир ва ёзувчилар-Мунавваркори Абдурашидхонов, А. Фитрат, Чулпон, Рамзий, Боту ва бошкалар.

Миллий анъаналарни тиклаш буйича хам куплаб ишлар килинди. Навруз, хайит каби кадимги халк ва диний байрамлар расман хаётга кайтди. Хайр муруваттудумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол устириш максадида Узбекистон Республикаси Соглом авлод учун жамгармасини ташкил килиб, дастлабки орденини хам шундай атади. Ногирон болалар учун «Мехрибонлик» каби саховат фестивали мунтазам утказиб келинмоқда. Узбекистонда халкаро кино, театр ва «Шарқ тароналари» каби мусикали фестиваллар утказиш яхши анъанага айланиб колди. Халк баҳшичилик санъатига эътибор кучайиб Республика конкурслари утказилди. Шунингдек миллий курашимиз халкаро макомга эга булиб, биринчи жаҳон Чемпионати утказилди.

Юкорида таъкидланганидек, маданий кадриятлардаги ворислик жараёни нафакат миллий маданиятлар ривожидаги ворислик булмай, балки бошка халклар маданиятидаги ютукларни умумлаштиришдан хам иборатдир. Марказий Осиё минтакасида яшовчи халкларнинг маданияти кадим замонларда хам ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан якин маданий алокалар асосида ривожланган. Маданий хамкорликнинг кенг кулами, этник ва диний мазмундаги чекланмаганлик Ватанимиз маданиятининг асосий хусусиятидир. Хозирги даврда хам миллий маданиятни тиклашга асосий эътиборни каратган холда Узбекистон халки жаҳон маданияти ва цивилизациясининг замонавий ютукларини эгаллашга харакат килиб, жаҳон маданияти ривожига хисса күшмокда. Бу борада жадал амалий ишлар келинмоқда: халкаро конкурс ва фестиваллар утказилди, чет мамлакатлар маданият кунлари ва санъат асарлари кургазмаси намойиш килинди, хинд маданият маркази, француз маданият уйи сингари доимий фаолият курсатувчи маданият марказлари очилди; уз урнида Узбекистон маданиятининг узига хос хусусиятларини назарий асослаш ва унинг жаҳон маданиятидаги урнини муносаб бахолаш иштиёки хам кучли. Бунинг далили сифатида «Мирзо Улугбек ва унинг жаҳон цивилизациясига күшган хиссаси» (1994). «Узбекистоннинг жаҳонда тутган урни ва роли. Бухоро ва жаҳон маданияти» (1995), «Урта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» (1998) каби мавзуларда утказилган халкаро конференция ва семинарларни курсатиш мумкин.

Узбекистон узининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халкаро микиёсидаги мавкеи тобора ошмокда. Бунинг яккол мисоли 1997 йилда ЮНЕСКО ижроия кенгаши аъзолигига Узбекистоннинг сайланиши ва 1998 й. 6 ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155 сессиясини утказилишидир. Унда Узбекистоннинг таклифи билан «Жаҳон маданият ва ЮНЕСКО нинг аъзо давлатларидағи фаолияти»деган хужжат кабул килинди. Жаҳон маданиятининг ажлалмас кисми хисобланган миллий маданий меросни асрарш ва урганиш режаси буйича Узбекистон

ЮНЕСКО билан узаро муносабатларини янада кенгайтириши ва республикада замонавий таълим тизимини такомиллаштириши мулжалланган.

Таянч тушунчалар

Маданий мерос, мерос механизми, ворислилиқ, маданий тараккиётда милийлик ва умуминсонийлик.

Мавзу буйича тақрорлаш учун саволлар

Маданий мерос нима?

Маданият тараккиётининг асосий конуини изохланг;

Маданият, анъана удумларни тула инкор этиш нималарга олиб келади?

Турли маданиятлар мулокотининг зарурлиги ва ахамияти?

Маданий ворислик механизми кандай амал килди?

Миллий байрам-анъаналарнинг ахамияти?

Узбек халки яратган кайси кадриятлар умуминсоний кийматга эга?

Маданий ва маърифий меросга нисбатан Узбекистонда кандай сиёсат амалга оширилмоқда?

Узбекистоннинг ЮНЕСКО фаолиятидаги урни.

Юртимизда маънавий меросни тиклашга каратилган кандай тадбирлар амалга оширилди?

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Узбекистоннинг уз тараккиёт ва янгилаш йули. Т.1992 й.

Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида. Т. 1997 й.

Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т. 1994 й

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т. 1998 й.

Время и преемственность в развитии культуры. Саратов. 1991 г.

Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М.1999 г.

Иконникова С. Диалоги о культуре. Л., 1989 г.

Культура Узбекистана: Традиции и современность. Т. 1986 г.

Хайруллаев М. Маданий мерос ва фалсафий фикр тарихи. Т. 1985 й.

ЖАХОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

4-МАВЗУ АРХАИК (ИБТИДОЙ) МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

Архаик маданиятнинг дастлабки намуналари.

Сунгги полеолит даври маданияти.

Янги тош асри (неолит) маданияти.

Жез даврида янги турдаги маданиятнинг шаклланиши.

Архаик ёки ибтидоий маданият- мавжуд инсоният маданиятнинг ибтидоси ва энг узок давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий куламининг 99 фоизини ташкил килган холда замонавий маданиятга бекиёс таъсирини курсатиб келмоқда. Уша вактда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим куринишлари булмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор хозирга кадар йуколган эмас. Инсоният хаётининг бошлангич даври кейинги барча узгаришларга замин тутдиргани сабабли бу даврни урганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шархлашга ёрдам беради.

«Мозийга кайтиб иш қуриш хайрликдир» – деган эди А. Кодирий. «Дунёда турмок учун, – деб ёзади М. Бехбудий, – дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол булур».

Ибтидоий боскичдаги маданият ривожининг киёфасини кайта тиклаш ута кийин вазифа. «Шахсий гувохнома, таржимаи хол, киёфадан маҳрум, сукунатдаги утмиш, ходисасиз «узок», (Ф. Бродель) «мудрок», (Э. Леруа-Ладюри) тарих учун идеал намуна касб этиб, табиий-илмий мантиқни яратиш, услублар мидори ёки ижтимоий-иктисодий тушунчалар ва дастлабки (ибтидоий жамоа) ижтимоий тузум таълимотини изохлаш учун мулажаллангандир»¹.

Олимлар туплаган маълумотлар 2 хил булиб:

I. Антропологик ва археологик топилмалар-ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруг оламга чикарди. Бу маълумотлар узига хос белгилари билан эмперик (тажриба) тахлилни юзага чикарди ва ибтидоий боскични умум кабул килган таснифига асос солди:

Палеолит-қадимги тош асри,

Неолит – янги тош асри.

Палеолит боскичининг узи хам илк (куйи) ва сунгги (юкори) даврларга булинади. Шунингдек, полеолит ва неолит боскичининг уртаси мезолит – урта тош асри даврига булинади.

II. Этнографик маълумотлар- замонавий халклар ва хозирги вактда хам овчилик ва термачилик билан кун курувчиларнинг хаёти хакида. Бу маълумотлар сакланиб колган архаик маданият куринишини этник, ижтимоий ва рухий ушашликлар буйича кайта тиклашга ёрдам беради.

¹ Культурология М. 1998 г., 141 стр.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (Кениянинг Рудольф кули сохи-лидан топилган кадимги тош куроллари) то эрамизгача 2 минг йилгача (мехнат куролларини жездан тайёрлай бошлаган давргача) булган вактни уз ичига ола-ди. Уз навбатида палеолит боскичидаги энг узок давр илк полеолит булиб, бун-дан 40-35 минг йил олдин тугайди. Илк полеолитда антропогонез жараёнининг содир булиши, казиб топилган гоминид колдикларининг алохига турлари яша-ган даврларда (зинжантроп, австралопитеқ, питекантроп, синантроп, неандер-тал ва бошкалар,) маданиятнинг алохига илк намуналари вужудга келди: купол тош куроллари тайёрлаш (кесгич, тош найза, киргич), оловдан фойдаланиш, од-дий тураг жойларнинг курилиши, муомала воситаларининг ривожланиши, ат-роф-мухит хакида дастлабки мураккаб тасаввурларнинг пайдо булишига сабаб булди.

Децентризм фарази инсоният пайдо булишини икки учок-Африка ва Осиё билан бөглайди, зеро хозирги вактда энг кадимги одам колдиги хам Африка минтакасидан топилган. Марказий Осиё, хусусан, Узбекистон худудида казиб топилган гоминидлар хам илк палеолит даврига оидdir. Археолог У. Исмоилов Селунгир горидан топган «фергантроп» колдигининг ёши 700 минг йилга тенг.

Илк палеолитнинг охирги даври купинча алохига даврга ажралиб «урта» ёки «мустъе» деб номланади (200 мингинчи йилдан 40 мингинчи йилгача). Бу кону-ний ходиса булиб, мустъе даврида маданий ижодкорлик жараёнининг усиши се-зилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо булди. Неандерталлар кенг худуд-ларга таркалиб мураккаб ва турли хил куроллар тайёрлаган, энг муҳими улар-дан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган горларидан айикнинг бош суюги топилган, маҳсус урнатилган тош супа оловдан корайган, унда маълум маросим утказилган. Неандерталлар кабри ку-пинча Шарк-ғарб йуналиши буйича жойлашиб, мурда «ёнбош ухлаётган холат-да, тиззалири энгагига кайирилган, ёнига тош куроллар куйилган». Бу маросим удуми улимдан кейинги хаёт мавжудлиги хакидаги тасаввурнинг маданиятдаги энг кадимги ва баркарор пайдо булганлигидан далолатdir. Неандертал кабри Узбекистоннинг Тешиктош горидан (Сурхандарё вилоятидан) хам топилган, шунингдек, уша даврга оид куплаб манзилгохлар очиб урганилган (Омонкутон, Зирабулук, Обирахмат, Кулбулук, Учтут ва бош.).

Илк палеолитда маданий муҳитнинг мавжудлиги алохига жойлар билангина чегараланса сунгги палеолитда эса маданият тизим сифатида шаклланади.

Сунгги палеолитнинг бошларида гоминид эволюцияси якунланиб замонавий «аклли одам» тури пайдо булади. Сунгги палеолитда турли-туман тош ва бошка куроллар нотекис тарзда купайиши натижасида таркибий куроллар-тасма, уч-лик, шунингдек, тукимачилик пайдо булади. Нихоят, дастлабки тартибли ижти-моий ташкилот-уруг ташкил топади. Бу инкилобнинг маҳсули инсонларнинг асосий антропологик, руҳий физиологик, руҳий ижтимоий ва маънавий бирлиги булиб, инсонлар уюшмасининг иктиносидий, сиёсий, ижтимоий, тил, майший ри-вожланишидаги тафовутларга карамасдан тарихда сакланиб колди.

Маънавий маданият дастлаб жуда содда булиб, уша давр кишиларининг мех-нат фаолияти билан уйгуналашиб кетган эди. Ибтидоий одамларнинг билим да-ражаси анча чекланган булсада, бирок яшаш учун кураш жараёнида атроф-

мухитни кузатиб тажриба туплаганлар. Натижада янги тушунча ва тасавурлар пайдо булиб, тафаккур ва нутк ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштириди. Узлаштирувчи хужалиқдан ишлаб чикарувчи хужаликка утилиши билим ва тажрибанинг тупланиши натижасида юзага келди.

Дастлаб, ибтидоий одамлар озик-овкат кидириб узи яшаётган муҳитни яхширок ургана бошладилар. Бу эса уларнинг географик билимини оширган. Табиатдаги мавжуд истеъмол килишга ярокли усимлик ва меваларни кидириб топиши ва кузатиши натижасида ботаника билимлари тупланган. Ёввойи хайвонлар овлаш жараёнида хайвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими шакллана бошлади. Бу жараёнларни урганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, хаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Касалликни даволаш учун уша замоннинг узига хос содда табобати булиб, даволашда усимликлар, мевалар, хайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар.

Шунингдек, силаш, укалаш усули билан баъзи касалликларни даволаганлар ва фолбинлик, сехгарлик ва жодугарлик усулларидан хам фойдаланганлар.

Ибтидоий одамлар табиатни, иклимни шароитдан келиб чикиб кузатиши асосида об-хавони олдиндан айтиб бериш кобилияти пайдо булади. Тарбия хам меҳнат ва турмуш билан чамбарчас боғлик булиб, одат ва удумлар асосий аҳамият касб этган.

Маънавий маданиятнинг қуринишларидан бири ибтидоий санъат хам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйгун холда вужудга келган. Уругчилик жамоасининг пайдо булиши даврида ибтидоий одамлар санъатнинг нималигини тула англамаган холда тирикчилик жараёнида санъат шакллана бошлади. Ибтидоий саноат хилма-хил булиб, бир неча турларга булинади:

1) Суяқ, тош парчаси, шоҳ, кулолчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, хайвон ва хар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) ғор деворларига хар хил ранглар билан ишланган хайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошка манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар Турон, Сахрои Кабир, Марказий Осиё, ғарбий Европада куплаб учрайди.

3) Коя тошларга уйиб, чизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирларда хайвон, буюм, куроллар ва ибтидоий кишиларнинг кундалик меҳнати билан боғлик манзаралар урин олган. Коя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада куп учрайди.

4) Архаик санъат турларидан яна бири хайкалторошлиқ хам уругчилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо булиб, асосан аёллар, кисман эркаклар, шунингдек, хайвонлар хайкаллари ишланган. Бундай хайкалчалар, суяқ, тош ва бошка нарсалардан тайёрланган. Хайкал тасвирларда ибтидоий маҳнат ва эътиқод рамзлари номоён булади.

5) Ишлаб чикарувчи хужалик (неолит) фаолияти билан боғлик сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизиклар, хайвон ва усимлик тасвирлари учрайди.

6) Ибтидоий санъат турларидан бири – никоблар кадимги одамларнинг овчилик фаолияти билан боғлик булиб, никоб тутиб хайвон киёфасига кирган, хайвонларни куркитиб узларини химоя килган. Никоблардан маросим ва удумларда фойдаланган.

- 7) Мусика, кушик, уйин ибтидоий санъат турлари хисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф килишган.
- 8) Халк огзаки ижоди-асотир, ривоят ва афсоналар хам ибтидоий давр маҳсулоти булиб, ибтидоий одамнинг турмуши, уй-фикри ва кайфиятини ифодалаган, диний тасаввурларнинг шаклланишига асос булган.

Умуман, ибтидоий санъат кишиларнинг дастлабки умумий ижоди булиб, у одамларнинг меҳнат фаоляти, ички руҳияти ва диний тасаввурлари билан уйгун булган. Айтиш мумкинки, диний тасаввур ва эътиқод шакллари маданиятнинг моддий ва маъянвий турларининг ривожига самарали таъсир курсатган.

Диний тасаввур ва эътиқод жамоа тузумининг кейинги даврларида шаклланиб, айрим унсурлари урта палеолит даврларида вужудга келган. Ибтидоий одамлар атрофидаги ходисаларнинг сабабларини тушуна олмаган. Табиатдаги турли ходисаларнинг сир-асрорлари уларга маълум булмаган. Бу ходисалар неғизида сирли, гайритабиий кучлар яширинган деб тушуниб, шу гайритабиий кучларга эътиқод килинган.

Ибтидоий одамлар турли минтакаларга таркалиб, турли хил тирикчилик билан шугулана бошлайди. Табиатнинг ва тирикчиликнинг хилма-хиллиги турли эътиқодларнинг пайдо булишига сабаб булган. Табиат ва жамият ходисаларга boglik гайритабиий кучларга ишониш ибтидоий эътиқод дейилади. Унинг тотемизм, анимизм, сехгарлик, фетешизм каби турлари ибтидоий жамоа тузуми даврида кенг таркалган.

Тотемизм-жамоанинг хайвон ёки усимлик тури билан гайритабиий кариндошлик алокасига ишониши булиб, овчилик ва термачилик ривожланган даврда пайдо булган. Бу эътиқодда тотем-хайвон ёки усимлик нихоятда хурмат килинган. Тотемизмнинг илк боскичига хайвон мукаддас саналиб, уни улдириш ёки гуштини истеъмол килиш таъкикландган. Факат уругнинг урф-одат маросимларидагина бу хайвон гушти истеъмол килинган.

Анимизм –«руҳ», «жон» маъносини билдириб, бу дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги гайритабиий кучларнинг борлигига ишониш. Табиатдаги нарсалар, одам ва бошқаларнинг руҳлари- шулар жумласидандир. Уругчилик жамоасининг ривожланиши билан уруг бошликлар, харбий йулбошчилар руҳига-аждодларга сигиниш пайдо булган. Матриархат даврида руҳлар аёллар номи билан аталган. Хужалик шакллари пайдо булгач табиатдаги нарсалар (куёш, сув, ер) нинг руҳига топиниш кучаяди. Сехгарлик- одамнинг гайритабиий кучларга таъсир курсатиш кобилиятига асосланган амаллардир. Бу ибтидоий санъатда хам уз ифодасини топган. Коятош тасвирларида яраланган хайвон ифодасида овчилар булгуси овнинг бароридан келишини кузлаб, хайвонларни сехрлаганигини кузатиш мумкин.

Гоминиднинг уч миллион йиллик эволюцияси нихоясидаги кучли эврилиш натижасида англаш, нутқ, дин, санъат вужудга келади. Архаик маданиятнинг хусусияти хакида уни хакли равишда «гомо сапиенс» яратганлигига этнографик ва археологик маълумотларга асосланиб тасаввур килиш имкониятларига эгамиз. Биринчи навбатда биз, ибтидоий одамнинг узига хос фикрлаш хусусияти хакида хукм чиқаришимиз мумкин.

Ибтидоий одамнинг фикрлаши аниклик, таъсирчанлик, бутунликда фарклавади. Ибтидоий одам аста- секин турли ташки ходисаларни сеза бошлайди. У иссик ва совукни, тук ва очликни, яхши ва ёмонликни хис килади, ёргулик ва коронгуликни ажратади. Ходисаларнинг руй беришини кузата бошлайди. О. Фрейденбергнинг фикрича, унда кузатиш таъсуроти устун булган. Ибтидоий одамнинг таъсирчан, аник тасаввури хали ходисаларни умумлаштириш кобилиятидан йирок эди. У теварак-атрофдаги вокеа ходисаларнинг мохиятини тахлил килмасдан факт юзаки кайд килади, нарса ва жараёнларга, уларнинг хусусиятига бир хил ёndoшган. Ибтидоий тафаккур учун сабабий bogланишлар ута шартли булиб, кандайdir ходисанинг сабаби тез-тез кайтарилиб турилиши натижасида вакт утиши билан идрок килинган.

А.Н. Рамоновнинг таъкидлашича, «ёзувсиз маданиятнинг узига хос хусусияти-нуткнинг нокатегориал шаклидир». Бу мустакил фаолиятнинг ижодий манбаъларини чекловчи жараён хисобланади. Инсонга керакли барча янгилик ва билим факт жараёнида намойиш килиш усулида берилган. Шунинг учун ибтидоий маданиятда маросимга ухшаш шакллар устунлик килади.

А. Рамонов айтганидек, маросим- аник ва максадли фаолият булиб, уни амалга ошиши ижтимоий гурухлар нуктаи назарида ишлаб чикариш фаолияти каби хаётини саклаш учун хам ута муҳим хисобланади. Маросим прагматикона ва факт маълумот берувчи эмас, балки уларга берилаётган маълумот тулик холда булиб суз оркали изохланмайди. Унда ишлаб чикариш фаолияти хам, билим хам, сехр- жоду хам, санъат хам аралаш холда бир бутунликда намоён булади.

Сунги палеолит даврида анимистик эътиқодлар ва сехр-жоду мънавий маданиятнинг негизи сифатида катъий расмийлашди. Кадимги эътиқодларнинг шаклланиши манбаида табиатнинг ташки куриниши ва одамлар жамоаси хакида тасавурларнинг уйгунлашиб кетиши ибтидоий одам учун хос булган инсон ва табиатнинг субъекти ва объекти бирлиги таъсирида, эҳтимол жамоа нима билан шугулланса ушанга bogлик булган хайвонлар, усимликлар, тошлар, яъни унинг фаолияти доирасида нима мавжуд булса барчаси учрайди. Дунёда яшаётган ахолининг куплаб рух ва жонлар билан муносабатда булиш воситаси сифатида сехргарликни келтириб чикарди. Сехргарликнинг энг кадимги турларидан бири овчилик сехргарлиги булиб, улжа якинлашиши билан уни тутиш машкини урганади. Бирок, барча харакатлар факт машқ билан тугамайди. Уни амалга ошириш жараёни асосий масала хисобланади.

Дастлабки сехргарлик харакатлари мазмунида тотемизм –хайвонлар аждодига топинишни келтириб чикарди. Ибтидоий жамоа турмуши, ови, уруши, хайвонларни тутиб ейиши, туғилиш ва улимини – умуман инсон хаётини тотемистик, яъни, тотемлар кураши ва тукнашиши оркали тасаввур килади. Бу тасаввурлар окибатда космогоник манзарага асос солади, каерда хар бир тотем-коинот борки ейди, йуколади ва тирилади, кари коинот урнига ёшлар келади. Уларнинг урин алмашиши ва ёшариши ёки тирилишнинг борлиги улимدادир.

Сехргарликка ухшаш хаёт нафакат пайдо булаётган тушунчаларни узида жамлади, балки маданиятнинг энг кадимги шакли булиб колди. Ундан хозирги вактгача оламни узида акс этган дин, санъат, фан соҳалари пайдо булди. Барчаси сукка чизиш ва накш солиш, кичик хайкалторошлиқ, белги – муҳр босиш, бу-

ёкли хошиялар чизиш, гор деворларига бетартиб чизик шакллар солишдан бошланди ва натижада машхур Альтамир, Ласко, Монтоспан ва бошка горлардаги тасвир галереяси вужудга келди. ғор тасвиirlари табиий, аникроги хаётий акс эттирилган. ғор тасвиirlарининг дастлабки боскичидаги жонворлар тасвири алоҳида урин тутади: отлар, ёввойи корамол, мамонтлар ута ёркин тасвиirlанган. Палеолит кишисининг тасвир фаолиятида нафосат уйгунлиги ёки расм ёзувлар (пиктография) эмас, балки тасвиirlарни «фотографик» тарзда ифодалаш устун булган. Бу тасвиirlар маросим тафсилотлариdir. Машхур санъатшунос

А. Археймнинг таъкидлашича палеолит даврида санъат хаётий зарур вазифани бажарган. У кишига мислсиз куч бахш этиб, тирик мавжудод ва нарсалардаги маънисизликка»сехр бахш» этиш имконини яратган. Ибтидоий одам чизилган тасвиirlга жониворларнинг жони утади, шу туфайли уларга таъсир килиш мумкин деб уйлаган. Архаик санъат инсонни хайвонлар руҳияти билан кизикишида алоҳида восита булиб, унда хакконият ва маросим уйгунлашиб кетади.

Узбекистон худудида сунгги палеолит даврига оид кояга солинган тасвир намуналари учрамасада, ушбу даврга тегишли 30 дан ортик манзилгоҳлар урганилган, жумладан Самарқанд манзилгоҳи, Охангарондаги тош куроллар, тайёрланган «устахона», Кукбулук ва Октош манзилгоҳлари.

Узбекистон худудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг кадимгиси мезолит-неолит даврларига оид булиб, улар жаҳон тасвирий санъат тарихининг ажралмас кисмидир. Шунингдек, бу тасвирий санъат тарихи бир катор алоҳида куриниш, узига хослик ва фарклик жихатларга эга булиб куйидаги босичлардан иборат:

ғорлар, кадимги тошлар ва турли кояларда сакланиб колган ибтидоий тасвиirlар яратилган давр.

Лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган кадимги хайкаллар намуналари ва турли хунармандчилик буюмларидағи тасвиirlар яратилган даврлар.

Мамлакатимиз тоглик туманларида кенг таркалган коятош тасвиirlари ишланниш усулига кура икки хил: бир хиллари буёк (оҳра) билан; иккинчи хиллари эса уйиб-ишқалаш-чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар).

Узбекистондаги коятош тасвиirlарининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Беронсой, Куксарой, Такатош, Тераклисой каби юздан зиёди тоғилган. Бу коятош тасвиirlарда Узбекистоннинг кадимги ва хозирги хайвонот олами турларини кузатиш мумкин. Булар ибтидоий шер ва йулбарслар, коплон, тулки ва бурилар, бугу ва жайронлардир.

Узбекистондаги коятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жихатидан хилма-хил. Унда одамлар, ов, йирткич хайвонлар тукнашуви манзаралари тасвиirlанган. Бу тасвиirlар оркали уша давр одамларининг ов, меҳнат куроллари ни билиб олиш мумкин. Шунингдек, коятош расмлар кадимги аждодларимизнинг гоявий карашлари ва диний эътиқодларини урганишда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, ибтидоий одамлар бир-бирларига фикрларини, муносабатларини истакларини чизиклар, оддий шакллар, содда тасвиirlар оркали етказишга интилганлар. Масалан, улар ов куролларини тасвиirlаш оркали овга бормокчи эканликларини ифодаласалар, ёввойи бука ва бошка турли хайвонлар тасвиirlари оркали, уша хайвонларни овламокчи эканликларини билдирганлар.

Кухитанг тогининг юкорисида жойлашган горни «Олтин олов кояси» ёки «Олтин олов дараси» деб аташган. Чунки зар-олтин, ут-олов маъносида бу ёдгорлик «Заравутсой» деб аталган. Заравутсой ов манзарасидаги турли расмларни кузатиш кадимги одамларни хаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур килиш билан бирга ибтидоий бадиий маданиятнинг узига хос жихатларини англашга ёрдам беради. Ибтидоий одамларнинг тириқчилик манбаи булган ов манзарасини кузатиш оркали овчилик илмининг айрим кирраларини урганамиз.

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврга мансуб намуналаридан бири Жиззах вилоятидаги Такатош номли тошдаги тасвир ёзувлардир. Бу тасвирларда фикр, сезги, амалий эхтиёж каби туйгулар акс эттирилган. Кадимий тасвирлардан яна бири Зарафшон этакларидаги «Сармишсой» тасвирларида эса ибтидоий рассомлар ижоди уз аксини топган. Бу ибтидоий тасвирий санъат асарлари Сармишсой дарасининг икки юзида кад кутарган коятошларнинг силлик юзасига солинган. Сармишсой кояларида ёввойи букалар, шохдор буги ва кулонлар, елиб бораётган тог такаси, оху, тунгиз, бури, коплон, итлар хамда бир-бири билан олишаётган ёввойи ва хонаки хайвонлар, шунингдек, овчилар ва ов манзаралари хам тасвирланган.

Кадимги рассомлар фаолиятида хам кузатувчанлик, шакл ва чизиклар оркали булаётган воеаларнинг характеристини, мазмунини ёритиб бера олиш кобилиятлари кузга ташланади. Коятош, даралар ва горлардаги расмлар мазмунан бой булиши билан бирга хилма-хилдир. Уларда турли манзаралар уз аксини топган. Умуман бу тасвирлар оркали одамларнинг муштарак туйгулари юзага чиккан лигини курамиз. Бу расмларда хар бир белги, коралама ёки шакл узига хос фикрни, хатто сехру жодуларни ифодалаб бериши билан кизикарлидир. Шулардан куринаники, аждодларимиз хаётида, турмуш тарзида тасвирий фаолият алохida урин тутган.

Маълумки, инсон уз меҳнати туфайли хайвонот дунёсидан ажралиб чиккач, яшаш учун кураш жараёнида канчалик онгли меҳнат килса, у шунча муваффакиятларга эришган. Кураш ва меҳнатда эришилган муваффакиятлар урф-одат, удум, маросим, аньана ва байрам- хурсандчиликни вужудга келтирган. Маданиятшунослар фикрича байрам ва маросимлар энг кадимги даврдаёк мавжуд булган ва ибтидоий одамлар хаётида муҳим рол уйнаган. Д.М. Генкиннинг фикрича, «маросим ва байрамларнинг чукур илдизи инсониятнинг «гудаклик» даврига бориб такалади». М.М. Бахтининг таъкидлашича, «Байрам инсоният маданиятининг бошлангич шаклидир». Бу жараён ибтидоий одамлар овчилик билан кун кечирган даврларда яккол содир була бошлаган. Юкорида тилга олган тасвирларда асосан хайвонлар, ов килиш, овчилар ракси (баъзан хайвонлар никобида) каби тасвирлар кадимий одамларнинг уз меҳнати (ови) натижасини тантана килганликларидан далолат беради. Ибтидоий овчилар хаётида овчилик маросим –удумлари муҳим урин тутган. Овчилик маросимлари овдан олдин хам овдан кейин хам утказилган. Шунингдек, овчилик маросимлари-овга тайёргарлик, ёшларни овга ургатиш ва овдан кейинги тантаналарни ифодалаб, тасвирларда акс этган. Буни биз Зараутсой ва Саймалитош расмларида нафакат тотемларга сигиниш, балки ов маросим-байрамлари хам акс этганлигини курамиз.

Илк бор махсус уюштирила бошланган маросим- байрамлар тотемларга ба-гишланган. Я.П. Белоусовнинг фикрича, «Энг кадимий ва оммавий маросимлар каторига зоофалик маросимларни киритиш мумкин». Бу маросимларда турли жойларда тотем хисобланган турли хайвонлар-айик, ёввойи эчки, сигир, бугу, от, бури кабиларга топинганлар. урта Осиёда илон, бука, куй, от, тяя, шер тотемлари кенг таркалган. Буни биз казилма ёдгорликлардан топилган амалий санъат буюмлари мисолида кузатишимиз мумкин.

Мехнат таксимотининг вужудга келиши муносабати билан кадимги одамларнинг ишлаб чикарувчи хужаликка (неолитда) утиш натижасида янги сохаларга оид маросим ва байрамлар вужудга кела бошлади. Бу «Мехнат маросимлари» булиб, у хам уз урнида маданият ва санъат (театр, ракс, пантамино санъатининг примитив куринишлари) нинг ривожланишига замин яратди.

Г. Чайлдининг таъкидлашича, бундан 10 минг йилча олдин неолит ёки аграр инкилоб содир булади. У энг аввало, Олд Осиё ва Якин Шаркда содир булиб, бу дехкончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши билан бөглиқ. утрок турмуш тарзи ишлаб чикариш сохаларининг ривожланиши учун шароит яратди. Туки-мачилик, кулолчилик, уй-жой курилиш пайдо булди. Табиий танланиш усимлик навлари ва хайвонлар зотининг узгаришига аста –секин, анъанавий тақрорла-нувчи мувофикликни пайдо килди. Аграр соҳа астрономик кузатишларни тартибга солишни талаб килди. Бу даврда инсоният тафаккурининг ривожланиши мифологияни шакллантириди.

Миф ва мифология энг аввало антропоморфизм-табиатдаги нарсаларга хам одамга хос деб карашни ва худоларни одам киёфасида тасаввур килишни ифодалайди. Миф ва мифологияни кадимги эътиқодлардан фарки, оламдаги барча мавжуд муносабат ва кадриятларни изохлашни узига олади. Бу уша даврларни билишнинг узига хос назарий асоси ва махсус шаклидир. Негаки билим-ёркин ранг-баранглик, ифодалик, жушкинликдир. Мифология дастлабки боскичда

кишилар учун билим урганиш ва мустахкамлашнинг ягона манбаи ва усули эмаслиги даргумон. Бирок, Л.С. Васильевнинг таъкидлашича, билимни мустахкамлаш бу –мифни урганиш йули билан эмас, балки унинг удумлари, маросимларининг амалда тақрорланиб таркалишида содир булади. Миф ва маросим архаик маданиятнинг гүёки икки томони, яъни – суздаги ва харакатдаги, назарий ва амалий. Мифологик билим илмий хакикатга маълум микдорда дахлдордир.

Мифологик билимнинг иккита асосий ижтимоий вазифаси бор:

Ушбу умумийликнинг асосий вазифаларини, уларнинг одатий мавжудлигини кишилар онгига киргизиш ва мустахкамлаш, хусусан, шаклланган коидаларни тасдиклаш, конунийлаштириш ва хатто жамоани тиклаш ва баркарорликни

таъминлаш учун уларни анъанага айлантириш;

Жамоани куркувидан халос килиш максадида ва рухий халоватни кафолатлашда атроф-мухит билан, бутун ташки олам билан мустахкам алока урнатиш ва таъминлаш.

Миф оламни мавхум гоялардан бузилган тарзини узида намоён килиб, ноаник ва курук мухокамаларнинг шаклланшига имкон беради яъни, дастлабки даврда инсонни уни чулгаб турган аник кундалик ишлардан фикрини чалгитиб, хаёлий поэтик оламни олиб киради. Миф оламни жамоа булиб анъанавий хис килиш-

дир, негаки, шу алфозда у хар доим илк диний тасаввурлар мажмуининг негизи хисобланган. Миф- дастлабки дунёкарашнинг зарурий, мукаррар шаклидир. Умум тасаввурлар мифнинг шаклланишига сабаб булолмайди ва хиссий тажриба-қузатишлар учун хам, ноаник-мавхум мулохазаларга хам асос булолмайди. Гурухлар тушунчаси энг аввало бутун борликни узига кушиб хиссий кайгуришга таянади.

Ахборотлар хажмини бехад усаётганлиги уни узатишнинг янги каналларини яратишни талаб килди. Мифларнинг пайдо булиши мавхум тушунчалар вужудга келганлиги хакида, инсоннинг нутки ривожланаётганлиги хакида гувоҳ беради.

Бунга бир мисол – тасвирий санъатнинг ривожланишидир: расмлар бир кадар аниклашиб, соддалик ва шартлилик кучайиб боради. Тасвир купрок рамзийлик белги хусусиятини касб этиб, бунинг ёрдамида ахборот бериш мумкин булади. Топилган петроглифлар (тошбитиклар) инсонлар жамоасининг хаёт ходисалари хакида етарли, муфассал хикояларни узида саклаб келган. Бундай тасвирларга мисол килиб Сурхандарёнинг Зараутсой дарасидаги коятош расмларини курсатиш мумкин. Билимларни саклаш ва узатишнинг яна бир воситаси жамоанинг алохида аъзолари, бошка кундалик ишлардан озод килиниб, факат маълумотларни йигиш, саклаш ва узатиш билан шугулланган. Бундай кишилар шаманларга (сехргарларга) айланган. Шаманларни купи ёши улуг, хаётий билим ва тажрибага эга, табиатни кузатиб узлаштирган, маросим ва удумларни билувчи кишилар булган. Масалан, Шимолий Америка хиндуларнинг аджибве кабиласи шаманлари узи яшаётган жойнинг ов килиш шартларини, хайвонларнинг узига хос феълини пухта урганади, овдан кайтган овчилардан хар доим суриштириб уз билимини оширади. Узлаштирган маълумотлари шаманга тугри карор чикариш имконини бериб, шу тарика у кабила ва уруг аъзолари ичидаги обруга эга булишига ва натижада сехргарлик удумларини бажарувчи асосий ижроисига айланиб колади.

Марказий Осиё минтакасида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил. ав. VI минг йилликда Копетдог этагида вужудга келган Жойтун маданияти гувоҳлик беради. Утрок дехконлар ва чорвадорларнинг бу маданияти асосан, самонли лойдан курилган уйлардан иборат манзилгох булиб Эрон ва Месопотамия халклари маданияти билан якин алокада шаклланган Жойтунликларнинг маънавий маданиятини ривожи хакида катта умумий ибодатхона деворларига ишланган рангтасвир далил булади. Мил. ав. IV-III минг йилликда Хоразм худудида неолит даврига оид Калтаминон маданияти шаклланди.

Неолит инкилоби мохиятига кура архаик маданиятнинг охири хисобланади. Ишлаб чикариш фаолиятининг янги тури-дехкончилик ва чорвачиликка утиш билан инсон табиатда мустакил фаолият курсатиш кобилиятини намоён килди, бу инсоннинг ижтиимоий ва маънавий галабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик килиб, уруг аъзоси, уруг манфаатлари доирасида фаолият курсатган булса, энди индивидуал онг ва кизикиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият бархам топди. Бу даврда жамоа мулки урнига хусусий мулк вужудга келиб, хунармандчилик ажralиб чикади ва маҳсулот айр бошлаш шаклланади. Ижтиимоий тузум шакли мураккаблашади. Мустакил хужалик юритишда мувофиклаштиришни кучайтириш зарурати, ку-

пинча жамоанинг бошка аъзолари ёки кабила оилалар билан кариндошлиқ ало-
каларининг бояланмаганлиги маҳсус бошкарув аппаратини тузиши талаб кил-
ди. Энди оксоколлар ва кабила йулбошчилари йигинининг ахамияти сезиларли
ошди, бу кабила йулбошчиларига сигинишни шакллантира бошлади. Йулбошчи
кабиланинг баҳт-саодат сохиби, аждодлар руҳи унга тухфа килган маҳсус фази-
лат «омад»эгаси сифатида демократия белгиларига хурмат саклайди. Йулбош-
чиларга сигинишда йулбошчининг жамоа хаётида тутган мухим урнини эъти-
роф килиш ифодаси туради: -У нафакат кабила худудини куриклишни ташкил
килиб колмай ҳарбий юришга бошчилик килади ҳам, шунингдек, мухим жамоат
ишларини бажариш учун хонаданларни бирлаштиради ва жалб килади (канал
казиш, муҳофаза тусиглар урнатиш; яйлов, урмон, дарёлар каби умум фойдала-
надиган мулклар учун).

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди. Кайик
ва елканли кемалар, таквим, хисоб ва улчов тизими вужудга келди. Хусусий
мулкчиликнинг пайдо булиши хукукнинг шаклланишига олиб келди. Айримла-
ри хозиргача сакланиб келаётган анъаналар ва кадимги фольклор намуналари
вужудга килади (мифлар, достонлар, хикоялар, маросим кушиклари), ёзувнинг
илк тизими шаклланади; пиктографик (расм-ёзув), белги ёки хиндуларнинг ту-
гунли ёзувлари. Монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал
иншоатлар катта тош булак ва тош плиталардан курилган мегалитлар хисобла-
нади. Мегалит иншоатларнинг турлари бир-биридан фарқ килади. Масалан,
менгирлар баланд тошдан иборат булиб, баландлиги 20 метрдан ошади, улар
алоҳида ёки хиёбонларга катор килиб курилган. Долменлар (тош макбаралар)
тош плиталардан сагана ёки макбара (кулба) шаклда курилган. Кромлехлар эса
атрофига тошлар ёткизилган иншоатлардир. Энг машхур кромлех буюк Брита-
ниядаги Стоунхендж хисобланади. (мил. авв. II минг йиллик бошларига оид).
Мегалитлар саждагоҳ ва ибодатлар жойи саналсада, аслида улар бошка максад-
лар учун мулжалланган. Мегалитлар халкларни бирлаштириб, жамоанинг барча
кучларини жипслаштиришга, янги ижтимоий тузум вужудга келаётган холларда
инсонларни умумлаштириш (социализация) максадларига хизмат килди. Негаки,
давлат тузилиши жараёнида турли ижтимоий катламларнинг булиниши содир
булади; бошкарувчилар, маънавий маданият ва билим эгалари коҳинлар ва од-
дий бажарувчилар.

Узбекистон худудида жез даври мил. авв. II минг йиллик бошларини уз ичига
олади. Худди шу даврда икки турдаги мустакил маданият шаклланиб аник аж-
ралади: утрок дехкончилик воҳаларидаги маданият; кучманчи даштиклар ма-
данияти. утрок дехкончилик маданияти дастлаб Сурхондарё воҳасидаги Сопол-
литепа, Жаркутон маданиятлари, Фаргона водийсидаги Чуст маданияти, иккин-
чиси- Замонбобо, Тозабогёб, Суярган ва Амиробод каби жойларда вужудга кел-
ди.

Узбекистон жануби-Сурхондарё вилоятида хозирда ҳам машхур булган уста-
лар, заргарлар ва санъаткор – куруувчилар яратган маданият энг кадимги мада-
ниятидир. Мил. авв. XVIII-X минг йилликка оид Сополлитепа ва Жаркутон ман-
зилгоҳларида кадимги шарқ туридаги илк шаҳарнома цивилизациянинг шакл-
ланиши ва ривожланиши жараёни кузатилади. Сополлитепа лабиринтнома

(каср) тугри бурчакли куча тармоги ва истехком тизими булган манзилгохлар мажмуудан ташкил топган. Жаркутонда хам монументал меъморчилик хом гиштдан курилган. Марказда калья жойлашган, уйлар хом гиштдан баланд кутариб курилган. Хар бир гузарда бинонинг уртасида юмалок учок шаклида девор токкасида олов меҳробдан иборат сигинадиган маркази булган. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, тукимачилик, кулолчилик, заргарлик; суюқ, тош, ёгочга ишлов бериш гуллаб-яшнаган. Турли кулолчилик буюмларини кулолчилик дастгохида пишириб сифатли тайёрланганлиги, шаклининг чиройлилиги кулолчилик соҳасининг техника ва технологияси юкорилигидан далолат беради. Топилган намуналардан маълум булишича Узбекистоннинг Жанубида яшовчи ахоли кадимги шарқ, айникса хинд водийсидаги Хараппа цивилизацияси намуналари билан кенг хамкорликда булган. Буни Сополлитепа ва Жаркутон шунингдек, Узбекистоннинг бошка дехкончилик маданиятида хам учратиш мумкин.

Бронза даврида шаклланган «кучманчи чорвадорлар» маданияти мил. авв. III минг йиллик охири-II м. й. бошларига оид булган Бухоро воҳасидаги Замонбобо манзилгоҳида урганилган. Замонбобо ахолиси катта ярим ертулаларда яшаб, бронза ва тош куроллар ишлатишган. Кулолчилик дастгохисиз кулда ишланган таги юмалоқ, ясси сопол идишлардан фойдаланган. Жез даврида маданият ёдгорликлари Амударё ва Зарафшоннинг куйи окимидан, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятидан топилган. Улар чорвадор кабилалар маданиятининг вужудга келиши хакида кимматли маълумотлар беради. Чорвадор кабилалар жез даврида утрок турмуш тарзига ута бошлади, кисман дехкончилик билан шугулланади, кейинчалик кучманчи чорвадорларга айланишган.

Архаик маданият урнига кадимги цивилизация маданияти урнатилди: мураккаб-ижтимоий тизимга эга булган дастлабки давлатлар, диний ва конунчилик шаклларининг ривожланиши, шахар ва ёзувлар. Бирок архаик маданият изсиз йуқолмади. Унинг айрим кирралари жаҳон халклари мифларида, фолькларида, инсон рухиятининг чукур «архетиплари» да сакланган. К. Юнгнинг назариясига кура архетиплар- «онгсиз жамоанинг» руҳий тузумидир. Улар замондан ташкарида намоён булиб, шунга мувоғик тарзда киёфалар, яшаган ва яшовчи кишиларнинг туйгуси ва фикри шаклланади, рамзий тасвиirlарда, мифларда акс этган жамоага хос булган тарихий тажрибада оламни англашнинг ибтидоий шакллари сакланган. Кишилар купинча узлари пайкамаган холда у ёки бу анъаналари билан, улардаги архетипик рамзлардан ажралган холда яшайдилар. Барча замонавий маданиятлар асосидаги бу чукур негизни сезиш ва урганиш хозирда содир булаётган жараёнларни яхши таҳлил килишимизга, маълум маънода келажакка назар ташлашимизга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар

Архаик маданият, мозий, полеолит, неолит, фергантроп, тотем, анимизм, фешизм, мифология, маросим, монументал.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

Архаик маданият деганда нимани тушунасиз?

Архаик маданиятнинг асосий боскичлари.

Архаик маданиятнинг жахон маданияти тарихидаги урни.

Узбекистон худудида топилган архаик маданиятнинг асосий намуналари.

Архаик маданият даврида одамларнинг олам ва инсон хакидаги тасаввурлари.

Архаик давридаги анъаналар, удумлар, байрамларнинг хилма-хиллик сабаблари.

Архаик давр маданиятида тасвирий санъат ва бадиий хунармандчиликнинг куринишлари.

Узбекистон худудида Архаик даврга оид кандай ёдгорликлар топилган.

Узбекистон худудидаги кандай кадимий динларни ва уларнинг маросимлари ни биласиз.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998 й.

Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999 й.

Алексеев В.П., История первобытного общества. М.1990 г.

Бойназаров Ф. Антик дунё, Т. 1983 й.

Древние цивилизации. М. 1989 г.

Узбекистон халклари тарихи. 1-Кисм. Тошкент. 1992 й.

Романов В.Н. Историческое развитие культуры. (Проблемы типологии) М. 1991

Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1992 г.

5-МАВЗУ АНЬАНАВИЙ МАДАНИЯТ

Маъруза режаси:

Кадимги Шарк маданиятининг вужудга келиш шарт-шароитлари.

Кадимги Шаркликлар дунёкараши ва тафаккурининг узига хослиги.

Кадимги Шарқдаги йирик маданиятларнинг (Миср, Месопотамия, Хинд, Хитой) узига хос киёфаси.

Антик маданият (Кадимги Юонон ва Рим).

Кадимги Шарк худудида мил. авв. X-VII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожланишининг ибтидоси билан булган энг муҳим жараёнлар руй беради. Бу даврда Шарқда маданий фаолиятнинг турли шакллари ва соҳалари вужудга келади. Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаҳон дини- буддизм пайдо булади. Бу бошлангич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тараккиётини тасаввур килиш кийин.

Кадимги Шарк тушунчаси, Шарк хакидаги хозирги тасаввурларга мос келмайди. Негаки, Кадимги Шарк ер шарининг Мисрдан то Хитойгача булган кенг минтакасини уз ичига олиб, бу ерда мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсоният тарихида дастлабки цивилизация вужудга кела бошлади. Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дарёлар – Нил, Дажла ва Фрот, Хинд ва Ганг, Хуанхе ва

Янцзи водийсида, яъни дехкончилик ривожланиши учун кулай имкониятлар мавжуд булган жойларда руй берди. Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифатида шахарлар, ёзув вужудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чикарувчи меҳнат фаолиятидан бевосита ажралиб мустакил фаолиятга айланади. Жамият хаётида алоҳида кишилар катлами бошкарув, таълим, маълумотларни тупловчи ва узатувчи соҳаларда шугулланувчилар ажралади ва купайиб боради.

Миср, Месопотамия, Хинд ва Хитой цивилизациялари энг кухна ва йирик маданиятлар эди. Бу маданиятлар таъсирида Урарту, Финикия, Хетт, Эlam цивилизациялари шаклланиб, инсоният маданияти тарихида сезиларли таъсирга эга булди.

И.П. Вейнбергнинг таъкидлашича, кадимги Шарк маданияти «илк кашфиётчи ва асосчи сифатида улкан миссияни» бажарди; ёзувни ишлаб чикиш ва давлатчилик пойдеворини куриш, узининг этник, касбий, мулкий ва ижтимоий ахволи билан фаркланувчи кишиларнинг бирга яшашлари учун шароит яратди. Агар бошка маданиятлар ибтидойи ва кадимги Шарк маданиятининг тажриба ва ютукларидан фойдаланган булса, кадимги Шарк маданиятининг узи эса ибтидойликнинг бир тарзида шаклланди. Ибтидойи мухитнинг таъсири кучли ва доимий булди. Ибтидойи даврдан мерос булиб мифологик фикрлаш усули, нутк ва фаолият утди. Шу билан бирга кадимги Шарк маданияти намуналари уз дунёсининг «бошловчиси», «янгиликларини» узига хос жиддий хис килди. Миср, Месопотамия, Хинд ва Хитой мифларида нафакат «дунёнинг яратилиш» (осмон, ер, жониворлар, инсон) мавзуи, балки, бу ривоятлар оламида ибтидойи дунёдан кескин фарковччи «маданиятларнинг яратилиши» мавзуи хам катта урин

эгаллайди. «Энклар ва коинот» (Месопотамия), тангри Птах хакида (Миср), Хитойнинг афсонавий хукмдори хакидаги мифларда худолар ва илк аждодлар дехкончилик ва хунармандчилик кашфиётчилари, илк шахарлар бунёдкори, давлатчилик ва динни урнатувчилар, конун ва ёзув ижодкорлари сифатида яъни, ибтидоийликдан фаркланувчи цивилизациянинг барча ютукларини яратувчилар булиб тасвирланади. Шунингдек, мифларда бир-бирига мос келмайдиган, карама-карши ва бу икки дунёнинг душманлиги мавзуи хам тасвирланади.

Кадимги Шарк халкларининг урф-одатлари ва эътиодлари хакида маълумотлар турли манбаъларда, адабиёт ва санъат ёдгорликларида сакланиб колганки, булар бизнинг тасаввур дунёмизни кескин фарқ килувчи оламга бошлайди. Кадимги Шарк маданиятининг шаклланишида мифологик тафаккур катта рол уйнаган.

Мифологик тафаккур-бу предметлик-хиссий, жонли тафаккур етарли ривожланмаган мавхум тушунчаларга хос булиб, бундай тушунчаларни ишлатиш ва сузда уларни ифодалашнинг сустлиги ва кийинлигидир. (Шумерликлар «улдириш» дейиш урнига «бошига таёк билан уриш» дейишган).

Кадимги Шарк кишиси сабабли натижа муносабатларни тушунган ва фарклаган, бирок уларни мужмал ва конунга мос булмаган ходиса сифатида, купчилиги эса шахсий кудрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок килади. Сабабларни излашда «кандай» деб эмас, балки «ким» деб сурашади («ходисада ким айбдор»), «ихтиёрий, аник максадда харакат килганни» излашган. «Сабабларни» бундай идрок килиш окибатида мифологик тафаккур айрим ва бутунча, бир-бирига ухшаш хар кандай ташки мосликни кабул килади. Функционал алокадорлик сифатида макон ва замондаги хар кандай богликлек сузи билан мифологик тафаккурнинг фикран богликлиги хакида гапиришга имкон тугилади. Фикрий богликлек билан ухшаш тафаккур хам алокадор. Кандайдир янги нарсани куриб инсон узига дейди: «Бу янги нарса нимага ухшайди?»- ва унга ухшаш нарсани узидан ва аждодлари тажрибасидан излайди. Хусусан, «асл намуна» тамойили кенг таркалган булиб, унга кура хаётдаги барча мухим нарсалар (эхром, подшохокимиюти, инсон) илохий курдатнинг «асл намунасиға» мувофик яратилган.

Оламни мифологик тасаввур килиш унинг нихоятда тартибли, катъий иерархик курилишида ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозициялар тизими хисобланади. Айнан шулар мифологик рамзий таснифлашдаги дастлабки «пойдевор» хисобланади (Карама-карши типлар: юкори-куйи, унг-сул, осмон-ер, магриб-машриқ, кун-тун, биз-улар, катта-кичик, эр-хотин, хаёт-улим ва бошкалар).

Шунингдек, унг, юкори, катта, якин, уз, ёргу таомилга кура карама-каршиликнинг мусбат-ижобий томонини, сул, куйи, кичик, узок, бегона, коронги эса салбий жихатини ташкил килади.

Мифологик тафаккурнинг мувофик ва ухшаш жихатлари унинг анъанавийлиги билан бевосита боглик. Анъана бир-бирига якин, бирок мохиятан бошка булган ходисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингари фаолиятда намоён булади. Буларнинг бари у ёки бу синуациядаги аник ахлок дастурига эга булиб, харакатнинг тугрилигини кафолатлади, нотугри харакатларни огохлантиради, негаки анъаналар негизида социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

Кадимги Шарк маданиятида анъаналарга асосланиш устун турати. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутлок хакикат каби бахоланганды. Мутлок хакикат хукмронлиги билан, Д.С. Лихачев таъкидлашича «одобилик» болгик булган. Кадимги Шарк кишисининг ахлоки харакат ва фаолиятда мукаддас анъаналарни кайта тиклашга каратилган «илохий урнатилган» меъёр ва коидаларга бориб тақалади. А.Я. Гуревич шундай дейди: «Кишилар харакатининг күкдаги илохий тимсолга талпиниши уларни илох билан бөлгөн, ахлокда вокеликка айланди». Кишиларнинг барча фаолияти (ишлаб чиқариш, жамоатчилик, оиласвий) мукаддас маросимларда канчалик иштирок этиши билан мазмун касб этади. Анъанавий жамиятда «кадимги» ва «яхши» сузлари синоним булиб, кадимги-эзгуликнинг кафолатидир. Шунинг учун уй ва анжом, кийим ва озиқа минг йиллар давомида кам узгарди, шунинг учун адабий жанрлар, санъат жанрлари хам баркарор булиб келмокда, янги эхромлар нафакат эсқисининг урнида кад ростлади, балки уларнинг «асл намунасини» кайтадан тиклади. И.В. Клочков ёзишича, янги замон кишилари дунёни харакатда, ривожланишида куради, «Эволюция», «тараккиёт» тушунчалари дунё киёфасини яратиш учун йул очувчи таснифлар хисобланади. Бундан барча янгиликка замонавий жамиятнинг очкуз кизикиши бошланади. Дунёнинг бошқача киёфаси анъанавий жамият кишиларидан ташкил топади: кадимги дунё яшайди, бирок узгармай колади. Ривожланиш гояси (тараккиёт ёки инкиroz) куринишидан, унинг англанишиши мутлако бегона. Дунё жуда кадимдан худолар белгилаган узгармас тартиб буйича яшайди.

Мифологик тафаккурнинг узига хос хусусияти шундаки, кадимги шарк кишиси узини хар доим социумнинг бир кисми деб хис килган, социум эса коинот кучига болгликларда, табиатга аралашган холда куриналади. Гарчи, кадимги Шарк маданиятининг турли кирраларида шахсни индивидуаллаштириш имкониятлари мавжуд булиб, улар хар доим индивиднинг турмуш шароитларини белгиловчи асосий соҳаларга нисбатан иккинчи даражали хисобланган.

Кадимги Шаркда маконнинг пайдо булиши чегараланиши алохида урин тутади. Кадимги Шарк мифологиясида космогенез жараёни Хаоснинг ажралиши сифатида намоён булади (Мисол учун, хиндларда Индра хакида миф, Месопотамиядада Мардук хакида). Тартибли уюшган макон, бетартиб маконга карама-карши куйилади. Табиийки, тартибли, ташкилий жихатдан уюшган макон- «яхши», «уз» маконнинг, ундан ташкарида «бегона», «унинг» бетартиб, ташкилий уюшмаган «хунук» макони-кучманчилик, ибтидоийлик дунёси жойлашган. Шунинг учун санъат асарларида бошка халкларнинг узига хос кийими, сочи, турмуши ута диккат билан аник худди узидай тасвирланади – барча киррасида карама-карши оламнинг фарки таъкидланади.

«Узининг» маконида ижобий хусусиятга эга булишда давлат асосий рол уйнайди. Шуни таъкидалаш жоизки, кадимги шаркда давлат оддий сиёсий хокимиёт сифатида узини намойиш килмади, давлат дин билан уйғунликда сиёсийдиний бирлик мажмууда мукаддаслик хусусиятига эга булди. Мохиятан маънавий фаолият давлат монополияси хисобланиб, у билан гуёки илохий ёки фидоийлик мартабасига эга булган зодагонлар, кохинлар ва хукмдорнинг узи томонидан амалга оширилган. Шох ер ва осмон уртасидаги бош воситачи ёки Неб

худосининг угли булган, ёки худоларнинг узидан бошқаришга «мандат» олган.

Бобил шохи янги йил байрамида бош худо Мардук ибодатхонасиға борган.

Ибодатхонага киришда коҳин шохнинг барча нарсаларини олиб куйиб (тожи, хассаси, шохлик либосини), уни камситган ва урган, шундан сунг оёк кийимсиз, оддий жулдур кийимда ибодатхонадан чикишга рухсат берган. Яъни, дастлаб шоҳ оддий одамга айланиши, ибодатхонада эса уни худо Мардук яна кейинги йил учун хукмдор килиб тайинлаган. Факат, Миср фирмъавини унинг отаси- Худо Амон-Рага, Хитой императори «Небнинг угли»- Небга сажда килиши билан

боглик асосий удумларни утказиш хукукига эга булган.

Шохнинг асосий мажбуриятлари фуқороларга boglik iшлар булган: мамла-

катда тартиб ва осойишталиқ, моддий фаровонлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш. Кадимги Мисрдаги «Гераклиопол шохнинг уз угли Мерикарга на-сихатлари» да айтилишича: «Хакикат урнат ва ерда узок яшайсан. Шундай кил-ки, йиглаётганни овут, бевага жабр килма, инсонни отасининг мол-мулкидан бенасиб килма». Яна хукмдор заминда тартиб-интизом буйича юксак миссияни бажариб, гоҳида бехад катта хажмдаги курилиш-хужалик фаолиятини амалга оширган. Улуг ва баҳайбат Миср пирамидалари, Буюк Хитой девори, Баолбек эҳроми, Персепол саройи курилишлари худолар олдидағи хукмдорларнинг

«ижобий» хусусиятларидан далолат беради.

Диний ақидалар хукмронлиги кишилар хаётини белгилади. Инсон каерда осмон булса- худолар дунёси ва ерни- одамлар дунёси деб билди. Улар доимо уза-ро муносабатда, бир бутунликда олам дарахтининг танаси ва шохлари каби ви-кор билан яшашган. Худолар инсонлар хаётининг барча соҳаларига фаол ара-лашган, унинг тугилиши, улимини ва улимидан кейинги такдирини белгилаган. уша дарвларда диний таълимотдан ташкари хеч кандай бошка дунёкараш бул-маган. Инсон худолардан хатто арзимас нарсалар хакида маслаҳат сураган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонага олиб берган. Мисол учун, кадимги Бобил ахоли-сининг мактубидан бирида шундай сұзлар битилган: «Менинг отам, Худо айт! Сенинг кулинг Апил-Адат шундай дейди: Нимага сен менга эътибор килмай-сан? Сендан бошка ким хам бор? Сени севувчи худо Мардукка ёз: менинг гуно-химдан утсин».

Барча Кадимги Шарқ цивилизациялари табиий-илмий билимларни туплаб улкан натижаларга эришди ва жаҳон фани ривожланишига улкан таъсир курсатди. Бизгача етиб келган Папирос ёзувлари мисрликларнинг математика ва геометрия (турли шаклнинг хажми ва юзасини улчаш), астрономия (аник куёш та-

квимининг тузилиши кейинчалик Европада тақвимга асос булган), тиббиёт (анатомия тузилиши, мия ва кон томирлари хакидаги таълимот, жаррохлик), ки-мё (турли моддаларнинг хусусиятини урганиш ва бу билимлардан майитни му-миёлашда фойдаланиш) соҳаларидаги кенг тушунчалари хакида далолат беради.

Атрофдаги мамлакатларга Месопотамия математикаси ва астрономияси катта таъсир курсатди. хозирга кадар биз Месопотамияда тузилган вакт ва бурчак ул-чови учун 60-булакли тизимдан фойдаланамиз. Месопотамияликлар математика ва астрономияга оид кашфиётлар килиб, ой фазаларини булиш тизимини яратди, куёш тизимиға оид жараёнлар, юлдуз ва сайёрлар руйхати, куплаб харакат

холатларини аниклаш буйича янгиликлар киритди. Икки дарё оралиги- астрологиянинг хам ватанидир.

Кадимги Хинд ва Хитой фани хам куплаб ютукларни қулга киритди. Хинdistонда нолдан фойдаланиб унлик санок тизими яратилиши билан алгебра ривожлана бошлади («сон», «туб сон», «синус» каби атамалар хинdistонда пайдо булди). улим сабабини аниклаш максадида мурда танасини анатомик тадкик килиш тажрибалари анатомия ва физологияни ривожлантириб, медицинада катта ютукларга эришилди. хинdistонда тиббиёт тараккиёти хакида тиббиётга оид асарлардан бирида жаррохликнинг 300 тури булганлиги ва 120 та жаррохлик асбоби мавжудлиги эслатилади. Барчага маълумки, Хитой ипак, чинни ва когознинг ватани хисобланиб, мил. авв. II асрда кашф килинган, шунингдек Хитойда порох, компас (мил. ав. III аср) ер кимирилашини аникловчи асбоб (сейсмограф) хам ихтиро килинган. Мил. ав. 613 йилга тегишли Хитой кулёзмалари топилиб унда Галлей кометаси хакидаги энг кадимги маълумотлар учрайди. Мил. ав. II асрда Хитойда осмон ёриткичларининг харакати тасвирланган биринчи осмон глобуси, 2500 ёриткичнинг урни курсатилган юлдузлар катологи яратилган. Янги таквим жорий килиниб (мил. ав. 104 й.), унга кура бир йил 365 24¹ кунга тенг булган. Мил. ав. 28 йилда Хан империясининг астрономлари куёшда додлар мавжудлигини кузатганлар. Хитой математиклари тарихда биринчи булиб хисобда манфий сонни куллаганлар. Тиббиётда игна уколи, нуктали даволаш каби ажойиб усулни ишлаб чикканлар.

Бир томонда Миср ва Месопотамия фани, бошка томонда хинdistон ва Хитой фанида ахамиятли фанлар мавжуд булиб, биринчидан- фан ута амалий хусусият касб этган, иккинчидан- фанлар назарияси, фалсафа тараккийси гардан кескин фарқ килган. Бу фаркни К. Ясперс томонидан яратилган ук даври назарияси билан изохлаш мумкин. Бунга кура мил. авв. 800 ва 200 йиллар оралигига муҳим тарихий бурилиш содир булиб, мифологик давр нихоясига етади, рационал идрок шаклланади, хозиргача мавжуд булган асосий тушунча ва таснифлар ишлаб чикилди. Бу даврда Хинdistонда Упанишадалар пайдо булди, Будда яшади. Хитойда машхур фалсафа мактаблари ривожланди, Эронда Зардуштийликни кабул килиб, конунлаштирилди, Фаластинданд пайгамбарлар чиқди, Юнонистонда бу вактда Гомер, Гераклит, Платон ва бошкалар фаолият курсатди. К. Ясперс Миср ва Месопотамия маданиятлари ук давригача мавжуд булганлигини, яъни уларда эсда коларли буриишлар содир булмаганини, Хинdistон ва Хитой маданиятларини ук давридан кейинга таълукли деб билади.

Хинdistон ва Хитойда табиий ва техника фанлари эртарок шаклланди ва уз навбатида сермаҳсул тараккий этди. Бирок, бу фанлар гарбдаги каби маданиятга сезиларли таъсир курсатмади. Бу Олий хакикатни англаш йулидаги мустакил таълимот булиб колиш билан бөгликтан Масалан, Хинdistонда билим уч даражага ажралади:

1. Билмаслик (авидъя).
2. Тушунча, «илмий» билим (вижняна).
3. Хамма нарсани билиш (пражня), яъни биринчи даражага мантиксиз фикрлаш, иккинчиси – мантикий, учинчиси мантиқдан устун идрок килишга мувоғик келади.

Ер юзидағи әңг күхна ва бир қадар урганилган, куплаб халклар маданияти-
нинг ривожланишига катта таъсир курсатган маданиятлардан бири- қадимги

Миср маданиятидир. Қадимги Миср ёзуви куплаб хозирги ёзув тизими учун
асос булди. Қадимги Мисрликлар куллаган сұзлар «папирус», «оазис», «химия»,
«базальт» ва бошқалар хозирда хам муомалада сакланиб келмокда. Мисрда тур-
ли, ута چалкаш топинишлар тизими мавжуд булған: худоларга сигинган, жони-
вор, усимлик, тупрок, сув, Нилни мұқаддаслаштирган. Күёшга, тирик худо-
Фиръавнга сигинишиң конун тусига кирған. Мисрликлар маданиятида дағн маро-
сими алохіда урин тутған. Улар улимни инсоннинг иккінчи хаёт бошланиши
деб билған. Мангу хаёт тушунчаси Осирис ва Изіда хакидаги мифдан пайдо
булған. Қадимги юонон мұаллифи «Мисрликлар хаёти улимга тайёр гарлик ку-
ришдан иборат»-деб бекорга ёзмаган.

Мисрликлардан фарқли қадимги Месопотамия ахолиси ердаги хаётта купрек
эътибор килишган. Улим билан хаммаси тугайди деб уйлашсада, нариги дунёга
ишонишишган. Мисрликлардан фарқли равища, нариги дунёни инсон рухи мангу
сув ва овкатта зорикиб яшайдын куркинчли дунё деб тасаввур килишган. Ша-
рупакнинг Месопотамияликларга насиҳатида айтиладики «Шириң хаётдан
ташкари бирон нарса азиз эмас». Месопотамияликларнинг кувончли хаёт хаки-
даги карашлари «Гилгамиш» достонида хам тасвирланади. Улар шахсий хаёт
муаммолари билан купрек кизикканлар.

Хинdiston – бириңчи жағон дини буддизм ватани булсада, Хинdistonнинг
узида индуизм билан иккінчи даражада туради. Бу иккі дин хам «Веда» да акс
эттирилған қадимги тасаввурлардан келиб чиккан. Хинdlарнинг дунёкараши ва
барча тушунчаларини белгиловчи марказий гоя, хинд маданиятининг узига хос
хусусияти- дунёда содир булувчи бенихоя узликсиз харакат гояси хисобланади,
яъни дунёning айланиши на ибтидо, на нихоя, на аник максадға әга. Дунёning

доимий айланишида кайта янгиланиш ва дунёвий илохий рух нишонаси-
ндивидуал рух булади. Улар доимо янги моддий куринишда вужудға келади,
бунинг учун инсон танаси булиши шарт эмас, яъни рух жониворлар, усимлик-
лар танасига жойлашиши мүмкін. Хинdlар шу тарика уз дунё қарашидан нарги
дунё хакидаги гояни истисно килғанлар. Мутлук «дунёвий конун» борлық хук-
мдори Браhma-оламнинг объектив ибтидоси. Уларни таккослаганды аник худо-
ларнинг роли унча катта эмас, факат «дунёвий конун» тамойилларини индиви-
дуаллашған тимсолидан иборатдир. Хеч ким, шунингдек худо хам инсон карма-
сини узгартиришга кодир эмас. Карманинг санскрит тилидан таржимаси «фао-
лият» (такдир) ни билдиради. Бу тушунчанинг мазмунини аниклаш мураккаб.

Карма инсоннинг олдинги хаётидан мерос булиб утади ва хозирги хаётининг
мазмуни ва фаолиятида намоён булади, у булгуси моддий тимсолнинг сифатини
белгилайди. Гунохларни кечириш хакида тазарру ёки ибодат билан Кармани уз-
гартириш мүмкін эмас, У факат инсоннинг ахлоқий феъл-атворини белгилайди.
Шу билан бирга, хар бир индус ва буддист учун уз-узини билиш ва узининг ка-
молатига етиш, уз рухий холатини аниклаш, уз кармасини тоза сакланиши ха-
кида уйлаш асосий хисобланади.

Бу Хинdistондаги динлар хаётдан, фаолиятдан воз кечишига ундейди дегани
эмас, балки улар дунёвий ташвишларга бефарқ булишга ундейди деса булади.

Хинд маданиятининг бутун мазмунида зохир ва ботин, муаккат ва мангулик уртасидаги мувозанатни саклаш зарурати хакидаги фикр ётади.

Хитой маданиятининг узига хос фаркли жихати шундаки, кадимдан динлардаги мистик ибтидога ахлокка нисбатан иккинчи даражада карапган, маданиятдаги белгиловчи гоя Осмон тасдиклаган буюк «ахлокий-ижтимоий-сиёсий тартиб» булган.

Хитой маданияти ва цивилизациясининг минг йиллар давомида асосий руҳий, ахлокий ва гоявий манбаи мил. авв. 551-479 й. яшаган буюк мутафаккир Конфуций таълимоти хисобланади. Барча энг мухим нарсалар хар кандай цивилизациянинг «киёфасини» белгилайди- хаёт тамойилларини, давлат ва ижтимоий ташкилот шаклларини, умум кабул килган ахлокий меъёрлар ва кадриятларнинг барчаси Хитойда Конфуцийлик таъсирида шаклланган. Бежизга Л.С. Васильев Конфуцийликни «хитой цивилизациясининг квинт эссенцияси (мохияти)» деб атамайди.

«Осмон ваколати» йуналиши Конфуций томонидан янгича фикрда ривожлантирилиб, унда ижтимоий ахлок асосий урин тутади ва сиёсий маданиятни белгилайди. Анъаналарни хурмат килиш, бурчни жиддий хис килиш, ахлокий сифатнинг юкорилиги, узини жамият учун бахш килиш, хакикатни англаш учун доимо уриниш, ишонч ва олижаноблик каби идеаллар бошқаларни бошқаришни истаганлар учун мулжал булган. Бу идеаллар давлатнинг бош таянчи булиб, Хитой империяси туралари учун намуна булди.

Конфуцийликни Хитойда пайдо булган иккинчи буюк фалсафий таълимотдаосизм тулдирди. Даосизмда турмуш, табиат, умумлик муаммолари акс этади. Агар конфуцийчилик инсоннинг ижтимоий фаолиятини назарда тутса, даосизмда унинг руҳий хаёти, дунёкараши акс этади. Даосизмда кадимги Хитойдаги фикрларнинг бош гояси акс этиб, жаҳон маданиятини янги хаёт билан бойитди. «Унинг гоялари: ин-ян тамойилларга асосланган дунёнинг дуалистик хусусияти; усин-бешта асосий унсурдан иборат булган материя (ер, сув, олов, маъдан); дунёнинг узгарувчан харакатдалиги, асосий унсурлар доимо сифат узгаришида булишини билдиради. Даосизмга кура дунёнинг пайдо булиши учта кучнинг фаолиятидан келиб чиккан: Дао- Олий Мутлок, Илк ибтидо, Дэ-дао нуридан дунёнинг пайдо булиши, Ци- Олий материя, у моддий дунёни яратиб, нарса ва мавжудотларни бунёд килади.

Шаркнинг кадимги цивилизацияси моддий ва маънавий соҳаларидаги куплаб ута мухим янгиликларни вужудга келтирди. Хусусан, мил. авв. I минг йиллик маънавий галаёнлар жараёни билан ажралиб туради. Бу даврда дастлаб икки тамойил вужудга келди: умуминсоний бирлик ва шахснинг маънавий мустакиллиги. ғоялар эркинлиги бошланиб инсон уз хаётини унга асосланиб курди.

Кадимги Шарк цивилизацияси ғарбга нисбатан эртарок бошлади. Юнонлар маданияти Кадимги Шарк маданияти таъсирида жуда юксалди, буни эллинларнинг узлари хам эътироф этишган. Бу таъсирлар натижасида шундай давр бошландики Шарк ва ғарб маданиятлари синтези эллинистик маданиятни вужудга келтирди: Юнон-Бактрия ва гандхар санъати, искандария фани, фаюм портретлари бунга мисол була олади. Кадимги Шарк бизга бархаёт бойликларни колдирди. Булар «Гилгамеш» ва «Моҳабхорат» достонлари, Калидаси драммалари

ва Чжуанцзининг рамзий масаллари, Миср эхромлари ва Буюк Хитой девори ва бошкалар.

Кадимги Юнонистон ва Рим маданиятлари Европа цивилизациясининг пой-деворига асос солди. Кадимги Шарк маданияти таъсирида шаклланган бу мада-

ният анъанавий маданият тараккиёти даврининг давомчиси ва яқунловчиси булди. Кадимги Юнонистонда шаклланиб, кейинчалик юксак боскичга кутарилган бу маданият эр. авв. III асрда Рим маданияти вужудга келишига катта таъсир курсатда ва «Антик маданият» номи билан дунё маданияти тарихида учмас из колдирди.

Лотин тилидаги «антник» (*antiguus*) сузининг маъноси «кадимги» демакдир. Лекин тарихий давр нуктаи назаридан карайдиган булсак Антик давр Кадимги дунёнинг охири-кадимги маданият ва давлатчиликнинг энг тараккий этган боскичидир. Бу давр асосан Юнонистон ва Рим учун характерли булиб, Юнонистонда мил. авв. XI-IX асрларда антик жамиятнинг ташкил топишидан бошланиб, мил. авв. V-IV асрда антик (классик) маданият такомили билан тула мохият-мазмунга эга булди. Милодий V асрда варварлар томонидан Рим империясининг кулатилиши Антик маданиятни инкиrozга олиб келди. Шунингдек, Юнон-Рим жамияти ва маданиятига нисбатан кулланилиб келаётган «антник» сузини купрок Европага татбикан англамок даркор, негаки Европа халклари узларининг маданий тараккиётлари йулида ёлгиз Юнон-Рим маданияти билан алоказар булганликлари сабабли, шу халклар бунёд этган маънавий бойликларни энг кадими деб таниганлар.

Уз урнида Антик маданият Юнон-македонлар ва Рим таъсирида Эгей денгизидан Хиндистонгача ва Мисрда эллинистик маданиятнинг вужудга келишига ва космополитизм (дунё фуқоролиги) тушунчасига асос солди.

Барча кадимги маданиятлар каби юонон классик (антник) маданиятининг муҳим таркибий кисми дин булган. Дин меъморчиликнинг, тасвирий санъатнинг, адабиётнинг ажойиб намуналарида уз аксини топди. Кадимги юонон динининг асосий шакллари архаик даврдаёк таркиб топган, унинг илдизлари эса энг кадимги крит-микен даврига ва кадимги шарк таъсирларига бориб такалади.

Ибтидоий жамоадан синфий жамиятга утиш даврида маъбудлар хакидаги тасавурлар узгаради. Эр. авв. VIII-VII асрларда куплаб махаллий ва айрим умумюонон маъбудларини тартибга солиш эҳтиёжи тугилади. Архаик даврда (мил. авв. VIII-VII асрларда) ги диннинг ривожи бу- антропоморфизмдан, яъни инсоннинг илохийлаштиришдан, худоларни улмайдиган ва абадий ёш булиб турадиган кучли, гузал кишилар деб тасаввур килишдан иборат эди.

Кулдорлик муносабатларининг шаклланиши ва ижтимоий ахвол Гесиоднинг «Мехнатлар ва кунлар» поэмасида акс эттирилган. Шунингдек, Диний мифология хам Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик даврнинг охиригача юононларнинг тасаввурида асосан мавжуд булиб келган. Юононлар учинчи авлодга оид бош маъбудларнинг макони Олимни тоги деб билишган.

Юононларнинг тасаввурича, олам аввалида Хаосдан иборат булган, Ер-Гея ва ер ости олами Тартар хам булган. Геядан угли Уран-осмон худоси келиб чиккан.

Уран билан Геядан титан Кронос тугилган ва уз отаси Уранни агдариб ташланган.

Булар титанлар- катта худолар экан. Кроносдан Аид, Посейдон, Гестия, Демитра, Гера ва Зeve каби кичик худолар келиб чиккан. Зeve бошчилигига кичик худолар Титанларни агдариб ташлаб оламни идора кила бошлаганлар. Зeve бош

худо, худолар аждоди, чакмоксочар хисобланган. Унинг хотини Гера- осмон маъбудаси ва никоҳ хомийси булган. Посейдон- денгиз худоси, Демитра- хосилдорлик маъмудаси, Гестия – уй-рузгор маъбудаси, Аид – ер ости олами худоси хисобланган.

Зевенинг бошидан донишмандлик ва уруш маъбудаси Афина пайдо булган; Апполон- рушнолик ва санъат худоси, Артемида- ой ва ов маъбудаси, Гефест- темирчилик худоси, Афродита- гузаллик ва севги маъбудаси, Дионис- узум ва мусаллас худоси сифатида эъзозланган. Зевснинг куп фарзандлари худолар булган.

Юноналар динида тотемизм колдиклари булган, яъни маъбудларга бирон хайвон ёки күш аталган. Шунингдек, юноналар иккинчи даражали маъбудларга- Нимфа ва Кентаврларга хам топинганлар. Гуёки чакалакзорларда дриадалар, нимфалар, эчкиоёқ сатирлар яшаган; денгизда наядалар ва сирена- аёл бошли кушлар яшаган.

Маъбудларнинг оддий аёллар билан алоказидан тугилган ярим худо- каҳрамонлар хам эъзозланган. Айникса 12 марта жасорат курсатган Геракл- ёвузликни енгувчи образ булган.

Юнонистонда худолар шарафига утказилган маҳсус байрамлар факат диний мазмунга эга булмаган, чунки жисмоний тарбия мусобакалари хамда мусика, күшик кабилар мазкур байрамларнинг энг муҳим ишлари хисобланган. Юнон шахарлари уз байрамлари, спорт мусобакалари, оракуллари (кохин-валийлари) билан юнон элини бирлаштирувчи марказлар булган. Аргосда Гера, Афинада Афина шарафига байрамлар утказилган. Олимпиада шахрида Зевс шарафига Олимп мусобакалари булган.

Юнон олимлари Кадимги Миср, Месопотамия ва Кичик Осиё ҳалкларининг билимларидан баҳраманд булганлар. Кадимги Шарқ фани юнон дунёсида илм- фаннинг ривожланишига таъсир этган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Юнонистонда маданият ва фан ривожланиб Геродот, Демокрит, Пратагор, Гиппократ, Сукрот, Афлотун, Арасту каби олимлар ижод килганлар.

Милоддан аввалги VI асрда Кичик Осиёдаги Милет шахри илм-фан маркази булган. Кичик Осиё олимлари Миср ва Месопотамия олимларининг илмий билимларини ривожлантирганлар. Улар табиат ва жамият ходисаларининг сабабларини тушуниришга харакат килиб, табиат ва хаётнинг ибтидосини сув, хаво ёки олов деб фараз килганлар.

«Тарихнинг отаси» деб ном олган юнонистонлик тарихчи Геродот (мил. ав. V-аср) Миср, Бобил, Сурия, Кичик Осиё ва Кора денгиз сохилидаги мамлакатларга саёҳат килиб, узининг «Тарих» китобида турли ҳалклар ҳакида маълумотларни ёзиб колдирган.

Юнон олимларидан бири Демокрит (мил. ав. 460-370 йиллар) «Хамма нарсалар энг майда заррача, атомлардан ташкил топган», – деган фикрни илгари сурган. У фаннинг куп соҳалари билан шугулланган.

Кос оролида тугилган юонон табиби Гиппократ (мил. ав. 460-375 йил) тиббиёт билимларини отаси Гераклитдан урганади. У машхур табиб булиб, тиббиётнинг барча масалалари билан шугулланган ва улуг файласуф хам булган. У шогирдлари билан бирга 72 китобдан иборат «Гиппократ туплами» номли тиббий асар ёзиб колдирган.

Афиналик файласуф Сукрот (мил. авв. 441-399 й.) бирорта китоб ёзмаган. У одам гавжум жойларда шогирдларини хакикатни билишга ундан, – хакикат бахс оркали билинади, – деган. Сукрот уз карашларида одамларни тенглаштиришга карши чиккани учун Афина кулдорлик демократияси намояндаларига ёкмаган ва уни улимга хукм килишган.

Македония сарой табибининг угли Арастуни (мил. авв. 384-322 й.) Шарқда «биринчи муаллим» деб атаганлар. У жуда куп асарлар ёзиб, илмий билимларни алохида соҳаларга булиб чиккан ва мустакил фанларга бирлаштирган. Арасту

Ер коинотнинг маркази деб хисоблаган. Унинг машхур асари «Сиёсат»дир.

Юнонистон афсона ва ривоятлар юрти булиб, кадимдан адабиёт ривожланган. «Прометей», «Геракл», «Дидал ва Икар», «Аргонавтлар», «Одиссея» ва «Илиада» каби афсона ва достонларда юононларнинг турмуш тарзи ва тарихи баён килинган. «Илиада» ва «Одиссея» достонларини мил. авв. VIII асрда яшаган кур баҳши Гомер яратган эди. Достонларда Троя урушлари хикоя килинади. Археологлар Гомер достонларига асосланиб кадимги Троя маданиятини топганлар.

Достон ва афсоналар театр учун бой маълумот берган. Кадимги Юонон театрни мил. авв. VI асрларда кишлок хужалиги хомийси, худо Дионис шарафига утказиладиган байрамлар вактида ижро этиладиган кушиклар ва уйинлар асосида вужудга келган. Юононлар театрни «катта ёшдагилар мактаби» дейишган.

Театр юонончада «томушалар жойи» деган маънони англатади. Кейинчалик курилган Юонон театрларига 17-25 минг томошабин жойлашган.

Театр санъатининг ривожи машхур юонон адилари ижоди билан уйгун булган. Адилар афсона ва ривоятлар асосида трагедиялар яратганлар. Трагедия юонончада «эчкилар кушиги» деган маънони англатади.

Мил. ав. VI-IV асрларда Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари Аристофан комедияларини театрда томошабинлар марок билан куришган. Эсхилни «трагедия отаси» деб атаганлар. Унинг «Занжирбанд Прометей», «Форслар» трагедиялари, Софоколнинг «Шох Эдип», «Антигона» трагедиялари машхур булган. Софокол 120 дан купрок трагедия ёзган.

Аристофан «Тинчлик», «Суворийлар» деган комедияларида уруш воеалари ни ва уша даврдаги иллатларни тасвирилаган. Бу ижодкорларни халк хурмат килиб Афина театрига хайкалларини урнатганлар ва «донишмандлик йулбошликлари» деб атаганлар.

Кадимги юононларда меъморчилик, хайкалтарошлиқ ва рассомчилик Крит-Минен даврларида вужудга келиб, кейинги даврларда ривожланади ва мил. ав. V асрда юкори погонага кутарилади.

Кадимги юононлар меъморчиликда устунли бинолар куришликни мисрликлардан урганган булсада, бу усулни кайта ишлаб учта услугуб яратганлар: дорий, ионий, коринф услубидаги бинолар. Улар ибодатхона, театр, сарой ва мажлис биноларига алохида эътибор берганлар. Дастьлаб бундай бинолар дорий услуби-

да-устунлар тагкурсига эмас, ерга урнатилган. Кейинчалик мармар тошлардан кучли эркак кишининг гавдасига ухшаш устундан, баъзи устунлар нозик, юкори кисми гажаккайрилма, накшли услубдаги бинолар курилиб, аёл гавдасига киёсланган. Ибодатхоналарнинг баланд пойдеворлари булиб, ичи ва ташкариси хайкаллар билан безатилган.

Афина акрополидаги Парфенон, Эрехтейон ибодатхоналари юонон меъморчилигининг нодир асарларидан булиб, хозиргача сакланиб колган. Прафенон устунлари дорий услубда булсада, тарз-таровати ионийча услубдадир. Унинг каршисидаги Эрехтейон ибодатхонаси соф ионийча услубда, киз хайкаллар устун вазифасини бажарив, нафис ишланган.

Мил. ав. IV асрда расм булган коринфча услубдаги устунлар узунрок, тагкуриси ва коши анча мураккаб булиб, аканф усимлиги япроклари билан безатилган. Афина марказида Лисикрат ёдгорлик хайкали шу услубда курилган.

Юонон хайкалтарошлиги хам мил. ав. V-IV асрларда юксак даражада ривожланди. Хайкалтарошлар бу даврда одам гавдасининг харакат килиб турган холатини тасвирлашни билиб олганлар. Мирон, Поликлет, Фидий, Тракситель, Скопас, Лисини каби хайкалтарошлар яртаган хайкаллар жонли харакатли холатда ишланган.

Юонон рассомчилик санъати намуналари кам сакланиб колган булса-да, асосан кузга, ваза ва сопол идишлар сиртига рассомлар юононлар хаётидан олинган айрим манзараларни ишлаганлар. Мазкур расмлар жозибаси билан диккатни торгади.

Эллинизм даврида (мил. ав. III-II асрлар) маданият хилма-хил булиб, асосан илм-фан тараккий этди. Александр Македонский истило килган худудларга юонон маданияти кириб бориши билан бирга Якин ва Урта Шарқ мамлакатлари маданиятига уйгунашиб, маданият синтези юз берди. Мамлакатларни узаро алокалари кенгайди.

Юонон-Македония ва Эллинлашган махаллий зодагонлар орасида умумюонон тили «Койне» (умумий) кенг ёйилди. Янги дунёкараш фалсафий тус олиб космополитизм (дунёфукороси) номи билан машхур булди.

Искандариядаги ва Шаркий Урта денгиз буйидаги бошка шахар кутубхоналарида Юононистон ва Шарқ мамлакатларидан олиб келинган илмий асарлар тупланган. Искандарияда театр, сарой, гимназиялар ва машхур Музей булган. Музейда расадхона ва улкан кутубхонада 700 мингга якин кул ёзма сакланган. Шахар олдидағи оролга 140 метр баландлықдаги маёк курилган. Бу маёк кемаларнинг гаванга кириш йулини курсатиб турарди.

Эллинизм даврида фанлар тизимиға асос солинди. Стратон хизмати билан физика фани пайдо булди. Евклид ва Архимед математикани ривожлантириди. Аристотел астрономия соҳасига улкан хисса күшди. Шарқ мамлакатларида юонон меъморлари, хайкалтарошлар, рассомлар нодир асарлар яратганлар. Бироқ, мил. авв. III-II асрларда юонон санъатининг хусусиятлари узгарган. Хукмдорлар саройлари коринфча услубдаги устунлар билан курилган. Тасвирий санъатда одамларнинг ташки киёфасини ва ички кечинмаларини курсатишга интилиши янгилик эди.

Таянч тушунчалар

Анъанавий маданият, эволюция, космогенез, фираъвн, эхром, папирус, астрология, таквим, Веда, эллинлар маданияти, Моҳабхорат.

Мавзуни тақрорлаш учун саволлар

Кадимги Шарк маданияти вужудга келишининг шарт-шароитлари.

Кадимги Шарк ва ғарб маданиятлари ривожланишидаги узига хослик нимада?

Кадимги шаркликларнинг дунёкараши ва тафаккуридаги фаркли жихатлари.

Кадимги Шарк ва антик даврда дин ва давлатнинг узаро муносабати.

Кадимги Шаркнинг асосий манзилгохи Миср маданиятини тавсифланг.

Кадимги Месопатамиянинг асосий маданий ёдгороликларини айтиб беринг.

Кадимги Хитой маданиятининг қандай намуналарини биласиз?

Анъанавий маданиятда удумлар, мифология ва илмнинг урни.

Антик дунё маданиятининг жаҳон маданияти тарихида тутган урни.

Кадимги Шарк ва ғарб маданиятларининг узаро мулокоти ва бир-бирига таъсири.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998 й.

Васильев Л.С. Проблемы генезиса китайской мысли. М., 1989 г.

Вейнберг И.П. Человек в культуре Древнего Ближнего Востока. М., 1986 г.

Древние цивилизации. М., 1987 г.

Ерасов Б.С. Культура, религия и цивилизация на Востоке. М., 1979 г.

Конрад Н.И. Запад-Восток. М., 1972 г.

Литература Древнего Востока М., 1984 г.

Ольденбург С. Культура Индии. М., 1991 г.

Оппенхейм А.Л. Древняя Месопотамия. М., 1980 г.

6-МАВЗУ «ДИНИЙ МАДАНИЯТ» (IV-XVI АСРЛАР ХРИСТИАН ЕВРОПАСИ ВА МУСУЛМОН ШАРКИ)

Маъруза режаси:

1. Шарк ва ғарб мамлакатларининг урта асрлар маданиятида диннинг устуворлиги.
2. Шарк ва ғарб диний маданиятининг узига хос хусусиятлари.
3. Диний маданиятлардаги ютуклар ва уларнинг жахон маданиятидаги урни.

VI-XVI асрлар даври тарих фанида урта асрлар дейилиб, кадимги ва анъанавий маданиятлар уртасидаги даврни билдиради. Бу давр маданиятида мифологик тафаккур ва анъаналарнинг кучли таъсири хамда янги даврнинг техноген маданиятидаги аклий-мантикий тафаккур, илмнинг амалий хусусиятлари сезилади. Араб халифалиги ва Европа мамлакатлари урта асрлар маданиятидаги хусусиятни ислом ва христианлик белгилайди. Урта асрлар маданиятининг шаклланиш киёфасини ислом ва христианлик белгилаши билан бирга, уларнинг узи хам мифологик тушунчалар асосида шаклланиб, анъанавий маданиятнинг куплаб жихатларини узлаштириди, уз навбатида урта асрлар маданияти негизида кейинги даврлар маданиятининг шаклланиши учун янги маданият куртаклари ва янгича тафаккур тарзи вужудга келди. Яна шуни хам инкор килмаслик керакки, урта асрларда узининг тафаккур тарзи ва дунёкараши жихатидан утмишда ва кейинги даврларда вужудга келган диний маданиятдан кескин фарқ килувчи диний маданият яратилди.

Диний маданият куп мазмунлидир, негаки унинг асосида турли халкларнинг маданият мероси мавжуд: араб, турк, герман, славян халкларининг архаик (ибтидоий) маданияти; антик мерос ва кадимги шарк цивилизацияси меросларини танлаш ва ижодий кайта ишлаб узлаштирган. Бундан ташкари ғарб ва Шаркнинг урта асрлар маданияти тарихнинг минг йиллар давомида доимо мулокот ва аккультурация жараёнини кечирди, бунда салиб юришлари даври жуда шиддатли кечди (XI-XIII асрлар). Диний маданиятнинг куп кирралиги унинг таркибида куплаб субмаданиятларнинг мавжудлигидир: халкона (кишлок маданияти), шахар, дунёвий, монастыр ва суфийлик маданиятлари. Шунингдек, дин уша даврдаги маданият ва субмаданиятнинг барча соҳаларини бирлаштириб уз ичига камраб олди.

Урта асрлар даврида якка худоликка асосланган жахон динлари-христианлик ва ислом Европа, Осиё ва Африканинг куп жойларида куплаб кишилар учун дунёкарашнинг устивор шакли булиб, инсон ва бутун жамиятнинг тафаккурини, бутун турмуш тарзини белгилади. Диний ақидалар асосида уша даврнинг киёфаси кишилар онгига шаклланиб маданиятнинг узига хос хусусиятини белгилади. Коинот ва осмон жисмларини дастлабки ва бошлангич урнини Худо (Оллох) белгилаб, дунё ва инсонни яратувчиси хамда барча мавжудот худонинг (Оллох иродасининг) ижодий яратувчанлик натижасидир. Инсоният тарихи даврларнинг изчиллик билан такрорланиб туриши каби намоён булади, натижада даврларнинг урин алмашиши навбатдаги пайгамбарнинг келиши билан содир

булади. Пайгамбар жамиятда бузгунчилик ва гунохларни тузатишда «илохий аралашувчи» нинг тимсоли хисобланган. Бу «худонинг элчилари» булган пайгамбарлар тарихидир. Христианликка кура «элчиларнинг» сунгиси «худонинг угли» Иисус Христоснинг ерга тушиши хисобланиб, унинг чормих килиниши билан Ерда Худонинг хукмронлиги бошланади. Ислом дини буйича Иисус фактат пайгамбарлардан бири халос, охирги пайгамбар «пайгамбарлик тамгаси» булган Мухаммаддир. Кишиларга пайгамбарлар оркали олий хакикат маълум килинган. Яъни, яхшилик ва ёмонлик, номукаммал – такомилга муҳтож булган ердаги куринадиган табиий мавжудлик, бунда, ердаги олий хилкат инсон руҳи булиб, у Худо билан бирлашишга харакат килиши лозим. Дин – инсон учун на-муна-муминлик, жафокашлик, руҳоният, гунохларни ювиш иштиёки, кутилиш-дир. Хар ким, хар доим назорат остидалигига, узининг Оламда заррадек экани-ни хис килиши, бу улкан Оламнинг узига хос марказида сезиларли куч харакат-да булиши, идрок килиб худонинг (Оллохнинг) эътиборида эканлигига икрор булади.

Дин хар хил миллий анъаналарга эга булган турли халкларга араблар Шарки ва Европада кучли бир цивилизация яратиши учун бирлаштирувчи ибтидо булади. Дин маданиятнинг сиёсий, ижтимоий, илмий, бадиий-барча соҳаларига уз таъсирини курсатди. Христианлик Рим империясида Эрамизни IV асрларида унинг ғарбий кисми гуллаган пайтга келиб (эр. 476 й.) тула шаклланган черков тизими ва каттик интизомга асосланган давлат дини тарзда карор топди. Черковнинг таянчи бу пайтда бутун Европада кенг таркалган ва христианликни уз дини сифатида кабуллаган «ёввойи» халклар (жумладан: готлар, галлар, ир-ландлар ва б.) ташкил этди. Европа буйлаб таркалган герман, славян, турк каби-лалари антик цивилизациясини хароб этиб янги хаёт тарзини кабул килдилар.

Урта аср Европаси- бу аграр цивилизация гуллаб яшнаган, натурал хужалик хукмронлик килаётган тарихий давр. Дехконлар унча катта булмаган, бир-биридан ажралган жамоалар шаклида яшар, уларни истак ва манфаатларини йилдан-йил такрорланадиган кишлок хужалиги билан бөглиқ тарзи белгиларди.

Бундай хаёт тарзида одамнинг тафаккур доираси тор-манфаати доирасидан ташкари хар қандай мулокотларга эхтиёжи йук хисоб булади. Бунда Европа тар-киб топган давлатчиликка хам хеч қандай замин йук эди. Сунгрок христиан чер-кови жамиятни барча томонларини сиёсий ташкилот шаклига келтиришнинг намуна асосини ташкил этди. Тобеълик муносабатларига курилган феодал таба-качилик асосида Черков иерархияси ётади. (рухонийлар-епископлар-кардиналлар-рим папаси), Кирол худонинг вассали, сарой аёнлари-Киролнинг вассали, дехкон-сарой аёнининг, аёл эркакнинг, уй хайвони аёлнинг тош ва усимликлар уй хайвонининг вассали ва бош.»Тошдан Худогача» кенг таркалган умумий вассаллик хакидаги гоя хам Черковни қуллаб кувватлаган. Мусулмон Шаркида ислом таълимоти пайдо булиши билан баробар теократик бошкарув шакли карор топади, бунда диний ва дунёвий хокимият пайгамбар, кейин унинг «уринбосарлари-халифалар» кулида бирлашган.

V-VI асрларда Арабистонда янги дунё карор топабошлади. Этник ва маданий уюшиш, интеграция жараёни кечиб, ягона дин, умумий онг элементлари таркала бошлади. Бу аввалги худоларидан хафсаласи пир булган арабларнинг маъна-

вий-рухий изланишига турткى булди. Мухаммаднинг пайгамбарлик фаолияти ягона маънавий-мафкуравий ва социал бирликка интилиш йулида конуний жарайён булди. Исломий эътиқод 5 асосий талабга таянади. Ягона Оллохни тан олиш ва Мухаммадни унинг пайгамбари деб билиш, намоз укиш, руза тутиш, бева-бечоралар йулида закот бериш, хаж зиёрати. Исломнинг ушбу 5 ахкомидан

4 таси ахлокий-удум табиатига эга. Хусусан, пайгамбар шахси у хакидаги маълумотлар нуфузи ислом динига бетакрор узига хослик, маънавий-рухий кудрат бахшида этди ва уни жаҳон тарихидаги мухим воеа, узида илохий ва дунёвий хокимиятни мужассамлаштирган мусулмон давлатчилигининг карор топиш томирини белгилади.

Дин хаётни мукаддас шаклда тасвирловчи гояларни яратди: Фалсафада-теология, адабиётда-илохий, дидактик жанрлар, европа мусикасида черков гимнлари-литургия ва месса, тасвирий санъатда христианлик сюжетлари асосий урин тутди. Асосий фанлар илохиёт ва схоластика (урта аср фалсафасида юончча шундай аталган ва бу атама фикр сукиш, догматизм, мазмунсиз, формал билимни англатган). Илохиёт олам ва инсон хакидаги уз «илмий» манзарасини яратди. Коинот хусусидаги илмда Ер Оламнинг, Иерусалим дунёнинг маркази деган караш хукмронлик килди. Инсон мажозий тарзда микрокосмос- тана-ер, кон-сув, нафас-хаво, харорат-олов, яъни у бошлангич ибтидодан иборат деб каралди.

Асосий мавзу-худони куйлаш, Инжил асотирлари, авлиёлар хаёти, руний-ахлокий покланиш, гунохдан, магфират булиш ақидалари эди. Мусикавий маданият негизини черков кушик-куйи (литургия), мусика, шеърият ва драматургияни узида уйғунлаштирган черков тантаналари ташкил этди. Меймандишилик ва тасвирий санъат илохиятни унсиз таргиги шакли тарзидан намоён булди. Христианлик эхромларини (Собор) «саводсизлар Инжили» деб бежиз айтмаганлар.

Унинг бутун ифода шакли- бино ичининг хоч шаклидалиги, атрофнинг безак-хашами, оддий бандаларига муносаб курилмаган меҳроб кисми, турли хайкалчалар, мул буёкли тасвирларда аслида христиан рамзлари ва христианлик ақидалари ифодаланган. Бош жанр икона булиб, у саводсиз омма учун худо билан руний-хиссий bogланиш алока шакли саналган. Тасвирида худони бандаларининг гунох кечмишлари, уларни магфират этишга каратилган мотамсаро куриниши ифодаланган.

Исломда санъатга нисбатан катъий бирёклама, диний ақидалар тимсоли ифодасини курамиз. Бунда черков тизимини йуклиги, хар бир одамни Оллох-билан танҳо мулокотининг мумкинлиги ахоли манзиллари, махаллаларда курилишнинг оммавий шакли-масжидларни бино этилиши булиб, унинг дастлабки на-мунаси Мухаммад пайгамбар томонидан Мадина шаҳрида солинган масжиддир. Юкори маълумотли мусулмонлар орасида Европа мамлакатларидаги университетлардан илгарирок олий таълим мактаб-мадрасалари кенг таркалишини белгилади. Мусулмон адабиётида устиворлик килган шеъриятни ривожланишида суфийлик катта роль уйнайди. Суфийлар узларининг чукур хиссий-рухий холатлари, яратувчига булган эътиқодини тингловчиларига етказиш, индивидуал таъсир этиш маҳоратини намойиш этардилар. Ислом тадқиқотчилардан булган. Г. Грюнбаумнинг таъкидига кура, таҳлилий, маъжозий бой ифода воситаларига эга булган мукаммал ифода шакли, чукур мазмун уйғунлигини узида мужассам

этган такбир имкониятларини мусулмон маданияти доираси хатто ундан ташкарида топиш мумкин эмас. Шаркнинг барча йирик Саноий, Жомий, Румий, Саъдий, Хофиз, Низомий, Навоий сингари ижодкорлари суфийликка ўёки бу тарзда алокадор булганлар. Илохий хакикат Оламнинг алдамчи қуриниши тарзда тахайюл этилганлиги туфайли хам ислом санъатда асл тасвир-ифодани инкор этган (Китобий миниатюра бундан мустасно). Айни пайтда Исломда оламнинг мохияти, асл хаёт хакикатни накшларда муҳрланган белгиларида ифодалашга эътибор каратилган. Махобатли меъморчилик ёдгорликларини бетакрор гузаллик тимсолларига айлантирган, ихлосмандларни нафакат кузини, калбини хам кувонтирадиган мураккаб геометрик шакллар (гирх), усимликлар шакли ифодаси (ислимий), кулёзма, амалий безак, санъати накшлари асосида исломий рамз тасвирлари ётади. Жумладан, учбурчак-Оллохнинг назари, туртбурчак-мусулмонларни Муқаддас манзилгоҳи-Қаъба, бешбурчак-диннинг 5 асосий аркони, жимжимадор усимликсимон шакл, ва гуллар-жаннат боги-Бустон тимсолларидир. Мусулмон Шаркида санъатда диний ақидалар ута изчилик билан кулланган. Санъатда каллиграфик миниатюрани истисно килган холда деярли во-келикни тасвирлаш таъкиланган, тасвир рамзий шаклларда, накш сифатида ифодаланган.

Умуман, ғарбда хам Шарқда хам борлик Илохий «Олий хукмдор»нинг акси сифатида идрок килинган. Худо (Аллоҳ) табиатдаги нарсаларни яратувчиси сифатида ва нарсаларда унинг құдрати намоён булиш тарзида тушунилади. нарсаларни мохиятини билиш Худони (Аллохни) танишдир. Оламни билиш назарий булиб, машхур файласуф, хусусан Арастунинг ва теологлар асарларида факт борликнинг тизими шархланган. Барча нарсалардаги яширин мазмунни топишига ва фахмлашга харакат килинган. Шундан бошлаб урта асрларда нафакат алхимия ва астрология, балки анъанавий, мажозий математика, жуғрофия, филология ва бошқа фанлар хам ривожланиб, аник жуғрофий мукаддас жойлар билан бөгликтен (жаннат, дузаҳ, аросат) саналар, сузларнинг рамзий маъносини тушунишга харакат килинди.

Урта асрларнинг илохиятга оид муаммоларидан бири идрок ва эътиқод масаласи хисобланади. ғарбда бу бир томондан, эътиқодни идроқдан мустакил, мутлек устун деб билүвчилар (Бернар Клервосский, Ансельм Кентерберийский) ва бошқалар томондан диний ақидаларни асослашда идрокнинг ролини эътироф этувчилар (Боеций, Абеляр, Сигер Брабантский) уртасидаги мунозараларда ифодаланади. Агар –биринчилар Августиннинг «Англаш учун ишонаман» деган иборасини шиор килиб, эътиқодни заковатдан устун эканлигини асослашга уринган булсалар, уларнинг муҳолифлари Пьер Абелярнинг «Ишониш учун англайман» сузини шиор деб билғанлар. XIII асрда Фома Аквинский «Олтин оралиқ»ни топиш – заковат оркали эътиқодни кисман асослашга уриниб, аслида араб Шаркининг «Икки хакикат» тугрисидаги (дуализм) назариясини эътироф этди. Икки хакикат гоясини фалсафа олами хакида уз хакикатини, дин Худо хакида уз хакикатини беради, деб С. Брабантский асослаган эди. Бинобарин хакикатнинг диний ва фалсафий талкини киёсланиб англаңмоги лозим.

Шунингдек, мусулмон Шаркида хам ислом эътиқодидагилар ва суфизм вакиллари уртасида муросасиз тукнашувлар содир булди. Хакикатни билишни инкор

килувчилар ва хакикатга мурокаба йули билан якинлашиш мумкин дейувчилар (Ал-Аширий, ғаззолий, Жунайдий, Бистомий) хамда аклий билишни устун куйувчи машхур файласуфлар Фаробий, Ибн Сино, Беруний) таълимоти вужудга келди. Европа маданиятида бу мунозаралар натижасида идрок ва эътиқоднинг ажралиши содир булди. Уильям Оккам (XVI аср)-эътиқод ва идрок, фалсафа ва дин уртасида хеч кандай умумийлик йўқ, булиши хам мумкин эмас, демакки, улар мутлако бир-биридан мустакил тушунчалар экан, бир-бирини назорат килмаслиги керак деб, асослайди. Бу ёарбда олий кудрат сифатида айникса, «XVII аср илмий инкилоби» даврида табиий инсон идрокини устиришнинг катта галабаси учун туртки булди. Мусулмон Шаркида бошқачарок йуналиш устунлик килди. Бунда илм, идрок хар доим факат маънавий юксалиш йулидаги боскич сифатида каралган, идрок ва илм бошка максадга каратилиши мумкин эмас. Шуннинг учун хам IX-XVI асрлардаги араб тилига асосланган тажриба фанлари ва фалсафа тараккиётидаги катта ютукларнинг барчаси диндан ажралмаган холда содир булди, илмнинг бош вазифаси хаёт учун зарур хисобланган маънавий асосни кидиришда давом этган.

Ёарб ва Шарк мамлакатларининг диний маданиятларида сезиларли фарклар хам мавжуд. Урта аср Европасида черковнинг ахамияти алоҳида урин тутади. Черков худо ва инсон уртасидаги воситачи булиб, факат у инсоннинг рухини илохий «муъжиза» ёрдамида халос килиши мумкин (чукинтириш, тавба, никоҳ удумларида). Черков, узининг ёзма анъаналарига эга булмаган Европадаги кабилалар учун билимларни тупловчи ва сакловчи жой булиб, таълим тизимининг шаклланишида, жамиятнинг ижтимоий тузилишида, хукукий ва ахлокий мезонлари шаклланишида муҳим рол уйнади. Исломий анъаналарнинг асосий узига хослиги шундаки, унинг негизи диний ва дунёвий, илохий ва оддий тафовутга ажратмасдан, мутлок «соф диний» мазмунда эканлигидир. Исломда хеч качон христианликдаги диний ақидаларни конунлаштирувчи Вселенск собори каби институтлар булмаган. Исломдаги теократик идеал давлат билан бир каторда турувчи алоҳида диний институтнинг (черковни) мавжуд гоялари билан мувофик келмаган. Эътиқод ақидаларини ишлаб чикиш ва шарҳлаш давлат ёки диний муассасанинг, халифаларнинг суд килиш ишларига кирмаган. Жамоатчилик фикрининг шаклланиши хусусий шахслар, диний арбоблар (уламолар) зиммасида булиб, уларнинг обруйи диний билимларга асосланган. Дин масалалари буйича уз фикрини билдириш хукукига хар бир мусулмон эга булган, фактат у Куръон ва хадисга зид булмаслиги лозим эди.

Христианлик шахснинг бир кадар майший мустакиллигини таъминлади. Диний ва дунёвий ибтидонинг бир кадар мустакиллиги хусусида Инжилда шундай дейилган: «Кайсарга хокимият, такводорга эса Худони беринг». Исломда киши фактат ва сузсиз Худога тегишлидир. Мусулмон киши ислом буюрганича фикр юритади, шунга мувофик «дин» ва «менталитет» тушунчаларини ажратиш мумкин эмас. Агар христиан учун инжилга маданият ёдгорлиги сифатида муносабат билдириши мумкин, мусулмон учун Куръон бирон-бир маданиятга киёс килиб булмайдиган, илохнинг бекиёс тимсоли, балки сифатидир. Христианликда «кисм» ва «бутун»нинг максади узаро муносабатда бир-бирини такозо киласи (диндор ва черковнинг, индивид ва умумнинг), уз ирода кучидан холи булганидек, черковдан

ташкарида шахсий нажот мумкин эмас. Исломда алохида индивиднинг тақвадорлигини унинг канчалик шахсий зоҳидлиги эмас, умма (мусулмонлар кавми) ишларида шунчалик катъий йул-йурик асосида иштироки белгилайди, бусиз нажот то-пиши мумкин эмас, яъни исломда айрим бутунга кушилган каби сезилади.

Диний ва дунёвий асосдаги бир қадар автономия оқибатда дунёвий хокимият ва черков уртасида курашни келтириб чикарди. Европада бутун урта асрда давом этган бу кураш Реформацияни вужудга келтирди. Реформация жараёнида (XVI аср) Европада рухонийлар гурухисиз (илохият хизматчилари) янги черковлар вужудга келди. Диндорлар уз ораларидан ваъзчиларини белгилайдилар, хашаматли анъаналардан воз кечадилар ва уз ибодатларида тугридан-тугри худога мурожаат киладилар. Илохий черковлар дунёвий алломатларга эга булиб сиёсий хокимият измида буладилар. Реформация Европа халкларининг миллий маданиятлар ривожига, миллий тилларни карор топишига шароит яратди, жумладан, Мартин Метор Инжилни лотинчадан немисчага таржима килди. Ислом сиёсий маданияти «маслаҳатли демократия» шаклини яратди, Халифалик та-мойили Куръондаги учта коидага биноан яратилди. Улардан биринчиси хукмдорни уз фуқоролари билан «маслаҳатлашишини» ва умумнинг фикрини иnobатга олиб карор кабул килишни талаб килади, бошкаси бошқаришни ва муно-зараларни адолат билан хал килишга чакиради, учинчи коида эса «Аллоҳнинг элчисига» диндорнинг буйсунишини талаб килади. Халифа монарх хам, деспот хам эмас, унинг бошка мусулмонлардан фарки, факат эътиқодни авайлаш ва шариат меъёрларини бажариш учун жавобгарликни уз зиммасига олган шахс.

Халифа хокимиятни мерос тарзда олиши ва колдириши мумкин эмас. Халифликка даъвогар ва жамоат уртасида келишув-мубайи асосида халифа хокимиятни олиши мумкин. У барча мусулмонлар жамоасидан ёки уларнинг таникли вакиллари булган-мужаҳитлар томонидан сайланади. Ҳар бир мусулмон сингари халифа хам мусулмон хукуки меъёрларига тула буйсунуши ва ҳар кандай ножуя хатти-харакати учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Ислом тадқикотчилари таъкидлашича, халифа хакидаги шартнома – мубайи куп асрлар давомида «жа-мият шартномаси» (Ж.Ж. Руссо) гоясини ифода этиб келди.

Европада Черков Кадимги ёзув сирларини саклаб келгани учун узок вакт таълим соҳасида монополияга айланиб колди. Урта асрларда Европанинг куп ахолиси, шу жумладан юкори табакалар хам саводсиз эди. Куп рицарлар узининг саводсизлигидан фахрланиб, укиш ва ёзишга эҳтиёжи йўклиги, бу вазифани мирзо ва монахлар бажаради деб хисоблаганлар. Европада шаҳарларнинг кайта тикланиб, ривожланиши Черковнинг таълим ва илм соҳаларидаги монополиясига чек куйди. Ҳар динордан бошлаб савдогар ва хунармандлар болалари учун дастлаб дунёвий мактаблар, кейин университетлар пайдо булди.

Мусулмон Шарқида бу жараён бир оз бошқача кечди. Ҳар бир эътиқодли мумин-мусулмон араб тилини билиши ва Куръонни укий олиши фарз булган. Куръонни хатга битилиши жараёнида араб тилининг хам тараккиёти бошланади. VIII асрда Ас-Сибавайхий араб грамматикасига оид асар ёзади, XIII асрда араб тилининг иккита лугати яратилди, бу Ас-Саганийнинг лугати ва Ибн-Манзурийнинг «Араблар тили» лугатлариdir. VIII-XI асрларда кадимги Юонон олимларининг деярли барча асрлари, шунингдек, хинд, шом ва форс муаллиф-

лари асарлари хам араб тилига таржима килинган. Фалсафа, астрономия, математика, тиббиётга оид илмий атамалар деярли ишлаб чикилади. Араб тили урта асрлардаги энг тараккий этган тиллардан бири булиши билан бирга, Хинди-стондан то Испаниягача булган халкларни бирлаштирувчи халкаро муомала тил булиб хисобланган.

Мусулмон маданиятининг узига хос хусусиятларидан бири илм ва китобга мухаббатдир. Янги арабий жанр-адабнинг шаклланиши билан илмга булган иштиёкни кондириб, турли фанларнинг мазмунини оммабоп шаклда ифодалаш имкони яратилди. Таълим олиш худди кадимги Хитойдаги каби нуфузга эга булди. Мусулмон Шаркида маълумотли киши хокимиятнинг энг юкори погонасига чишида оксюяклар билан teng турган. Купинча Шарқ хукмдорлари саройида шоирлар, файласуфлар, илохиётчилар, тарихчилар, конуншунослар, табиблар, мирзолар, мунажжимлар сарой хизматчиси сифатидага маълумотли кишиларга катта эхтиёж булган. Маълумотли киши грамматикани, риторикани, географияни, тарихни яхши билиши, кийинишни фарклаши, шеър ёзиш кобилиятига эга булиши, уз жойида асия, хикоя айта билиши, зарур булган. Турли хил таълим тизими: диний таълим берувчи мактаб ва мадрасалар, шунингдек, дунёвий таълим-хусусий мактаблар ривожланади.

Диний маданият умуминсоний маданият тараккиётининг энг мухим даври хисобланади. Урта асрлар даврида давлатчилик, миллатларнинг янги шакллари вужудга келиши юз беради, хозирда муомалада булган тиллар шаклланиб, таълим ва фан тизими янада тараккий этади. Фаннинг турлари ва услублари замонавийлик касб этиб борди. А. Гумбольд айтгани каби, араблар «табиий фанлар ижодкори» булиб, улар тажриба ва мезон йулига асос солдилар. IX-асрда мусулмон Шаркида расадхона курилади; юлдузларнинг аник жойи белгиланган каталог тузилди; геометрия, тригонометрия, оптика, алхимия, механика, тиббиёт, жуғрофия соҳалари буйича куплаб асарлар ёзилди. Улуг аллома Ал-Хоразмий математиканинг янги тармоги булган алгебрага асос солди. Буюк Шарқ олимлари Хоразмий, Фаробий, Ибн сино, Ибн Рушдий каби куплаб аллома асарларидан Европанинг янги авлод олимлари таълим олди. Табиатни рационал англаш анъаналарни узлаштириб ва янада такомиллаштириб, XIII-асрда Р. Бекон индуктив мантиқ усулини яратади хамда илмий идрокниниг бош усули сифатида малака ва тажрибани тасдиклайди.

VI-XVI асрларда бадиий кадрияти юксак ёдгорликлар яратилди: Ал-хамродаги Сарой, Курдоба, Жазоир, Саммадра, Дехлидаги масжидлар, Реймс, Париждаги готика услубидаги соборлар, Истамбулдаги Авлиё София ибодатхонаси; ажойиб икона ва хайкалтарошлиқ асарлари, каллиграфия ва китоб миниатюраси, айникса Шаркда шеърият юксак даражада тараккий этади. Бу соҳаларда асосий гоя яратувчилик, хаётбахшилик булиб, Мухаббат ва Идрок ижтимоий тараккиётининг бош харакатлантирувчи кучи сифатида эътироф килинади. Илохий ишқ ва пайгамбар шеърий санъат ва шоирларнинг асосий мавзуи булиб колади. Бу жанрлар аник бадиий шакл касб этиб, кейинги асрлар бадиий маданиятининг мазмунини бойитди.

Бу даврнинг мухим бадиий ютуклари каторига ахолининг барча катламлари эътироф этган маданият кадриятларни куйиш мумкин. Христиан ва Ислом дин-

лари бой ва камбагални, кучли ва ожизни турли иркдаги ва турли ижтимоий гурухларни бир-биридан ажратмайди. Барча эътиқод килувчилар учун умумий ахлок мезонлари: муминлик, тавба, яхши ва раҳм шафкатли булиш, гуноҳ килмаслик кабилар мавжуд. урта асрларда умум эътироф килган ахлокий меъёрларнинг мустахкамланиши умуминсоний хулк ва ахлок мезонларини ишлаб чикишда катта ахамиятга эга булди.

Урта асрлар маданиятининг куп киррали эканлиги юкорида таъкидланган эди. Бу давр маданияти ижодкорлиги жараёнида илк марта ахолининг барча табакалари иштирок этиб, ҳар бир катлам узининг маданиятини яратади ва уз навбатида анъанавий маданият сифатида жамиятнинг маълумотли, юкори катлами-нинг маданиятигина намоён булади. Рухонийлар инсон рухияти, рицарлар давлат ишлари билан машгул булдилар. Агар биринчиларнинг идеали бу дунё фарогатларидан батамом форик булиб мангу ҳакикатга эришиш истаги булса, иккинчиларининг идеали келиб чикиш нуфузи, баходирлик, событ суз, бурч ҳакида кайгуриш, дунёвий жасоратларга хамиша тайёрликдир. Айни ана шундай

рицарлик фазилатлари «Нибуллинглар кушиги» (Германия), «Роланд ҳакида кушик» (Франция), «Сид ҳакида кушик» (Испания)) достонлари ва турбадурлар лирикасида куйланган. Оддий ҳалк-дехконлар ва шахарликлар юкоридагиларга муҳолифатда эди. Дехконлар орасида христианлик карашларнинг таъсири утабошлаган қадимги динларга хос тасаввур, анъана ва расм-руслар сакланиб колди. Дехконлар ҳалкона маданиятнинг консерватизми туфайли дастлабки динларнинг худолари, афсонавий қаҳрамонлари ҳакида ҳикоя килувчи (Исландларнинг «Кукилинлар ҳакида Сага», инглизларнинг «совулар»и, скандинавияликларнинг «Эдда»си) сингари қадимги эртаклар, асотирлар, кушик, одат ва удумлар сакланиб келди. Шахар хаёти одамларда фаоллик, хисоб-китобда аниклик, ишбилармонлик рационал тафаккур тарзини шакланишига туртки берди. Шахарликлар орасида илм, маърифатга интилиш бошка табакалар мезонларига танкидий ёндошиш рухияти уйгонди. Йирик асарлар (Аи ҳакида роман), ихчам ҳикоялар (новелла, фабио, шванклар) да рухонийлар ва рицарларнинг такаббурлиги, дангасалиги, нафсибузуклиги ҳажв этилди, шахарликларнинг саховати ва меҳнатсеварлиги улугланди.

Урта аср Шарки маданиятида табакавий субмаданиялар эмас, икки йирик маданият-шахар ва кучманчилар маданияти ажралиб туради. Шахар шароитида «Юсуф ва Зулайх», «Лайли ва Мажнун», «Лубна ва Кайс» сингари достонлар турли поэтик шакл ва жанрдаги (қасида, маснавий, газал, мадхия, рубоий мақом) адабий асарлар, ҳикоя ва эртаклар тупламлари, (1001 кечада эртаклари, Каилила ва Димна) латифа ва ривоятлар яратилди. Миниатюра безагига бой китоблар, мусика санъати ва раксининг хилма-хил жанрлари ҳалк орасида кенг таркалди.

Кучманчилар орасида турли мусика асблоларида куйга солиб айтиладиган (бахши ва оқинлар томонидан) ҳалк оғзаки ижодининг йирик бадиий шакллари-эпос, достонлар яратиш устуворлик килди. Шахар, рицарлик, дунёвий, монахлик ва суфийлик каби субмаданияларнинг пайдо булиши маданиятни сезиларли бойитди, янада ривожланишида куплаб йуналишлар яратди ҳамда Ренессанс (Уйгониш) деб аталган юксак тараккиётга замин тугдирди.

Уйгониш даври тадқикотчилар асарларида турлича баҳоланиб, турлича ёндошувларга сабаб булди. Хусусан, Уйгониш йуналиши умумжахон жараёни сифатида Хитойда VII-VIII асрларда бошланиб, IX-XII асрларда Марказий Осиё ва Якин Шаркни камраб олди, XIV-XVI асрларда Европада такомилига етди. Шунингдек, тадқикотчилар Уйгониш даврининг бош маслақдоши хакикий гуманизм булғанлигини бир овоздан эътироф киладилар. Хитойда «инсонпарварлик» сузининг синоними «жен», Шаркда «одамият» атамалари хисобланади. Уйгониш даври маданияти- диний маданият тараккиётининг ва янги техника маданияти ривожининг куприк боғловчисидир.

Таянч тушунчалар

Диний маданият, аклий-мантикий тафаккур, ибодатхона, иерархия, вассал, илохиёт, ақида, тахайюл, мадраса, расатхона.

Мавзуни тақрорлаш буйича саволлар

Диний маданият деганда, нимани тушунасиз?

Диний маданиятнинг асосий белгилари ва куринишлари.

Диний маданият маданий тарккиётнинг кайси даврини ифодалайди?

Диний маданиятнинг узига хослиги нимада?

Маданий тараккиётда христианлик ва исломнинг тутган урни.

Диний маданият элементларининг маънавий хаётга таъсири.

Диний маданиятнинг маънавий ва ахлокий кадриятларини тушунтириш.

Диний маданият багрида кандай субмаданиятлар амал килади.

Урта асрнинг адабиёти, санъати ва меъморчилигига оид ёдгорликларни сузлаб беринг.

Умуминсоний маданиятда диний маданиятнинг урни.

АДАБИЁТЛАР

Бахтин М. Творчество Ф. Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М., 1990 г.

Грюнебаум Г. Очерки истории арабо-мусульманской культуры. М., 1988 г.

Гуревич А. Средневековый мир - культура безмолвствующего большинства. М., 1990 г.

Еремеев Д. Ислам: образ жизни и стиль мышления. М., 1990 г.

Очерки истории арабской культуры V-XV вв. М., 1982 г.

Проблемы истории и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Т., 1991 г.

Суфизм контексте мусульманской культуры. М., 1989 г.

7-МАВЗУ ТЕХНОГЕН МАДАНИЯТ (XVI-XX АСРЛАР)

Маъруза режаси:

1. Техноген маданиятнинг шаклланиши.
2. Замонавий маданиятда техниканинг ахамияти.
3. Оммавий маданият.

Замонавий маданиятни техникавий, техника хукмдорлиги, дунёвий-электрон ёки ахборот маданияти деб атайдилар. Бундай муносабат хозирги маданиятда фан ва техниканинг урни мухимлигини курсатади. «Замонавий» ёки «Янги» фан антик ёки урта асрлардаги фандан тубдан фарқ килади. Агар, илгарилари фан дунёни асл холда, унга дахлсиз урганган булса, энди эса, фан билиш, яратиш, ихтиро, лойиха тузиш каби жараёнларни мужассамлаштириб «инсон идро-ки ёрдамида хал буладиган муаммоларга эътиборини жалб килмоқда». Хозирги фаннинг жушкин киёфаси мана шундан иборат. Хакикатни англашга уриниш урнига инсоннинг кизикиш ва эҳтиёжлари мос келувчи аник имкониятларни хисобга олиш харакати устун булмокда.

Фан ва маданиятдаги янги йуналиш шаклланишининг бошланиши Уйгониш даври билан бөлгик. (XIV-XVI асрлар). Уйгониш-Европа маданияти тараккиётидаги мухим давр булиб, даврий жихатдан урта асрларга мансуб. Бирок, бу давр мутлако янги маданият боскичини очди. Шахарлар купайиши, Европада ички ва ташки савдонинг вужудга келиши, хунармандчиликнинг ривожланиши Европа маданиятида янги йуналишларнинг пайдо булишига олиб келди. Киска вакт ичida урта асрлар жамиятида моддий маданият ва технологиялар узгариб куплаб мухим илмий кашфиётлар килинди. Буюк географик кашфиётлар диний «дунё киёфасини» узgartирди, аклий ва иктисадий худудни кенгайтириб жаҳон савдасини вужудга келишига сабаб булди. Антик давр меросини урганиш янги фалсафий йуналишлар пайдо булишига туртки булиб инсон ва табиатнинг узаро муносабатларида мутлако узгача андоза шаклланди.

Жамиятдаги шахарликлар оркасида «гуманизм» деб номланувчи янги гоя шаклланди. Бу ном инсон хакидаги янги дунёвий фандан (*studia humanitatis*) келиб чиккан булиб, илгариги «илохият хакидаги фанни» (*studio divinus*) астасекин сикиб чикарди. Инсонпарварлик гояси куйидаги хусусиятларга эга:

1. Табиат конунларини -»табиий-мувофик» тамойили асосида тушунтиришга асосланиш;
2. Инсонни муаммолар маркази килиб олиш (антропоцентризм) – инсонга табиатнинг тожи сифатида караш;
3. Аклий тафаккур (Рационализм)- инсон идрок ва заковат оркали атроф мухитни, уз-узини билади деб хисоблаш;

Инсон нимаси билан ердаги бошқа барча нарсалардан фарқ килиб худога якинлаша олади, инсон кандай фазилатларга эга? Инсонпарварлик гояларининг ривожланиши дунё ва инсоннинг диний концепцияси бузилишига ва XVIII асрда инсон шахсининг узини кадрлаш хакидаги таълимот пайдо булишига олиб келди. Гуманистлар уз таълимотининг ишонч мезони деб эмприк-тажриба ва рационал-

ликни хисоблади. Бу хулоса уларни черковни Реформация килиш (М. Лютер, Ж. Кальвин), утопик социализм (Т. Мор, Т. Кампанелла) ва ижтимоий прагматизм (Н. Маккиавелли) каби гояларни назарий асослашга олиб келди.

Уйгониш даври гуманистлари дунё ва инсон пайдо булишидаги илохий гояларни бутунлай инкор килмади, балки олам доимий ва катъий конунларга мувофик рашида бунёдга келишини тасдикладилар. Идрок инсонга шунинг учун берилганки, идрок ёрдамида инсон бу конунларни тушуниб уз жамиятларини тузишларида куллаши ерда баҳтнинг карор топишига гаров булиб охиратини хам обод килишлари мумкин. Инсон табиат конунларига мос равишида ривожланувчи табиатан акли мавжудот хисобланиб, нафакат моддий дунё марказида туради, у шунингдек, бадиий тушуниш ва тасвирлаш объективинг асоси хамдир.

Антрапоцентризм, рационализм, сциентизм- Уйгониш даври маданияти яратган асосий кадриятлар кейинги асрлар Европа маданияти асосини белгилади. Унинг кенг ривожланиши натижасида XVII асрда «илмий инкилоб», XVIII асрда Маърифатпарварлик гояларининг таркалиши ва саноат инкилоби бошлинишига, нихоят, XIX-XX асрлар давомида маданиятнинг классик техникавий шаклидаги ютукларга олиб келди.

XVII асрда фан Европаликлар хаётига, жамият ишлаб чикиришининг барча тизимларини ривожлантириш ва меъёрида фаолият курсатишнинг табиий ва зарурый шарти булиб маҳсус ижтимоий институт сифатида жадал кириб келди. Давлат бу турдаги фаолиятнинг барча кийинчиликларини узининг зиммасига олди. XVII асрда илмий инкилоб математика ва механикада содир булиб, аник фаннинг икки йуналиши, яъни, аксиоматик ва тажрибавий фаолиятлар бирлашди. Замонавий фанда эксперимент (тажриба) билишнинг усули ва куроли сифатида назарий фаннинг антик ва урта асрлар шаклида тубдан фарқ килади. Экспериментга таянувчи олим антик давр донишманд-файласуфи ёки урта асрлардаги илохиётшуносдан фаркли оламга мутлако бошкacha муносабатни узига тандади. У содир булаётган ходисаларни кузатиш ва мушохада килишдан табиатни эҳтиёжига мос тарзда узгартирувчига айланди ва узининг сирларини намоён килди.

Фаннинг шаклланиши ва секин-аста жамият хаётига мухим асос булиб кириши янги давр кишисининг турмуш тарзи, фикр йусини, тафовутли киёфаси сифатида рационализмнинг пайдо булишига сабаб булди. Рационализмнинг кенг куламда намоён булиши XVIII асрдаги маърифатпарварлик харакати билан болжик. Барча баҳтсизлик ва ноҳакликдан инсониятнинг азият чекиши билимсизликдан эканлигига, факат маърифатли халк ва унинг хукмдори «Озодлик, Тенглиқ, Кардошликни» урнатишга маърифатпарварлар ишонганлар. Маърифатпарварлар вакили Д. Дидро ва Д. Аламбер «Фан, санъат ва хунармандчилик энциклопедияси»ни нашр килиши катта маданият ютуғи булди. «Энциклопедия» нафакат инсониятнинг мухими илмий ютукларини тартибга солди, балки янги маданий кадриятлар тизимини хам тасдиклади.

Маърифатпарварларнинг рационалистик йуналиши XVIII асрдаги ишлаб чикириши ташкил килиш, давлатнинг ички ва ташки сиёсати, хукук институтлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, санъат тараккиётида куплаб тамойилларни белгилаб берди. Маърифатпарварлар Буюк Француз инкилобининг

идеологлари хисобланиб, Уйгониш даври гуманистлари бошлаб берган маданий кадриятларни улуглаш жараёнини нихоясига етказди. XVIII асрда илмий билим жамият онгини бутунлай янги сифат даражасиги кутарди. Фан инсоннинг маънавий хаётига, чукур кириб бориб унинг маданиятига мазмун багишлади. Кишиларнинг -табакавий, миллий-иркий ёки бошка фаркларидан катъий назар барча учун бир хил моҳият касб этди.

Европа ва Шимолий Американинг куплаб мамлакатларида XIX асрнинг урталарида индустрлаштириш ёки саноат бурилиши нихоясига етди. **Рационализм ва утилитаризм** (манфаатпарастлик) нинг маданиятдаги белгиловчилик урни фан ва техника тараккиёттига янги туртки берди. Оддий тукув дастгохи «Женни» дан Ж. Уаттнинг буг машинаси (1784 йил) ва Р. Фултоннинг буг кемаси, Стефенсоннинг паровозидан (1814 йил) биринчи ер ости темир йулига (1863 йил) утилиши инженерлик фикрининг усишини курсатди. Буг ва электрлаштириш, телефон ва телеграф даври, астрономия, геология, биология, химия соҳаларида ажойиб кашфиётлар булган вакт инсоният маданиятини янги боскичга кутарди. П. Сорокиннинг хулосаси билан айтганда «факат биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг узи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг хаммасини жамлагандан хам купдир».¹ Хусусан, бу асрдан 8527 та кашфиёт макон, замон ва материя устидан техника хукмронлигининг чексиз усганлигидан далолатдир. Испан файласуфи Х. Ортеги-и Гассетнинг ёзишича: «Биз хакикатдан хам XIX -асрда руй берган инсон тақдиридаги радикал узгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун хам жисмонан, хам ижтимоий жихатдан мутлако янги манзара, янги фаолият яратилди. Бу янги дунёнинг киёфасини учта муҳим жихат белгилайди. Бу демократия, экспрементал фан ва индустрIALIZация. Иккинчи ва учинчи жихатларни «техника» номи билан умумлаштириш мумкин»².

Цивилизациянинг усиши дастлаб макон ва замонга хос кечди: инсоннинг маънавий дунёси утмишнинг янги худуди ва янги «катлами» ни узлаштира бошлади. Билишнинг майдони чукурлашди ва кенгайди. бироқ, шу билан бирга замон ва маконни енгувчи янги усувлар хам пайдо булди: инсон янги техника воситасида улкан фазовий вактни киска муддатда босиб утиб, ер юзининг хохлаган жойида булиши мумкин. Дунё янги киёфа касб этди.

XIX асрда техноцентрик дунёкараш кенг таркалиб, кишилар уз хаётини илмий асосда куришга урина бошлади. Инженерлик фаолияти тамойиллари табиат ва жамият хаётига кенг ёйилди. Инсоннинг турмуш жараёнидаги бунёдкорлик, тирикчилик ташвишлари урнини бундан бўён ихтирочилик, техника ижодкорлиги, эҳтиёжларни кондирувчи техника воситалари яратиш эгаллади. Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талкини сезиларли узгарди. Табиат материал ва энергиянинг битмас-туганмас манбаи, универсал омборхонага айланиб колди. ҳатто, табиат сирларини ута чукур англаш хам унга якинлашиш дегани эмас, балки, аксинча кандайдир узок бегоналиктини, факат техник ёндошувни билдиради. Инсоннинг уз табиати сирларини англашга уриниши шунчалик карамакарши натижаларга олиб келади. XIX аср инсонга «коинот сардори», «барча нарсалардан юкори» ёрлигини берди. Инсон купрок «механик агрегат», «физик-

¹ Сорокин П. Человек, Цивилизация, Общество, М. 1992, с 467-б.

² Ортега-и- Гасит Х. Восстания масс.- Вопросы Философии, №3, 1989, 127-128 б.

кимиёвий унсурлар мажмуи», «маймунга турдош махлук», «турли меҳнат куроллари тайёрловчи Хомо фабер» каби сифатлар билан атала бошланди. Инсоннинг узи механизм булгани каби, дунё хам унга ухшашиб улкан машина ишлаб чиқарувчи фабрикадир. Инсоннинг узи-уртача меҳнат унумдорлиги улчамидаги маданият ижодкори. Максадга мувоғиклик, рисоладачилик, меъёрлик инсонни бутунлай хаётини белгилаб, уни уртача, баравар килиб тенглаштиради: максадлар бараварлашади, умумхаётый андоза, турмуш тарзи конунийлашди, барчанинг хукуки тенглашди, куп сонли урта синф шаклланди, мисли курилмаган муваффакиятлар ила озодликка эришди, муносабат, дид, одатлар андозалашди.

Оммавий маданият, хиссиз, шахсиз маданиятлар даври келди.

XIX- асрда техника тараккиёти гайриконуний равишда маданиятнинг бутун ривожини бир хил колипда улчаши жамият фикрида иктисадий омилларнинг ахамияти ошувига олиб келди. Бу эса оламни техник узлаштириш суратлари сезиларли усишига сабаб булди. Окибатда тараккиётнинг бутунлай ва шубҳасиз усиши жараённан цивилизация бутунлай халок булиши мумкин (Й. Хейзинга).

Бу муаммолар XX асрда яккол кузга ташланди.

XX асрда техника сурати хаддан ташкари усди. Кейинги юз йилда ер юзида саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан ошди, бу усишнинг 4/5 кисми 1950 йилдан кейинги даврга тугри келди. Ҳакли равишида XX аср инсоният тарихига илмий-техника инкилоби асри булиб кирди. Инсонларнинг хозирги вактдаги таъсир қучини табиатнинг энг бешафкат қучлари билан тенг куйиш мумкин. Шунинг учун хам хусусан XX асрда техника муаммоси ва унинг маданиятдаги урнига олимлар уз эътиборларини алоҳида каратдилар.

Техника сузининг узи маҳорат, санъатни англатиб, ишлаб чиқаришга боғлик ёки боғлик булмаган фаолиятни амалга ошириш учун кишилар яратган воситалар йигиндиси уни белгилайди ёки англатади. Инсонлар жамияти пайдо булиши билан амалда техника пайдо булди, дастлаб кишининг меҳнат фаолиятида ёрдам берувчи меҳнат куроли сифатида, кейин, ҳар хил максадларда ишлатиладиган техниканинг бошка турлари вужудга келди. Техниканинг хусусиятлари шундаки:

1. Техника сунъий равишида, кишилар томонидан табиатни узгартириши на-тижасида яратилиб, окибатда, олдиндан яралган идеал андозалар моддийликда мужассамланади;
2. Техниканинг оммавий хусусияти- у аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлик булиб, шу эҳтиёжларни кондиришга хизмат килади;
3. Техниканинг мухим параметрларидан бири рационаллик хисобланади, маълум жамият доирасида у ёки бу техника курилмасини маълум кадар тезрок ишлаб чиқаришга мулжалланади.

Техника маданиятнинг фавқулодда ходисаси сифатида жамият ва табиат уртасидаги муносабатни таъминлайди, у ижтимоий маданият жараённининг ажралмас таркибий кисмидир. Техника тараккиёти инсоннинг табиат устидан хукмронлик килишида унинг имкониятларини кенгайтирди, маданий ва ижтимоий узаришларни мукаррар амалга оширади. Маданиятда техниканинг урни хусусида турлича карашлар мавжуд.

Технодетерминистик концепция техникани хар доим инсонга ижобий таъсир курсатишини ишончли асослайди. Илмий тараккиёт ва техника ютуклари инсонга куплаб сирларни очиб, уни улкан микдорда моддий бойлик билан таъминлайди.

Илмий-техника тараккиёти билан боглик барча муаммо ва кара-ма-каршиликлар, яъни техник воситаларнинг биосферани халокатга якинлаштирувчи таъсири ахборот алока даври деб аталувчи инсоният тараккиётининг кейинги боскичига ижобий бартараф килинишини таъкидлайдилар. Техникани оптимистик баҳолашда технократик назария катта ахамиятга эга. Технократия-жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг техник-технология тараккиёти истикболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий хулосаларга таянади.

Европада XVIII-аср охирлариданок техниканинг халокатли таъсири хакида хабарлар таркала бошлади. Турли фалсафа мактабининг вакиллари техника цивилизацияси, унинг каттиқ, «темир суръати», бешафкат ва ахлоксизлигини таъкидлаб, хаёт, табиат, инсонга хурматсизлигини каттиқ танқид кила бошладилар.

Улар жамиятда техникага сигиниш, уни илохийлаштириш холати содир булаётганига, техника замонавий цивилизациянинг оғати булажагига уз эътиборларини каратдилар. Техниканинг назоратсиз тараккий этиши экологик муаммоларни тутдирди, ҳарбий саноат комплексларининг кенг ривожланишига сабаб булиб, окибатда инсонни техниканинг ижро кисмига айлантириб қуяди.

Агар назариётчиларнинг бир кисми техникага пессимистик назар билан қараб, анъанавий жамиятга кайтишни ягона йул деб карашаётган булсалар, бошқалари эса техниканинг агрессивлиги ва муросасизлигини таъкидлаб, инсон бундай шароитда факат битта иложи булган усул билан карши туриши мумкин, яъни кучи етганича техномаданиятнинг парчаланишига ёрдам бериши керак, деб хисоблайдилар.

Бирок, барча муаммо техникага эмас, балки инсоннинг узига боглик. Техника ахлокий жихатдан мустакил олам эмас, унинг мажмуи хусусиятида жамиятнинг кадрият тузилмаси намоён булади. «Техника-инсон» зиддиятларининг бартараф килиниши янги типдаги инсоннинг шаклланишига боглик булиб, бу маданиятдаги биосферик тамойилларини хисобга оловучи, табиат ва инсон муносабатларини уйгуналаштиришга харакат килувчи маданиятнинг бош муаммоларни окилона хал килишни таъминловчи сифатга эга булган янги инсондир.

Биосферик тамойилнинг асосчилари В.И. Вернадский, К.Э. Циалковский, А.Л. Чижевский булиб, бу назария Д. ж. Форрестр, Д. Медоуз, М.В. Месарович, Э. Пестеле, А. Печчен каби Рим клуби олимларининг асарларида такомиллаштирилди. Биосферик тамойил Ернинг эволюциясини умумий геологик, биогеник, ижтимоий ва маданий жараён сифатида карайди, планетанинг коэволюция асосида табиий ва сунъий ҳамкорликда ривожланиши зарурлигини курсатади. Бунинг учун омма онгода «Хаётга этиканинг тан бериши» ни сингдириш лозим (А. Швейцер), бунга О. Леопольд томонидан ишлаб чиқилган «аксиологик учлик» тушунчаси асос булиши мумкин; яъни, инсоннинг артоф-мухит билан узаро муносабатини куйидаги кадрият мезонлари белгилаши лозим: бутунлик, баркарорлик ва гузал олам.

Инсоният бу кадриятларга амал килиб, сифатли янги иктисадий тип-«Хаёт иктисадини» яратишга кодир булади. «Хаёт иктисади» илмий-техника тарак-

киёти ютукларини инкор этмаган холда на ишлаб чикаришда энг юкори микдорий манфаатни, на бирор керакли жойда зарур микдордаги ва зарур сифатдаги бойликни кузлаб иш тутади. Л. Мамфорд ёзишича: «Бундай иктиносидиёт хар кандай тирик жон, хар кандай жамоа учун зарур булган хилма-хил бойлик ва кечинмага эга булишни такозо килади, негаки тугилгандан то улгунгача унинг индивидуал хаёти шундай утсин». Маданиятдаги биосферик концепция тарафдорлари инсоният тарихида узларининг маданият таснифини тушиб, унда таъкидлашларича инсониятнинг илк боскичларида маданиятнинг турли хил биогелик куринишлари мавжуд булган, кейинчалик сунъий равишда «табиат устидан хукумронлик килиш» шиорига таянган холда техногеник маданият яратилди замонавий одамлар ердаги экологик конунларга асосланиб турмуши тако-зо килувчи ноогеник маданиятга утади. Экологик маданият хозирги замон цивилизациясининг ахамиятга молик белгиларидан бирига айланниб бормокда 1980 йиллардан эътиборан замонамиз илм-фани тобора экологиялашмокада. Дастребки пайтларда экология хайвонот ва усимлик дунёсининг атроф мухит билан боғлиқлик алоказарини тадқик этган булса, сунгирок бир бутун тарзда Ернинг экотизми, биоценези, биосферани ургана бошлади. 1970 йиллардан экология жамият хаётидаги жараёнларни урганишга киришди. Инсоният жамияти билан уни ураб турган табиий иклими, социал-маданий мухитнинг алоказорлиги муаммоларини урганувчи социал экология шаклланди. Экологиянинг табиий ва социал мухити инсон унинг генофонди, одамни бугунги оламга мослашиш жараёни хусусиятларини тадқик этувчи мустакил тармоги «инсон экологияси» вужудга келди.

Табиий ва социал, табиий ва сунъий жараёнларнинг узаро таъсир алоказорлигини оптималлашувини экологик маданиятни бошланиши» деб хисоблаш мумкин. Бу инсоният томонидан табиий ва сунъий икки тизимнинг teng хукуклигини тан олиши демакдир. Айникса бу кишлок хужалик соҳаси учун ута ахамият касб этади. Хозирги замон кишлок хужалиги учун маҳсулдорлик ва товар ишлаб чикариш хажми асосий стратегик максад эмас, гап экология конуниятларига мувофик табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф мухитни асрардан иборат. Саноат ишлаб чикариш учун экологик конунлар табиат ресурсларига тежамкорлик асосида ёндошиш имкониятини берувчи техника ва технологияни яратишдангина иборат булмай айни пайтда, инсоннинг мавжудлиги ва яшаш мухити-биосферани асраш, кайта тиклашдан иборатdir.

XX аср урталаридан фан ва техника тараккиёти кучли ахборотлар йигимини пайдо килди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)- матбуот, кино, радио, телевидение, компьютер алокази замонавий соцмаданият жараёнида салмокли уринни эгаллай бошлади. ОАВ ёки бунинг бошкacha mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг куплиги, тезлиги ва узок ишлаши билан улкан хажмдаги ахборотларга эга булмокда. 1940-50 йилларда Г.М. Макмоэн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги типи, ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлако янги тип сифатида таърифланди.

Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги ракобат курашида кудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йулдош алокалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ходисалар ва маданий бойликларни бир вактда идрок килишга ундаиди. Г.Э. Макмоэн таъкидлаганидек «хаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти» шаклланмокда.

Хакикатдан хам замонавий маданиятнинг холисона тахлили шуни курсатмоқдаки, маънавий маданият купрок оммавийлик касб этиб бормоқда. Оммавий маданиятнинг киёфаси куйидагича:

У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга boglik булмаган оммавий истеъмолчиларга эга булади;

Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг узи оммавий хусусият касб этиб, индустряниг маҳсус куринишини узида намоён килади, яъни унда юз минглаб кишилар банд булиб, уларнинг «матбуот кироли», «Буюк шоу томошачилари», «кино, ТВ, эстрада юлдузлари» булади.

Оммавий маданият кишиларни хаётни бефарқ кузатувчи томошабинга айлантиради. узлари хам мавжуд хаётни гуё сароб каби тасаввур киладилар.

Ортега и Гассет оммавий маданиятнинг таъсир доирасини тахлил этиб, омма узига, шахсга ухшамай колиши, кимки бошкаларга ухшамаса, шулардек фикрламаса тахликада колишини айтиб, «Омма бу йурик-йуналишсиз оқим билан сузаётган одамлар. Шунинг учун улар кобилият имкониятлари катта булишига карамай, хеч нарса яратмайди. Оммавий одам ахлокдан маҳрум, чунки унинг мохияти, онги бурчига итоатдадир», деган эди.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилик эҳтиёжи билан boglik. Бунинг асосида истеъмол талаб товар сифатида харидоргир булиш маънавий эҳтиёжи ётади. Окибатда хозирги замон маданиятидаги маънавий кадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни кондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чукур маъномохияти, хотира чексизлиги «одатли», «умумий» кимматлар билан, хакикий ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги «асарлар» яратиш ва ишлаб чикириш (киносериаллар, саез ТВ ва адабий асарлар) билан алмашинади. Шахс узининг ижодий кобилияти миллиятидан айрилиб, тайёр «маданий маҳсулотлар» истеъмолчисига айланиб колади. Хусусан ёшлар учун оммавий маданиятнинг хатарли окибатларини Президентимиз бир неча бор кайд этган эдилар.

Жумладан, «Фидокор» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида: «Дунёда бир карашда беозор, сиёсатдан холи булиб туюлган шундай мафкуравий таъсир воситалари хам борки, уларга кунда купда етарлича эътибор беравермаймиз», деб кейинги йилларда куплаб намойиш, этилаётган жангарлик фильмлар, ялангоч асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир курсатаётганлигини, улар инсонни узлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо этишга каратилганлигини таъкидлаб,... хар кандай касалликни олдини олиш учун аввало киши организмида унга карши иммунитет хосил килинади. Биз хам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соглом муносабатни карор топдиришимиз, таъбир жоиз булса, **мафкуравий иммунитетни** кучайтиришимиз зарур», деб курсатади.

Хар бир инсон икки йулдан бирини танламоги ё истеъмолчи тарзда оқим билан сузмоги, ёхуд узига, узлигига нисбатан талабчан булиб гирдобдан чикмоги лозим. Инсоният тобора техника тараккиёти ва оммавий коммуникациянинг со-

циал ва экологик жихатдан назоратга олиш, бугунги одам маънавий киёфасини бир хиллаштириш (стандартлаш) га карши жиддий тусик куйиш заруриятини англамоқда. Ушбу масалани ута кескинлигига эътиборни каратиш, мавжуд муаммоларнинг ечим йулларини белгилашда 1990 йилларда БМТ-Бош Ассамблеяси эълон килган Маданиятнинг умумжахон ун йиллиги мухим боскич булди. «Ун йиллик» нинг асосий максади- иктисод ва техника тезкор ривожланётган хозирги даврда умуминсоний маданий кадриятларнинг биринчи даражали ахамиятини тиклашдан иборат булиб, бунда куйидаги вазифаларни хал этиш масаласи амалий куйилди: Барча томонидан тараккиётни маданият юксалиш мухимлигини тан олиш, моддий ишлаб чиқариш билан ижодкорликнинг алокадорлик йулларини белгилаш, маданий узига хослик ва маданиятлар мулокотини тан олиш, индивидуал ва жамоа тимсолида ижодий потенциал ва ташаббускорликни куллаб-куватлаш, халкаро маданий хамкорликни ривожлантириш ва бошкалар. Мустакиллик туфайли Узбекистоннинг асосий максади маданиятларни янада ривожлантириш ва бир-бирини бойитишга йуналтирилган БМТ бошчилигига утказилган катор халкаро дастурларда жумладан, «Умумжахон маданий мероси», «Буюк ипак йули» дастурларида бевосита ва фаол иштирок этди. Бугунги кунда Республикада умумжахон ахамиятига молик макомидаги Самарканд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз ёдгорликлари мавжуд, шулардан кейинги учтаси мазкур макомга 1991 йилдан сунг эришди.

«Буюк ипак йули» - бу нафакат тарих, у бугунги кун хамдир. 1993 йилнинг майида Европа комиссияси Брюсселда Марказий Осиё, Кавказ хамда Европа иттифоки давлатлари вакилларини туплади. Максад-аждодлардан колган кадим йулларни тиклаш оркали Марказий Осиё ва Кавказ минтакасидаги мустакил давлатларни жаҳон иктисодиётига интеграциясини таълим этиш; Учрашувда Европа-Кавказ-Осиё транспорт йулагини ташкил этиш тугрисида декларация кабулланди. И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ТРАСЕК (транспорт йулаги) лойихасини амалга ошириш-Буюк ипак йулини кайта тиклаш айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, у замон, жаҳон тараккиётининг объектив заруриятидир. ЮНЕСКОнинг амалий кадамларидан бири- «Ипак йули - мулокот йули дастури асосида Самарканда Марказий Осиё цивилизациялари тарихини урганишга каратилган халкаро Марказий Осиё тадқикотлари институтининг ташкил этилиши булди.

Мустакил давлатимизнинг миллий маданиятини тиклаш, ривожлантириш ва умуминсоний кадриятлар асосида бойитиш йулидаги ютуклари туфайли 1997 йили Узбекистон ЮНЕСКО Ижроий Кенгашининг аъзоси этиб кулланди, Президентимиз И.А. Каримов «Ибн Сино» медали билан тақдирланди. Юртимизда жисман ва маънан соглом авлодни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш ёшларда тарихий онг ва мустакил тафаккурни шакллантиришга катта эътибор каратилмоқда. 2000 йил Узбекистонда «Соглом авлод йили» деб белгиланди. Буни моҳияти шундаки, кечаётган ислоҳатларнинг моҳияти инсонга каратилган ва у инсон учун амалга оширилмоқда. Бинобарин соглом авлод-миллат, юрт келажаги демак. Юртимизни биринчи ордени хам «Соглом авлод учун» деб номлангани бежиз эмас. Бу буюк келажак йулидаги умидли кадам тимсолидир.

Таянч тушунчалар

Техноген маданият, антропоцентризм, рационализм, утилитар, эмперик, техноцентрик, технодетерминистик, оммавий маданият, мафкуравий имунитет.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

Техника, ва унинг асосий характерли белгилари.

Техноген маданият ва унинг шаклланиш жараёни.

Техноген маданиятининг муҳим элементлари ва воситалари.

Техноген маданият билан оммавий маданиятнинг узаро боғликлиги.

Маданиятда Биосфера концепциясининг моҳияти.

Оммавий маданият нима? Ва унинг бугунги куринишлари.

Оммавий маданиятнинг салбий томонларини нимада курасиз?

Экологик маданият деганда нимани тушунасиз, унинг зарурлиги.

Техника ва инсон муносабати, бу жараённинг XXI асрдаги истиқболи

АДАБИЁТЛАР

И. Каримов, Узбекистон XXI аср бусагасида, Т., 1997

И. Каримов, Узбекистон XXI асрга интилмокда, Т., 1999.

И. Каримов, Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Фидор газетаси 8 июнь 2000 й.

Вернадский В. Несколько слов о ноосфере, М., 1990.

Информация и культура, Новосибирск, 1990.

Новая технократическая волна на Западе, М., 1996.

Самосознание Европейской культуры в XX веке, М., 1991

Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992.

Швецер А. Упадок и возрождение культуры, М., 1993

ВАТАН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ

8-МАВЗУ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛКЛАРИНИНГ КАДИМГИ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

1. Марказий Осиёдаги кадимги маданиятнинг узига хос хусусиятлари.
2. Марказий Осиё худудидаги илк давлатлар маданияти.
3. Юонон-Бактрия маданияти микиёсида Шарқ эллинистик маданияти.
4. Кушонлар маданияти.

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим урин тутади. Унинг урта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллакачон муносиб баҳо берган. Ҳатто Бактрия, Маргиёна, Сугд, Парфия, Фаргона, Хоразм, Чоч халкларининг кадимги маданияти хам жаҳонни хайратга солмоқда. Марказий Осиё минтакасининг кадимги маданиятини урганиш ун йиллар илгари бошланган булсада, тадқикотчиларнинг бу маданиятининг узига хослиги ва бой мазмуни лол колдирди. Марказий Осиё маданияти ғарб ва Шаркнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган холда узига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараккиёт учун хам негиз булиб колади.

И.А. Каримов айтганларидек, – «Модомики, уз тарихини билган, ундан руҳий кувват оладиган ҳалкни енгиги булмас экан, биз ҳакконий тарихимизни тиклашимиз, ҳалкимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан куроллантиришимиз зарур. Тарих билан куроллантириш, яна бир бор куроллантириш зарур».

Марказий Осиё ҳалклари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жуғрофий урни ва табиий воситаларига эътиборни каратиш лозим булади. Маданиятшунослик хар кандай маданиятнинг шаклланишидаги узига хос алфозни жой манзараси, иклими, биосфера омилларининг ахамияти борлигига алоҳида эътибор беради. Марказий Осиё минтакасининг табиати турли хиллиги билан катта фарқ килади. Бу ерда серхосил водий ва воҳалар, серсув дарёлар, какрок чуллар, дашту адирлар, Памир ва Тангриотогининг баланд музофатлари билан ёнма-ён жойлашган. Бундай хусусият дехкончилик, чорвадор, тогда яшовчи кабила ва ҳалклар хужалик тарзи ва узига хос маданиятларининг шаклланиши учун имконият яратди.

«Кадимги цивилизация» деб номланган рисолада Марказий Осиё маданиятининг икки хусусияти курсатилади: бир томондан, турли маданиятларнинг узаро таъсирида, иккинчи томондан, кадимги цивилизацияларининг бошка учоклари билан якин алокада ривожланиши. Бу хусусиятларни батафсил кузатадиган булсанк Марказий Осиё маданиятининг шаклланиш жараёнлари яккол намоён булади.

Марказий Осиёнинг серхосил водийси, чул ва дашти, тогларида яшовчи ахолининг турмуш шароитидаги фарклар турли хужаликларнинг эртарок пайдо булиши узига хос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Бу жараён якин күшинчилик муносабатлари асосида содир булиб, кабила ва ҳалкларнинг иктисоли-

дий ва маданий алокалари туфайли тараккиётнинг эртарок бошланишига имкон яратди. Энг кадимги даврлардан дехкончилик, чорвачилик ва тог овчи кабилалири уртасидаги махсулот айирбошлиш Марказий Осиё халклари иктисодиётида катта ахамиятга эга булиб, кейинги даврларда хам уузок сакланиб колди. Турмуш тарзи ва хужалик фаолиятидаги фаркланиш билан бирга минтака халкларининг этник ва тиллардаги якинлик жудаям уйгунлашиб кетганлиги кадимги Юнон ва Хитой манбаларида хам кайд килинган. Марказий Осиё халкларининг кучли иктисодий алокалари, этник ва тил бирлиги уларнинг бир-биридан айрича яшашига йул куймади.

Натижада кадимги Шаркнинг классик маданияти орасида Марказий Осиё Кадимги маданияти ажралиб, узига хос куринишда шаклланади. Дастреб, бу маданиятда икки хил маданият аралашиб кетади: кучманчилик ва ибтидоийлик олами хамда цивилизация олами; Бу ердаги кадимги маданиятларга хос маданиятларнинг узаро мулокотига акс таъсир курсатган «узининг бетакрорлиги» хакидаги тасаввур шаклланмоқда.

Марказий Осиёнинг утрок дехкончилик ва кучманчи халкларида анча-мунча фарклар булишига карамасдан илгаридан якин муносабатлар урнатилган. Диний эътиқодлар, урф-одатлар, фольклор, ахлоий меъёрлардаги умумийлик маданий умумийликнинг шакланишига олиб келган. Шунинг учун, бундан кейин Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил килувчи турли субмаданиятлар мавжудлиги хакида тухталиш жоиздир: Кадимги давлатлар суб маданияти (Бактрия, Сугд, Хоразм, Фаргона, Маргиёна), дашт кучманчилари-сак, массагет, да-коччилар субмаданияти, Памир ва Тангритог кабилаларнинг субмаданияти.

Марказий Осиё маданиятининг узига хослигининг иккинчи жихати минтаканинг ута кулай жуғрофий урнашганлиги билан бөглик. Минтака Месопотамия, Хиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарк цивилизацияси билан бевосита чегарадош булиб, ғарб цивилизациясига хос бешинчи-Греция ва Рим билан алокада ривожланган. Бундай алокаларнинг мукаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарк ва ғарб уртасида воситачилик миссиясини бажаришига сабаб булди, яъни иктисодий соҳаларда энг аввало халкаро савдода ва маданий соҳаларда хам Марказий Осиё ғарб ва Шарк уртасида бөгловчи куприк вазифасини бажарди. Хусусан, Марказий Осиё худуди оркали буддизм бутун дунёга ёйилди,

Хиндистон ва Хитойга эллинистик маданият куринишлари утди, Шаркдан ғарбга ва ғарбдан Шаркга маданий бойликлар (билим, диний гоя, кашфиёт, бидиий асарларнинг) алмашиб туришида Марказий Осиё мухим воситачи булиб хизмат килади.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошка маданий кадриятларини янгилаши, узлаштириш маҳорати ва кайта ишлаш каби жихатларисиз булмас эди. Бу маданият кадимданок янги ходисаларни узлаштириш ва мослаштириш маҳоратига эга булди. Гарчи, бошка кадимги Шарк маданиятларидаги каби Марказий Осиё маданиятида хам анъаналар кенг урин эгалласада, улар айтарли характер касб этмайди, яъники, узлуксиз маданий янгиланиш ва тараккиёт жараёнига тусик булмайди. Шунингдек, анъаналарнинг мустаҳкам хукмронлиги тарихий вазиятга хам тускинлик килганлигини таъкидлаш керак.

Минтака оркали катта боскинчилик юришлари, халкларнинг кучишлари юз

берган булиб, бу Марказий Осиё халкларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли узгаришларга олиб келди.

Афсуски, купгина урушлар Марказий Осиё маданиятининг кадимги тараккиёт даврларининг бехисоб далилларини йук килди. Археолог казилма маълумотлар ва ёзма манбалар милоддан аввалги I-минг йиллик бошларида вужудга келган Марказий Осиёнинг ilk давлатлари Бактрия, Сугд ва Хоразм маданияти хақида бир оз маълумотлар беради. Милоддан аввалги VIII-VI асрларга оид Афросиёб (Самарканд), Сурхондарё воҳасидаги Кизилтепа, Кашкадарё воҳасидаги Узункир, Хоразмдаги Кузиликир каби кадимги шаҳарларда утказилган тадкикотлар мураккаб ижтимоий тузилма ва маданиятнинг юкори ривожланганлигини курсатади. Бу шаҳарлар мудофа деворлари ва сув таъминотидан иборат кучли истехком тизимиға эга булиб, ичида хунармандлар мавзеи жойлашган. Айрим шаҳарларда сарой колдиклари калъалар топилган. Кадимги давлатлар хуҷалигининг асосий соҳаси хисобланган дехкончилик тараккиётининг даражаси хақида куп тармокли сугориш тизимининг мавжудлиги бунга далиллар. Марказий Осиё давлатлари Кадимги Шарқ мамлакатлари билан якин алокалар урнатган. Мидия ва Оссурияning сиёсий тарихида фаол иштирок этиб, хунармандчилик буюмлари ва хом ашё билан (ложувардд, олтин, мис билан) савдо сотик килганлар. Бу ҳакда Оссурия ва Кадимги Юнон ёзма манбаларида гапирилади. Ҳусусан, Бактрияning йирик шаҳарлари, куп сонли ахолиси хақида Бактрия шоҳи Оксартнинг афсонавий бойлиги хақида Кгесий Книдский (Мил. авв. V-IV асрлар) ёзиб колдирган.

Кучманчи массагетларнинг удуми ва турмуш тарзи хақида машхур кадимги Юнон тарихчиси Герадот (мил. ав. V аср) ёзиб колдирган. У массагетларнинг ҳарбий куроллари (камон-ёйи, найзаси, ойболтаси) да олтиндан безак сифатида, мисдан курол ва совут учун кенг фойдаланишини таъкидлайди. Геродатнинг ёзишича, массагетлар ягона маъбуд куёшга топиниб, отни курбонлик килганлар.

Кадимги Марказий Осиё халкларининг маънавий маданияти хақидаги билимларнинг бебаҳо манбаси «Авесто» хисобланган. «Авесто» сузининг мазмуни умумий изоҳга эга эмас., купинча «Асосий матн» сифатида таржима килинади. «Авесто» дунёдаги энг кадимги динлардан булган зардуштийлик тарафдорлари учун мукаддас калима хисобланиб, пайгамбар Зардушт тупланганларга ундан ваъз укиган. Унинг хаёти даври мил. ав. IX-VI асрлар атрофида дейилади. «Авесто» ва унинг бошка матнларининг тупланиши куп асрлар давомида амалга оширилган. «Авесто»нинг энг кадимги матнлари мил. ав. II- мингинчи йилларга таалуқли, «Авесто»нинг миллодий VII асрга тегишли булган туплами турли мазмундаги 21 китобдан иборат булиб, унда уша даврнинг барча билимлари жамланган. Зардуштийлик анъаналарига кура бу ёдгорлик Эзгулик ва Ёргулик худоси Ахурамазданинг Заратужтрага вахийси хисобланади. Бирок, унда кадимги мифологик тасавурлар, мифларнинг кенг таркалиши, қаҳрамонлик эпик ривоятларидан парчалар хам тасвирланади. Шунингдек диний йул-йурик «пайгамбар давридан» кейин зардуштийликнинг ривожланган «эътиқод рамзи» юзага келди. хозиргача «Авесто»нинг айрим кисмилари, 4 китоби сакланиб колган:

1. Видевдат- «Девларга карши конунлар», бу китобда асосан зардушт ва Ахурамазда уртасида сухбат, йул-йурик ва курсатмалар мазмунида булиб, зулмат ва ёвузлик худоси Ахримани бошқарувчи ёмонлик кучларини кайтариш хакида.
2. Виспрат- «хамма хукмронлар», бу китобда ибодат намозлари тупланган.
3. Ясна- «Ибодат», «Маросим» китоби худоларга сигиниш ва мурожаатдан иборат. Яснадаги «Тот»лар номли 17 боб зардуштнинг мукаддас кушиклариридир.
4. Яшт- «Кадрлаш», «Хамду сано» китоби-худоларни шарафловчи кадимги гимнлар ва эзгулик худоларига ёвузликка карши кураш ёрдам берувчи кучлар хакида. Бундан ташкири, «Авесто» мажмуига «Кичик Авесто» хам мансуб, у авесто тилида ёзилган булиб, ибодат калималари жойлашган.

Купчилик олимлар Зардушт юксак ахлокий идеалдаги ва ишонтирувчи фикрлари билан биринчи хак пайгамбар эканлигини таъкидлайдилар. Зардушт таълимотига мувофик барча курукликнинг узгармас ибтидоси Арта булиб, «Авесто»да хакикат, олов рух дейилади. Ахурамазда тартибни сакловчи осмон худоси ёргулук ва эзгулик хисобланган (охура-хушайиш, эга; мазда-идрокли, билимдон). Ахурамазданинг угли -Атар (олов), унинг ватани булутлардек куриган сувлар, унинг макони-худудсиз ёгду. Охурамазда 6 та рухни- ёрдамчиларни яратди (амеша спента): эзгу акл, яхши тартиб, лаёкатли кудрат, олижаноб муминлик, согломлик ва бокийлик. Унга Ахриманинг зулмат кушини-девлар, урушлар тимсоли, очлик, кассаллик, адоват ва бошка ёвуз кучлар карама-карши туради. Олам ва барча инсоният хаётининг асосида эзгулик ва ёвузлик уртасидаги азалий кураш ётади.

Зардушт таълимотининг улуглиги шундаки, у хар бир кишига танлаш имконини беради. Хар ким хам Ёвузликни йук этиш ва Эзгуликнинг хукмрон булишида иштирок этиши мумкин, бу ишда барча бир хилда тенгдир. Шу тарика ерда илгари булмаган жаннат -олтин аср тикланади. Унда совук, хам жазира маҳабати, карилик хам, улим хам булмайди. Ёвузлик билан курашда хар бир кишининг асосий куролли меҳнат булган. Зардуштийлик ахлоки кишидан камтарин ва халол меҳнаткаш дехконнинг барча мажбуриятларини бажаришни талаб килган (Ким галла экса, у хакикат таркади. Видевдат китобининг «Дехкончилик фазилати хакида»бобидан). Фикр, суз ва ишда такводорлик, ишchanлик, халоллик, холислик юксак ахлокнинг асосий талабалари сифатида кутарилади. «Ясна» китобида зардуштийликнинг эътиқод рамзи хакида дейиладики: «Касам эзгу фикрни, эзгу сузни, эзгу фаолият мажбуриятларини бажаришни талаб килади».

Зардуштийликда биринчи булиб эсхаталогик таълимот яратилган, бунга мувофик жаҳон тарихи 12 минг йилни ташкил килади. Бу муддат тугаши билан эзгулик ва ёвузлик кучларининг хал килувчи ёвузлик жангига бошланади. Бутун оламни эриган метал окими йук килади, бирок халоскор Саошъянт халок булган дунёни ва барча мархумларни тирилтиради, барча гунохкорларни дузахдан чиқариб Охурумазданинг идеал хукмронлигига абадий хаёт кечиради. Шу тарика зардуштийликда биринчи булиб охиратдаги жазо, мархумларнинг тирилиши сурок куни гояси шакланади. Бу гоялар Доро I нинг Бехустун ёзувида ва Ксеркснинг Персеполдаги ёзувида хам кайд килинади. Зардуштийлик Марказий ва Олд Осиё худудларида минг йиллар давомида хукмрон дин булиб келди ва шуббади.

хасиз, бу дин христианлик ва ислом каби жаҳон динларининг шаклланишида катта урин тутди. Илмий-тариҳий, амалий-дидактик кимматга эга булган, ушбу

йилда 2700 йиллиги нишонланадиган буюк меросимиз «Авесто»нинг бутун маъно моҳияти Инсон тақдири, унинг Истикболига каратилган. Жумладан, Тангрига илтижо ва мурожаатларда шундай дейилади: «Ахурамазда яратган яхшилик моясига, соглом, акл-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тиллар биладиган угил-кизларга, узокни кура биладиган, юртни бало-казолардан химоя эта оладиган углонлар, яхши келажак, порлок хаётни равшан куз билан кура оладиган поктийнат авлодларга олкишлар булсин¹.

Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятининг мустакил ривожланиши

Эрон ахмонийлари томонидан биринчи йирик боскинчилик туфайли тухтаб колди. Сугд, Бактрия, Хоразм мил. ав. VI-IV асрларда Ахмонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркибига кириши, ягона бошкарув, конунчилик, пул тизимиning урнатилиши, оромий ёзувнинг умум давлат микиёсда кулланилиши. Марказий Осиё халкларининг маданиятига сезиларли таъсир курсатади. Ахмонийлар даврида халкаро савдонинг ривожланиши учун кулагай шароитнинг вужудга келиши Марказий Осиё шахарларининг тараккиётига муайян имконият яратди. Ахмонийлар хукмронлигига мамлакатларга сайёхлар ва олимлар бориши мумкин булди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларига Геродот, Демокрит ва бошкалар саёҳат килган. Ахмонийлар империясидаги йирик шахарлар- Суза, Персепол, Мемфис, Ниппур, Бобилда турли жойлардан хусусан, Хоразм, Бактрия, Сугддан чиккан кишилар, сакларнинг харбий ахолиси яшаган.

Уз навбатда мил. ав. V асрда Окс дарёсининг унг сохилида Милетлик Юононларнинг манзилгоҳи ташкил топади. Шу тарика Ахмонийлар империяси таркибига Марказий Осиё халклари форслар, мидияликлар, бобилликлар, мисрликлар, юононлар, хиндлар билан якин муносабатда булиш, маданиятининг хам узаро таъсирига имкон яратди.

Ахмонийлар империяси маданияти хам купгина мамлакат халклари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютукларининг синтези хисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халклари хам узининг хиссасини кушган. Зардуштийлик Ахмонийларнинг давлат дини сифатида кабул килиниши билан бирга ғарбга хам кенг ёйила бошлади. Ахмонийлар санъатининг Суза ва Персеполдаги улкан ёдгорлиги курилишига Марказий Осиё минтакасидан куплаб хом ашё келтирилган. Саройлар курилишига Бактриядан олтин, Сугдан ложувард ва кимматли тошлар, Хоразмдан феруза олиб борилган. 1877 йилда Тожикистоннинг Жанубидан топилган Амударё хазинаси маданий синтезнинг ёркин мисолидир, хазинада, Эрон ва Бактрияда тайёрланган жихозлар-бежирим олтин аравча, канотли иккита кургий шакли туширилган билакузук хамда даштикларга хос «Хайвон шакли» битилган жихозлар мавжуд. Марказий Осиё халкларининг маданият муносабатлари жуда кенгайди, шунингдек, маданий кадриятларнинг бойиши ва турли маданиятларнинг узаро таъсири жараёни эса уз маданиятларини жуда тез ривожланиши ва бойишига ижобий таъсир курсатди.

¹ Ҳамидов Ҳ. , Асл наслни деб... «Ҳал³ с'зи» газетаси, 2000 й. 21 июнь.

Ахмонийлар империяси ва Марказий Осиё ерлари юонон-македонлар томонидан босиб олинган Марказий Осиё маданиятига эллинизм элементлари кириб келди. Ахмонийлар салтанатини емириб ташлаган Юонон-Бактрия боскини Марказий Осиё минтакасини, хусусан сугд маданиятини айлантириди. Илло, Александр Макдуний сипохиларида хеч ерда Марказий Осиёдагидек каршилик курсатилмаган булса керак. Озодлик харакатини бешавкат маҳв этган Макдуний ерли ахолининг кумагига мухтожлигини сеза бошлади. Вакт утиши билан у онгли тарзда барча этник тусикларни олиб ташлашга, уз Салтанати худудида турли харкларни коришиб кетиши хамда ягона маданият ва тил бирлигини карор топдиришга уринди. Шу максадда Макдуний уз саройида Шарк удумлари ва либосларини жорий этди, турли этник гурух вакилларининг никохларини кенг йулга куйди, уз армиясига Бактриялик ва сугдлик кисмларни киритди, 30 мингдан ортик угил-болаларга юононча тарбия беришга хукм этди. Шундай килиб Александр Макдуний Марказий Осиё маданиятининг эллинилаштиришни бошлаб берди. Эллинистик жараён салавкийлар давлатидан мустакил булган Парфия ва Юонон-бактрияда узининг юкори ривожи билан ажралиб туради. Юонон-Бактрия давлатида юононлар ва маҳалий маданиятларнинг синтези киска вактда узининг ижобий натижаларини берди, шахарлар сони тез суратда усди, дехкончилик, чорвачилик, айникса хунармандчилик ривожланди. Марказий Осиё минтакаси Буюк ипак йули буйлаб утган халкаро савдонинг маркази сифатида ута муҳим урин тутади. Диодотдан Галпокигача булга юонон-Бактрия подшолари даврида юксак бадиий савияда олтин, кумуш ва мисдан тайёрланган турли кийматдаги тангалар (драхма, обол, дихалка, халка) зарб этилди. Товарпул муносабатларини усишида Бактрия шохларининг уз пулларини зарб килиши халкаро савдонинг ривожига ижобий таъсир килиш билан бирга, юксак бадиий даражаси билан хам ажралиб туради.

Юонон-Бактрия даврида Ойхонум (Шим. Афғонистон), Саксанохур ва Тахтисангин (Тожикистон), Далварзин тепа, Ёркургон, Афросиёб Талибарзи (Узбекистон) каби шахарлар курилди. Юонон харбий манзилгоҳлари ахолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар Юонон-Бактрия шахарларда очиб урганилди. Иншоатлар тош, хом ва пишик гиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Сарой ва ибодат мажмуалари, гимназия, театр бинолари очиб текширилганда устунлар аттик базалтлар, акант япроклари, пальметталлар, чети накшланган черепица-антификслар сингари унсурланган фойдаланган холда курилган. Махаллий зодагонларнинг эллинистиқиди монументал ва ихчам хайкалтарошликни ривожланишига туртки берди. Теракт хайкалчалар ва турли муҳрлардаги образларнинг микёси кенг. Унда хосилдорлик худоси Анахит, юононларнинг бош ва маҳаллий худолари, фантастик ва реал хайвонларнинг тимсоллари ифодаланган. Хайкалтарошлик санъати намуналари кам сакланиб колганлигига карамай, зарб этилган юонон-бактрия тангаларининг орка томонида машхур юонон санъаткорларининг расми тушурилганлиги бу ерда юонон хайкалтарошлиги илми таъсири кучли булганлигини билдиради. Тахти Сангинда Оксдарёсининг худоси Марсиянинг бронза хаёкалчаси куйилган Мехроб топилди. Антик дунёнинг Марказий Осиёга кириб келган хайкалтарошлик санъати кушенлар даврида янада равнак топди.

Юон-Бактрия подшолигида театр санъати ва мусикани ривожланганлиги тутрисида маълумотлар мавжуд. Бактрия саройларида юонистонлик актерлар, мусикачи ва раккосларнинг гурухлари сакланган. Айникса, юон халк театри-нинг «маскарс», «мим» сингари турлари кенг ёйилган. Уларни классик трагедия ва комедиялардан фарки белгиланган матн булмаган, ёки матнсиз чикилган, лекин у юон тилини билмаган махаллий ахолига тушунарли булган. Актерлар шароит, томошибинларнинг рухиятига кура матнларни узгартирганлар-мусохаба, хазил-мутойиба, хажв, хикоя, кушик усусларида ижро этганлар. Ракс, мусика, кузбумачилик ва акрабатик машклар театр ижроилигининг муҳим элементлари булган. Ҳукмдорлар ҳомийлик курсатган махаллий актерлар хам шакланган; «Масхарабоз» Миллий театрнинг –«Масхарабоз» намунасида хам-мон эллинистик белгилар сакланиб колган.

Юон-Бактрия маданияти синкетизми (коришиклиги) тури тилларни ёнма-ён фаолият курсатиши, ҳар хил ёзувлар тизими ва динларнинг узаро сингишиб кетишида хам куринади. Эрамиздан аввалги III-II асрларда оромий, юон-бактрия ёзувлари кенг ишлатилган, кейингиси юон алфавити асосида унга битта ҳарф кушиб (жаъми 25 та ҳарф) бактрия ёзуви вужудга келган зардустийлик ҳукмрон дин сифатида саклансада ахолини юон худолари тимсоллари-гасигиниш аломатлари пайдо булган. Махаллий ахоли назарида Олимп худоларининг образлари билан зардустийлик худоларининг тимсоллари-Зевс ва Ахурамазда, Апполон, Чешос ва Митра, Афодита ва Апахит образлари уйгунлашиб кетди. Агар ерли ахоли уртасида Афина, Геракл, Ника, Дионис тимсолларига сигиниш канчалик таркалса, Юонистонда митра, Окса (Окшо-Амударё), Буюк онага сигиниш шунча таркалди. Буни Ойхоним, Тахти Санган манзилгохларидан топилган- тасвир мазмунида юонча ва махаллий анъаналар ифодаланган манъят ёдгорликларида хам куриш мумкин. Юон-Бактрия маданияти одатда Шарқ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга юон ва Шарқ маданияти уйгунлиги хос деб характерланса, марказий Осиё маданиятида махаллий узига хослик, Шаркона бетакрорлик устивордир. Айни шу негизда юон маданияти кадриятларини узига сингдирган маданият асосида кейинги даврлар маданияти янада ривожланди.

Бунда Хоразм маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу минтака сугори-ладиган дехкончилик, шаҳар маданияти шакланган энг кадимги манзилгохлардан булиб, бу ерда Узбекистон худудидаги кадимги (Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда) давлат асосланган. Хоразм (Эрамиздан аввалги IV асрларда) Александр Макдуний боскинига кадар Ахмонийлар истилосидан озод булган давлат, хоразмийлар Хиндистон, Хитой, Якин Шарқ ва Европа Шарки билан кизгин савдо алокаларини олиб борганлар ва узларининг хунармандчилик буюмлари билан донг таратганлар. Тарихий солномаларда хоразмийларни тадбиркорлиги, иштиёкмандлиги кайд этилиб, уларни «илм сохиблари» деб атаганлар.

Канал, калъа, купкаватли саройлар, куриш нафакат амалий малакани, балки мураккаб хисоб-китоб ва улчовларни хам талаб килар эди. (мовий йул курсат-кичларидан фойдаланишни билмай дашт-саҳролардан утиб булмасдан. Хоразмийлар эр. I асридан VIII асригача узлари фойдаланган маҳсус таквим тизимини яратдилар. Бу таквим Ал-Берунийнинг «Кадимги халклардан колган ёдгорлик-

лар» асарида муфассал тавсифланган. Унинг маълумотларини археолог томонидан топилган, III асрга оид асл нусха хужжатлар хам тасдиклайди. Берунийнинг маълумотига кура, хоразмликлар мустакил астрономик кузатишлар олиб боргандар, осмоннинг юлдузлар харитасини яхши билганлар. Бинобарин, купкирилган калъада обсерваториянинг кадимийлиги (Эр. ав. III-II асрлар шубҳасиздир. Доира шаклидаги, дастлабки диаметри 42 метрли бино кейинчалик 8 та мустахкам минорага эга булган деворлар билан уралиб, диаметри 80 метрни ташкил этган. Икки кавватли марказий бино деворининг калинлиги 7 метр булган. Олимларнинг тадқикотлари га кура Куйкурилган калъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб борилган илм кароргохи булган. Бинони ноёб курилиш тизими, хоналарни максадга мувофик жойланишига кура уни «Хоразм Стоунхенжи» деб аташ мумкин. Хоразм маданиятининг узига хос ривожланиши кейинги даврларда хам давом этди. 2000 йиллар мукаддан Марказий Осий, Шимолий Хиндистон, Покистон ва Шаркий Эрон ва ягона давлат худудини ташкил этган. Кудратли Кушонлар империяси Орол денгизи буйларидан Хинд океанигача ястланиб, уша даврнинг бошка уч буюк давлати- Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир каторда турди. Кушонлар империяси даври Шарк ва Жаҳон маданияти ривожида янги даврни ташкил этди. Кушон маданиятида кадимги Шарк типидаги минтакавий цивилизация билан эллинизм маданияти анъаналари, Хиндистон маънавий хаётининг нозик кирралари билан Осиё кенгликларидағи даштиклар олиб келган узига хос услублар ижодий уйгуналашиб кетган эди.

Кушон салтанатининг дастлабки манзил марказини Бактрия ташкил этди. Иктисадиёт асоси дехкончилик булиб, мураккаб ирригация ва йирик сугориш иншоатлари барпо этилди. Хунармандчилик ва савдо-сотикнинг жадал ривожланиши шахарларни гуркираб ривожланишига, гишталардан бино этилган калъа ва

Саройларни курилишига олиб келди. Бу пайтда ғарб мамлакатлари, хусусан Рим империясининг шаркий вилоятлари билан савдо алоказлари биринчи уринга чиқди. Кушон подшоларининг тангалари Киев якинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шахарларидан топилган. Савдо куприклидаги йуллар ва Хиндистоннинг ғарбидаги порт-денгиз оркали олиб борилган. Бу йуллардан хилма-хил буюмлар, жумладан Римга кандолат, кимматбахо тошлар, фил суяги, гуруч, зебу-зийнат ва жихозлар элитилган. Хитойдан шох ва тери буюмлар, Римдан тукимачилик маҳсулотлари, кийимлар, ойна, кимматбахо металлар, турили винолар шу йул оркали олиб утилган. Римнинг куп микдордаги олтин ва кумуш тангалари алоказа киритилган. уша даврдаёк сотикнинг ушбу йирик халкаро артерияси «Буюк ипак йули» деб ном олди.

Маданий юксалишнинг Кушон даври (Эр. I-IV асрлари) диний тизимларнинг ёнма-ён яшаси билан характерланади. Бунга маълум маънода кушон подшолари, айникса Конишка ва Кунишка томонидан диний ақидаларга нисбатан сабр-каноат ва ишонч-муруват билан ёндошилганлиги имконият яратди. Канишка зарб этдирган тангаларда индус, зардушт, эллинлар худоларининг номи ва тасвирлари туширилган. Адолатгүй Митра ва хосилдорлик худоси Ордохши кудратли Вретрагна билан индусларни Шива, Буддасини, Гешос, Селена, Сфаписларни куриш мумкин. Буддизм давлат дини маконига эга булишига карамай,

Кушон империяси худудида зардуштлик, жайнизм, шиваизм, манихейлик, олимп худоларига сигиниш кенг таркалган эди. Буддизмнинг таркалиши маҳалий дин ва санъатларнинг тугатилишини англатмайди. Билакс, буддавийликни Бактриядаги ихлосманд таргиботчилари будда матнларини шунчаки узлаштириб, уни санскритдан таржимаси билан кифояланмай, уларни узларига талкин этдилар, унга кайта ишлов бердилар.

Марказий Осиё буддавийликни бутун Осиё-Хитой, Япония, Кореяга таркалиш манзилгохини ташкил этди. Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал килди. Арамей ёзуви асосида кушон-бактрия алфавити, сугд ва хоразм ёзуви ривожланди: Сурхк Коталда (Афғонистон) юон алфас витидаги кушон ёзуви топилган. Термиздаги Коратепа, Фаёзтепадан хиндларнинг Брахма, Кхоратшха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепа эса (Сурхандарё) Марказий Осиёдаги энг кадими, ноёб кулёзма (Эрам. авв. II асрнинг 1 ярми) папирусдаги битик топилди.

Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори минораларидан бирида топилган «кухна сугд ёзуви» алоҳида кизикиш уйготади. Ёзув эрамизни 312-313 йилларида битилган булиб, унда Хитойдаги сугд савдогарларининг фаолияти хакида маълумотлар берилган.

Кушонлар санъати кушни мамлакатлар ва халклар санъатларига таъсир курсатувчи намуналарни яратди. Эр. I-IV асрлардаги бадиий маданиятнинг асосий хусусияти Осиёга оламни англашга эллинистик таъсирни тафаккур тарозисидан утказишидир. Халчаён (Эр. авв. I-Э.. ни 1 асрлари) – Кушон санъатининг илк ёдгорликларидан бири булиб ундан топилган асарларда купрок хукмдор Герой Санат улугланган. Кабулхона деворларининг юкори кисмидан урин олган лойдан ишланган хайкаллар мажмуида хукмдор ва аъёнлари тасвирланган. Хайкал образлари ифодали булиб, унда тасвирланаётган образларнинг индивидуал белгилари кузга ташланиб туради. Унда тантанавор руҳдаги кабул маросими ва жанг лавхалари акс эттирилган. Марказда подшо хонадони ва унинг илохий хомийлари-Афина, Геракл, Ники образлари гавдаланган. Далварзинтепада топилган машхур «шахзоданинг боши» хамда тупроккалья хайкалларида эллинистик анъаналарнинг кучли таъсири сезилади. Подшолар залида эса эркак ва аёлларнинг монументал фигуralари куйилган, подшо найза тутган жангчилари даврасида, зиёфат ва бугилар ови куринишида тасвирланган.

Диний мазмундаги санъат асарлари узининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Далварзинтепадаги икки ибодатхонадан топилган тасвирий санъат намуналарида кадим ибодат тимсоли буюк она худо образи ифодаланган. Кухна Термиздаги Коратепа, Фаёзтепадаги эхромларини буддага даҳлдор ёдгорликлар безаб турибди. Ушбу асарларда Шимолий-фарбий Хиндистонга хос «гандхара услуги» устуворлик килсада, унда маҳаллий санъат усталарининг юон санъати анъаналари таъсирида ижод килганлиги сезилиб туради. Бактрия-Будда услугидаги буюк ижод намунаси Айритом шаҳридаги, эрамизнинг II асрига оид будда мажмуи безаклари булиб унда турли этник типдаги образлар галереяси берилган.

Кушон санъати Кушон империясидан кейин хам ана шу замонлар турли эллардаги, жумладан, Марказий Осиё, Хиндистон ва Хитойлик санъат усталари ва

ижодкорларини рухлантириб келди. Күшон санъати анъаналари ифодаси Хиндистондаги Гупта давлатига хос хайкаллар, Сугддаги буртма тасвир ва безаклар (Панжикент, Вурахива, Афросиёб), Шаркий Туркистон топилмаларида бирбиридан фаркланди.

Шундай килиб кадимги Марказий Осиё маданияти тараккиёти мобайнида узига хос анъана ва ютукларни саклабгина колмасдан, улкан минтакада умумий кадриятларни вужудга келиши, Якин ва Урта Шарк мамлакатлари билан маданий алоқа муносабатларини ривожлантиришга имконият яратиб маданий юксалишни янги сифат боскичига кутарди. Кадимги Марказий Осиё маданиятининг ривож нуктаси булган Күшонлар маданияти худудий ва мазмун жихатидан айро олинган маданият эмас эди. У узида Шарк, Марказий Осиё, Антик дунё ва хинд маданиятлари ютукларини узида мужассам этиб, Шарк ва Жаҳон ҳалклари маданиятини яна равнак топишига асос булди.

Марказий Осиё антик бадиий маданиятининг муҳим услубий ҳусусиятини санъатлар синтези ташкил этган: хайкалтарошлиқ, тасвирий санъат, накш бунда умумий меъморчилик расамадига- ва унинг ритмига буйсунган ҳолда меъморчилик билан яхлитда намоён булади. Бу синтез Күшонлар даврида хам маҳалий маданиятда уз таъсирини саклаб колди. Күшонлар даври Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Хиндистон ҳалклари тарихидагина эмас, балки бутун дунё маданиятининг тараккиётида алоҳида урин эгаллади. Турли ҳалклар маданиятининг чатишиши натижасида бу ерда узига хос янги маданият шаклланди, шу билан бирга кейинги асрлар маданиятининг тараккиётига замин булиб хизмат килди. Шарк ва ғарб маданиятининг узаро таъсири янги тарихий боскичга кадам кўйди. Эллин маданиятининг анъаналари Күшонлар даврида ижодий жихатдан кайта шаклланди ва янгича талкин килина бошлади.

Күшонлар империяси даврида (I-III асрлар) Марказий Осиёда сугорма дехкончилик, хунармандлик, шахарсозлик, савдо-сотик ва иктисадий алокалар равнак топди. Бунга Күшон-Бактрия ёзувлари, браhma ва қхарошхи хинд алифбосидаги ёзувлар, күшон тангалари гувоҳлик беради. Буддизм диннинг расмий даражаси будда ибодатхоналарининг уша замон санъати билан безатилишида намоён булади. Термиз якинидаги Айритомдан топилган ибодатхона ташки девори пештокларига саргишрок тошлардан хайкаллар урнатилган. Бино ичида гиштдан ишланган «Будда» хайкалининг колдиклари топилган. хайкалларнинг ишланиш услуби, кийими, мусика асбоблари Хиндистон, Урта Осиё, Юнонистон маданиятларининг узаро таъсирида ривожланганлигидан далолат беради. Буни Хоразм, Фаргона, Сугд, Парфиядан топилган турли хил буюмлар, маданий обидалар, топилмалар тимсолида хам курсатиш мумкин. Күшонлар даврида шахарлар курилиши кенг ривожланди. Шахарлар калин деворлар билан уралиб, ичида арк ва аркнинг атрофида хар хил бинолар кад кутарган Сопол идишлар нихоятда нафис ва жарангдорлиги хамда хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тараккий этган. Зеб-зийнат буюмлари меҳнат ва жанг куроллари ясаш, мато тукиш ривожланган. Умуман, Күшонлар даври маданияти Марказий Осиёning энг чуккиси хисобланиб, маълум худуд ва замон билан чегараланмайди. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё, Антик ва Хинд маданиятлари ютукларини узида жамлаб, куллаб Шарк ҳалкларининг урта асрдаги ма-

данияти ривожи учун асос булди ва жахон маданияти тарихида учмас из кол-дирди.

Таянч тушунчалар

Марказий Осиё, Кадимий цивилизация, рухий кувват, субмаданият, зардустийлик, Авесто, Ахмонийлар, Юнон-Бактрия, меҳроб, солмона, баддавийлик, оромий, Сугд.

Мавзуни такрорлаш буйича саволлар

Марказий Осиё худудида кандай кадимги халклар яшаган ва давлатлар мавжуд булган.

Марказий Осиё маданиятининг тарихий узига хослиги.

Марказий Осиё маданиятининг характерли белгиларини айтиб беринг.

Кадимги Бактрия, Хоразм, Сугд давлатлари маданиятини тавсифланг.

Марказий Осиё маданияти ривожида Зардустийлик ва «Авесто»нинг роли ва урни.

Марказий Осиёда маданиятларнинг узаро бир-бирига таъсир жараёнини изохланг.

Узбекистон худудида кадимги даврга оид кандай ноёб ёдгорликлар топилган.

Кадимги даврда ёзув илм ва фанни ривожланганлигини курсатувчи кандай маълумотлар мавжуд.

Буюк ипак йулини Марказий Осиё маданияти ривожидаги роли.

Жахон маданияти ривожланишида Марказий Осиё маданиятининг роли.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Маънавият юксалиш йулида. Т., 1998 й.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998 й.

Древние цивилизации. М., 1989 г.

Узбекистон халклари тарихи. Т., 1992 й.

Камалова Д.М. Узбекская художественная культура. Т., 1995 г.

Культура и искусство Древнего Узбекистана Каталог выставки. М, 1991г.

Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. М., 1986 г.

Пугаченкова Г., Ремпель Л. Очерки искусство Средний Азии. М, 1982г.

Пугаченкова Г., Ремпель Л. История искусство Узбекистана., 1965г.

Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная-Бактрия-Тохаристан, Т., 1990 г.

Узбекистон тарихи ва маданияти. Т., 1992 г.

9-МАВЗУ ШАРК УЙғОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

Уйғониш даври тушунчаси. Уни даврлаштириш масаласи.

Марказий Осиёда Уйғониш даври маданиятини белгилаган ижтимоий-сиёсий омиллар;

Шарк Уйғониш даврини ривожланиш боскичлари, узига хос хусусиятлари.

Уйғониш даврининг Шарк ва ғарб маданияти алокаларида тутган урни.

Шарк Уйғониши, Шарк Ренессанси хакида гап кетганда турли соҳа олимларитарихчилар, адабиётшунослар, маданиятшунослар ва санъатшунослар бу масалага бефарқ булмаганларидек, карашлар хам асосан иккига булинади. Уйғониш атамаси (итальянча-французча-Renaissance-Уйғониш) ни даставвал шу маданият сохиблари-италян гуманистлари ишлатганлар жумладан италиялик ёзувчи Ж. Бакаччо бу атамани Джотто ижодига карата, «у антик санъатни уйготди» деб биринчи бор ишлатган эди. Бутун бир даврни англатувчи тушунча сифатида санъат тарихчиси Ж. Вазари (1511-1574 й.) тарафидан унинг «Машхур санъаткорлар хаётидан лавхалар» китобида (1550) тилга олинган. Бу тушунча биринчи пайтда антик маданият анъаналарини Италияда «минг йиллик ёввойиликдан сунг» тикланишини англатиб, сунгрок илмий тадқикотларда кенг ишлатила бошланди. Я. Бурхарт Уйғониш (Ренессанс) ни алоҳида типдаги маданият деб баҳолади. Масалага кизикиш ортиб, илмий изланишлар купая боргани сайин Уйғониш тушунчаси, бу давр маданиятининг хронологик ва географик чегаралари, уни даврлаштириш хусусида зиддиятли, турлича фикрлар билдирила бошланди. Й. Хейзинг узининг «урта асрчиликнинг куз фасли» асарида Уйғониш даври-урта аср маданиятининг интиҳо даври деб хисобласа, бошка олимлар Уйғониш даври янги давр маданиятининг бошланиши деб санайдилар. Куччилик олимлар Европа Уйғониш классик тарзда даврлаштириб у XIV-XVI асрларга хос деб билсалар, бошкалар Уйғониш маданиятини бир мунча илгарирок XII аср – Каролинглар Ренессансидан бошлаб, Испания, Италия шимолидаги мамлакатлардаги (Шимолий Уйғониш) Уйғонишни XVII аср билан якунлайдилар.

1950 йилларнинг урталаридан эътиборан «Шарк» Уйғониш даври масаласида жиддий мунозара бахс кетди. Хитой маданияти тарихи таҳлилида академик Н. Конрад Уйғониш даврини кадимги, урта асрлар сингари инсоният цивилизациясининг барча минтакаларига хос умумбашарий ходиса деб карайди. Умумжахоний жараён хисоблаган Уйғониш Шарқда (Хитой) VI-VIII асрларда бошлиниб, ғарб сари силжиган ва XIV асрда Европа ходисасига айланган. Уйғонишнинг бундай талкинига карши бу ходиса турли мамлакатларда минтакавий, айрим куринишларда амал килиши мумкин, лекин у умумжахоний феномен булиши мумкин эмас, деб хисобловчилар хам бор. Уйғониш даври Хитойда (Конрад), Курияда (Тэн), Эрон-Тожикистанда (Брагинский, Никитин), Хиндистонда (Целишев), Туркияда (Меллов), Арманистанда (Чалоян), Озорбайжонда (Гажиев), Грузияда (Нуцубидзе, Натадзе) кечканлиги хакида айрим маълумоталар

келтирилади. Айни чокда хар икки караш тарафдорларини Европа Уйгониш даврини мутлако бетакрор ходиса деб каровчи муаллифлар (А. Лосев, М. Петров) жиддий танкид киладилар.

Узбекистонда Шарк Уйгониш даври масаласи маҳаллий материалларни умумлаштирган холда етарли ишланмаган. Марказий Осиё минтакасидаги Уйгониш хакида гап борганда IX-XII асрлар аввало хорижий маданият ва карор топган исломий этиъкодга нисбатан ривожланган ва бойиган кадимий маданият негизида миллий Уйгониш деб карапмоги лозим. Марказий Осий узок йиллик тарихида куп боскин ва талончиликларни курди, уларга карши озодлик ва мустакиллик учун кураш олиб борди. хакикат шундаки, хар бир боскиндан сунг миллий давлатчилик ва маданият тикланди. Мустакилликка интилиш гояси ва харакати узга халклар томонидан яратилган маданиятларни инкори эмас. Марказий Осиё маданиятида умуминсоний ахамиятга молик жамики маданият ютуклари ижодий уйгунашганидек, айни пайтда минтака маданияти бошка халклар маданиятларига самарали таъсир курсатди ва уларни бойитди.

Мавжуд адабиётлар ва фикрлар тахлили асосида Марказий Осиёдаги халклар Миллий маданий Уйгонишни уч даврга булиши мумкин:

IX-XII асрлар- араб боскинidan кейинги давр.

XIV-XV асрлар мугул истилосидан кейинги давр.

XX аср боши ва хозирги давр колониал боскин ва Совет давридан кейинги сиёсий, миллий, маданий Уйгониш.

Мустакиллик ва миллий маданият Уйгониш ходисалари моҳиятан, ички жиҳатдан узвий boglik булиб, бу хусусда акад. М.М. Хайруллаев шундай ёзади: «Мустакиллик ва Уйгониш, Мустакиллик ва юксалиш узвий boglikдир, у биздан акл-идрокни, билимни, истедоду кобилиятни, фаолликни, куч-гайратни талаб этади»¹.

Марказий Осиёда Уйгониш даври маданиятининг белгилари куйидагича: дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуктаи назаридан талкин этиш;

Турли халкларнинг маънавий-маданий мероси утмиш маданий кадриятларидан (араб, эрон, юонон маданияти бойликлари) фойдаланиш;

Табиатни, мавжуд хаётни, мавжудотни урганишга кизикишнинг кучайиши, унинг сирларини очишга ва ундан фойдаланишга интилишнинг ортиб бориши, шу муносабат билан табиатшунослик илмларининг ривожланиши;

Билишда аклни мезон деб билиш, аклий билиш, рационалистик усул, илмийлик ролининг ошиб бориши;

Инсонга мухаббат, унинг ахлокий, аклий хислатларини, кобилиятларини урганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, мантиқ илмига катта эътибор бериш, комил инсонни тарбиялаш, етук фозил жамоа хакидаги фикрларни асослаб бериш;

Диний тасаввур, диний таълимотлар ривожида диний-ахлокий мавзунинг устунлиги, инсон хулки, манфаатларининг диний гояларда етакчи мавзуга айланishi, ички маънавий камолот, Оллохга субъектив ички мукаммаллашув,

¹ Ҳайруллаев М. Сирта Осиёда илк Уй²ониш даври маданияти., Т., 1994 й., 14-бет.

маънавий-рухий кутарилиш, юксалиш ёрдамида эришув ва унинг сифатларига муяссар булишга каратилган фаолият;

Огзаки ва ёзма сузга катта эътибор, унинг ижтимоий-ахлокий кудратини куйлаш, таърифлаш, шеърият, филология, бадиий маданиятнинг юксак ривожи, сузсанъати, риторика билан шугулланиш маданийликнинг муҳим белгисига айланаб колиши.¹

IX-XII асрларда Марказий Осиё минтакасида маданият юксалиши парвоз боскичга чикканлиги түгрисида гап борар экан, айни шу худуд жаҳонни хайратга соглан буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетак-рор кашфиётлар бешиги- тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. урта аср тарихчилари ва сайёхлари ушбу даврда Марказий Осиёда иктисад, савдо усганлиги, куркам шахарлар кад кутарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги хакида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва мусика санъати бекиёс даражада ривожланган, кутубхоналар фаолият курсатган². Уша пайтда «Бухорода баланд тош деворлар билан уралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, мохирлик билан барпо этилган боғлар, хиёбонлар, ховузлар» мавжуд булганлиги хакида манбаларда кайд этилади. Абдул Вафо ал Бузжоний узининг «Геометрик коидаларнинг хунармандларга керакли томонлари хакида» асарида турли геометрик усуллар ёрдамида хар хил накшлар, бино безаклари ясаш йуллари, курувчи усталарнинг тажрибалари, бадиий усуллари хакида хикоя килади. Бошка манбаъларда бу даврдаги тасвирий ва мусвурлик санъати, хусусан портрет чизиш хакида маълумотлар келтиради³.

Археологик казилмалар ва кулёзма манбаълардан маълум булишича уша даврда мусика ва мусикашунослик хам кенг ривож топган ва у математика илмининг таркибий кисми саналган. Мазкур даврнинг буюк олими Абу Наср Фаробий мусиканинг назарий асослари, кўйлар, асбоблар, мусика маданиятининг мезонлари, атамалари таҳлилига багишлиган «Катта мусика» китобининг муаллифидир. («Китоб ал мусики ал Кабир»). урта аср мусулмон шарки мусика назариясига багишлиган ушбу китоб 2 кисм, 3 китобдан иборат булган. Фаробий «Катта мусика» дан ташкари «Мусика хакида суз», «Ритмлар тартиби хакида китоб», «Ритмга кушимча килинадиган силжишлар хакида» асарларининг хам муаллифидир.⁴

Уйгониш даври маданиятининг буюк намоёндалари уз ижод, изланишларида бевосита кадимги маданият меросга таяндила. Аввалги маърузада Марказий Осиё халкларининг кадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, хинди-стонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан якиндан таниш булганлиги, бу тилларни яхши билганликларини кайд этган эдик. Юртни харобага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон килган, илм ахлларини кувгин этган (Ибн Кутайба) араб боскинига карамай, кадимги бой маданият изсиз йукол-

¹ Ҳайруллаев М. Қарта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти.-Т., 1994 й., 71-72 бетлар.

² Пугаченкова Г. Ремпель П. , История искусства Узбекистана. Т., 1965 г. 121 стр.

³ Культура Среднего Востока, Городостроительная архитектура, Т., 1989 г. 191 стр.

⁴ Ҳайруллаев М., Қарта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994 й. 31 бет.

мади. Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада уз таъсирини утказган булсада, унинг мохияти узгармади. Бу халкимизга хос эзгулик, меҳр-шафкат, инсонпарварлик, хайр-муруват, оккунгиллик, багрикенглик, илмга ташналиқ, узга халкларга ишонч эҳтиром фазилатларидир. Юнон, Хинд, Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм ахлигина узга халкларни бошкалар маданияти билан якиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун хам машхур математик ал-Хоразмий хиндаларнинг хисоб тизимини, Фаробий Юнонистонлик Арастунинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги даврда янги боскичга кутарди, имом ал-Бухорий исломий таълимотни асослади Мухаммад Пайгамбардан кейинги иккинчи шахсга айланди.

Уйгониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кутарилди. Мустакилликни кулга киритган Сомонийлар шажарасининг биринчи хукмдорлари миллий маданий кадриятларни баркарор этмасдан туриб тула давлат мустакиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Жумладан, она юрт мадхи бу даврда шу даражага кутариладики, зардуштийлик эсланмай колди. Араб ёзувида бадиий ижодни таъкиламаган холда, самонийлар оддий халк англайдиган тилда ёзган муаллифларни тула куллаб-кувватладилар. Сомонийлар нафакат адабиёт ахлига, барча олимларга хомийлик курсатиб, Шероз кутубхонаси билан ракобат даражасида булган улкан кутубхонани асосладилар. Улуг аллома ибн Синонинг хотирлашича, кутубхона купхонали булиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошласига фикхга оид китоб тахланган. Шу тартибда хар бир хонада фаннинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган.

Китоб ёзишнинг кучайиши, хаттотлик санъатининг, уни безаш, накшлар билан куркам килиш мусаввирлик санъатининг ривож топишига олиб келган.

Умуман бу даврда кулёзмаларни кучириш, тайёрлаш, туплаш маданий хаётнинг мухим соҳасига айланган. Маълумки, асар фактат кулда бир нусхадангина ёзилар эди. Босмахона эса бир неча асрдан сунггина пайдо булган. Ёзилган асарни нусхасини купайтириш, бошкаларга етказиши, ундан нусха олиш зарур эди. Шунинг учун нусха кучириш, асарни купайтиришга катта эътибор берилиди. Аста-секин маҳсус нусха кучириш санъати ва хунари шаклланди, шу туфайли бир жойда ёзилган асарларни бошка шахар, улкаларида таркатиш имкони вужудга келди.

Махсус нусха кучириш билан шугулланувчилар, хусни хат соҳиблари пайдо булиб, улар буюртма ёки сотиши учун асарлардан нусха кучириш билан шугулланганлар. Китобдан нусха кучириш, китоб савдосининг кенг йулга куйилиши хамда маърифат ахлини тинимсиз фаолияти туфайли Бухоро, Самарканд, Марв,

Нишопур, Багдод, Дамашк сингари шахарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари купайди, китоб савдоси, уни таркатиш билан шугулланувчилар фаолияти кенгайди. Марказий Осиёга Багдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шахарларидан кулёзмалар келтирилиб, юртдошларимизнинг кулёзма асарлари бошка улкаларга олиб кетиладиган булди¹.

¹ Ҳайруллаев М., сўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти, Т., 1994 й., 33 б.

Таянч түшүнчалар

Уйғониш даври, Ренессанс, Мусулмон маданияти, Корахонийлар, Самонийлар, миниатюра, мусаввирлик, хаттотлик, кулёзма.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

Уйгониш даври тушунчаси ва Шарк уйгонишининг узига хослиги.

IX-XII асрларда Марказий Осиёда маданият равнакининг омиллари.

Уйгониш даври маданиятининг асосий белгилари.

IX-XII асрларда Узбекистон худудида амал килган илмий маърифий марказлар.

Марказий Осиё мутафакирларининг Араб дунёси ва жаҳон маданияти ривожига күшган хиссаси.

IX-XII асрларда адабиёт ва санъатнинг гуллаб яшнаши.

IX-XII асрларга оид машхур меъморчилик ёдгорликлари.

Хозирги даврда маданий меърос ва утмиш анъаналарини тиклаш юзасидан амалга оширилаётган асосий тадбирлар.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Истиклол ва маънавият, Т., 1994 й.

Художественная культура Средней Азии. IX-XIII веков, Т., 1983 г.

Пугаченкова Г.А. Очерки искусства Средней Азии. М., 1986 г.

Мерос. Т., 1991 й.

Хайруллаев М.М. Урта Осиёда илк уйгониш даври маданияти. Т. 1995

Баходиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Т.1995 й.

Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али Ибн Сино. Т., 1987 й.

Қаюмов А. Ахмад-ал Фарғоний. Т. 1991 й.

Ҳамидов Ҳ. Кирк беш аллома хикояти. Т, 1995 й.

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 1993 й.

Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалклардан колган ёдгорликлар I-жилд Т., 1968 й.

Низомулмулқ. Сиёсатнома. Т., 1997 й.

Хужа Самандар Термизий. Дастан-ул-мулк. Т., 1997й.

Абу Исо Термизий. Саҳихи Термизий. Т., 1993 й.

Ватан тарихи Т. 1997 й.

Ахмад Яссавий. Ҳикматлар. Т. 1991 й.

Усмон Ориф. Баҳовуддин Накшбанд ва унинг таълимоти ҳакида. Т. 1993 й.

10-МАВЗУ
ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ
(XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XV АСР)

Маъруза режаси:

1. Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иктисодий, маданий-маиший тараккиёти.
2. Меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъат.
 3. Илм-фан ва адабиёт.
 4. Санъат, фалсафа ва дин.

1. Темур ва темурийлар даври Урта Осиё маданиятида алоҳида даврни ташкил килади. Маданият тарихида классик давр хисобланган бу давр хусусан, узбек маданиятининг бугунги хукукий жойлашувида асос булиб хизмат килади. Аввало, бу давр маданияти Темур асос солган қучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иктисодий тараккиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур даврида Урта Осиёнинг мустакил бир давлат килиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иктисодий-маданий тараккиётига ижобий таъсир курсатди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, хунармандчилик ва меъморчилик равнак топди. Мамлакат ва пойтахт Самарканднинг ободончилиги йулида маҳаллий ва чет мамлакатлардан куплаб фан ва санъат ахлларини, хунарманд меъморларни ва мусаввирларни туплади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чикиришга, хусусан кишлок хужалигига алоҳида эътибор берди. Урта Осиёда кишлок хужалиги сунъий сугоришга боғликлигини яхши тушунган Темур Ангор каналини кайдирди ва Мургоб водийсида сугориш ишларини йулга кўйди. Самарканд ва Шахрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланди. Лалмикор ерларда ариклар казилди. Дехкончиликда донли экинлар, пахта, зигир экилган. Буёк учун руян усимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар куп экилган. Узум, лимон етиширилган.

Улугбек даврида Боги майдонда турли усимликлар экилиб, Богча номли бобарпо этилган. Темур Самарканд атрофида Багдод, Султония ва Шероз номли кишлоклар курдиради. Темур ва Улугбек даврида куйчилик ва йилкичиликка алоҳида эътибор берилган.

Тог-кон ишлари йулга куйилиб, турли маъданлар казиб олиниши туфайли хунармандчилик ривожланган.

Ободончилик, сугорма дехкончиликнинг ривожланиши иктисодий хаётда муҳим соҳа-хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараккиётига ижобий таъсир курсатди. хунармандчилик тармокларининг купайиши туфайли шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва токлар курилди. Тукимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий урин тутган. Самарканд, Бухоро, Тошкент, Шоҳрухия, Термиз, Шахрисабз, Карши шаҳарларида янги хунармандчилик маҳаллари курилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, каноп толасидан газмол-

лар тукилган. Ипакдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, духоба, хоро, дебо каби газмоллар тукилган.

XV-асрда металл буюмлар- уй-рузгор буюмлари, асбоб-ускуналар, курол-яроглар куплаб ишлаб чикарилган. Самарканд куролсозлик марказига айланиб, совутсозлар махалласи курилган. Шахарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чакалар зарб ки-линганд. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфаҳоний ясаган жез козон ва шам-дон хозиргача сакланиб колган. Мисгар ва чилангарлар металлни тоблаш, куйиш, сиртига накш солищ, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажар-ганлар.

Масалан, Бибиҳоним масжиди эшиклари етти хил маъдан котишмадан тайёрланган. Заргарлар олтин, кумуш ва жез котишмаларидан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва кумуш гардишли, кимматбаҳо тошлар кадалаган идишлар сиртига накш ва ёзувлар ишланган.

Кулолчилик энг сертармок соҳа булган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадиий ранг-баранглиқда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда накш, хаттотлик кенг кулланила бошланган. Бинокорликда гишт терувчилар «Банно», пешток, равок хамда токларга парчин ва чирок копловчи пардозчилар «Устоз» дейилган.

Самарканда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. Куримишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёгоч уймакорлигига накшин бинолар курилган ва буюм жихозлар ясалган. Самарканд когози хатто чет улкаларда машхур булган.

Бу даврда хунармандчилик моллари ишлаб чикарадиган корхона бошлиги «Уста» шогирдлар «Халфа»лар булган. хунармандлар шахарнинг маданиятли табакасига мансуб булган.

Темурийлар давлати Хитой, Хиндистон, Эрон, Русия, Волга буйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотик алокалари олиб борган. Чет давлатлар билан савдо алокаларини кенгайтиришда темурийларнинг элчилик алокалари мухим ахамият касб этган. Темур савдо расталари, бозорлар ва йуллар курдиради, карвон йулларида карвонсаройларни купайтиради. Айникса, Самарканд ва Бухорода бозор, чорсу, тим, ток, каппон каби савдо хунармандчилик иншоатлари кад ростлади. Шахар буйлаб утган кенг кучанинг икки томонига дуконлар жолаштирилган. Самарканд ва Бухоро савдо майдонларининг кенглиги ва ихтисосластирилган бозорларга эгалиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази ва хунармандчилик ишлаб чикириш жойи эди. Шунингдек, бозорларда кулёзма китоблар, ёзув когози сотилган, ариза ёки мактуб ёзувчи мирзалар хам утирган. Савдо растаси унда сотилувчи товар номи билан аталган. Бозорларда адабиёт, шеърият, илм-фан хакида сухбатлар булган, фармонлар эълон килинган ва айбдорлар жазоланган. Турли томошалар шу жойда курсатилган, масжид, мадраса, хаммом бозорга якин жойга курилган.

Темурийлар даврида карвон йулларида элчилар, чопарлар ва савдо карвонлари учун дам олиш, отлар алмаштириш жойлари курилган.

XIV-XV аср охирларида Мовароуннахни куп мамлакатлар билан ижтимоий-иктисодий баъзан сиёсий ва харбий ахамиятга эга булган карвон йуллари bogлаган эди. Бу йуллар бир-биридан иктиносиди, халк тумуш тарзи, дини, маънавий ва

моддий маданияти жихатдан фаркланувчи мамлакатларнинг узаро алокасини ривожлантиришга имкон яратди. Карвон йуллари савдо, дипломатик алокаларнинг амалий вазифасини, айни вактда мамлакат ва халкларнинг узаро иктисидий ва маданий таъсирини мустахкамлашга хизмат килди.

2. Урта Осиё заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат сохларида камолот боскичига кутарилди. Темурийлар давлатининг кудрати айникса меъморчиликда намоён булди. Оксарой пештокида битилган «Кудратимизни курмок истасанг- биноларимизга бок!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини хам англатар эди. Темур даврида Мовароуннахр шахарлари курилишида истехкомлар, шоҳ кучалар, меъморий мажмуалар кенг кулам касб этади. Илк урта асрлардаги шахарнинг асосий кисми булган «Шахристон»дан кулам ва мазмуни билан фарқ килувчи «хисор» курилишини Самарканд ва Шахрисабзда кузатиш мумкин. Темур даврида Кеш шахар курилиши якунланди. «Хисор»нинг жануби-гарбида хукумат саройи Оксарой ва атрофида работлар, борголлар курилди.

Темур салтанат пойтахти Самаркандни безатишга алохида эътибор берди. Шахарда «Хисори», калья, улугвор иншоатлар ва тиллакор саройлар бунёд этирди. Самаркандга кираверишдаги Кухак тепалигида Чупон ота макбарами Улугбек даврида курилган булиб, бу иншоотда мутаносиблиқ, умумий шаклнинг нафислиги, безакларда улугворлик уйгуналашиб кетган. Темур даврда Самарканд Афросиёбдан жанубда мугуллар давридаги ички ва ташки шахар урнида курила бошлади хамда бу майдон калья девори ва хандок билан ураллиб (1371 й) Хисор деб аталди. Хисор 500 гектар булиб девор билан уралган. Шахарга олтида дарвозадан кирилган.

Шахар махалалардан иборат булиб, гузарларга бирлашган. Шахарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва темурийлар даврининг энг катта ютуғи булди. Меъморчилик тараккиётнинг янги боскичига кутарилди, иншоатлар кулагами билан бирга унинг шакли хам улканлашди. Бу жараён мухандислар, меъморлар ва наккошлар зиммасига янги вазифаларни кўйди. Темур даврида гумбазлар тузилишида кирралар оралиги кенгайди. Икки каватли гумбазлар куришда ичкаридан ёйсимон ковургаларга таянган ташки гумбазни кутариб турувчи пой гумбазнинг баландлиги ошди. Улугбек даврида гумбаз ости тузилмаларнинг янги хиллари ишлаб чикилди. Аник фанлардаги ютуклар меъморчилик ёдгорликларида аник куринади (Шохизинда, Ахмад Яссавий, Гури Амир макбарамари, Бибихоним масжиди, Улугбек мадрасаси). Уларнинг олд томони ва ички киёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйгунилигини белгиловчи геометрик тузилмаларнинг аник узаро нисбати бор. Безак ва сайкал ишлари хам бино курилиши жараёнида баравар амалга оширилган.

Темурийлар давригача ва ундан кейин хам Мовароуннахр ва Хурросон меъморчилигига безак ва накш бу кадар юксалмаган. Темур ва Улугбек даври меъморчилигига безакда куп ранглилик ва накшлар хилма-хиллиги кузатилади. Эпиграфик битикларни бинонинг маҳсус жойларига, хаттотлик санъатини му-каммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Кошин катамларида тасвир мавзуи кам учрайди. Оксарой пештокларида Шер билан Күёшнинг жуфт тасвири учрайди, бу рамзий маънога эга. Темур ва

Улугбек даврида бино ичининг безаги хам хилма-хил булган. Девор ва шифт, хатто гумбаз хам накш билан зийнатилган. Темур даврида курилган биноларда кук ва зархал ранглар устун булиб, дабдабали накшлар ишланган, Улугбек даврида Хитой чиннисига ухшаш ок фондаги кук накшлар куп учрайди.

Бу даврда диний иншоотлар, хукмдор саройлари, аслзодаларнинг кароргохла-ри куплаб курилди. Темур Хиндистон юришидан сунг (1399 й). Самарканда жоме масжиди курдиради. Унинг рупарасида Бибихоним мадрасаси ва макбара бунёд эттириди. Улугбек Бухоро Жоме масжидини кенгайтириб, кайта куриш ишларини бошлаган, бирок у XVI асрда куриб битказди.

Темур даврида Сарой Мулк хоним Гури Амир мажмуасида мадрасалар курилган. Улугбек Самарканда, Бухоро ва ғиждувонда мадрасалар бунёд этириди.

XV асрда мадраса меъморчилиги узининг узил-кесил киёфасига эга булди. Мадраса курилиши ягона тизим буйича режалаштирилса хам, асосий шакллари, уларнинг узаро нисбатлари ва безакларига кура хар бири уз киёфасига эга эди. Темурийларнинг икки санъат дурдонаси-Самарканнадаги Улугбек ва Хиротдаги Гавхаршодбегим мадрасалари ягона тизим режаси буйича курилганига карамай, бир-биридан фарқ килади.

Темурийлар давридан колган макбара, дин арбоблари ва рухонийлар кабрини уз ичига олувчи тусик-хазира, авлиёлар кадамжолари, дахма алохидга гурухни ташкил килади. Самарканда Темур даврида шайх Бурхониддин Сагоржий хилхонаси – Рухобод макбараси ва Темурийлар хилхонаси -Гури Амир. Шунингдек, Шохизинда мажмуасида пештокли макбаралар гурухи курилади. Улугбек даврида ижодий изланишлар самараси дахмаларнинг меъморий куринишига хам таъсир утказади. Шохизинда мажмуасида саккиз киррали макбара ва хозиргача Козизода Румий макбараси деб келинаётган («Султоннинг онаси» учун курилган, асли номаълум) макбара курилади. Улугбек Бухоро, ғиждувон, Шахрисабз, Термиз, Тошкентда хам ноёб обидалар курдирган. Аммо курилиш микёси ва безаклар буйича Самарканнадаги обидалар устунлик килади. Тошкентда Занги ота макбараси ва Шайхонтохур мажмуаси, булиб, Калдиргочбий макбараси XV асрнинг биринчи ярмига мансуб.

Темур даврида улкан иншоот-Туркистон шахрида Ахмад Яссавий макбараси барпо килинди. Бу макбара мусулмон Шаркининг меъморий ёдгорликлари орасида энг ноёбидир.

Кадамжолар меъморчилиги хам узига хос тузилишга эга. Темур Бухорода Чашмаи Аюб (1380 й.) ёдгорлигини курдиради. Шунингдек, Темур Шахрисабзда зиёрат ва дафн маросимлари учун «хазира»-»Дор ус-Сиёзат» (1389-1400) хилхонасини курдирган. Угли Жаҳонгир вафот этгач Шахрисабзда макбара (хазрати Имом) курдирган. Унда Хоразм меъморчилиги анъаналарини куриш мумкин.

Самарканнадаги Улугбек расадхонаси меъморий санъатнинг ноёб ёдгорлигидир. Расадхона диаметри 48 метрли айлана шаклда булиб, уч каватлидир.

Темурийлар даврида курилган саройлар икки хил булган. Биринчиси-маъмурий-сиёсий максадда булиб, калья ёки шахар ичидаги курилган. Иккинчи-си-шахар ташкарисидаги багларда курилган кароргохларда кабул маросимлари, мажлислар утказилган ва хордик чикарилган. Шахрисабздаги Оксарой гумбазининг диаметри 22 метр булиб, ток ва равоклари бекиёс булган. Темур ва Улуг-

бекнинг асосий кароргохи Самарканддаги Куксарой ва Бустонсарой дейилади. Шунингдек, шахар ташкарисида Темур ун иккита бог ва саройлар бунёд эттирган.

Улугбек даврида Самаркандинг Регистон майдони шаклланди, «Масжиди Муқаттаъ», 210 гумбазли Кукалдош жомъе масжиди кад кутарди. Шохизинданда айрим макбаралар, Шахрисабзда Кукгумбаз масжиди, «Чилустун» ва «Чиннихона» саройлари унинг даврида курилди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Самарканда Хужа Ахрор мадрасаси, Ишратхона, Оксарой макбаралари бунёд килинди.

Амир Темур ва Улугбек даврида тасвирий санъат турли йуналиш буйича юксалди. Исломда жонли нарсалар тасвирига сигинмаслик тасвирий санъатда нақшнинг равнакига сабаб булди. Урта Осиёда араблар боскини туфайли тухтаб колган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Хаттотлик- кулёзма адабиётнинг ажралмас бир кисми хисобланган. Миниатюра- тасвирий санъатга хам аввало накш сифатида каралган. Темурийлар даврида тикланган деворий суратлар эса XVI асрда яна тухтаб колди. Самарканддаги Темурийларнинг сарой-кароргохларида кабул маросимлари, жанг воеалари, ов манзаралари, халк байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар булган. Темур, угиллари, набиралари, аёллари ва канизаклари тасвири бу деворий суратларда акс эттирилган Улугбек деворида хам деворий суратлар мавзу жихатдан ранг-баранг булиб, услубий жихатдан миниатюра жанрига якин булган. Бу даврда кайта кучирилган Абдурахмон ас-Суфийнинг (Х аср) фалакиётга оид асарига ишланган бир суратда Андромеда юлдузлар туркуми Чочлик аёл киёфасида тасвирланади. Самарканд расадхонасида эса туккиз фалак куриниши, етти гардиш, етти юлдуз-ёриткич даража, вакт булимлари, Ер юзининг етти иклими тасвирланган.

Темур дарврида курилган Ширинбека опа, Бибихоним, Туман опа обидаларида наккошлиқ ва хаттотлик билан бирга тасвирий лавхалар хам мавжуддир. Ширинбека опа макбарасида тасвир куп рангларда, колган ички бино деворларида оқ ва мовий рангдаги табиат манзаралари тасвирланади.

Хаттотлик санъати тараккиётига XV асрда анъанавий насхи, куфий, деворий хатлари билан бирга пештокларни безовчи сулс ва тезкор-настальик ноёб кулёзма асарлар кучириладиган маҳсус устахоналар китоботчиликнинг равнакига ижобий таъсир курсатди.

Амир Темур даврида Самарканда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. хозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сакланаётган кучирма- хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид булиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, накшларда чизиклар уйғунлиги, характерлар аниклиги, киёфаларнинг уз урнида жойлаштирилиши билан ажралиб турди.

Тарихий шахсларнинг киёфалари хам миниатюраларда акс этган. Амир Темур киёфаси тириклиқ вактида акс этган миниатюралар хали топилмаган. Асл холатига якин суратлар «Зафарнома»нинг дастлабки кучирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёркинрок киёфаси Хиротда (1467 й.) кучирилган «Зафарнома»да келтирилади. Дастлаб Мирак Наккош бошлаган ва Бехзод якунла-

ган ушбу миниатюрада бой композиция ва сержило буёкларнинг уйгунлиги ажралиб туради.

Миниатюра рассомчилигининг тараккиёти адабиётнинг ривожи билан боглик булган. Мусавирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сунгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда «Жомеъ ут-таворих», «Тарихи Рашидий» каби тарихий асарларга хам миниатюралар ишлаган. Бу анъана Темурийлар даврида хам давом эттирилиб, «Зафарнома» ва «Темурнома» асарларида жанг лавхалари тасвиранади. Айрим холларда диний асарларга хам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Мухаммад пайгамбарнинг (юзи никобда) одамлар орасида турган холати ва меърожга чикишларига оид лавхалар учрайди.

XV аср миниатюраларининг аксариятида шарк шеъриятининг каҳрамонлари-Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавхалари тасвиранади. Умуман миниатюра санъати Ирок, Эрон, Хуресон, Мовароуннахр ва Хиндистонгача худудда бир даврга хос бадиий- эстетик ходиса эди. Бу ходиса Темурийлар билан боглик булиб, темурийларнинг Багдод, Шероз, Табриз, Хирот, Самарканд, Дехли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди.

Самарканд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида карор топган булиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шаркий Туркистон санъатига хос булган Туркий образларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Самаканддаги сарой мусавирлари Абул Хайя ва унинг шогирдлари Шайх Махмуд Талилий, Пир Ахмад Боги Шамолий, Мухаммад бин Махмудшоҳ, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмлар нозик, буёклар усталик билан кулланган. Уларнинг миниатюралари темурийлар даврига хос ов-шикор мавзууда яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсункур Мирзо Хиротда хаттотлик ва наккошлиқ устахонаси ташкил килгач бу рассомларнинг айримлари хиротга кучиб утади. Абул хайя тарихий асарларига ишлаган миниатюраларда Амир Темур ва темурийларнинг киёфалари акс этса, бадиий асарларга ишлаган расмларида хам улар турли холатларда тасвиранади. Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар график тарзда, бадиий жихатдан узига хос «сиёхи калам» услубида ишланган. Темур хаётлик даврида унинг сарой деворларида шоҳ ва шахзодалар бор буйида тасвиrlаниб, хакикий портрет жанрини Камолиддин Бехзод шакллантириди. Умуман, Темур ва темурийларнинг киёфалари тасвиrlанган куплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сакланмокда. Уларнинг аксариятида расм чизилган давр ёки рассом, жой, мактаб курсатилмаган. Бирок, бу миниатюраларда нур сочиб турган куёшсимон шернинг боши тасвиrlанган туг-Темурнинг герби-унинг саройи пештокида, Халил Султон ва Улугбек зарб килган тангаларда учрайди. Шунингдек, табиат тасвирида тук яшил ва жигарранг куплиги, кийимлар туркий миллатга хос булганлигидан бу миниатюралар Самарканд миниатюрачилик мактабига мансуб дейиш мумкин. Чунки, Хирот ва Шероз миниатюралари каҳрамонларининг кийимлари бошқачароқдир.

Самарканд мактаби миниатюрачилари вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлидирлар.

Улугбек даврида машхур булган хаттот ва мусаввир асли Обивардлик Султон Али Бовердий миниатюралари чизикларнинг кескинлиги, рангларнинг ёркинлиги билан узига хосдир. Самарканд мактабига хос булган 18 та миниатюра Низомийнинг»хамса» асарига ва 49 та миниатюра «Шохнома» асарига ишланган булиб хозир Туркия кутубхонасида сакланади.

Улугбек даврида ас-Суфийнинг «Силжимас юлдузлар руйхати» асарига ишланган миниатюраларда хариталар кизил ва кора доиралар билан катта ва кичик юлдузларнинг жойлашиши курсатилган булиб, график тарзда ранг бермай, кора сиёҳда чизилган. Юлдуз туркуми оддий халк вакили киёфасида тасвир этилади. Шарк миниатюрачилигига оддий

халк хаёти мавзуи темурийлар даврида пайдо булган. Масалан, «Самарканд масжидини куриши», «Искандар деворини бунёд этиши», «Кучманчилар турмуши», «Жамшиднинг оддий халкка хунар ургатиши мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий хунармандчиликнинг турли шаклларида намоён булди. Бадиий хунармандчилик асосан меъморчилик билан багли булмай, кошинкорлик кулолчилиги, ёгоч ва тош уймакорлиги билан хам багли эди. Кабр тошларига кисман усимликсимон, асосан геометрик назмларда хаттотлик намуналари билан сузлар битилган. Бу ёзувлар чукур, куша уйикларида битилган. Кабртошлар сагана ёки суна шаклида булиб, буз рангли мармардан, айрим холларда ута ноёб тошлардан тантана идишлар ишланган. Ёгоч уймакорлигига Гури Амирда, Шохи Зинда, Яссавий макбаралари, эшиклири, шунингдек Xv асрга оид уй устунлари накшлар билан ишланган. Темур ва Улугбек даврларида металл уймакорлиги тараккий этади. Буюм ва идишлар олтинсимон бронза, латун, кизил мисдан ишланган. Накшлар уйиб, буртма усуlda, кимматбахо тошлар кадалиб тайёрланган. Яссавий макбараси улкан-шамдонлар, айникса икки тонналик козон бронза куйиш санъатининг энг юксак намунасидир.

Амалий санъатнинг кулолчилик тури учун яшил, зангори тусдаги ёркин сир устига содда усимликнома накшларни кора буёклар билан тушуришга ёки уюрма гуллар ишланиши, бу даврда пайдо булган оппок идишларга сир устидан кобалыт ёрдамида накш берилиши янгилик эди. Сопол буюмлардаги накшлар муйжаламда чизилган. Олдинги асрларда сопол буюмларига чизик накшлар чизишган, темурийлар даврига мансуб чиккисимон сопол буюмларда кулол-рассом турли услугуда оч хаворангдан то ложувардга кадар рангларни куллайди. Темур ва темурийлар даврининг амалий санъат турларидан тукимачилик, гиламдузлик, каштачилик юксак санъат даражасига кутарилди.

Амир Темур илм-фан ривожи учун гамхурлик килиши туфайли Самарканд дунёning маърифий марказига айланди. Машхур олимлар Самаркандга келди. Масалан, Козизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалакиётшунос Мавлоно Ахмад, Улугбек даврида турли мамлакатлардан келган 100 дан ортик олимлар илмий ва ижодий фаолият курсатган. Темур ва темурийлар замонида табиий ва гуманитар фанлар соҳасида буюк олимлар етишиб чикди хамда жаҳон фанига муносиб хисса кушди. Фалакиётшунослик фанида Улугбек, Козизода Румий, ғиёсиддин Жамшид ва Али Кушчилар янги кашфиётлар килди. Тарих илмида Шарофиддин Али Яздий, Хофизи Абру, Абдураззок Самаркандий, Мир-

хонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошкалар кимматли асарлар яратди. Бадиий ижод ва тилшуносликда Жомий, Навоий, Давлатшоҳ Самаркандий, Атоулло Ҳусайнӣ, Кошифий сингари ижодкорлар юксак санъат асарлари билан машхур булди.

Мирзо Улугбек даврида Самарканда биринчи Академияга асос солинди, Еркуррасини улчаш ва фалаккиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Самарканд расадхонасининг курилиши улкан маданий воеа булиб, жихози ва илмий ютуклари жихатидан унга тенг келадиган расадхона йук эди. Расадхонада Улугбек математика, геометрия, фалаккиётшуносликда чукур билимлар сохиби эди. Али Кушчи, Мухаммад Ҳавофийлар унинг севимли шогирдлари булган.

Мирзо Улугбек «Зиж» асарида VIII-XI асрларда бошланган фалаккиёт илмига оид анъанани давом эттириб, юкори даражага кутаради. Математикага доир «Бир даражака синусни аниклаш хакида рисола», Фалаккиётшуносликка оид «Рисолаи Улугбек» ва мусика хакида «Мусика илми хакида рисола» каби асарлар ёзди. Улугбек Самарканд, Бухоро ва ғиждувонда мадрасалар курдириб, таълим ишларига раҳбарлик килди.

Темур ва темурийлар даврида ҳалқ оғзаки ижоди намуналари яратилди. Адабиёт бадиий услугуб жихатидан такомиллашди, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Узбек таржима адабиёти вужудга келди.

Бу даврда етук ижодкорлар Кутб, Сайфи Саройи, Хайдар Ҳоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Мухаммад Солих ва бошкалар яшаб ижод килди. Айникса узбек ёзма адабиётининг дунёвий куламини Алишер Навоийнинг ижоди камолот боскичига кутарди.

Мовароуннахр ва Ҳурсонда узбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавкеи орта борди. Ҳурсондаги туркийзабон ҳалклар ва уларнинг зиёлилари Самарканд, Бухоро, Туркистон ва бошка шаҳарлардаги олимлар шоирлар ва санъаткорлар билан узаро жуда якин муносабатда була бошладилар. Кайси ижодкор узига кайси мамлакат ёки шаҳарни кулагай деб билса, ёша ерда яшаб ижод килди.

Масалан, ҳоразмлик шоирлар Хайдар ва хоғиз Ҳоразмийлар Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан булган шоир Шайх Атоий Турбатдан (Тошкент якинидан) Балхга, Мавлоно Лутфий хам асли Тошкентдан булиб Ҳирот якинига бориб яшаб колганлар.

Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга якин кишилар эди. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир булиб, улар узлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга хомийлик хам килган. Ҳалил Султон, Ҳусайн Бойкаро кабилар уз шеърларидан девон тузганлар.

Ҳурсон ва Мовароуннахрда форсий ва туркийда хам иккала тилда ижод ки-ливчи шоирлар куп булиб, адабий хаёт юксалади. Шарқ классик адабиёти таржималарига хам эътибор қучаяди. «Чаҳор маноли» каби адабиёт назариясига оид асарлар яратилган. Бадиий ижоднинг газал, рубоий, туюқ каби турлари ривож топган. Адабий жараёнда шохлар хам, оддий косиб ва хунармандлар хам, олим ва фозиллар хам катнашган.

Ҳурсондаги адабий хаётнинг ривожида Бойсунгур Мирзо (Шоҳруҳнинг угли) нинг урни бекиёс булиб, у уз ташаббуси билан фанларнинг барча соҳаларига

ва санъат ривожига катта хисса күшган. Унинг раҳбарлигига Фирдавсий «шохномаси»нинг куп кулёзмаларни киёслаш асосида ишончли илмий матни яратилди. Бойсунгурнинг узи хам форсий ва туркийда шеърлар ёзган. Хуллас, XV аср урталарида Хуросонда узбек адабиётининг янги мактаби юзага келди.

Мовароуннахрда Улугбек даврида куплаб форсий ва туркий ижодкорлар тупланди. Адабий мухитни бевосита Улугбекнинг узи бошкаар, Самарканда уша даврнинг энг яхши шоирлари йигилган эдилар. Шоирларнинг сардори («Малик ул-калом») килиб Мавлоно Камол Барахший тайинланган эди. Саккокий уз касидаларидан бирида Улугбекнинг шеър ёзишини ва унинг шеър хакидаги тушунчаси юкори булғанлиги таъкидлаб утган. Улугбек Хуросондаги ижодкорлар билан хам дустона муносабатда булган. У Лутфий шеърларини XV асрнинг машхур шоири Салмон Соважий шеърлари билан тенг курган. Мумтоз шоир билан тенглаштириш Лутфий учун катта шараф эди.

Улугбек саройидаги энг обрули узбек шоири Саккокийнинг лирик шеърлари билан бирга узбек тилидаги қасидалари хам бу шеърий жанрнинг сезиларли ютуги булди.

Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида купрок хуросонлик шоирлар хақида маълумотлар берса, Давлотшоҳ Самаркандин «Газкират уш-шуаро» асарида утмишда утган ижодкорларга тухталади. Якинда маълум булган Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фукукул-балога» (1437 й.) асари темурийлар даври

Мовароуннахрдаги адабий хаётни урганиш имконитларини очди.

Шайх Ахмад Тарозий асарида шеър назариясига доир илмий масалаларни ёритиш билан бирга, шу пайтгача номаълум булган узбек ва форсий забон шоирларнинг шеърларидан мисоллар келтиради. Шайх Тарозий уз асарида бизга маълум булган машхур шоирлардан ташкари, бизга номаълум булган Мухаммад Темур Бузонинг туюкларини, Шамс Кисорийнинг «ал-маклубул-баъз» шеърий санъати намуналарини, Жалолий деган шоирнинг ишкий мазмундаги байтларини, «мутасалсал» шеърий манъатига узининг газалидан намуналар келтиради.

«Мутасалсал» санъати кофия булиб келган сузларнинг ёки унинг бир булагининг кейинги байт бошланишида такрорланиши билан байтларни бир-бирига боглашни англатади. Тарозийнинг «Фукукул-балога» асари уша давр узбек адабиёти тарихини янада чукуррок урганишда кимматлидир.

XV асрнинг иккинчи ярми узбек адабиётининг энг ривожланган даври булиб, бу юксалик Темурий Бойкаро ва узбек адабиётининг порлок куёши Навоий номлари билан бөглиқ. Бойкаро хукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг куп соҳалари ривожига катта ахамият берган. «Хусайнин» тахаллуси билан шеърлар ёзган, бу улуг зот уз хукмронлиги давомида Навоийга «мукарраби хазрати сultonий» мансабларини бериб биргаликда маданиятнинг ривожланишига хомийлик килишган. Навоий устози Жомий билан хамкорликда маънавият тараккиётига рахнамолик килди. Улар тимсолида бадиий адабиёт энг буюк ютукларга эришди. Навоийнинг «Хамса» ва «Хазойинул-маоний» девони, Жомийнинг «хашт авранг» ва шеърий девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари булди. Хусайн Бойкаро уз «Рисоласида» унинг хукмронлиги даврида шундай асарлар яратилганидан чексиз фаҳрлангани бежиз эмас.

Бу бой адабий мерос узбек адабиётининг кейинги тараккиётига хам узининг чукур таъсирини курсатди. Бобурнинг «Бобурнома» асари шу давр узбек адабиёти ва илмининг хаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

XV асрда узбек адабиёти, айникса Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуктаи назаридан хам энг юксак чуккига кутарилди. Узбек адабий тили шаклланди. узбек назми ва насридаги адабий услубнинг хусусиятларидан бири адабий ва илмий асарларда фикр ифодасида форсий ва арабий суз ва иборалардан, атамалардан, форсий тилга хос жумла тузилиш коидаларидан кенг фойдаландилар.

Темурийларнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги анъаналари кейинчалик бобурийлар томонидан Афғонистон ва Хиндистонда, XVIII-XIX асрларда Хоразм ва Кукон хонлигига ривожлантирилди¹.

Темурийлар даври адабиёти узбек адабиёти ривожида узига хос алоҳида бир боскични ташкил этади. Ундаги улугвор инсонпарварлик ва ҳалқчилик, адодлатпарварлик ва маърифатпарварлик гоялари хамон уз тароватини йукотгани йук. Бу адабий мерос Узбекистонда хали асрлар давомида узининг бой мазмуни билан, гоявий-мафкуравий теранлиги ва илохийлиги билан комил инсонни тарбиялашда катта ахамият касб этади.

Темурийлар даврида яратилган адабиёт тасаввуфнинг адабиёти даражасини белгилади. Адабиёт тасаввуфнинг гоявий мазмунида илохий масалаларни камраб олиб умуинсоний тафаккурни ифодалади.

Мовароуннахр ва Хурросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда руй берган маданий юксаклик бутун мусулмон Шарқигина эсас, овропа мамлакатларини хайратга солди. Бу юксаклик Марказий Осиёнинг сунгги маданий-маънавий ривожинигина белгилаб бермай, кушни мамлакатлардаги маданий тараккиётга хам катта туртки берди.

Темур ва Темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни курсатадики, улар уазро узвий bogланган ва яхлит бир бутун холдагина киска вакт ичидаги маданий-маънавий юксаклигини юзага келтира олган.

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни курсатиш мумкин. Мовароуннахр ва Хурросонда таркок, узаро низо ва урушлар натижасида турли вилоят, амирликларга булинниб кетган ва келгинди хукмронлар- мугуллар томонидан аёвсиз эзилган ҳалкнинг мустамлакачиликдан кутулиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш коидаларининг жорий этилиши, зуравонликлар, узбошимчаликлар каби иллатларнинг тугатилиши ижтимоий юксалиши таъминланди.

Иккинчи - иктисадий омил - Мовароуннахр ва Хурросонда ягона идора тизимињинг жорий этилиши иктисадий осойишталик ишлаб чиқаришнинг сунгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан дехкончилик, хунармандчилик, савдо-сотикнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада катор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараккиёти учун ниҳоятда муҳим ахамият касб этди.

¹ Ҳайитметов А. Темурийлар даври өзбек адабиёти. Т., 1996 й. 8-10 бетлар.

Учинчи - маънавий омил - аввал маданий мерос, маънавий кадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишини амалга оширишдан иборат булди. Марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX-XIII асрларда яратилгнан маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Чагминийлар меросидан; араб, форс ва туркий тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан: Мусулмон Шарки маънавий меросида кенг ахамият касб этган кадимги юонон илмий-маънавий, бойликларидан кенг фойдаланилди.

Бу даврда Амир Темур давлатининг таъсирида булган ва булмаган бошка мамлакатлар уртасида маданий алокалар тез ривожландики, бундай алокалар маънавий бойликларни узаро алмашишга кенг йул очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, Хиндистон, Хитой каби мамлакатлар билан булган алокаларда маданий бойликлар алмашинуви ха муҳим ахамият касб этди.

Туртинчи - гоявий омил - бу омил маънавий омилнинг узвий давоми булса-да, унинг муҳим ахамиятга эга булганлиги ва уз даври маънавий хаётida катта роль уйнаганлиги учун алоҳида ажратиб курсатиш максадга мувофиқдир. Бу XV асрга келиб Мовароуннахр ва Хурросонда кенг таркалган тасаввуф - хусусан Накшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абу Ҳолик ғиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган Накшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий хамда маданий хаётда нихоятда муҳим роль уйнади, маънавий узгаришлар маълум эркинлик учун гоявий асос, омил булиб хизмат килди. Темур ва темурӣ шахзодалар, куп олим-фозиллар, хунармандлар накшбандия таълимотидан озука олдилар, уз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар. XV асрда яшаб ижод этган Накшбандия таълимотининг йирик вакили Ҳужа Ахорро Вали факат маданий хаётдагина эмас, сиёсий-иктисодий тинчлик ва ривожланиш ишида муҳим ижобий роль уйнади.

Бу каби омиллар Темур ва Темурийлар даври маданияти ва маънавиятининг тез ва юксак даражада кутарилишига олиб келдики, унинг ютуклари сунгги узок асрлар давомида маданий ривожланиш учун озука булди.

XIV-XV асрларда маънавий-маданий ривожланиш ислом диний карашларининг мустахкамланиб бориши билан узвий bogлиқ булиб, хукмрон мафкура сифатида мадрасаю масжидларда кенг уқитилиб, урганилииб, конун-коида, одат, анъаналар эса шариат асосида олиб борилар эди. «Темур тузуклари» да дин арбоблари, шайх, сайид, уламолар фаолиятига алоҳида урин ажратилиб, уларнинг давлат ишларидаги иштироки маҳсус ва бир неча кайд этилиб утилади. Лекин бу даврда шу билан бирга ҳалк орасида, айникса, зиёлилар, аклий меҳнат билан шугулланувчи илм-фан, санъат, маданият ходимлари уртасида уз даврида ислом коидаларини замона талаблар, ижтимоий юксалиш заруратлари асосида талкин этишга интилиш натижасида юзага келган тасаввуф таълимоти кенг таркалади. Марказий Осиёда XI асрдан бошлаб ёйила бошлаган тасаввуф таълимоти бу даврга келиб Мовароуннахр ва Хурросонда тасаввуфнинг яссавий, кубровия, кодирия ва айникса накшбандия тарикати маънавий хаётда катта роль уйнайди. Накшбандия тарикати Юсуф Ҳамадоний ғиждувоний ва XIV асрга келиб Баҳовуддин Накшбанд номи билан узвий bogлиқ булиб, бу таълимот XV асрда наза-

рий ва амалий жихатдан янада ривож топиб у сарой ахли, куп холларда темурыйзодалар фаолиятига хам таъсир курсатади.

Амир Темурнинг узи хам мутасаввуф олимларга катта хурмат билан муносабатда булиб, тасаввуфнинг накшбандия сулуки таргиботчиларидан сайид Мир Кулони (Шамсуддин Фохурӣ, вафоти 1371 й.) узига пир деб билган. Шунингдек, турли улкалардаги йирик мутасаввуфларга хам хурмат курсатган. Унинг хамадония тарикатига асос солган йирик мутасаввуф Сайид Ҳамадоний билан учрашиб сухбатда булғанлиги, 1398 йилда Туркистоннинг Ясси шаҳрида йирик мутасаввуф Аҳмад Яссавий кабрини зиёрат этганлиги, уни таъмирлатиб, устига олий бино куришни буюргани тарихий мактабларда курсатиб утилган.

«Тузуклар»да: «... машойхлар, суфийлар худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида булиб, сухбатлар курдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сузларини эшишиб кароматлар курдим», - деб ёзади Амир Темур.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Маҳдуми Аъзам, Ҳожа Аҳрор каби йирик вакллари нақшбандия тарикатига оид катор рисолалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йулида фаол хизмат килдилар, таникли арбоблар билан мулокотда булиб, уларга таъсир утказдилар. Бу жихатдан, айникса, Ҳожа Аҳрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Навоий, Жомий, Коҳсими, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфни тарғиб килдилар.

Бу даврда тиббиёт илми хам узининг йирик намоёндаларига эга эди. Самаркандга келиб ижод килган табобат илмининг йирик вакилларидан Бурхониддин Нафис ибн Эваз ҳаким ал—Хирмоний, Султон Али табиб Ҳурсоний, табиб Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда мантик ва фалсафа фанлари билан шугулланган йирик олимлар пайдо булди. Бу фанларнинг ривожи, асосан икки йирик мутафаккир Саадиддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Сайид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Журжоний ва Тафтазонийлардан ташкари, Самарканда уша даврда Мавлоно Абдужаббор Ҳоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нутмониддин Ҳоразмий, Ҳожа Афзал, Жалол ҳокий ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар. Уз даврининг илгор ижтимоий ва ахлокий фикрлари бадиий адабиётда, тасаввуф шеъриятида, назм ва назрда, газал ва рубоийларда муфассал баён килина бошланди. Навоий, Жомий, Лутфий, Биноий, Коҳсими Анвар ва бошқаларнинг бадиий асарлари бой фалсафий ва ахлокий мазмунга эгадир.

Бу даврда ахлок ва таълим-тарбия муаммоларига багишланган маҳсус рисолалар пайдо булдики, уларнинг орасида Ҳусайн Воиз Кашифий ва Жалолиддин Давонийларнинг мероси алохида урин эгаллайди.

Темур ва Темурий шахзодалар уз даври тарихини ёзib колдириш, Мовароуннахр ва Ҳурсоннинг мугуллар зулмидан озод этилиши тарихини урганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззок Самаркандий, хофизи Абру, Натанзе, Фосих Ҳавофий, Муйниддин Исфизорий, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчилар темурийлар даври тарихини ёзib колдир-

диларки, улар ёзиб колдирган асарлар хозирда биз учун уша давр ходисаларини, маданий юксалишини урганишда, мухим манба булиб хизмат килиб келмокда¹.

Илм фан ва адабиётнинг ривожи китобат санъати, янги кулёзма асарларни кучириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавха чизиш, муравозлик каби санъатлар тараккиётига хам ижобий таъсир килди. Нафис китоб ва хаттотлик XIV-XV асрларда янги тараккиёт боскичига кутарилди. хаттот Мир Али Табризий (1330-1402) настаълик хатини кашф килди. Бу усул хиротда Султон Али Машхадий бошчилигига юксак боскичига кутарилди ва Абдурахмон Хоразмий, Султон Али Хандон, Мир Али Килкалам, Халвой, Рафикий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чикди. Самарканд ва Хиротда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар хунармандчилик корхонаси хисобланган, уларда кул ёзма асарларни туплаш ва саклаш ишлари бажарилган.

XIV-XV асрлар Урта Осиё халкларининг мусика санъати тараккиётида хам янги боскич булди. Янги куй ва кушиклар, чолгу асбоблари ва мусика назариясига доир асарлар яратилди. Махоратли созандалар, бастакорлар ва хофизлар етишди. Абдукодир Найий, Кулмухаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шохкули сижжакий, Ахмад Конуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир. Улугбек, Жомий, Навоий ва Бинойлар мусика илмига оид асарлар ёзиб янги куйлар ижод килдилар. IX-XII асрларда шаклланган 12 маком бу даврда такомиллашди. Шунингдек, кенг оммага мулжалланган театрлашган томошалар-халк сайлларида масхарабозлар, куғирчокбозлар, дорбозлар уз санъатини на-мойиш килган.

Темур ва темурийлар даври маънавий хаётида диний фалсафа катта урин тулади. Суфийлик тарикатида Накшбандийлик ривожланиб, барча ижтимоий-маънавий соҳаларга уз таъсирини курсатди. Баҳовуддин Накшбандий бу тарикатни бойитиб, балогардон мартабасига эга булган каромат соҳиби эди. XV асрда Накшбандия тарикатининг давомчиси Хожа Убайдуллоҳ Ахрордир. Самаркандга келган Хожа Ахрор Валини темурийлар узларига пир деб билади. Хожа Ахрор Накшбандия Хожагон тарикатининг йуналишини белгилаган ва ижтимоий фаолиятидан ташкари ижодкорлик илми билан хам шугулланиб бир нечта асарлар ёзган.

Урта Осиёда Темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннахр ва Хурросондаги маданий тараккиёти-нинг тамал тожини Буюк соҳибқирон Амир Темур куйган эди.

Таянч тушунчалар

Амир Темур, салтанат, Богдод, Султония, Бибихоним, Карвонийули, масжид, макbara, Мовароуннахр, Регистон, настаълик, тасаввуф, Накшбандия, тузуклар.

Мавзуни тақрорлаш учун саволлар

¹ Маънавият юлдузлари. Т., 1999 й., 15-20 бетлар.

Мовараунахрда XIV-XV асрларда маданият равнакининг омиллари ва шартшароитлари.

Темурийлар шажарасини жахон тарихида энг маърифатли шажара эканлигини мисоллар билан тушунтиринг.

XIV-XV аср Мовараунахрдаги маданий юксалишнинг асосий белгилари.

Темур ва Темурийларнинг маданий сиёсатида меъморчиликнинг урни ва ахамияти.

Узбек адабиёти равнакида Навоий, Бобурларнинг роли.

Камоллидин Бехзод ижодининг тасвирий санъат ривожидаги ахамияти.

Улугбек илмий мактабининг ютуклари нимада? Ва унинг жахон фани учун ахамияти.

Темур ва Темурийлар даври маданиятининг хозирги шароитдаги ахамияти.

Темур ва Темурийлар маданий меросини тиклаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Амир Темур хакида суз. Т. 1986 й.

Темур ва Улугбек даври тарихи. Т. 1996 й.

Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т. 1996 й.

Абдурахмонов А. Улугбек ва унинг расадхонаси. Т. 1996 й.

Ахмедов Б. Темур. Т. 1995 й.

Ахмедов Б. Улугбек. Т. 1994 й.

Дадабоев Х. Амир Темурнинг харбий махорати. Т. 1996 й.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т. 1992 й.

Ибодов Ж. Матвиеvская. Улугбек шогирди –Али Кушчи. Т. 1994 й.

Керен Л., Сайдов А. Амир Темур ва Франция. Т. 1996 й.

Муминов И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. Т. 1993 й.

Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида.

Темурнома. Т. 1990 й.

Темурнинг меъморий мероси. Т. 1996 й.

Темур ва темурийлар салтанати. Т. 1996 й.

Тухтаев И. Темур ва темурийлар тангалари. Т. 1992 й.

Файзиев Т. Темурий маликалар. Т. 1994 й.

Усмонов О.К. Бехзод ва унинг наккошлик мактаби. Т. 1977 й.

Каюмов А. Алишер Навоий. Т. 1991 й.

А. Хайитметов. Темурийлар даври узбек адабиёти. Т. 1996 й.

11-МАВЗУ XVII-XX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИ

Маъруза режаси:

Марказий Осиёда мустакил хонликларнинг вужудга келиши ва маданиятнинг ахволи.

Мустакил хонликлар ва амирликнинг узаро маданий алокалари.

Марказии Осиё маданиятига Рус ва дунё маданиятининг таъсири.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машхур булди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда хунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди. Бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортик тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Хиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан совда-сотик дипломатик алокада булган. XV-XVI асрларда Мовароуннахрда илм-фан анча ривожланди. Адабиёт, тарих, меморчилик ва тасвирий санъат узига хос ривожланиш боскичини босиб утди. Хасан Бухорий Нисорий (1566) нинг «Музаккир ул-ахбоб» ва Мутрибийнинг (1604) «Тазкиратуш-шуаро» номли адабиёт антологияси бунинг яккол ифодасидир. Бу комусий анталогияда юздан зиёд адабиёт арбобларининг ижодлари ва таржимаи холлари урин олган.

Мамлакатда хунар ва савдо ишларининг ривожланиши илм ахлининг ижтимоий доираси кенгайишига таъсир курсатди. Мутафаккир Зайниддин Восифий 1512 йил Самарканнда булганда базми мушоираларда косиб, шоирлар, савдо-гарлар ва оддий кишиларнинг маъракаларда фаол катнашиб турганлигини баён килади. Уларнинг аксарияти шеър ёзиб турганлиги уша давр табакаларининг маданий жихатдан юксак савияда эканлигдан далолат беради. Бу даврнинг узига хос хусусияти шундаки куплаб адабий ва тарихий асарлар узбек тилида ёзилди.

Муаллифи номаълум «Нухратнома» Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома» асарлари узбек тилида ёзилган. Бундан ташкари машхур тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг тарихий асарлари хусусан «Зафарнома»си, Улугбекка багишланган «Мунтахаби жоме ва товорихи шохий» деган асарлари узбек тилига угирилди. Шайбонийлар даврида фаннинг катор тармоклари ривож топди.

1693 йилда Амин Ахмад Розий «Хафт иклим»- етти иклим деган жуғрофи-биологияга оид лугат тузади. Унга Мутрибийнинг дунё харитаси илова килинади. 1541 йилда Мухаммад Ҳусайн ас-Самаркандий тиббиёт ва фармакологияга оид илмий асар ёзади. У куз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Навруз Ахмаджон хузурида ишлаб, касалликлар хакида «Табиблик дастурул-амали» рисоласини битади. Мусика илмига оид буҳоролик Навқабийнинг асари хам XVI асрда бу санъат ривожидан дарак беради. Бундан ташкари хаттотлик санъатининг ривожига улкан хисса күшган Султон Али Машҳадий, Мир Али Хирвий, Махмуд Али Шикобий каби хусни хат усталари хам ижод килган. 1586 йилда Дарвеш Мухаммад Бухорий каллиграфия санъати назариясига оид асар ёзади. Шунингдек куплаб кулёзмалар миниатюралар ва суратлар билан безатилди. Тарихий ва адабий асарлардан «Фатхнома» Тарихи Абулхайрхоний, Навоийнинг асарлари

шулар жумласидандир. «Миниатюраларда Марказий Осиё моддий маданияти акс эттирилади ва рассомлар вокеликни реалистик тасвирлашга интилади. Жалолиддин Юсуф, Келди Мухаммад ва бошкалар рассомчилик санъатига улкан хисса кушади.

Хонликлар даврида курилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, куплаб жамоат бинолари (карвонсаройлар, куприклар, сардобалар, хаммом, тим ва бошка савдо расталари) курилади. Монументал биноларнинг тарихи, киёфаси узгаради, хунармандлар уюшмалари вужудга келади. Бухоро шахри баландлиги 10 метрли девор билан уралиб, шахар дарвозалари курилди, йирик бинолар куришда (Миср Араб мадрасаси, Хужа Зайниддин масжид-хонакоси) халк меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Шахар ташкарисида хам монументал бинолар (Чорбакр) курилди. Жомеъ масжидлари сарой каби серхашам килиб, мадрасалар пештокли, минорали тарзда куриб, ховлилари турт томондан айвон ва хужралар билан уралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кукалдош мадрасалари бунга гувохлик беради.

Бинолар безашда майда усимлик-накшли парчинлар ишлатилди. Деворларга гул териш каби Темурийлар давридаги усуллар ривожлантирилди. Кабр тошлари ясашда юксак бадиий даражада тошларга ёзувларни уйиб битиш ривожланди. (Шайбонийхон кабр тоши ва Чилдухтаронда Абу Саид кабрига куйилган тошлар). Хуллас, бу даврнинг купгина бетакрор маданият соҳалари уз сирларини мукаммал саклаб келмоқда.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ургасидаги низолар булиб турсада, маълум даражада дехкончилик, хунармандчилик, савдо-сотик давом топди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши купрок сарой доирасида булиб, хам диний, хам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи уз даври тарихнавислиги уша хонлик ва амирликдаги сиёсий вокеалар салномасини ифодалайди, уша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий ахамиятга эга. Мухаммад Ёкубнинг «Гулшан-ул мулк», Мухаммад Мир Олимнинг «Тарихи Амир Насрулло», Мулла Ибодулла ва Мулла Мухаммад Шарифнинг «Тарихи амир Хайдар», Мухаммад Хакимжон Туранинг «Мунтахабут таворих» каби асарлари диккатга сазовордир.

Куқон адабий мухити куплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойиди. Куқон хони Умархоннинг узи «Амирий» тахаллуси билан узбек тилида газаллар ёзган.

Унинг рафикаси Моҳларойим «Нодира» тахаллуси билан форс-тоҷик тилида «Макнуна», «Комила» тахаллуслари билан шеърлар ёзган. Эри Умархон вафот этгач, Нодира давлат ишларига хам аралашиб, мамлакат хужалигини яхшилаш, маданий хаётни жонлантириш буйича мухим тадбирларни амалга оширди. Куқонда мадрасалар, карвонсаройлар, расталар, йуллар курдирди. У уз атрофига

Увайсий, Махзуна каби кобилиятли ижод ахлини туплади. Бу даврда Фазлий Намангоний Мушриф, Мушфиковий каби шоирлар ижод килган. Мушфиковий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Маликуш-шуаро» унвонига эга булган булса, Фазлий Намангоний Куқон шоирларига бошчилик килган, Умархоннинг топшириги билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат-уш-шуаро» туплами тузилади. Бу даврда Куқонда Худоёрхоннинг сарой арки, Хивада турли обидалар курилди.

Тахминан XVII асрда яшаб ижод килган шоирлардан бири Турди Фарогий хакида маълумот берувчи асосий манба шоирнинг уз асари. У юз уругининг оксоколларидан бири сифатида Абдулазизхон саройида эътиборли кишилардан булган, кейин саройдан четлаштирилган.

XVIII аср охирида Куконда туғилган шоир Махмур оғир шароитда яшаб, саройда аскарлик килган. У амалдорлар ва сарой шоирлари билан чикишолмай, саройни ташлаб кетади. Махмур кийинчиликда хапалак кишлогида 1844 йилда вагфот этган. Унинг шеърлари ичидаги «Хапалак» хажвий асари машхурдир.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Фаргонада Мухаммад Шариф-Гулханий таҳаллуси билан танилиб, ажойиб лирик шеърлар, масаллар ёзди. Унинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари күшлар булиб, шоир улар оркали сарой аъенларининг кирдикорларини фош этади. Яна бир Куконлик шоир фозий хам уз асарларида зодогонлар ва руҳонийларни фош килади. XIX асрнинг 30 йилларида Шахрисбзда шоир Хиромий хинд, форс адабиётида машхур булган «Чор дарвеш» ва «Тутинома» хикояларини узбек тилига таржима килади халқ достонлари «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухро» «Буз углон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа достонлар вужудга келди. Шахар майдонларида кизикчи ва куғирчокбозлар, уйинчи санъаткорлар халқ хаётидан хикоя килувчи лавҳаларни уйнаб, томоша курсатар, бойлар ва сарой ахлини очкузлигини фош этиб, устидан кулар эди.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: куйиси- мактаб ва олий- мадраса. Бошлангич мактабда савод ургатилар ва диний матнлар ёдланаар эди. Мадрасада хам илохият уқитилар, шунингдек араб тили сарфу нахви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва хандаса асослари ургатилган.

Бундан ташкари Хоғиз, Бедил, Навоий асарлари уқитилган.

Уша давр шоирлари, фан арబблари мусикани чукур тушунгандар. Мусика санъатининг ривожига улкан хисса күшган Мавлоно Мухаммадин Муганий, Мавлоно Кавқабий, Хужа Мухаммад, Ризо Самаркандининг номлари бизгача этиб келган.

Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлар хажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Самарканнадаги Регистон майдони шу даврда шаклланди. Шердор мадрасасининг олд пештокида рангин кошинлар билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънени беради. Деворлардаги ажойиб накшу нигорлар ва ички деворлардаги тукис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигига таъмирлаш ва шахарсозлик ишлари авж олади. Оллакулихон мадрасаси, Раҳмонкули инок саройи хажм жихатидан анча маҳобатли курилган. Кукон хонлиги меъморчилигига ранг-баранглик ва ёркинлик, пардоздаги кошинларнинг ёркин товланиши каби хусусиятлар айниксана Худоёрхон саройида яккол намоён булади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида меъморчилик хажм жихатдан ихчам бинолар, гоҳо безак- пардозлардан бутунлай холилиги билан кузга ташланади. Хонликлар ва амирликда меъморчилик курилишида ва безакда узига хослик хам сезилади. Фаргона уйлари кенгковул ва айвонли, гулдор токчали, уйма ганчли, шифтлари накшу нигорли килиб курилса, Самарканд ва Бухоро уйлари учун чи-

ройли куринишдаги устунли айвон, гирих ва ислимий накшлар туширилган дөвр ва ганч уймакорлиги хосдир. Хива уйлари ташки ва ички шаклда курилиб, айвони ичкарига караган, устунларига уйма накшлар чекилган, мураккаб шаклдаги гуллар билан безалган.

XIX аср бошларида меҳнаткаш ҳалкнинг турмуш маданияти паст даражада эди. Ҳонликларнинг узаро урушлари хужалик ва маданий хаётни издан чикарди.

Бу хол Чор Россиянинг ҳонликларни босиб олишини осонлаштириди. Россияда сармоядорлик саноатининг усиши янги бозор савдосига ва хом ашё манбаларига булган талабни ошириди. Россия Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий ахоли рус ва Россиянинг бошка ҳалклари билан алока урнатишга мажбур булди.

Саноат ва кишлок хужалиги техникалари кириб кела бошлади. Уз урнида Россия ва Европа маданияти элементлари кириб келди. Рус тузем мактаблари очилди. Типография ва литографиянинг пайдо булиши маданий хаётда катта воея булди. Аввал рус тилида, сунгра маҳаллий тилларда газета, журнал ва китоблар чоп этила бошлади.

XIX асрнинг 80 йилларида А.С. Пушкин ва И.А. Крылов асарлари илк бор узбекчага таржима килинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутубхонаси очилди. 1870 йилда расадхона ва кимёгарлик тажрибаонаси асос солинди. Илмий жамиятлар тузилди, тарихий ва археология музейлари очилди.

Улка табиий бойликларини урганиш ишига рус олимлари хам кизика бошлади. 1870 йилда табиат, антропология ва этнография хаваскорлари рус жамиятнинг Туркистон булими очилди. Н.А. Северцов, И.В. Мушкетов, В.П. Федченко, В.Ф. Оманин сингари олимлар бу жамият аъзолари эди. Рус жуғрофи Ф.П. Литко 1873 йилда Тошкент фалакшунослик ва табиатшунослик расадхонаси ташкил этилишга хисса күшди. П.П. Семёнов Тянь-Шанский Тонгритог тизмалари таркиби ва тузумини ҳакида маълумотларни чоп эттириди. А.П. Федченко Фаргона водийсининг усимлик дунёсини тадқик килди. И.В. Мушкетов ва Г.Д. Романовский Туркистон улкасининг ер устки ҳаритасини туздилар. И.В. Мушкетов олтин, темир маъдани, корамой, кумир каби казилма бойликларни аниклади. Академик В.В. Бартольд улка тарихи ва эл-элатини урганиш асосида куплаб китоблар чоп килди.

Рус маданияти таъсирида ҳалк маърифатпарварлари шаклланди. Улар В.И. Герцеи, Н.Т. Чернишевский, Н.В. Добролюбовлар таъсирида ҳалк озодлик масаласини кутариб чикдилар. Урта аср колоклигини тугатиш, таълимтарбиянинг илгор усууларини жорий килишни уз асарларида куйлаган Фуркат (1858-1909) мисол тарикасида рус мактабларини курсатди. У А.С. Пушкиннинг бир канча шеърларини узбекчага таржима килди. Мукимий (1850-1909) узининг хажвий шеърларида ҳалк оммасининг буржуазия томонидан эзилишини фош этди. Завкий (1853-1921) уз шеърларида ижтимоий адолатсизликни коралади. XIX аср Туркистон адабиёти икки йуналишда ривожланди. Шохлик ва сарой мухитини куйловчи адабиёт, ҳамда зуровонликка карши норозиликни ва колокликни тугатишга каратилган тараккийпарвар ҳалк адабиёти. Умуман, Рус ва дунё маданияти таъсирида меҳнаткаш ҳалк билан боғлик Туркистонда миллий маданиятнинг ривожланиш жараёни кучайиб борди.

У мусулмонлар ва колаверса туркийлар дунёсининг жахон тараккиётидан узилиб колганлиги, бу гоят хавфли холга бархам бериш кераклигини хамда умумтуркий кавмлардаги жахолатни йук килиб, маърифат оркали тараккий топган мамлакатларга танглашиш зарурлигини биринчи булиб туркий крим-татар халининг улуг фарзанди Исмоил ғаспарали (1851-1914) тушуниб етди. У жадидчилик харакатининг бутун турк дунёсидаги «гоявий отаси»дир.

Мусулмон туркий оламини жахон маърифати, илми даражасига кутариш гоясими амалга ошириш максадида Россияга мустамлака булган барча мусулмон худудлар маорифини мутлако ислоҳ килиш уларда дунёвий фанларни уқитиш масаласини кутарди. Исмоил ғаспаралининг гояларини ёйишда «Таржимон» газетасининг хизмати жуда катта булди. 1888 йилда унинг «Рахбари муаллимин» ёки «муаллимларга йулдош» китобининг нашрдан чикиши мухим воеа булди. У Бухоро, Туркистонга келиб жадид мактабларини очишга уринади. Унинг шогирдлари Бухоролик Маржоний, Домла Фозил, Муминхужа Вобкандий, Мулла Худойберди Бойсуний Бухорода жадид мактабларини купайтиришга уринадилар. 1904 йилда «Мазаффария» жадид мактаби очилади.

Шунга карамай 1898 йилда Куконда Салоҳиддин домла иккинчи жадид мактабига асос солди. Шу йили Тукмокда хам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон кори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон улкасида 102 та бошлангич ва 2 та урта жадид мактаблари бор эди.

Аср бошида жадидлар зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидойлик билан киришдилар. Уларнинг бошида М. Бехбудий, А. Авлоний, С. Айний, А. Фитрат, Мунаввар кори, Бобоохун Салимов ва бошка куплаб тараккиётпарвар инсонлар турад эдилар. Улар доимо кувгин, камок, сургун каби хавф-хатарлар бошида чарх уриб турган холда иш олиб боришга мажбур булдилар.

Шулардан Тошкент жадидларининг отаси сифатида зиёлийлар орасида катта обру-эътибор козонган Мунаввар Кори Абдурашидхоновнинг хизматлари жуда катта булди.

XX аср бошларида Тошкент, Самарканд, Бухоро, Фаргона водийси шахарларида унлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Уни битирғанлар орасида Туркистон маънавий-маърифий дунёсини миллий уйгонишига кучли ижобий таъсир кила-диган забардаст намоёндалар ажралиб чиқди. Унинг биринчи калдирғочлари Махмудхужа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддикӣ Аҷзий, Мунаввар кори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зохирӣ, Лутфулла Олимӣ, Муҳаммадшариф Суғизада, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, X.X. Ниёзӣ каби унлаб улуг зотлар. Жадидлар мактаб ва маърифатдан бошланган фаолиятини сиёсий киёфа касб этгунча қадар давом килдириб, Туркистонда миллий мустакил давлат барпо этишга уриниш билан энг юкори погонага кутарилдилар. Туркистонда маърифатпарварлик харакати икки боскичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид килиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Овропанинг турли тилларини урганишни тарғиб килиш, янгича илм-фанинг ахамиятини кутариш каби масалалар олга сурилди. Аҳмад Доңиш,

Аваз утар, Фуркат, Мукимий, Завкий сингари маърифатпарварлар етишиб чикдилар.

Иккинчи боскичда маърифатчиликдан жадидизм усиб чикдики, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларини йулга қуиши, дунёвий илмларни хар томонлама эгаллаш маориф-маданиятда янги тартибларни урнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қуиши даражасига кутарилди. Жадидчилик харакати туркий миллатларнинг маънавий-маданий қутарилишига туртки булди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илгор педагоглар бу мактаблар учун турли дарсликлар, укиш китоблари, кулланмалар яратса бошлилар. Беҳбудий, Мунаввар кори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ибрат, Хамза қабилар бу соҳада жонбозлик курсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жадидлар бошка улкадаги маърифатпарварлик харакатлари билан хам алокса урната бошлилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, укув-уқитув масалаларини узида акс эттирувчи жуда куп журналлар нашр этилди. «Тараккиёт», «Ойна», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Самарканд» каби журналлар шулар жумласидандир.

Маърифатчилик харакати айникса узининг ривож топган боскичидаги Туркистонда узга юртлардаги ижобий ютуклардан фойдаланган холда мустакил маънавий тараккиёт йулини кидириш ва тарғиб этиши масалаларини олга сурди. Бу харакат рус подшо хокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига зарар келтиришдан чучиган чоризм амалдорлари уни чегаралаш ва бугиб қуиши чора тадбирларини кура бошлилар.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ходисалар билан бирга унинг маданий хаётида хам тез ва шиддатли узгаришлар руй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо булди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар харакати вужудга келди.

1917 йилдаги бутун россияда юз берган феврал ва октябр инкилоблари унинг мустамлакаси булмиш Туркистонда хам тунтаришларга олиб келди.

Совет даврида жуда хам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига хар хил тарзда таъсир утказди, барча соҳадаги ургартиришларни карама-карши тусга киритди ва республика тараккиётининг асосий тенденциялари хамда йуналишларини узок йилларга белгилаб берди.

30-йилларда маданий-оқартурв масалалари тармоги кенгайишида давом этишиб борди. Йирик саноат корхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, кишлоқ хужалик артеллари кошида колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо этилди, кутубхоналар тармоги кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари кошидаги кино курилмаларининг сони купайди, стадион ва спорт майдончалари жихозланди. Куп микдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари ахолининг кундаклик турмушида расм булиб колди.

Бирок, 30-йилларда карор топиб борган маъмурий-буйрукбозлик тизими ва шахсга сигиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий хаётини каттик исканжага олди. Ижодиётни партияийлик тамоилла-

рига, мафкуравий коида-конунларга буйсундириш, дунёни бадиий тасвирлашни купол равища социологиялаштириш учун кенг йул очиб берди, дунёвий имканиятларни торайтириб куиди. Партиянинг янги турмушни мадх этишга, халк утмишига нигилистик муносабат пайдо булишига каратилган сиёсати бадиий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб курсатиш, хато ва камчиликлар тугрисида сукут саклаш тенденциялари пайдо була бошлади. Окибатда хаётий хакикат бузилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30-йиллардаги катогонлар миллий маданият учун даҳшатли фожэага айланди. Конунчиликни купол равища бузилиши ва инсон кадр-кимматлари поймол этилиши туфайли миллий маданият урни тулмайдиган даражада завол курди. Истеъодли адабиёт ва санъат арбоблари Абдулла Кодирий, Чулпон, Фитрат, Шокир Сулейман, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Косим Сорокин, Мухаммад хасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Хошимов ва бошкалар миллий маданият кучогидан узиб олиниб халк душманлари деб эълон килинди. Катогон килинган ва таъкиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида такик булиб турди. Ноҳак униттириб юборилган, купинча эса жисмонан хам йук килинган жасур халк фарзандларининг асарлари шахсга сигиниш тугатилганидан кейин гарчи халкка кайтариб берилган булса-да, улимидан кейинги хеч кандай шон-шуҳрат улар бошидан кечирган таҳкир-у кийнокларнинг аламини боса олмайди.

Дин ва диндорларни таъкиб килиш халкнинг маънавий маданиятига нихоят даражада катта завол етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи урнатилиши билан динга илмий нуктаи-назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёкараш жихатидан бир-бирига қарама қаршилиги сиёсий қарама-каршилик билан алмаштирилди. «Социализмда динга урин йук, унга динбегона» деган коида устун булиб колди. Шундай килиб унга нисбатан салбий муносабат динга карши зурлик курсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу кадар микёсдаги таъкибларни бошидан кечирмаган эдилар. Узбекистон рухонийларининг асосий кисми 30-йилларда камок лагерлагижа жунатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси утмишда гарчи диний маросимларни уtkазиш учоклари булибгина колмасдан, халкнинг буюк меросини саклаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари хам булганига қарамай беркитиб куйилди.

Собик Совет даврида Республика маданий хаётида прогрессив ва регрессив тараккиётнинг бир-бирига қарама-карши тенденциялари тобора кучайиб борди. 70-йиллар ва 80-йилларнинг биринчи ярмида, худди бошка соҳаларда булганидек, Узбекистоннинг маънавий хаётида хам инкиrozга хос вазият вужудга келди. Шу билан бирга ушбу йиллар давомида республика маданияти умуман муайян муваффакиятларни кулга киритди. Маданият, маориф муассасаларининг тармоғи сезиларли даражада кенгайди, буларни моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ахолининг умумий билим даражаси усиб, ижодий зиёлийлар сафи кенгайиб борди. Талайгина ажойиб бадиий асарлар, театр, мусика асарлари яратилди. Маданият ва санъатнинг ривожига истеъодли ёшларнинг бутун бир катта

гурухи күшилди, миллий уз-узини англашнинг усиш жараёнлари белги бериб колди.

Маънавий, бадиий ходисаларни баҳолашда синфийлик, партиявилик сингари, мафкуранинг бадиият устидан хукмронлиги сингари принципларидан фойдаланиш, адабиётда социалистик реализм усулининг устуворлиги маданият ва санъатнинг ривожланишига туганок буладиган механизмни вужудга келтирди. Бу принциплар партиянинг чекланмаган тоталитар хукмронлиги тазики остида зурлик билан амалга ошириб борилди. Зиддиятлар, карама-каршиликларнинг сабаби хам худди ана шунда. Маънавий соҳада, бир томондан, чиндан хам сезиларли узгаришлар руй бериб борган булса, иккинчи томондан, инкиrozга хос вазият юзага келиб борди.

Туб миллий манфаатларни унутиб куйиш, зур бериб байналминаллаштириш маданий курилишда салбий ролни уйнади. Партиянинг маданият соҳасида байналминал маданиятни биринчи куядиган сиёсати миллий маданиятни ривожлантириш режасини, миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланиши орка уринга суреб куйди. Маданиятни мафкура-лаштириш ахлок-одоб, адабиёт, санъатнинг самарали миллий заминдан ажralиб колишига сабаб булди, тарихий хотира, миллий анъаналар ва одатларни унутиб юборишга олиб борди. Байналминал маданиятнинг устивор тарзда ривожланиши Узбекистон туб халклари тилларининг кулланиш соҳасини торайтириб куиди.

Маънавий соҳани бошқаришнинг маъмурий-буйрукбозлик тизими мустахкамланиб бориши билан биргаликда фикр-мулоҳазалар ва баҳоларнинг обруйига кур-курона итоат килиш, ижодий фаолиятга купол равишда аралашиб, ижодиётни энг оддий эркинликлардан хам махрум килиш расм булиб борди. Маънавий хаётга буйрукбозлик йули билан раҳбарлик килиш, мафкуравий чеклашлар, туганок механизми, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш жамиятнинг маънавий хаётида инкиrozли холатларни юзага келишини белгилади.

Узок ва якин утмишни хаёлдан утказиб, мохиятини англашда 1991 йил 31 август куни – Узбекистон Республикасининг Мустакил деб эълон килиниши тарихий воеа булди. У миллий узликни англаш, том маънодаги миллий юксалиш учун шароит яратди.

Жамият ва миллат тарихи, такдирида янги давр – Истиклол даври бошланди.

«Истиклол биз учун тараккиётнинг бутунлай янги, кенг уфкларини очди, – деган эди И.А. Каримов, – Келажагимизни уз кулимиз билан яратадиган булдик.

Хаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва кадриятларимизга умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монан килиб куришдек ноёб тарихий имкониятга эга булдик».

Таянч тушунчалар

Шайбонийнома, Зафарнома, Аштархонийлар, Мангитлар, тузум мактаби,
ғаспарали, жадидлик, катагон.

Мавзу буйича такрорлаш саволлари

XVI-XVII асрларда Моварауннахрда кечган маданий жараёнларни умумий
изохланг.

XVI-XVII асрларда яратилган кандай санъат асарлари ва меъморчилик ёдгор-
ликларини биласиз.

XVII асрни биринчи яримида Мовароунахда руй берган маданий таназзул-
нинг сабаблари.

XVIII асрни иккинчи яримида Марказлашган давлатчиликнинг вужудга кели-
шининг маданий тараккиётга таъсири.

XVIII-XIX асрларда адабиёт ва санъатга оид кандай йирик асарлар яратилган.

XVIII-XIX асрларда Хива, Кукон ва Бухорода барпо этилган меъморчилик
мажмуалари.

Туркистони забт этилишини маданий хаётга салбий таъсири.

Туркистон мънавий хаётида жадидчилик харакатининг урни.

Жадидларнинг Туркистонда миллий маданиятни тиклашдаги фаолияти ва
унинг ижтимоий-сиёсий ахамияти.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998 й.

Бартольд В.В. Туркистон маданий хаёти тарихи. Л., 1967 й.

Бухоро тарихи. Т., 1976 й.

Самарканд тарихи. Т., 1969-70 й. 2-жилд.

Хоразм тарихи. Т., 1976 й.

Узбекистон халклари тарихи ва маданияти. Т., 1992 й.

Узбекистон тарихи. I-том. Узбекистон Чор Россияси мустамлакачилиги дав-
рида. Т., 2000.

12-МАВЗУ МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ВА УЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТАРАККИЁТ

Маъруза режаси:

Маънавий-маърифий ислохотлар – жамият тараккиётининг устивор йуналиши сифатида.

Таълим ривожининг узига хос хусусиятлари.

Хозирги боскичда маданий хаёт.

Хар кандай жамият тараккиёти, унинг у ёки бу вакт ва макондаги даражаси куп жихатдан фукаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эхтиёжлари хамда уларнинг кай даражада кондирилишига боғликдир. Мустакиллик давригача ва ундан кейинги утган тарихан киска муддат ичида руй берган холатлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иктиносидий, маънавий-маърифий ва тарбиявий-мафкуравий соҳасидаги узгаришлар бизга шуролар мустабид тузуми хамда истиклол йилларида Узбекистоннинг реал хаётида холосона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради.

Узок минг йиллар тарихи шундан далолат берадики, узбек миллий давлатчилик тарихи энг аввало маънавият-маърифатнинг жамият хаётида муҳим урин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғликдир. Ушбу азалий анъанага мустакиллик йилларида хам алоҳида эътибор берилиши жуда ахамиятли булди. Кайд этиш лозимки, истиклолнинг дастлабки даврлариданок маданиятнинг методологияси узгарди. Агарда, шуролар мустабид тузуми даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва соҳта гояга эътиқодини мустахкамлашга сафарбар этиш булса, истиклол даврида унинг максади тамомила узгарди.

Хуш, булар нималарда куринди? Хусусан, энг аввало, мамлакат хукумати, Президентнинг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йуналиши, деб хисобланди. Жойларда маънавият билан боғлик шуларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулиятнинг хокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юқлатилиши жуда катта ижтимоий ахамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк булиши мумкин эканлиги тугрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошланди. Дарҳакикат иктиносидий-сиёсий омилларнинг хар кандай давлат, миллат хаётидаги урни ва роли каттадир. Бирок, маънавий омилларгина жамиятда содир булган барча муаммоларни хал этишга кодир омил эканлиги энди ҳакикатдир.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилмокда, зеро шуролар мустабид тизими давридан колган ярамас «маънавий» меросдан покланмасдан туриб истиклолга хизмат киладиган, фукаролар калби ва онгини янгилашга кодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Туртингидан, истиклол даври Узбекистон жамияти маънавиятининг энг мұкаддас максадларидан бири – утмиш тарихий-маданий, илмий, ахлокий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий кадриятларига шуро даврида таркиб топган мұносабат каби «иллат» сифатида әмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жихатдан мустахкамловчи омил асносида карашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиклол даврида маънавиятнинг хар кандай сиёсий хукмрон мафкуралардан холилиги, муҳими, шакланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунылиги таъминланди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов кайд этганидек, мустакиллик даврида бажарилиши лозим булган энг устивор вазифа «халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-куват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир утказишга, халкни узига тарафдор этишга хизмат киладиган сиёсий, ижтимоий, иктисадий, маънавий манбаларни тугри белгилаб олишдир¹».

Хакикатдан хам, мустакиллик йилларида маънавият ва маърифатнинг ижтимоий максади аниклаб олинди, унинг бажариши лозим булган вазифалари белгиланди. Ана шундай шароитда жамият фуқаролари томонидан билдирилган ижтимоий эхтиёж – маънавий-маърифий соҳаларда янги аср ва умуман, учинчи минг йилликдаги бош гоя кандай булиши аникланди.

Хуш, хозирги ва янги асрда маънавият соҳасидаги бош гоямиз нималардан иборат? Мазкур саволга жавоб бера туриб, И. Каримов куйидагиларни ёзади: «Модомики биз хукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мулжалланган характер дастуримиз хам ана шундан келиб чикмоги даркор. Яъни эркин фуқаронгли яшайдиган, мустакил фикрга эга булган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий гоямиз булиши зарур.

Дархакикат, мустакил Узбекистонда истиклол маънавият соҳасида мавжуд булган вазифалар ижтимоий-сиёсий, иктисадий баркарорлик шароитида муттасил равишда бажарилиб келинмокда. Чунончи, агар истиклолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий хаётида турган энг бош вазифа фуқароларда шуролар даврига хос тафаккурни эскича фикрлаш саркитларини бартараф этиш эди. Мазкур масалада катор ютукларга эришилди. Бирок, бу борада хали талай ишларни бажариш лозим»².

Иккинчи, энг муҳим вазифалардан яна бири эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантиришдир, зеро «озод, уз хак-хукукларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг хар кандай куринишларини узи учун ор деб биладиган, уз кучи ва аклига ишониб яшайдиган, айни замонда уз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун холда курадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»³.

Истиклол йилларида Узбекистон маданияти хусусида фикрлаш асносида алоҳида кайд этилиши лозим булган масалалардан яна бири – маънавият соҳасида-

¹ Каримов И. «З келажагимизни 'з 'лимиз билан 'урмо'дамиз. Т., 1999. 16-бет.

² 18-бет.

³ 19-бет.

ги давлат сиёсатининг тобора конкретлашиб бориши, вазифаларни хал этиш йулларининг ойдинлашувидир.

Маънавият жамият аъзоларини рухан поклантирувчи, калбан улгайтирувчи, инсон ички дунёсига, иродасига куч-кувват берувчи, миллий виждонини уйготувчи ва доимий харакатдаги конкрет кучдир. Шундай экан, маънавиятга умумий тарзда муносабатда булиш хатодир, зеро хар бир фукаронинг маънавий-мафкуравий, комиллик даражаси бир хил булмагани каби, уларнинг бундай сифатларини уйгунлаштириб турувчи куринишлари хам конкретдир.

Хусусан, янги аср бусагасида энг асосий вазифамиз нимадан иборат? Мамлакат Президентининг таъкидлашича, маънавият соҳасидаги стратегик максадимиз – «миллий кадриятларимизни тиклаш, узлигимизни англаш, миллий гоя ва мафкурани шакллантириш, мукаддас динимизнинг маънавий хаётимиздаги урнини ва хурматини тиклаш каби мустакиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги боскичга кутариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир»¹.

Юкорида билдирилган фикрдан табиий равишда келиб чикаётган хулоса шундан иборатки, истиклоннинг хозирги боскичидаги маънавий-маърифий соҳасидаги ишларнинг ташкил этилишидан, энди, бундай ишларнинг самарадорлигига эришиш мухим ахамият касб этмолда. Хуш, маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш деганда нимани тушуниш мумкин? Умуман, маданий-мафкуравий соҳасидаги ишларимиз жамиятни маънавий юксалтиришга кодир-ми?

Шу уринда курилаётган демократик, хукукий инсонпарвар жамият юксак маънавий ва ахлокий кадриятларга таянишини бу жараён эса миллий гоя ва миллий мафкурага, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланишини алоҳида кайд этиш жуда мухимдир.

Агар, истиклоннинг дастлабки йилларида маънавий-маърифий тадбирлардан кузланган максад шуро мустабид тизими асоратларидан кутулиш, жамиятда маънавий яқдиллик яратишдан иборат булган булса, энди эса, ижтимоий хамкорлик, комил инсонни тарбиялаш устивор тавсифга эга булмолда. Маънавиятнинг мамлакатда демократик, хукукий, кудратли давлат куриш йулидаги мухим омил эканлиги энди хеч кимга сир эмас.

Узбекистоннинг хозирги тараккиёт боскичидаги маънавий омиллар хамда миллатлараро муносабатлар масаласига караш хам тубдан узгарди. Чунончи, истиклоннинг дастлабки даврларида «соҳта байналмилаллик» олдида юрак олдириб куйган хамда хадиксираш касалидан холи булмаган холда хар кандай миллийликни улуглаш ва хар кандай «байналмилаллик» дан кочиш хиссиёти юзага келган эди. Бундай жиддий ва катъий кутблилиқ, табиийки, жамият ижтимоий тараккиётига, айникса, миллатлараро муносабатлар масаласига жиддий салбий таъсир курсатиши мумкин эди.

Шунинг учун хам Узбекистон хукумати маданиятдаги миллийлик ва байналмилаллик нисбатини саклашга мухим вазифа сифатида муносабатда була бошлиди. Айни пайтда 130 га якин миллат ва элат яшаётган Узбекистонда хар бир

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон маёт – пировард ма³садимиз. Т., 2000, 24-бет.

миллат равнаки, унинг баркарор тараккиёти, хавфсизлиги ва яшаш кафолотлариға хар кандай таҳдидларнинг олдини олиш, у ёки бу миллатга мансуб кишилар гурухининг худбинлик кайфиятларини мукаррар тарзда бошқа миллат, халк имкониятларини зуравонлик ва зугум билан чегаралаб куядиган давлат сиёсатининг ишлаб чикилиши бу борадаги амалий ишларнинг самарасини ошириди.

Узбекистонда истикомат килаётган куп миллатли халкларнинг маданий тараккиёти, уларнинг узликларини англаш жараёнларига булган интилишларини ко-нуний-хукукий асосда кондириш масалалари хам мамлакат хукумати олдидаги энг мухим вазифалардан бири булди. Шу уринда 1989 йили маданият вазирлиги хузурида республика миллатлараро маданий марказнинг ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Агарда 90-йилларнинг бошларида Узбекистонда 12 та миллий-маданий марказ фаолият курсатган булса¹, хозирги кунга келиб уларнинг сони 80 дан ортди. Мустакиллик йилларида миллий-маданий марказлар фаолияти устидан мувофиқлаштирувчи ишларнинг кулами хам ортди ва 1992 йил январ ойида хукумат карори билан Республика Байналмилал Маданий маркази ташкил этилди.

Ушбу марказнинг бош вазифаси килиб эса миллий маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам курсатиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий анъана, урф-одатларни кайтадан тиклаш, МДХ ва хориж давлатларидағи байналмилал маданий марказлар билан хамкорлик алоказарини кучайтириш, Узбекистонда миллатлараро алоказарни яхшилаш, ижтимоий баркарорликни таъминлаш каби мухим масалалар киритилди.

Истиклол йилларида маънавият-маърифат масаласига жиддий эътибор хукумат томонидан бу борада мукаммал тарзда ишлаб чикилган дастур асосида иш олиб боришни талаб этди. Шу аснода 1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий хаётида мухим воеа юз берди: Президент Ислом Каримов фармони билан Республика Маънавият ва Маърифат жамоатчилик маркази ташкил этилди.

Маълумки, собик иттифок тутатилиши билан бирга унинг коммунистик мафкураси хам бархам топди. Бу мунофик, яккахоким мафкуранинг аччик сабокларидан аччик сабокларидан хulosча чиқариб мамлакатимизнинг Асосий Конунида «Хеч кайси мафкура давлат мафкураси булишига йул куйилмайди», деб ёзиб куйилди. Шу аснода, жамиятимиз хеч качон мафкура яккахокимлиги руй бермаслиги учун зарур булган хукукий пойdevor яратилган. Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази айни шу максадни кузда тутиб ташкил этилди².

Кайд этиш лозимки, маънавият-маърифат маркази киска давр ичида халкимизнинг бой маънавий меросини урганиш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган илгор гояларни юзага чиқариш буйича йирик ишларни бажарди. Шу билан бирга, маънавият ва маърифат масалалари ни бевосита жамоатчилик йули билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши уз самарасини бермокда.

Ушбу йуналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш максадида 1996 йил 9 сентябрда Узбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадор-

¹ Узбекистон миллатлараро ҳамкиматлик йўлида. Т., 1996. 111-бет.

² Ж’раев А. Агар оғоц сен ... Т., 1998. 148-бет.

лигини ошириш тугрисида»ги фармони жамиятни маънавий баркарорлаштиришда муҳим ахамият касб этади¹. Ундан мазкур масалада жиддий ижобий узгаришлар билан бир каторда айрим холларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг силжишимиш, фаровон жамиятга тезрок етишимиздаги кимматини чукур идрок этмаслик холлари мавжудлиги, бу ишга даҳлдор раҳбарларда масъуллик хислари паст эканлигига эътибор каратилди.

Фармонга асосан 1997 йилдан бошлаб 1 октябр «Уқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон килинди, «Маънавият» нашриёти ташкил этилди, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кошида «Олтин мерос» халкаро хайрия жамгармаси таъсис этилди.

Бу борадаги ишларни тартибга келтириш, фаолият самарадорлигини ошириш максадида Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1999 йил

3 сентябрда «Республика маънавият ва маърифат кенгашини куллаб-куватлаш тугрисида»ги фармонга имзо чекди. Ушбу фармон маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устивор йуналиши эканлиги тугрисидаги гояни янада мустахкамлари ва янада унга куч берди.

Хукумат томонидан курилган тадбирлар самараси натижасида маънавият ва маърифат жамиятда рухий покланишга, шахс улугворлигини оширишга, демократик, хукукий, инсонпарварлик давлат куришга мустахкам пойdevор яратди.
2. Таълим тараккиёти, унинг узига хос хусусиятлари.

Инсоният тарихида уз ижтимоий ахамияти жиҳатдан алоҳида эътиборга лойик холатлар, кадриятлар мавжудки, булар у ёки бу миллат, элат, халкнинг мавжудлик белгиси, тараккиёт мезони сифатида баҳоланиши мумкин. Миллат мавжудлигининг ана шундай муҳим белгиларидан бири таълим тизими хамда юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Дарҳакикат, таълим тизими демократик тамоиллар билан уйғунлашган, унинг инсонпарвар жамият барпо этиш каби зарур ижтимоий эҳтиёж талабларига жавоб бергандагина у уз олдига куйган буюк максад – баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш вазифасини адо этиши мумкин.

Коммунистик «назария» томонидан таълим тизимиға куйилган асосий максад – жамият аъзоларини мағкуравий кулликка, итоаткорликка мажбур килишдан бошка нарса эмасди. Мағкуравий бикиклиқ, эркин фикр юритишдан иборат (шахс даҳлсизлиги, демократик тамоилларга беписандлик билан муносабатда булиш каби иллатлар кишиларда ижтимоий пассивлик холатини юзага келтирди).

Буларнинг бариси Узбекистон мустакиллигининг дастлабки давриданок барча соҳаларда булгани каби таълим тизимида хам чукур узгаришларни амалга оширишга, туб ислохотларни утказишга унлади. Истиклол мамлакат фуқароларида эркин фикрлашга булган ижтимоий эҳтиёжни уйготди.

Мағкуравий кулликдан холи равища, мамлакат ва халк манфаатларига мос тарзда фаолият курсатишга интилиш хиссиётини бемалол, эмин-эркин руёбга чиқариш Узбекистон фуқаролари дунёкарашида янгиликка ташналик кайфиятини пайдо килди. Бу масала айникса, янги тайёрланиши, шаклланиши лозим бул-

¹ Гулистон, 1997, №1, 4-бет.

ган мутахассис кадрларга нисбатан муносабатни узгартириб юборди. Истиклолнинг дастлабки даврлариданок мамлакат хукумати мавжуд таълим тизимида туб ислохотларни утказишга алохиди ахамият беришга киришиши лозимлигини англаб етди. Мамлакат Президенти таъкидлаганидек, «олдимизга куйган энг эзгу максадларимиз билан узвий болган бугунги кундаги яна бир гоятда дол зарб масала – кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни давом эттириш ва кучайтириш бундан буён хам биз учун устивор вазифа булиб колди»¹.

Хуш, юкорида кайд этилган холатлардан ташкари, яна кандай сабаблар таълим тизимида туб ислохотларни утказишга ундали? Булар, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик узгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофик эмаслиги, укув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юкори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли укув-услубий ва илмий адабиёт хамда дидактик материалларнинг камлиги таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш уртасида пухта узаро хамкорлик ва узаро фойдали интеграциянинг йуклиги кабилардир.

Буларнинг бариси таълим тизимини зудлик билан ислоҳ этишни, мазкур соҳани чукур инсонпарварлаштиришни талаб этарди. Тугри, 1992 йил июлида кабул килинган «Таълим тугрисида»ги конун ва давлатимизнинг шу асосдаги таълимтарбия сиёсати ишлаб чиқилган эди. Унда умумий таълим куйидаги боскичлар буйича амалга оширилади:

I боскич – бошлангич таълим (1-4 синф);

II боскич – асосий (таянч) мактаб (4-9 синф);

III боскич – юкори урта мактаб (10-11 синф);

10-11 синфлар ихтисослашган булиб, укувчиларни олий укув юртларига тайёрлашга хизмат кила бошлади.

Таъкидлаш лозимки, хамдустлик мамлакатлари орасида биринчи булиб республикамиизда «Таълим тугрисида»ги конуннинг кабул килинганилиги, «Мактабгача тарбия», «Умумий урта таълим», «Мактабдан ва синфдан ташкари тарбиявий ишлар», «Ёшлар сиёсатига оид» каби катор концепциялар ва дастурлар яратилганилигини, давлат таълим тизими жаҳон амалиёти талабларига мувофик келиши учун хорижий давлатлардаги илгор тажрибаларнинг урганилаётганлиги ва шу аснода 20 дан ортиқ йуналишлар, фанлар буйича стандартлар лойихали тайёрланди².

1993-94 укув йилида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Коракалпогистон Республикаси мактаблари укувчилари билимларини текшириш юзасидан утказилган тест синовлари куйидаги натижаларни курсатди. Ушбу синовга 70 та туман ва шахарларнинг 400 дан ортиқ мактабларнинг укувчилари жалб этилди. 9-синфларда кимё ва адабиёт фанларидан тест синови утказилди. Яқунлар куйидаги меъёрда баҳоланди: 90 фоиздан ортиқ мактабларнинг бажарганларга «5» баҳо, 80 фоиздан камига «4» баҳо, 60 фоизидан ортигига эса «3» баҳо.

Мазкур синовлар натижалари укувчиларнинг гуманитар йуналишдаги фанлар буйича чукур билим олаётганликларини курсатди. Масалан, адабиёт фани буй-

¹ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон маёт – пировард маъсадимиз. Т., 2000. 27-бет.

² Эргашев К. Ӯзбекистон ҳал³ таълим мининг ривожланиш тарихи. Т., 1998, 59-бет.

ича таянч мактабларининг 10186 укувчисидан 1275 таси 90%дан ортик вазифаларни, 2552 укувчи 80%дан ортик вазифаларни бажардилар, яъни укувчиларнинг туртдан уч кисми фанни яхши ва аъло баҳоларга узлаштирганликларини намойиш этдилар¹.

Истиклол йилларида умумтаълим мактабларида она тилини уқитишига муҳим эътиборнинг каратилиши ва «Давлат тили хакида»ги Конунни бажариш юзасидан олиб борилган ишлар таълим-тарбия жараёнининг сифатини янада ошишига сабаб булди. Укиш узбек тилида олиб бориладиган мактабларда она тили ва адабиётига ажратилган соатлар хажми купайиб, 2720 соатга етди. Укиш рус тилларида олиб бориладиган мактабларда эса узбек тили фанига ажратилган соатлар 544 соат урнига 1020 соатга етди. Булар укувчиларда миллий узлигини англаш хиссини кучайтириди, уз улкасига, тарихига кизикишини ва уз Ватанининг гуллаб-яшнаши йулида фаолият курсатиш хиссини уйготди.

Умуман, 1992 йилда кабул килинган «Таълим тугрисида»ги Конун Узбекистонда таълим тизимини ислоҳ килишда маълум рол уйнади. Мазкур хужжат шуролар мустабид тизими давридан «мерос» булиб колган, коммунистик мафкурага хизмат килувчи мафкуравий кучни бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этди, жаҳон андозаларига мос тизим яратилишида дастлабки кадам булди.

Бирок, кайд этиш жоизки, мазкур хужжат Узбекистоннинг янги шароитдаги вазифаларига тулик жавоб бера олмас эди. Шунинг учун хам Узбекистон хукумати таълим тизимини тулик ислоҳ этишга кодир хужжатларни кабул килишга эътиборни кучайтириди ва бу борада бош ислоҳотчилик йулини уйнади. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида тамомила янги, сифат жихатдан мукаммал «Таълим тугрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди.

Мамлакат Президенти юкорида кайд этилган хужжатларни кабул килишга ундаётган омилларни эътиборга олган холда куйидаги фикрни баён этди. Биринчидан, биз эски шуролар замонидан колган таълим-тарбия тизимиға хос мафкуравий карашлардан ва саркитлардан хали-бери тулик кутулганимиз йук. Иккинчидан, барча амалдаги узгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаки булиб, таълим-тарбия ва укув жараёнларининг таркибини, боскичларини бир-бири билан узвий bogлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил килиш муаммоларини ечиб берган эмас.

Учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги кун замонавий, тараккий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги куп жойларда яккол куринмокда². Мазкур мулоҳазалар янги хужжатлар кабул килингунгача булган даврдаги таълим тизимининг чекланганлигидан яккол далил берарди.

«Таълим тугрисида»ги Конуннинг энг илгор жихатларидан бири – унда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг баён этилиши булди. Улар куйидагилардан иборат эди:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
умумий урта, шунингдек урта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

¹ ҲЗР ХТБ УМББ нинг жорий музжаллари. 2-9-13-иш; 2-3 вара³лар.

² Баркамол авлод – Ҳзбекистон тара³³иётининг пойдевори. Т., 1997, 6-бет.

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
урта-махсус, касб-хунар таълимининг йуналишини: академик лицейда ёки касб-хунар колледжида укишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг хамма учун очиклиги;
таълим дастурини танлашга ягона ва табакалаштирилган ёндошув;
билимли булишни ва истеъодни рагбатлантириш;
таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйгунлаштириш.

Масалага бундай тарзда ёндошув таълимнинг мамлакатда курилаётган демократик, хукукий, инсонпарвар жамият талабларига тулик жавоб бериши, унинг миллий ва умуминсоний кадриятларга содиклигидан гувоҳдир. Шу билан бирга, умумий урта таълим, урта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий укув юритидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш, мактабдан ташкари таълим турларига асос солинди, мавжудларини такомиллаштириш йуллари ишлаб чикилди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг таълим-тарбия соҳасига шу даражада катта эътибор бериши бежиз эмасдир. Гап шундаки, мамлакатимиз ахолисининг аксарият купчилиги ёшлар, усмирлардан иборат булиб, улар уз келажакларини айнан билим олиш билан боғлагандирлар. Хусусан, хозирда Узбекистонда 9,5 мингга якин умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, коллежлар, 300 га якин урта махсус муассасалар, 65 та олий укув юртлари булиб, улардан 600 мингдан ортиқ турли малакадаги педагоглар меҳнат килади.

Сунгги йилларда миллий мактаблар тизимини яратиш борасидаги ишларнинг таркибий кисми сифатида республикамида яшаётган ва озчиликни ташкил этган (мамлакатлар) миллатлар фарзандлари таълим-тарбиясига хам эътибор кучайтирилди. Узбекистонда 2,5 мингдан ортиқ укувчиси булган 50 га якин кримтатар мактаби, 130 та укувчисига эга булган 2 та немис мактаби, 2400 га якин укувчисига эга булган 24 та корейс мактаби, 4 та уйгур, 1 дан курдлар, яхудийлар мактаблари фаолият курсатмоқдалар. Бундан ташкари, 9 мингдан ортиқ козок фарзандлари, 3000 мингдан ортиқ тожик фарзандлари, 1 мингдан ортиқ киргиз фарзандлари ва 1,5 мингта якин туркман фарзандлари хам уз тилларида таълим-тарбия ола бошладилар¹.

Узбекистон хукумати истиклол талабларига жавоб бера оладиган иктидорли ёшларни танлаб олиш, уларга фан йулидаги сукмокларни шараф билан босиб утиш борасида хам катор ишларни амалга оширмоқда. «Умид» жамгармасининг Узбекистон Президенти томонидан таъсис этилишини шу маънода тушуниш лозим. Жамгарма Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 13 январ Карорига мувофик иш бошлади.

Маълумки, мамлакатимизда тарихий туб узгаришларни муваффакиятли утказиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иктисодий ислохотларни амалга ошириш учун жаҳон андозалари даражасида билим олган истеъоддли, рухан баркамол ёш миллий кадрлар зарурдир. «Умид» жамгармасининг уз олдига куйган энг катта максади хам халк хужалигининг нуфузли тармокларини юкори малакали

¹ Эргашев К. Ӯзбекистон ҳал³ таълимининг ривожланиш тарихи. Т., 1998. 64-бет.

мутахассислар билан таъминлашдан иборат булди. Хозирги кунда Узбекистонлик талабалар уз танлаган ихтисосликлари буйича АКШ, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг жаҳонга машхур олий укув юртларига муваффакият билан шугулланмоқдалар.

«Таълим тугрисида»ги конун, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури жамиятни маънавий жихатдан баркарорлаштириш жуда катта вазифаларни бажармоқда, ёшларда Ватанга, миллатга меҳр-мухабbat хиссини сингдиришда, жаҳон андозаларига мос фаолият курсатишда муҳим омил булмоқда. Шу билан бирга, янги таълим-тарбия дастури ёшларда мафкуравий эътиқодни мустахкамлашда, миллий гоя ва миллий мафкура моҳиятини англашда алоҳида аҳамиятлидир, зоро, мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустахкамлаш, иродасини бакувват килиш, уларни уз мустакил фикрига эга булган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш жуда зарурдир. И Каримов кайд этганидек, энг муҳим вазифа «уларнинг тафаккурида узлигини унутмаслиқ, ота-боболарнинг мукаддас қадрияларини асраб-авайлаш ва хурмат килиш фазилатини карор топтириш, уларнинг мен узбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишdir»¹.

3. Маданий хаёт.

Хар кандай шароитда хам барча миллат ва ҳалклар узининг маънавий эҳтиёжларини кондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият – инсон учун мавжудлик белгиси. Маънавий бойлик – у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан узига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йук ҳалкнинг узи йук. Шу билан бирга хар бир ҳалк маънавияти хам бир хил дараҷада эмас.

Шу уринда мамлакат юртбошисининг «биз ҳалкни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз»², – деган фикрларида жуда мантиқ ва маъно бор. Бирок, шуролар мустабид тизими шароитида узбек миллий маданияти хаддан ортиқ даражада куп зарар курди. Барча мустамлакачилик каби коммунистик мафкура маддоҳлари хам узбек ҳалкини кул килиш учун энг аввало шу ҳалкнинг миллий маданиятини йук килишга зур бердилар.

Таъқид этиш жоизки, маънавий маданияти юксак, унинг илдизлари бакувват ҳалкнинг ижтимоий онгидан шу ҳалк маданиятини хеч качон тамомила йук килиш мумкин эмас. Тугри мустамлакачиликлар натижасида узбек маданиятига катта заар етказилди, унинг маънавий илдизларини киркиб ташлашга уринилди. Лекин улар бунинг уддасидан чика олмадилар.

Узбек ҳалки катта йукотишларга қарамасдан узлигини, уз миллий маданиятини саклаб кола билди. Бунга якин ва узок тарих гувоҳдир. Эндиғи вазифа – маънавий хаётдаги барча йукотишларнинг урнини коплашдан иборат булди. Бу нарса ҳалкимизнинг маънавият ва маърифатга муҳтожлиги ва унинг танқислиги билан белгиланди. Кишининг узлигини англаши, уз шаънини химоя кила олиши ва барча ёмонликлардан узини тия олиши учун ориф булмоги, калбининг тубида, жиндай булса-да, маърифат шамчироги ёниб турмоги лозим. Ана шунда одам

¹ Каримов И. Донишманд ҳалғимизнинг мустақам иродасига ишонаман. Т., 2000. 6-бет.

² Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак й³. Т., 1998. 18-бет.

гунохдан хазар килиш, барча неъматлардан акл-идрок ва инсоф доирасида фойдаланиш йулини тутади. Ножуя хатти-харакатлари учун тавба-тазарру килиш зарурлигини англай бошлайди¹.

Узбек халки айнан шу йулдан борди, уз миллий-тариҳий, маданий меросига содиклигини курсата билди. Бу эса мустамлакачиликлар даврида йукотилган, тапталанган маданий меросни тиклаш, узлигини англашга булган рагбатни уйготди.

Истиклол йилларида узбек маданий хаёти уйгонди, жонланди ва узининг бутун мавжуд буй-бастини курсата билди. Театр, мусика санъати ривож топди, маданий алокалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий ахамияти ошди, миллий адабиёт равнак топди.

Айникса, театр санъатининг ривожи гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мағкурунинг хизматкорига айланган, сиёсий максадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини хал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари урнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини кондирувчи спектакларни фукаролар хукмига хавола этишга асосий эътибор каратилди.

Хозирги шароитда Узбекистонда фаолият курсатаётган 36 та драматик, мусикали драма ва комедия, опера ва балет, куғирчок театрлари ана шундай вазифаларни бажардилар. 1998 йил 26 марта Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Узбекистон театр санъатини ривожлантириш тугрисида»ги Фармони эълон килинди. Унга биноан, Узбекистон томоша санъатининг куп асрлик анъаналарини урганиш, бойитиш ва тарғиб килиш, театр санъатини хар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини янада мустахкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда театр арбобларининг фаол катнашишини таъминлаш, республика Маданият ишлари вазирлиги театр ташкилотлари негизида ва театр арбоблари уюшмасида бадиий замонавий сахнабоп асарлар яратиш максадида Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси кошида «Узбектеатр» ижодий-ишлар чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

«Узбектеатр» бирлашмаси узининг театр ташкилотлари хамда монтакавий булимига эга булиб, мулкчилик шаклларидан ва кандайдир муассасага идоравий даҳлдорлигидан катъи назар мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр студияларида халқ театрлари ва бошка тегишли ташкилотлар жамоаларини ихтиёрий тартибда бирлаштириди².

Театр санъатини ривожлантириш йулида 1998 йил ноябр ойида утказилган «Хумо» халкаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида ахамият касб этди.

Ушбу фестивалда Узбекистон ва Истроил давлатларининг энг яхши театр жамоалари иштирок этдилар. Мазкур фестивал доирасида 32 та спектакл намойиш этилди, уларни 20 мингдан ортик томошабин томоша килди.

Узбекистоннинг уз мустакиллигини кулга киритиши натижасида маънавий маданиятнинг мухим жабхаси булган мусика санъати хам жуда ривож топа бошла-

¹ Ж’раев Н. Тарих фалсафаси. Т., 1999, 150-бет.

² Узбекистон Республикаси. 100 саволга 100 жавоб. Т., 1998, 177-бет.

ди, зеро табиатан нозиктаб, санъатсевар ва санъат ахлига талабчан узбек халкининг мусикаси кенг куламли маънавият кузгусидир. Шуролар даврида асосан мафкуравий хукмронлик кулига айланган мазкур санъат тури эркинлик йулига кирди. Жамият аъзолари миллий қушикчилик санъатидан баҳраманд була бошлидилар.

Узбекистон хукумати халкимизнинг миллий қушикчиликка булган ижтимоий эҳтиёжини эътиборга олиб миллий руҳдаги, халкнинг қунглига якин мусика асарларини яратишга булган кизикишни доимо рагбатлантириди. Истиклоннинг дастлабки кунлариданок мусика санъати буйича катор қурик-танловлар утказила бошланди. Хусусан, 1992 йил март ойида Тошкент шахрида танбур, сато, күшнай, сурнай ва бошка миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика қурик танлови, апрел ойида Тошкент вилоятида хаваскор қуғирчок театрлари жамоаларининг қурик-танлови, шунингдек, машхур санъаткорлар Журахон Султонов, Сайджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Хасанов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Содиков, Жанак Шомуратовларнинг асарлари ижрочиларининг «Бокий овозлар» деб номланган қурик-танловлари утказилди. Айни вактда 1992 йил май ойида Хоразм вилоятида фольклор жамоаларининг, асқия, кизикчи ва масҳарабозларнинг, июн ойида Куконда утказилган IX анъанавий ва лапар, ялла ижроияларининг август ойида Тошкент шахрида утказилган XI анъанавий қурик танлови миллий санъатимиз ривожига катта хисса булиб қушилди.

Мамлакатимиз хукумати қушикчилик санъатидан мустакилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда ҳам унумли фойдаланишга эътиборни кучайтириди. Шу максадда 1995 йил декабрда «Узбекистон – Ватаним маним» мавзуидаги қушиклар қурик-танлови эълон килинди. Мазкур танлов барча вилоят, шаҳар ва туманларда жуда катта кутаринкилик руҳида утказилди ва унинг натижасида юзлаб янги, мустакиллик даври қушиклари яратилди, куплаб истеъоддли санъаткорларнинг пайдо булишига сабаб булди.

«Узбекистон – Ватаним маним» қушик қурик-танловининг 1996 йил март ойида булиб утган биринчи боскичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусикий асарлар яратилди. Кайд этиш лозимки, мазкур танлов истиклонни, Ватанини, узлигини англашда муҳим қадам булди. Халкимизнинг бундай тадбирга кизикиши ортиқ булди.

Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Узбекистон – Ватаним маним» қушик байрами ҳакида» маҳсус фармон кабул килинди. Фармонда фуқаролар қалбида мукаддас Ватан туйгусини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусика асарлари ва қушикларнинг яратилишига кенг имконият яратиш максадида ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Узбекистон – Ватаним маним» қушик байрами куни, деб белгилаб қўйилди. Айни пайтда, халкимизнинг қушикчилик санъатига булган буюк кизикишини эътиборга олиб, Маданият ишлари вазирлиги хузурида «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

Натижада, мазкур қурик-танлов хозирда оммавий тус олди, унда нафакат узбек миллий, шу билан бирга мамлакатимизда истикомат килаётган бошка барча ҳалклар вакилларининг эркин ижод килиши, уз санъатларини намойиш этиш

имконияти яратилди. Профессионал ва халк бадиий ижодиёти асосида санъатнинг кушикчилик турига тенг эътибор берилиши, уларнинг уйгун ривожланишига шароит яратилиши туфайли мазкур санъат тури янада ривож топмокда. Маълумки, Узбекистонда жаҳон цивилизациясида алоҳида уринга эга булган буюк моддий маданият яратилди. Улар халкаро ҳамжамият томонидан аллакачон эътироф этилган. Бирок, шуролар мустабид тизими даврида Узбекистон моддий маданиятига катта зарар етказилди. Минглаб ноёб маданият дурданалири, асори-атикалари хорижга, асосан, Москва, Санкт-Петербург музейларига ташиб кетилди. Миллий узликни англашда бундай ёдгорликларнинг ахамияти катта эканлигини эътиборга олиб, мустамлакачилар иложи борича улар ижтимоий-маданий ахамиятни камчишигга харакат килдилар.

Аммо, мустакиллик бундай жирканч сиёсатга барҳам берди. Истиқлолнинг дастлабки даврлариданок музейлар, қурикхоналарнинг урни ва ролини белгилаб беришга алоҳида ахамият берилди. Маълумки, ҳозирда биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар буйича 68 та музей мавжуд булиб, булар 21 та улкашунослик, 10 та бадиий, 14 та мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадиий, 1 та табиий-илмий музейлардир.

Шу билан бирга Самарканда Давлат музей-курикхонаси, Бухорода Давлат музей-курикхонаси, Хивада «Ичон-Калъа» давлат музей-курикхоналари фаолият курсатмокда. 1999 йилги маълумотларга кура, республикамиздаги музейлар фондида 1305786 экспонат сакланмоқда. Биргина 1999 йилда уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат кабул килинди. Шу йилнинг узида барча музейларга 1655400 киши ташриф буюрди¹.

Узбекистон хукумати халқимизнинг у миллий узлигини англаш жараёнини янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тугрисида»ги, 1999 йил 5 декабря эса «Музейлар фаолиятини куллаб-куватлаш масалалари тугрисида»ги карорларни эълон килди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тугрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Унга биноан барча турдаги музейлар фаолиятини мувоғиқлаштириш, куллаб-куватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам курсатишни таъминлаш максадида Маданият ишлари вазирлиги кошида «Узбекмузей» жамгармаси ташкил этилди, узбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди².

Курилган барча тадбирлар натижасида музейларнинг ижтимоий-маданий ахамияти анча ортди, уларнинг узбек халки миллий узлигини англаш жараёнидаги роли кучайди. Музейларга эътибор хорижлик фукароларнинг Узбекистонга, унинг бой ва қадимий маданиятига булган кизикишини оширди.

Истиқлол узбек халкига уз миллий адабиётини кайтариб берди. Коммунистик мағкурунинг жарчисига айланган «совет адабиёти» вайронлари урнига пайдо булган узбек миллий адабиёти тезликда узининг каддини кутарди, партиявий-

¹ «Мозийдан садо», 2000, №1-2, 22-бет.

² «Гулистон», 1998, №2, 5-бет.

лик, синфиийлик каби хатто методологик асослардан воз кечила бошланди. Мумтоз адабиётга муносабатда диний адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, сарой адабиёти дейилган тушунча ва бир миллат адабиётини реакцион ва прогрессив деб иккига булиб урганишдекк хатто назарий чеклашларнинг даф этилиши миллий адабиётнинг холисона баҳоланишига имкон яратди.

Диний манбаларнинг, жадид адабиётининг сиёсий-мафкуравий ақидаларсиз урганилишига нисбатан булган муносабатнинг ижобий хал этилиши жамиятни маънавий жихатдан баркарорлаштиришга шарт-шароитлар яратди.

Шундай килиб, мустакиллик Узбекистон маънавий хаётини баркарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ходисаларга муносабатни узгартирди. Истиклол туфайли маънавий турмушимиздаги куплаб муаммолар хал этила бошланди. Курилаётган демократик, хукукий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига утиш, жаҳон хамжамияти билан мафкуравий тазийкларсиз узаро хамкорлик килиш имконияти – буларнинг баричи Узбекистон маданиятини ҳалқчил килди. Узбекистон, узбек ҳалкининг дунёдаги узига хос ва мос урни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига күшган бебаҳо хиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий хаётнинг гуллаб-яшаши учун мустахкам замин яратилди.

Таянч тушунчалар

Маънавий-маърифий ислоҳот, устувор йуналиш, маънавият ва маърифат маркази, миллий гоя, миллий-маданий марказ, истиклол мафкураси, комил инсон.

Мавзуни такрорлаш учун саволлар

Мустакиллик шароитида миллий маданиятлар ривожланишининг ижтимоий-сиёсий омилларини таҳлил этинг.

Маданий юксалишнинг хозирги боскичи хусусияти нимада?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳияти ва зарурлиги.

Маънавий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширишнинг асосий йулларини айтинг.

Таълим конуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маданий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширишдаги аҳамияти.

Маданий тараккиётда миллий-маданий марказларнинг урни.

Маданий-маърифий ислоҳотлар жараёнида миллий тарихий меросга муносабат мезонлари.

Маданий тараккиётда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг уйгунилиги.

Маданий-маърифий ислоҳотлар ва комил инсон тарбияси вазифасини тушунтилинг.

АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Т., 1992.

- Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. Т., 1994.
- Каримов И.А. Биз куриш ва яратиш йулидан бораверамиз. Т., 1995.
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т., 1996.
- Каримов И.А. Ватан саджагох каби мукаддасдир. Т., 1996.
- Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиклол, иктисад, сиёсат, мафкура. Т., 1996.
- Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида. Т., 1997.
- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998.
- Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999.
- Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., 2000.

МУНДАРИЖА

МУКАДДИМА 2

МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ 5

1-МАВЗУ. МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА
ВАЗИФАЛАРИ. «МАДАНИЯТ»

ТУШУНЧАСИ ТАЛКИНИ 5

2-МАВЗУ. МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИНГ
АСОСИЙ КОНУНИЯТЛАРИ 18

3-МАВЗУ. МАДАНИЙ ВА МАҶНАВИЙ МЕъРОС 31

ЖАХОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ 37

4-МАВЗУ АРХАИК (ИБТИДОЙ) МАДАНИЯТ 37

5-МАВЗУ АНЪНАВИЙ МАДАНИЯТ 49

6-МАВЗУ «ДИНИЙ МАДАНИЯТ» (IV-XVI АСРЛАР ХРИСТИАН
ЕВРОПАСИ ВА МУСУЛМОН ШАРКИ) 61

7-МАВЗУ ТЕХНОГЕН МАДАНИЯТ (XVI-XX АСРЛАР) 71

ВАТАН МАДАНИЯТИ ТАРИХИ 80

8-МАВЗУ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛКЛАРИНИНГ
КАДИМГИ МАДАНИЯТИ. 80

9-МАВЗУ ШАРК УЙғОНИШ ДАВРИ МАДАНИЯТИ 91

10-МАВЗУ ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
МАДАНИЯТИ (XIV АСРНИНГ ИККИНЧИ
ЯРМИ – XV АСР) 97

11-МАВЗУ XVII-XX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИ 111

12-МАВЗУ МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ВА УЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ
ТАРАККИЁТ 120